

Ўтқир ҲОШИМОВ

ОК БУЛУТ  
ОЛЛОК БУЛУТ

DAYN PRESS

Үткір ҲОШИМОВ

# ОҚ БУЛУТ, ОППОҚ БУЛУТ

Ҳикоялар, ҳажвий ҳикоялар, қисса

(Қайта нашр)

ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS» НМУ  
2014

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ҳалқ ёзувчиси Сайд Аҳмад бир вақтлар шундай деган эди: «Ўткирнинг бундан қирқ йил аввал ёзган асарларини бугун ўқисангиз бутун ёзилгандек...»

Устоз адабнинг бу баҳоси бежиз эмас. Элимизнинг ардоқли адаби, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов асарлари энг холис ва энг «бешафқат» икки ҳакам — Китобхон ва Бақт синовидан ёргуғ юз билан ўтиб келмоқда. Чунки уларда Инсон қисмати тасвирланади. Заминида Ҳақиқат ётади...

Қўлингиздаги китобга адабнинг жиддий ва ҳажвий ҳикоялари, «Шамол эсаверади» қиссаси киритилган. Улар бугунги китобхонни ҳам ҳаяжонга солишига ишонамиз.

*Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.*

**“DAVR PRESS” нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тұлық қолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик күринишда күчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.**

ISBN 978-9943-4443-7-9

© Ўткир ҲОШИМОВ, 2014  
© «DAVR PRESS» НМУ, 2014

## ҲИКОЯЛАР

### ОҚ БУЛУТ, ОППОҚ БУЛУТ

Бадиий асар ҳам тирик инсон каби түгилади. Унинг ҳам қисмати бұлади... Бу ҳикоянинг тарихи қизиқ. У бундан салкам қирқ йил аввал ёзилған. Аммо кейинчалик эълон қилингандык китобларга киритилмаган. Сабаби шуки, күп ўтмай яратылған «Икки эшик ораси» романида ҳам шунга ўхшашиб тасвир бор: икки йигитчанинг жонини гаровга құйиб сувга калла ташлаши манзараси. Ёзувчи ўзини ўзи тақрорлашга ҳаққи йүқ. Лекин бу ҳикоядаги «ечим», хулоса бутунлай бошқача. Асар бугунги китобхонни ҳам ҳаяжонга солиши, ҳаёт ва муҳаббат деган сеҳрли нарса ҳақида ўйлашга ундашига умид қиласаман.

*Муаллиф*

Самолёт ёмгиридан қорайиб ёттан бетон йүлкадан шиддат билан юргылаб борди-да, бирдан муаллақ тұхтаб қолғандек бұлды. Ёмғир томчилари муттасил чизиқ тортаёттан иллюминатор ойнасидан ташқарига қарадим. Самолёт қиялаб учыб борар, ердаги улкан резервуарлар, аэропортнинг йүлаклари лишилаб орта қолар, олисда эса қорайиб турған үрмөн күзга ташланар эди.

Зум ўтмай атрофни қуюқ туман ўраб олғандек бұлды. Бунақа пайтда самолёт силкинавериб одамни безор қиласади. Ўзимни қалғитищ учун боя аэропортда олған газетани яна күздан кечира бошладим. Аммо уни ўша ернинг ўзидаёқ үқиб бўлғандим. Шунинг

учун ҳафсаласизлик билан суюнчиққа бошимни қўйиб, кўзимни юмдим. Билмадим, қанча фурсат ўтди, бир маҳал ёнбош томондан аёл кишининг овози келди:

– Газетангизни кўриб берсам майлими?

Ёнимга келиб ўтирган аёлга эътибор бермаган эканман. Бурилиб қарадим. Қарадиму, эсанкираб қолдим.

– Дилафрўзмисиз? Нима қилиб юрибсиз бу ерда?

У қуралай кўзларини сузиб, қандайдир босиқ, аммо ўқтам овозда кулди.

– Нима, самолётда сиздан бошқа одам учмаслиги керакми?

– Йўғ-э, мен... шунчаки, сизни бунақа вазиятда учратаман деб ҳеч ўйламагандим.

Дилафрўз тагин ўша, ўзининг гўзаллигини биладиган аёлларга хос босиқ, хиёл эркароқ овозда кулиб қўйди.

– Дуруст, танидингиз... Мен қариб қолган бўлсам керак, деб қўрқувдим... – у бир зум ўйга толдида, яна кулимсиради. – Кўришмаганимизга ҳам ўн саккиз йил бўпти.

Мен унга энди яқиндан, синчилаб қарадим. Дилафрўз чиндан ҳам анча ўзгарган, тўлишиб, қандайдир виқорли аёлларга ўхшаб қолганди. Фақат кўзлари, кулганида ич-ичидан ёниб кетадиган қуралай кўзлари, ўзининг малоҳатига ишонган аёлларга хос хотиржам кулгиси ўша-ўша эди. Ҳозир унга шуни айтишим кераклигини билардим. Аммо оғзимдан бошқа гап чиқиб кетди:

– Мен сизни тушимда кўриб тураман. Ҳалиям...

Ҳа, мен уни ҳануз тушларимда кўриб туришим рост эди. Мен Дилафрўзни ҳар гал бир хил туш кўраман. У оппоқ қўйлақда бирдан пайдо бўлиб қолади. Қуралай кўзларида ўт ёниб, алланималарни гапиради, кулади... Кейин тўсатдан гойиб бўлади.

Ушанда, ўнинчи синфда ўқиб юрганимизда у кунора тушимга кириб чиқарди. Сочлари чиройли турмакланган, оппоқ кўйлақда, кўзларида табассум .. Бутун мактабда энг чиройли қиз шу — Дилафрўз эди. У бошқа мактабдан ўтган «янги» қиз бўлгани учунми, бир-бирини сенсираб гаплашадиган синфдошларнинг ҳаммаси уни сизлаб чақиради. Дилафрўз дарснинг биринчи куни оппоқ кўйлак кийиб, эшиқдан кириб келганидаёқ уни севиб қолдим. Кечалари уйқуга кетиш олдидан Худодан ёлгиз бир нарсани тилар эдим. Уни туш кўрсам, тушимда ақалли бир марта қўлидан тутсам... Эрталаб дарсга борганда, ўзини кўрганда эса ундан қочишга уринар, худди аразлаган одамдек узокроқдан ўтишга ҳаракат қиласдим. Назаримда, Дилафрўз осмон-фалақдан, оппоқ булатлар орасида сузиб юрган афсонавий малакка ўхшар, унга гапириш, тикилиб қарааш гуноҳ эди мен учун.

Очигини айтганда, синфимиздаги болаларнинг кўпин ошиқ эди унга.

Ҳатто Абжал деган «атаман»имиз ҳам Дилафрўзниң шарпасини сезиши билан мулоим тортиб қоларди. Асли исми Абдужалил бўлса ҳам феъли ёмонлигидан Абжал деб лақаб олган бу бола қўпол, тўнкамизож эди. Аммо бутун синф ундан ҳайиқар, аллақандай безорилар тўдасига қўшилиб юришини билардик. Абжал билан фақат битта бола — тулкидек устомон Умар ошначилик қилас, иккови доим бирга юришар, шунинг учун болалар унга «Дум» деб лақаб қўйишган эди.

Муҳаббат одамни чалғитади, дейишади. Ишонмайман. Муҳаббат одамга мислсиз куч-қудрат бағишилар экан. Ўша йили шу қадар яхши ўқий бошлидимки, авваллари уч олса ҳам куюнмайдиган, беш олса ҳам суюнмайдиган мендек бепарвонинг

бунчалик билагон бұлиб қолганига үқитувчилар ҳам, уйда акаларим ҳам ҳайрон эди. Мен бұлсам, дарсда қойилмақом қилиб жавоб берәёттанимда беш олишни эмас, Дилафұзни қойил қолдиришни үйлардим.

Битириш имтиҳонлари чүзилгандан чүзилиб, ҳаммамизнинг силламизни қуритиб юборди. Болалар мияси ачиб кеттанидан нолир, бу азоблардан тезроқ қутулишни тилар, мен бұлсам, имтиҳонлар янаям чүзилишини ич-ичимдан орзу қиласады. Мактабни битирсак, Дилафрұз билан бир умр видолашадигандек...

Эсимда, ұша куни кимё фани имтиҳонидан бир кун аввал йигилдик. Негадир үқитувчимиз келмади. Күпчилик тарқалиб кетди. Саратон иссигидан қызыб кетган, бүр иси анқиб турған синфда үн өзгөл бола қолдик.

— Яқында имтиҳонлар тамом! — деди болалардан бири орзумандык билан. — Кейин ҳаммамиз ҳар қаёққа «хушт!»

Парта устига миниб үтирган Абжал дүриллаб күлди.

— Биз қаёққа кетсак ҳам Дилафрұзни обкетамиз! — бу гапни у шунчалик беписандык билан айтдик, ўрнимдан сакраб туриб кетдім.

— Нима-а? — дедім чүзіб. — Сен...

«Олиб кетасанми?» дейишига тилим бормади. Олиб кетиш у ёқда турсин, Дилафрұз мана шу Абжалнинг ёнига келишини тасаввур қилишнинг үзи даҳшат эди мен учун.

Абжал боягидан ҳам беписандық оқанғда күлди.

— Ие, сен нега жириллайсан? Эшитиб қўй! Мен Дилафрұзхонни...

У ёғи қандоқ бұлганини билмайман. Бир маңал иккаламиз полда думалашиб айланған болладык. Абжал сочимдан чангаллаб туриб бошимни уч-тұрт

ерга урган эди, кўз ўнгим қоронгилаши-ю, ҳеч нима кўринмай қолди. Ўзимга келганимда Низом деган уртогим суяб ўтиради. Амаллаб ўрнимдеч турдим. Оғзим негадир шуртсанг эди. Кафтим билан артган эдим, қўлим қон бўлди. Абжал йўл-йўл қўйлагининг йиртилган ёқасини гижимлаганича кимёвий формулалар ёзилган тахта олдида туар, ҳансираб нафас оларди.

– Агар яна битта галирсанг, ё сен ўласан, ё мен! – бу ганини шу қадар ишонч билан айтдимки, атрофни ўраб турган болаларнинг нафаси ичига тушиб кетди.

– Унақа бўлса бир ёқлик қилиш керак бу масалани, – боядан бери охирги партада ўтирган «Дум» секин-секин юриб яқин келди. Қувлик билан ҳаммага бир-бир қараб чиқди-да, елкасини учирив давом этди: – Дилафрўзни Абжал яхши кўришидан хабарим бор эди. Энди Эргаш ёндан чиқсан ёнқозиқ бўлиб қолди. У менга имо қилди: – Йигитчасига бирон чора топиш керак энди.

Низом ранги учиб, унинг олдига бостириб борди.

– Ганини айлантирма, «Дум»! Нима демоқчисан?

– Бирон нарсадан гаров уйнашсин, ора очик бўлади-қўяди!

– Масалан?

– Масалан... – «Дум» мушкул муаммо қаршисида қолгандек пешанасини тириштириди. – Масалан, Бўрижарга калла ташлашдан. Ким омон чиқса...

– Думингни ликиллатма, «Дум»! – Низом нафрат билан ундан юзини ўтириди. – Эргаш яхши сузол-маслигини билиб, жўрттага айтяпсан.

Мен кафтим билан оғзимни артганча уларнинг баҳсини бепарво эшлитиб турадим. Гўё бу гапларнинг менга мутлақо алоқаси йўқдек. Фақат «Бўрижар!» дейиниганида бултур бир синфдо-шимиз темир йул қўпригидан калла ташлаб, сувдан чиқмагани

эсимга түшди. Унинг жасадини бир ҳафтадан кейин аллақайси туғондан топиб келишган эди.

— Хўш, нима бўпти? Гаровни эркак киши ўйнайди, — «Дум» ҳар эҳтимолга қарши Абжалининг яқинроғига бориб, овозини баландлатди. — Йигит деган дўппи тор келганида «вийт» деб қочмайди.

Секин ўрнимдан турдим.

— Кетдик.

Низомнинг ранги қув учиб кетди.

— Жиннимисан! Вей, аҳмоқ бўлдингми?

— Ҳозирмас, — деди Абжал ҳамон кўйлагининг йиртигини гижимларкан. — Эртага соат ўнда, кўприк устида.

«Дум» қўли билан Низомга имо қилди:

— Низом сенинг секундантинг бўлади. Мен Абжалга секундантлик қиласман.

Ўша оқшом ярим кечагача хаёлан Дилафрўз билан гаплашиб ётдим. Қани энди бир марта кўрсам, охирги марта кўриб қолсан... Йўқ, у олиса эди. Оқ, оппоқ булувлар устида эди. Аксига олиб, ўша куни ақалли тушимга ҳам кирмади.

Эрталаб карахт бўлиб уйғондим. Бошим лўқиллаб оғрир, негадир худди йиглаган одамдек кўзим ачишарди.

Кўчага чиқсан, дарвоза олдида Низом турибди.

— Борма! — деди қўл силтаб. — Биласан-ку, Абжал бандит! Тегирмонга тушса бутун чиқади. Нима, жонингдан тўйдингми?

Кўнглимнинг бир чеккасида Низом тўгри айттаётганини билиб турардим. Аммо ўзим ҳам тушуниб етмаган қандайдир қайсар туйгу нуқул олга итарарди. Қайтага яхши эмасми? Сен ўлиб кетасан, Дилафрўз ҳаммасини эшитиб, зор-зор йиглайди... Сени севмаганига, қадрингга етмаганига пушаймон бўлади. Абжалдан бир умр нафратланиб юради.

— Менга қара, Низом, — дедим совуққонлик билан. — Күрқаётган бўлсанг бормай қўя қол, менга секундантнинг кераги йўқ.

Низом бора-боргунча мени ҳам, Абжалини ҳам, «ҳамма галвани бошлаган» уша «Дум»ни ҳам сўкиб борди. Менга бу гаплар таъсир қилмас, хаёлим бошқа ёқда эди. Дилафрўз қаёқдайкин ҳозир? Нима қилаётганийкин?

Кўпrik устига етиб келганимизда ҳеч ким йўқ эди. Кун эрталабдан қизиб кетган. Ялтираб ётган темир йўл изиданми, қорамойга белангган шпалларданми, чучмал ҳид анқиб, нафасни олгудек бўларди. Кўпrik четига ўрнатилган лиқилдоқ панжарага суяниб пастга қарадим. Юқорида ёйилиб оқаётган сув шу ерга — темир йўл остига келганида кескин тораяр, икки чети бетонлаб қўйилган узандан шиддат билан оқиб ўтиб, нариги томондан отилиб чиқиб кетар эди. Шунинг учун бўлса керак, юқоридан сарғайиб келаётган сув нариги томондан кўпикланиб, оппоқ оқариб чиқарди. Жарнинг у юзида сап-сариқ қамишзор кўзга ташланар, янаем нарироқда ботқоқлик қорайиб кўринарди. Терак бўйи пастлиқда аждардек вишиллаётган Бўрижарга қаравшим билан юрагим орқага тортиб кетди.

— Қалай, юрагинг пўкиллаб қолмадими?

Дўриллаган овоз эгасини таниб, бурилиб қарадим. Абжал бир қўлида «портвейн» шишаси, бир қўлини белига тираганча кинояли илжайиб туради. Нарироқда эса Низом билан «Дум» юзма- юз туришар, Низом қўлини пахса қилиб, жаҳл билан алланималарни тушунтирас эди.

— Кетар жафосида отиб оласанми? — Абжал шундай деди-ю, шишани чаққон очди. Боши устида баланд кўтарганча қултиллатиб ича бошлади. У ҳар ютинганида дў рдоқ лабининг икки четидан қип-қизил вино сизиб тушар, кўйлагининг ёқасидан

тошиб, пастта оқар эди. Турқи күзимга шу қадар жирканч күриниб кетдики, ижирганиб юзимни үгирдим.

Дилафрұзни шунга топшириб құяманми? Шунга-я! Ундан күра бир марта әмас, үн марта чүкканим яхши әмасми? Абжал винони ичиб бұлды-да, кафтининг орқаси билан лабини артди. Шишани улоқтириб юборди. Шиша темир йўл четидаги қиррадор тошлар устига тушиб, чил-чил синди.

— Қани, ташла тангани! — Абжал «Дум»га қараб қичқирди. — Ташла, толеимизни синааб күрайлик!

«Дум» дарров жилпанглаб етиб келди.

— Мана бу 20 тийинлик, — деди құлидаги тангани күз-күз қилиб. — Қаёгини танлайсан?

Абжал кайфдан қизарған күзларини сузиб құл силкитди.

— Менға бари бир.

— Сен-чи?

— Менгаям!

— Бұлмаса бундай...

Узоқдан эшитилган гудок товуши «Дум»нинг гапини бұлды.

— Шошма, поезд ўтиб кетсин! — деди у билагонлик билан. — Ҳаммаси қойдаси билан бўлиши керак... Эркакчасига...

Шиддат билан келаёттан тепловоз яқиналашиб қолганда яна бир сигнал берди-да, вагонларни судраганча гулдураб ўтиб кетди. Йўл четидаги мазут сачраган, қовжираб қолган ўтлар силкиниб-силкиниб тагин қаддини ростлади. Зум ўтмай пастда яна Бўрижарнинг гувуллаши эштила бошлади.

— Гап бундоқ, 20 тийин деб ёзилган томони тушса, Эргаш биринчи бўлиб калла ташлайди. Орқаси тушса — Абжал. — «Дум» шундай деди-да, тангани чириллатиб осмонга отди.

— Мана, Низом, сен ҳам кўр! — «Дум» шпалга тушган танга устига энгашди. — Қарасанг-чи!

Низом икки темир йўлнинг қоқ ўртасида караҳт бўлиб турар, чамаси, бу гаровнинг шунчаки ўйин эмаслигига ҳалиям ишонмас эди. Мен бўлсам аллақачон ҳукм қилинган одамдек хотиржам эдим.

— Мана, ўзинг кўр! — деди «Дум» негадир қувониб. — «Чув» тушди. Биринчи бўлиб Эргаш ташлайди.

— Бекор айтибсанлар! — Низом жон ҳолатда бақириб юборди. — Сенлар Эргашни ўлдирмоқчисан!

Мен қизиб ётган рельсга ўтиридим-да, индамай туфлимнинг богичини еча бошладим. Пайпогимни ечаётганимда негадир Низом ҳам, у билан гижиллашаётган «Дум» ҳам жимиб қолишиди. Туфлимни бир чеккага қўйиб, ўтирган жойимда бурилиб қарадиму, беҳуш одамдек анграйиб қолдим. Ўн қадамча нарида Дилафрўз турарди. Худди ўша — тушларимда кўргандек оппоқ кўйлак кийган, сочлари чиройли турмакланган Дилафрўз турарди. У оқ туфлиси билан шпалларни битта-битта босиб яқин кела бошлади. Нима бу? Оппоқ булатларнинг менга қилган сўнгги саховатими?

— Тинчликми? — деди у яқин келиб.

— Тинчлик, — «Дум» ноқулай илжайди. — Чўмилмоқчимиз.

Дилафрўз менга ўтирилди.

— Эргаш, сиз ҳам чўмилмоқчимисиз?

Мен шундагина ўзимга келдим. Унинг рўпарасида яланг оёқ, бемаъни алпозда ўтирганим учун мулзам бўлиб, секин ўрнимдан турдим.

— Шунаقا, — дедим иложи борича совуққон оҳангда, — чўмилмоқчиман.

Дилафрўз кескин Абжалга бурилди.

— Нима, мен кўчада тушиб ётган чақаманми, орқамдан гаров ўйнайсизлар?!

Дилафрўз Абжала гапирди-ю, менинг ичим музлаб кетди. Унинг бу қадар шиддатли оҳангда гапирганини ҳеч эшитмаган эдим. Кўзимни қаёққа яширишни билолмай қолдим.

— Ким етқазди? — Абжал лабини бир чеккаси билан илжайди. — Ҳеч ким сизни чақиргани йўқ-ку!

Абжалнинг Дилафрўзга киноя қилиши вужудимни қақшатиб юборди.

— Менга қара, ўв! — дедим овозим титраб. — Гапни кўпайтирма. Бошладик!

Абжал оёгини рельс устига қўйганича туфлисинг богичини еча бошлади. Шу пайт ҳеч куттилмаган воқеа бўлди. Дилафрўз «Дум» билан Низомнинг орасидан ўтди-да, Абжалнинг елкасига қўлини қўйди.

— Қулоқ солинг.

Абжал бошини кўтарди.

— Хўш?

— Мен... — Дилафрўз Абжалнинг бошига хиёл эгилди. Кўзларида аллақандай ўт ёниб туради: — Мен сизни яхши кўраман. Шуни билмоқчимидингиз?

Қулоқларим шангиллаб, кўз ўнгим қопқоронги бўлиб кетди. Фира-шира туманлик орасида Абжалнинг бир зум анграйиб қолганини, кейин қаддини ростлаганини кўрдим. Юрагим турсиллаб ураёттанини, оёқларимдан мадор кетиб бораёттанини сезиб турадим.

Зум ўтмай қиррадор тошлиар устига чўккалаб қолдим. Кечалари тушимга кириб чиқадиган Дилафрўз шуми? Хаёлимда булувлар орасида сузиб юрадиган Дилафрўз шуми? Ҳозиргина осмонда учиб юрган Дилафрўз бирдан ерга тушди. Йўқ, ердан ҳам пастроққа тушиб кетди... Ана, у кетяпти.

Абжалнинг, ҳамма ёмон кўрадиган, ҳамма жирканадиган Абжалнинг қўлидан тутиб кетяпти!

Бундан чиқди, Абжал кеча бекорга галирмаган, бундан чиқди илгариям...

Абжал унинг оппоқ билагидан тутиб борар, у эса тасмадек рельс устидан дорбозларга ўхшаб эҳтиёткорлик билан мувозанат сақлаб юриб кетар эди. Гуё бир умр шундай юрадигандек. Гуё Абжал бир зум қўлини қўйиб юборса, йиқилиб кетадигандек. Бир неча қадам юришгандан кейин у орқасига бурилиб қаради. Кейин яна... Мен юзимни чирт ўтиргани, бошимни чанглаб қолдим.

Анчадан кейин ҳушим ўзимга келди. Рӯпарамда Низом турарди. У афтиимга тикилиб турди-да, қандайдир қуруқ оҳангда сўради:

- Қалай, ўлишингга арзирканми?
- Сенга нима! – дедим жиннилардек бақириб. – Сенинг нима ишинг бор? Йўқол, тошингни тер!

Эртасига кимё имтиҳонидан уч олдим. Чиқсан, мактаб дарвозаси олдида япроқларини чанг босган олча тагида Дилафрўз илжайиб турибди. Кўзимга шу қадар хунук кўриниб кетдики, юзимни тескари ўтиргани. Шитоб билан ўтиб кетаётган эдим, чақирди:

- Эргаш...
- Нима! – дедим бақириб. – Абжал камлик қилиб қолдими? Бирпас сабр қилсанг чиқади! – Шундай дедиму, югуриб кетдим.

Кейин... ҳаммаси тамом бўлди. Мактаб ҳам. Муҳаббат ҳам... Тошкентдек шаҳри азимда институтга киришга кўзим етмасди. Омадим чопдими, яхши тайёргарлик кўрдимми, ҳар қалай Темир йўл транспорти инженерлари институтига кирдим. Ора-чора Низомдан хат келиб турарди. Икки марта Дилафрўз сени сўради, адресингни берайми, деган мазмунда ҳам ёзди. Кўнглимда қувончга ўхшашиб нима йилт этгандек бўлди-ю, ўша заҳоти сўнди. Унинг

Абжал билан етаклашиб кетаётгани, мен бўлсам аҳмоқона бир алпозда темир йўл четида анграйиб ўтирганим кўз ўнгимга келиб, «аравасини тортсин» деган мазмунда жавоб ёзиб юбордим. Шунда ҳам ҳар гал уни эсласам, юрагимнинг бир чети жиз этиб қўярди... Бора-бора жизилламайдиган бўлди... Тўртинчи курсни битирган йилим уйландим. Шунда ҳам қачондир кўнгил қўйган кишингни унудиши оғир бўларкан, унинг қисматига бефарқ қарай олмас экансан. Дилафрўз Андижон тиббиёт институтида ўқиётганидан хабарим бор эди. Ўша йили у ҳам турмушга чиққанини эшийтдим. Йўқ, юрагимда рашк ёки изтироб эмас, ўқинчга ўхшашроқ бир нарса уйғонди. Уйғонди-ю, сўнди. Фақат бир нарсага ҳайрон қолдим. Дилафрўз Абжалга эмас, бошқа йигитта турмушга чиқибди...

Кейин булар ҳам унудилди. Фақат онда-сонда тушларимга оппоқ кўйлак кийган Дилафрўз кира-диган бўлди.

Ўн саккиз йил оз муддат эмас. Дилафрўз чин-дан ҳам ўзгарган, аммо ўқтам кулгиси, қуралай кўзларининг киборона боқиши ўша-ўша эди.

— Мен сизни тушимда кўриб тураман, — деб такрорладим унинг кўзига тикилиб.

— Йўғ-э! — Дилафрўз кўзларидан ўт чақнаб кулади. — Наҳотки?

— Бу гапни сизга ёқиш учун айтиётганим йўқ. Бор гап шу.

— Қаранг-а, мен шунча ҳаракат қилсам ҳам сиз сира тушимга кирмайсиз.

Бу гапни у ярим ҳазил билан айтди. Бироқ менинг кўз ўнгимда яна ўша совуқ манзара жонланди. Унинг Абжал билан етаклашиб кетгани-ю, мен аянчли қиёфада термилиб қолганим. Ҳарчанд ўзимни тутишга уринсан ҳам бундай паллада айтиш мумкин бўлмаган энг аҳмоқона гап оғзимдан чиқиб кетди:

— Абжалини ҳеч күрасизми?

Ү ярқ этиб қаради.

— Кимни-и-и? — деди чўзиб  
Кулдим.

— Абжалини-да! Эсингиздан чиқдими?

Дилафрўз кўзимга узоқ, синовчан тикилиб турди-  
да негадир истеҳзоли кулди.

— Бошимга ураманми уни?! — деди қошини чи-  
мириб.

Эсанкираб қолдим.

— Ахир ўшанд...  
Дилафрўзниң кўзларига сезилар-сезилмас изти-

роб шарпаси соя солиб ўтгандек бўлди. Бироқ зум  
утмай кулимсираб сўради:

— Докторлик ишингиз битиб қолдими?

— Сиз... сиз қаёқдан биласиз? — дедим баттар  
ҳайратланиб.

— Мен шунаقا билагонман! — унинг гап оҳан-  
гида яширин истеҳзо бор эди. — Ҳаммасини би-  
ламан! Қачон номзодлик диссертациясини ёқлаги-  
нингизни, Гули билан тўйингиз ўн тўртинчи июнь,  
шанба куни бўлганини. Тўнгич ўғлингиз май  
ойида туғилганини... Хотинингиз ҳамшира бўлиб  
ишлашини... Айтаверайми? У кулди. Аммо бу сафар  
кулгусида ўқтамлик йўқ эди. Буни ўзи ҳам сезди  
шекилли, юзини ўгириб, бошини қуий солди...

Вужудим бирдан бўм-бўш бўлиб қолди. Самолёт  
ҳамон гувиллаб учуб борар, назаримда менинг  
қалбимда ҳам алланима гувиллаб жунбишга келган  
эди...

Нимага у сенинг ҳаётингни миридан-сиригача  
билади? Илмий ишингниям, қачон уйланганингниям...  
Нимага? Нега у Абжалининг номини эшитганда ижир-  
ганди? Демак, Абжалдан нафратланар экан-да?!

Хўш, ушанда кўпrik устида ўзингни аянчли қиёфада қолиб кетганингни ўйлайсан-у, нега Дилафрўзни ўйламайсан? Ушанда Дилафрўз учун, мактабнинг энг гўзал, энг магур қизи учун ўзи ёмон кўрган, ўзи жирканадиган одам билан қўл ушлашиб кетиш осон бўлмагандир? Ким учун қилди бу ишни? Шошма... Ушанда рельс устида амаллаб мувозанат сақлаб кетаётганида нима учун орқасига қайта-қайта термилиб қаради? Балки ўшанда унинг кўзларида инграган изтиробини пайқамай қолгандирсан? Балки эртасига мактаб дарвозаси олдида сени кутиб турганида ҳаммасини тушунтиromoқчи бўлгандир? Сен бўлсанг, уни ҳақорат қилиб жўнаб қолгансан. У шундаям сени кечирган. Бўлмаса, нима учун Низомдан қайта-қайта суриштириди сени? Нимага сен билан учрашишни тилади? Нимага? Нимага хотинингдан тортиб болангнинг туғилган кунигача билади? Нимага? Нимага?

Бир-биридан аччик, бир-биридан армонли саволлар кетма-кет ёпирилиб келар, самолёт моторининг гувиллаши, миямда чарх ураётган саволлар ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб вужудимни ларзага солар, Дилафрўз бўлса ҳамон нарёққа қараб ўтирас эди. Мен унинг юзидағи ифодани аниқ кўрмасдим. Аммо кўрмасам ҳам ўзимнинг беписандлигим туфайли, ўзимнинг бефаҳмлигим туфайли шунча пайтдан буён пайқамай келган туйгуларни энди аниқ сезиб турадим. Фақат... фақат энди кеч бўлганди. Ажаб, сенек «олим», сенек «зукко» эркакнинг бир аёл қалбини тушуниши учун ўн саккиз йил керак бўлибди! Ушандаям тасодифан, тўсатдан... Демак, шунча йиллардан бери бежиз тушларингга кирмаган экан-да?!

Сен бўлса... Сен галварс бўлса...

Дилафрұз ҳамон бошини қуий солиб, нарёққа қараб ўтирад, назаримда у яна ўша оқ, оппоқ булултар орасида учиб юрадиган малакка айланиб қолганди...

## ТАСОДИФ

*Тасодиф ҳақиқаттнинг  
акс садосидир.  
К. Станиславский*

Мажлисда Очилни роса «дүппослашди». Уларнинг корхонасидан чиқаётган эшик-ромлар икки тийинга қиммат эмиш. Яқинда тафтиш комиссияси назоратчилари шуни аниқлади. Очил Худойқулов муҳандис бўлатуриб шунақа аҳволга бармоқ орасидан қараётган эмиш. Бунақа тепса тебранмас бошлиқни кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмас эмиш.

Йиғилиш охирида Очил сўз олди:

— Эшиклар икки пулга қимматлигини ўзим ҳам биламан, — деди босиқ оҳангда гапиришга уриниб. — Тахта қуритадиган жиҳозлар йигирма йил аввал ишга тушган. Ўшандан бери ишлаб чиқариш ҳажми ўн марта ошди. Қуритиш жиҳозлари ҳамон ўша-ўша, алмисоқдан қолган. Уларни янгилаш учун катта маблаг керак! Уни мен чўнтағимдан олмайман!

Юқорида ўтирган ҳайъат раиси — жингалак соч йигит луқма ташлади:

— Менга қаранг, Худойқулов, ростини айтинг, ўзингиз шунақа сифатсиз эшик-ромни уйингизга ишлатармидингиз?

Очил энди оғиз жуфтлаган эди, жингалак соч вакил гапиртирмади.

— Кўрдингизми, ўзингизга раво кўрмаган нарсани бошқаларга раво кўряпсиз.

Мажлисдан Очилнинг таъби тирриқ бўлиб чиқди. Карнайгуллар очилиб ётган доирасимон гулзорни четлаб ўтди-да, ёнига сурилиб очиладиган темир дарвоза олдига келди. Энди қоровулхонадан ўтиб кетмоқчи эди, орқадан овоз келди:

— Майлисларингам жа чўзилди-да, Очилбой!

Очил бурилиб қаради-ю, ўзи томон лўмбиллаб келаётган бош дурадгор Ҳайдар акани кўрди. Уни кўриши билан бутун ошга бориши кераклиги, толзордаги чойхонага ош буюриб қўйишганини эслади. Цехдагилар Ҳайдар семиз деб чақирадиган, улфат деса жонини берадиган мана шу киши ҳар маош олишганда пул йигиб, ош ташкил қиласиди.

— Кетдикми? — деди у иссиқдан терлаб кетган йўғон бўйинни каттакон, кир рўмолчаси билан артаркан. — Болалар кутиб қолди, соат еттига деганмиз.

Очил темир дарвоза тепасидаги думалоқ соатта қараб қўйди: еттидан ўн дақиқа ўтибди.

— Энди менга узр, — деди чайналиб.

— Ҳа, энди испарапка ёзиб берармиз...

Очил Ҳайдар аканинг «хотинингдан қурқасанми» деган маънода гапирганини билиб, ғаши келди.

— Иш чиқиб қолди, — деди қовогини солиб. Ҳайдар аканинг жавобини ҳам кутмай, дарвозахонадан тез ўтди-да, троллейбус бекатига йўл олди.

Аксига олиб, троллейбус ҳам тиқилиб келди. Очил амаллаб чиқиб олди-да, ўртароққа сурилди. Иссиқ кунда тиқилинчда юришдан ортиқ азоб йўқ. Бир зумда бўғилиб кетди. Аллақайси муюлишда троллейбуснинг ёйи чиқиб кетди-ю, қалқиб тўхтади. Ҳамма бир-бирига урилди. Очил олдида турган хотинни қаттиқроқ туртиб юборди шекилли, хотин нафрат билан вишиллади:

— Кўзингга қарасанг ўласанми, хўқиздай йигит!

Очил мингиллаб кечирим сүради. Анчадан кейин троллейбус яна силкиниб йўлга тушди. Яна ўша тиқилинч азоби бошланди.

У бекатта келиб тушганида сув бўлиб кетганди. Кўйлагининг ёқасини ечиб, елпинди. Юраги санчди. «Зиёни йўқ, – деб ўйлади у уйи томон юраркан, – ҳозир муздай душга тушсан ўтиб кетади». Узоқдан Лолани кўриб қадамини тезлатди. Хотини йулак олдида қўшни аёллар билан гаплашиб турар, енгили гулдор халат кийиб олган, бошини ювган бўлса керак, сочи елкасига тушиб ёйилиб ётарди. «Нега шу аҳволда кўчага чиқибди?», деб ўйлади Очил яқин келиб.

Очилга кўзи тушиб, Лола гапидан тўхтади.

– Умид қани? – сўради Очил зинадан чиқиб борар экан. У талпинчоқ бўлиб қолган ўтилчасини бир кундаёқ соғиниб қолар, ишдан келиши билан уни кутариб ўйнатар, шу билан бутун ҳордиги чиқиб кетарди.

– Ухлаб ётибди, – деди Лола қовогини солиб. Негадир бирдан унинг руҳи тушиб кетди. – Ойлик олдингизми? – сўради у эшикни очиб киришлари билан.

Очил индамасдан бугун олган маошини узатди. Лола пулларни худди вазнини ўлчаб кўрмоқчи бўлгандек бир зум қафтида ушлаб турди-да, зарда билан столга улоқтириди.

– Савил! Шуям пулми? – Майдо-йирик аралаш пуллар дастурхон устида сирпаниб ҳар ёққа сочилди. – Номингиз улуғ, супрангиз қуруқ!

– Хўш, мен нима қилай? – деди Очил бўгилиб.

– Мен-чи, мен нима қилай? – Лола кескин бурилиб қаради. – Мен ҳам одамман, мен ҳам аёлман! Бошқаларга ўхшаб яшагим келади! Моднийроқ костюмчик кийгим келади!

– Тагин қанақа «костюмчик?»

— Айттаним билан қўлингиздан нима келарди! —  
Лола «сенга гапирдим нима-ю, гапирмадим нима»  
дегандек кескин бурилиб, нариги хонага кириб кетди.

Очил уф тортди. Бу қандоқ гап? Қачон кийимга  
тўяди бу хотин! Шунча латта-путтаси бўла туриб,  
яна хархаша қилиб ўтирибди. Ҳар гал ойлик олган  
куни уйда тўполон бошланади. Лола унинг маош  
олиб келишини кутмасдан бирон нарса олиб қўйган  
бўлади.

Очил наридан-бери қўлини ювиб чиқди-да, бориб  
стол олдига ўтирди. Стол устида бояги пуллар ҳамон  
сочилиб ётарди. Очил пулларни йигди, тахлади,  
четта суриб қўйди. У бугун мажлисга тайёрланиб  
тушлиқ ҳам қиломаган, пешинда иккита парамач  
еб олган эди. Ҳозир қаттиқ толиққанини, қорни  
очганини сезди.

- Овқатингни олиб кел, — деди бўтиқ овоз билан.  
Ичкаридан Лоланинг асабий товуши эшитилди:
- Қозонда турибди, ўзингиз сузиб ола қолинг.
- Қанақа овқат? — деди Очил ўрнидан туриб.
- Нон қовурдоқ.

Очилининг қони қайнаб кетди.

- Бу қанақа гап! — деди бақириб. — Бир кун нон  
қовурдоқ, бир кун макарон қовурдоқ! Дурустроқ  
овқат қилиш ҳам қўлингдан келадими-йўқми?

Лола худди шуни кутиб тургандек югуриб унинг  
олдига чиқди. У сочини ҳамон турмакламаган,  
елкаси билан битта бўлиб ёйилиб ётарди.

- Аввал буёгини қойил қилиб қўйинг! — деди ўйиб  
оладиган оҳангда, — Қайси қоплаб тираб қўйган  
нарсангизга овқат пиширай? Одам фақат ейиш  
учун яшамайди! Унинг чиройли лаблари бурилиб,  
овози титраб кетди: — Дунёга келиб нима кўрдим?  
Одамларни эри бриллиантга белаб қўйибди! Туғилган

кунида шубалар совға қиляпти. Хумайрадан нимам кам?

— Хумайрадан сенинг каминг йўқ. — Очил ҳазил билан қутулмоқчи бўлди. — Фақат унинг эри билан менинг фарқим бор. Унинг эри чайқовчи.

— Чайқовчимас, тадбиркор! — деди Лола унинг гапини бўлиб.

— Нима фарқи бор, — Очил тагин ҳазилга олди. — Аввал чайқовчи эди, энди «тадбиркор» бўлиб олди.

— Чайқовчими, тадбиркорми, баломи-баттарми, хотинини қўғирчоқдек ясатиб қўйибдими, бўнтида! — энди Лоланинг овозида ранжиш эмас, газаб бор эди. — Бирорни маломат қилишдан олдин ўзингизни эплаб олинг, «бойвачча»!

— Қани айт, — деди Очил бўғилиб. — Нима қилай? Ўғирлик қилайми, бозорга чиқиб мардикорлик қилайми?

— Қилинг! — Лола киприкларини пирпиратиб чақчайди. — Қилинг, кучингиз етса! Сизнинг бир ойлик маошингизни мардикор бир кунда топади. Сизники йўлкирангиз билан «обедингиз»дан ортмайди!

Лола яхши мерганлардек эрининг юрагига пайза санчишга уста эди. Ҳозир ҳам мўлжалга бехато урди. Очилнинг бошига қон гупиллаб урилди. Тегиб олгунча йўлига кўз тиккан, боғнинг қоронги бурчакларида унинг қошини силаб, «қошингиз бунча қуюқ», сочини сийпалаб, «сочингиз мунча қайсар» деб эркалаган қиз шумиди!

Очил шиддат билан бошини кўтарди. Мушти бир туғилди-ю, шайтонга ҳай берди. Имиллаб бориб телевизорни қўйди. Бугун футбол борлиги эсига тушиб, кўнглининг бир чеккасида таскинга ўхшаш туйғу пайдо бўлди. Ҳали экран ёришмасданоқ шарҳловчининг таниш, янгроқ овози эшитилди.

Очил қайтиб келиб стулга ўтирган эди, экранда яшил майдон, гувиллаб шовқин солаёттан одамлар күринди. Бутун халқаро уйин бўлаётгани учун диктор, айниқса, тантанавор овозда гапирав, стадион ҳаяжонли шовқинга тўлган эди. Энди Очилнинг иштаҳаси инига кириб кетганди. Шунинг учун стул суюнчигига елкасини ташлади-да, бемалол томоша қила бошлади.

Лола бир эрига, бир телевизорга қараб қўйди-да, зипиллаб телевизор олдига борди. Тутмачани босиб, бошиқа каналга олди. Қўлтиқ тагига сепилса, ҳидини йўқотадиган аллақандай «сехрли» дезодорант реклама қилинаётган экан.

— Мен футбол кўрмоқчиман, инсон! — деди Очил бақириб.

— Лаббай? — Лола истеҳзоли табассум ҳадя этди.

— Мен реклама кўрмоқчиман. Қаранг, сизга тегишли дезодорант шекилли...

Очил яна бирпас турса хотинини бир бало қилиб қўйиши мумкинлигини билиб нариги уйга кириб кетди. Диванга ўзини ташлаганча шифтга тикилиб узоқ ётди. Бу қанақа турмуш, деб ўйлади гижиниб. На ишда ҳаловати бор, на уйда. Лола авваллари ҳам шунақамиди ёки бунақа одати кейин чиқдими, ҳалиям яхши билмайди. Беш-олти ой иноқ яшашди. Кейин майда-чуйда жанжаллар кўпая бошлади. У Лоланинг бунчалик латтапарастлигини билмаган экан. Тўгри, уйланмасдан илгари ҳам учрашувларга борганида Лола иложи борича ҳар сафар янги кийим кийиб келишга ҳаракат қиласади. Очил бунга чандон эътибор бермасди. Лоланинг бундай ясан-тусанлари ота-онасига қанчалик қимматга тушганини билмаган экан. Қизиқ, хотини шунақа нарсаларни топадики, уларни айтишга Очилнинг тили ҳам келишмайди. У Ҳайдар аканинг бояги гапини эслади. Асли ошга бора қолса бўларкан. Шунча гап-сўз йўқ эди. «Ростданам хотиннинг измидан чиқмайдиган бўпқопман, — деб

**Улади у. – Жанжал чиқмай құя қолсин деб тамом  
түлдим...»**

Очил яна бир нарсаны эслади. Баҳорда мана шу Ҳайдар ака туристик йұлланма билан Ҳиндистонга борадиган бұлиб қолди. Үшанды Очил ярим ҳазил-жарим чин қилиб «Келинойимни ташлаб бир үзингиз бөрсанғиз хафа бўлмайдиларми», деганида Ҳайдар ака ҳайрон бўлган эди. «Нега хафа бўлсин, мен үйнаб келсам, хурсанд бўлмайдими?» деган эди.

«Шунақа хотинлар ҳам бор», деб үйлади Очил уф тортиб. Унинг юраги тагин санчди. Кейинги пайтларда тез-тез шунақа санчадиган бўп қолди. У кўксини чангллаганча, йўлакка чиқди. Чироқ ўчган. Лола негадир телевизорнинг шундоқ тагига үрин солиб, Умидни қучоқлаганча ётиб олган эди. Очил эшикни оҳиста очиб зинага чиқди. Ундан кўчага йўл олди. Қўшни үйларда чироқлар чарақлаб туар, bogcha ўртасидаги айвонча олдида қўни-қўшнилар нарда үйнаб ўтиришарди. Очил бирор кўриб, сирини билиб қоладигандек шошилиб нари кетди. Кўчанинг нариги юзига ўтди. Бекат ёнидаги үйнинг биринчи қаватидан музика садоси эшитилиб туар, бир тўда ёш-яланглар рақс тушишарди. Очил беихтиёр бир зум қараб қолди. Йигит-қизлар бир-бирига яқинлашиб, узоқлашиб сакраб-сакраб рақс тушишарди. Бунақа рақсни Очил илгари ҳам кўрган, лекин унга ёқмаган эди. Ҳозир бўлса, негадир ёшларнинг ҳаракати жуда чиройли кўринди. Тўғрида, ёш бўлгандан кейин нима учун үйнаб-кулмаслик керак, нима учун дам олмаслик керак? У эллик қадамча юрган эди, кўчани тўлдириб келаётган бир тўда улфатлар унинг ёнидан ўтди. Мўйловли бир киши гармон чалар, кексаю ёш, эркак-аёл ҳаммаси бараварига ашула айтишар, уларнинг хушчақчақ қўшиги тун сукунати чўка бошлаган кўчага жон багишлаб, олисларга таралар эди.

«Одамлар мана бундоқ яшайды, – деб үйлади Очил маъюслик билан. – Шуларнинг ташвиши йўқмикин? Ўзига яраша каттами-кичикми гами йўқмикин? Арзимаган нарса деб бир-бирини еб қўйгудек бўлишмаса керак». Шуни үйлади-ю, Лола қўзига жуда хунук кўриниб кетди. Нима қилсин? Ажрашиб қўя қолсинми? Бу фикр унинг хаёлига энди келаёттани йўқ. Кейинги пайтларда хотини ҳадеб жанжаллашавериб жонидан тўйдириб юборганида, кўнглининг бир чеккасидан шу хаёл лип этиб ўтар, аммо Умидни үйлаши билан ўзининг худбинлигидан нафратланиб кетарди. Ҳозир ҳам кўнглига келган хаёлни шошилиб қувди. «Йўқ, йўқ, номардлик бўлади!» Қизиқ, бояги ёшларнинг рақси, бояги хушчақчақ одамларнинг қўшиғи унинг кўнглидаги гашликни ҳайдагандек бўлди. У анча енгил тортиб, уйига қайтиб кирди. Сервант устида турган қўл радиони олиб, олис-олислардан келаётган нафис, кўнгилга яқин ҳинд куйи янгради. Очил бармоқларини чалкаштириб, боши тагига қўйганча шифтга тикилиб ётди.

Тўй қилмасларидан олдин икковлари тез-тез кинога тушишар, Лола айниқса, ҳинд фильмларини яхши кўради. Ҳозир Очил ўша самимий, эрка дамларни эслаб, хаёлан жилмайди. «Ўзинг ҳам майдакаш одам бўп қопсан, – деб үйлади ўзини сўкиб. – Ожиз одам айбни бошқалардан қидиради. Лолага нима қаромат кўрсатдинг ўзинг? Тўйни-ку амаллаб қарз-ҳавола қилиб ўтказдинг. Осмондаги ойни узиб бердингми, саёҳатга обчиқдингми? Ёш бўлганидан кейин чиройли кийингиси келади-да, нима қилсин!»

Бир оздан кейин нариги уйдан Умиднинг йиглагани эшитилди. Зум ўтмай эшик шиддат билан очилди-да, гира-ширада ич кўйлақдаги Лоланинг соchlари тўзғиган боши кўринди.

— Ўчириңг, анави мутил-мутилингизни! — деди бақириб.

Беихтиёр радиони ўчириди. Лола эшикни очиқ қолдириб нари кетди. Ўша ёқдан унинг асабий чинқиргани эшитилди:

— Ўчир овозингни, итвачча! Ҳозир деразадан улоқтириб юбораман. Ҳаммаларинг қушилиб қўшмозор бўлларинг!

Очилининг юраги яна санчди. Негадир ўтган умрини ўйлади. Очил болалигидаёқ отаси ўлиб кетган, ўнинчи синфга ўтганида онаси қазо қиласкан эди. Очил опасининг қўлида қолди. Аммо институтга кириши билан ҳеч кимга оғирлигини туширмаслик учун ўз аравасини ўзи тортишга ҳаракат қилди. Ёзги таътил пайтларида юк ташиди, қурилишга кириб ишлади. Пахтага борганида ҳаммадан кўпроқ териб, пул топди. Болалар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишлайдиган Лола билан танишганида, бу қиз ўзининг ҳамма ташвишларига шерик бўлишига ишонган эди.

«Одам шунаقا қилиб қариса керак-да», — деб ўйлади у ёнбошига ағдарилиб. Бир вақтлар у аллақайси журналда қайсиdir профессорнинг мақоласини ўқиган эди. Ҳозир кимлиги аниқ ёдида йўқ. Лекин унинг айтган фикрлари хотирасида маҳкам ўрнашиб қолган. «Бизнинг замонамиизда асаб касалликлари кўпайиб кетяпти. Баъзилар ҳаёт суръатининг тезлиги, бошқалар шовқин-сурон кўплиги туфайли шунаقا буляпти, деб айтишиади. Лекин одамларнинг асаби кўчада эмас, уйда, эр хотин ўртасидаги жанжаллардан кўпроқ бузилади». Очил профессорнинг шу сўзларини яна эслади-ю Лоладан тагин кўнгли оғриди. Наҳот, куни кеча бир-бирини еру кўкка ишонмаган одамлар бугун бир-биригаchoқ қазиса? Шусиз ҳам одам узоқ яшамайди-ку. Бир-бирини тушуниб, ўйнаб-кулиб

яшаса бўлмайдими? Падарига лаънат пулниям, латта-пугтаниям!

Очил ўйлай-ўйлай ухлаб қолди. Қизиқ, тушида ўлиб қолганмиш. Шунда ҳам юраги санчаётганмиш. Аллақандай нотаниш бир эркак Умидни кутариб олганмиш. Умид Очилга талпиниб ҳадеб йиглармиш. Лола бўлса бир чеккада туриб, ҳириинг-ҳириинг кулармиш...

Очил ланж бўлиб уйғонди. Унинг кўзлари ачишар, томогига бир нима тикилиб турганга ўхшарди. Девордаги соатга қаради-ю, салчиб туриб кетди. Саккиз бўлай деб қопти.

«Оббо, кеч қоламан ишекилли» деб ўйлади у апил-тапил ювинаркан. Лола ҳамон ўртада чўзилиб ётарди. Хотинининг бошигача бурканиб ётишидан, Умидни ҳам кўрпага буркаб олганидаи. Очил унинг уйгоқлигини, атайлаб шундай қилаётганини билди. Кечаги гап-сўзлар яна бир бошдан тасаввурида жонлацди, кўнгли тагин ғаш тортди.

У ошхонага кириб қозон қопқоғини кўтарди. Нон қовурдоқ димланиб қолган бўлса керак, қопқоғининг остига сув томчилари йигилиб қолган эди. Бир томчи сув помидор аралан нон устига томди. Очил бир бўлак нонни оғзига содди. Қорни очгани учуми, нордон таъмданми, жағлари зирқираб кетди. Чой қайнатиб, бир-икки шиёланни анил-тапил ичди-ю, кўчага отиљди.

Ишхонага келиши билан кечаги мажлис тафсилотларини эслади.

«Ишни пилорамадан бошлини керак, — деб ўйлади темир дарвозадан кириб келаркан. — Ҳамма иш шулардан бошланади. Шулар ишни пухта қилса, у ёги кетаверади».

У тахта тиладиган участкага келганида иш қизиб кетган, электр арралар шовқини қулоқни қоматга

келтирап, қипиқ чанги ҳавони тұлдириб юборган эди. Бир лаҳзада Очилнинг боши говлаб кетди. Яна юраги санча бошлади. Томогига бир нарса тиқилиб қолғандек бұлаверди. У гандираклаб гоҳ у, гоҳ бу ишчининг олдига борар, аррадан тилиниб чиқаёттан тахталарни ушлаб күрар, аммо нима қилаётганини үзи яхши билмас, боши гувиллар эди. Кейин нима бұлганини үзи ҳам английскай олмай қолди. Электр аррага жуда яқин келиб қолганини, бирор чап құлини юлқиб олғандай бұлганини билиб қолди. У даҳшат ичида үзини орқага ташлади. Қизиқ, ҳеч қанақа оғриқ сезмади. Күзидан үт чақнаб кетди-ю, негадир күнгли айниб, ҳаммаёқни зулмат қоплади.

«Тез ёрдам» машинаси фарёд солиб Очилни касалхонага олиб кетди. Уни операцияга олиб кириб кетишганида машинада бирга келган Ҳайдар ака эшик олдида мұлтираб қолди.

— Фалокатни қаранг, синглим, — дерди у олдидан үтиб турған ҳамшираларга йигламсираб. — Шундоқ Очилбойнинг құлини арра обкетди-я! Қандоқ йигит эди-я! Фалокат қош билан қовоқ ўртасыда туарканда, а?

Ҳамшираларнинг бири индамай елка қисиб үтар, бошқаси худди Очилни таниғандек Ҳайдар акага ҳамдардлик билдиради.

— Тасодиф-да, амаки, тасодиф.

Ҳайдар ака алам билан бош чайқарди.

— Хотинига нима деб жавоб берамиз энди! Гулдай эри шундоқ бұлиб үтирса қандоқ чидайди?!

Заводдагилар ҳам шуни үйлаб, ич-этини ер эди...

Бу совуқ хабарни Лолага етказиши учун минг андиша билан борган одамлар уни уйидан топиша олмади. Құшниларнинг айтишигига қараганда «модалар уйи»да ишлайдиган дугонасининг олдига «зарил» иш билан кетган экан...

## УЗУН КЕЧАЛАР

Ёш ёзувчи Марат Азизов нашриёт директоридан ранжиди. Шу йил унинг навбатдаги китоби чиқиши керак эди. Директор нашриёт режасидан чиқариб ташлабди. «Қоғоз етишмаяпти», деди у ночор қиёфада.

Марат аввалги китоблари тез тарқалиб кетганини билар эди. Шуни ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Бари бир натижа чиқмади. «Вазирга учрашинг, – деди директор. – Буни мен ҳал қилолмайман».

«Одамлар ўқимай, йиллаб дўконда чанг босиб ётадиган китобларни чиқаришади, – деб ўйлади Марат иккинчи қаватта, вазирликка чиқиб бораркан. – Тагин қоғоз етишмайди, дейишади».

У вазирни танимас, аммо ёш ижодкорларни яхши кўришини кўп эшишган эди. «Хотиржам галиришим керак», деб ўйлади у залворли эшикнинг қуббадор тутқичидан ушлаб тортар экан.

Қабулхона эшигидан юқоригача гулдор поядоз тўшалган эди. Хонанинг икки четида қатор-қатор стуллар. Дераза тагидаги стол ёнида котиба утиради. У тирсакларини машинка қопқогига тираганча аллақандай китоб ўқир, зангори дарпарда тутилган деразадан тушаётган қуёш нурида қизгиш ҳиндий рўмоли, қисқа енгли атлас кўйлаги ловиллаб ёнарди.

– Мумкинми – деди Марат ҳамон эшик тутқичини қўйиб юбормай.

Қиз китобдан бош кўтарди-да, негадир жилмайди. Унинг чеҳраси тиниқ, жилмайганида кўзларида алланечук жозибали бир ўт порлаб кетар эди.

– Келинг, – деди у секин.

«Чиройли қиз экан, – деб ўйлади Марат гулдор поядоздан авайлаб юриб бораркан. – Нимагадир қабулхонада доим чиройли қизлар ишлайди». Шу

Найт у қизнинг қўлидаги китобни таниб қолди. Зангори муқовасидан таниди. Бу ўзининг китобчаси, университетни битираётган йили чиқсан қиссаси зди. Илгарилари у бироннинг қўлида китобини кўриб қолса ҳаяжондан юраги гурсиллаб кетарди. Йўқ, кейин-кейин кўнишиб қолди. Ҳозир ҳам китобга қарамасликка ҳаракат қилиб, ёнбошдаги эшикка имо қилди.

— Домла бормилар?

— Қобил Қодирович шу ердалар, — қиз яна жилмайди. — Аммо бугун қабул йўқ. Чоршанба куни келасиз. Мен рўйхатга ёзиб қўяман. — У китобчани стол чеккасига қўйди-да, қалам-қофоз олди.

— Фамилиянгиз?

— Азизов.

— Исмингиз?

— Марат.

Қиз ёзишдан тўхтаб, ярқ этиб бир унга, бир китобчага қараб қўйди.

— Қаерда ишлайсиз?

Марат қизнинг шубҳаланаётганини кўриб, жилмайди. Қиз қошини чимириб, совуққина сўради:

— Касбингиз борми?

— Бор, — деди Марат. Кейин ийманиб айтди. — Ёзувчи... ёш ёзувчи.

Қиз қаламини стол устига қарс ташлади.

— Ҳазилни ёмон кўраман!

— Мен ҳам... — Марат шартта бурилди-да, пояндоz бўйлаб шахдам-шахдам юриб кетди. Хона ўртасига етганида эшик очилиб, қизгиш сочли сепкилдор қиз бош суқди.

— Ҳилола... — У Маратни кўрди-ю, қизариб кетди. Салом берив йўл бўшатди.

«Оти Ҳилола экан-да», ўйлади Марат. Аммо котиба томонга бурилиб қарамади. Эшикни оҳиста ёшиб, чиқиб кетди.

— Ким у, Замир? — деди Ҳилола ҳозиргина ёпилган эшикка имо қилиб, — Танийсанми?

— Вуй, танимадингми? — Замира хона ўртасида туриб қолган, сепкилдор юзи ҳамон ловуллаб ёнар эди. — Марат Азизов шу-да! Курсимизда учрашув бўлганида кўрганман.

— Мен бўлсам... — Ҳилола хижолатдан қизарип китобчани қўлига олди. — Ҳазиллашялти деб ўйлабман.

— Уришдингми?

— Қаёқдан билай? — деди Ҳилола бўшашиб. — Мен Марат Азизов катта киши бўлса керак, деб юрадим.

— Вой, ҳали уйланмаган-ку. — Замира билағонлик қилиб унинг қулидаги китобни кўрсатди. — Шу китобда ўзини ёзган-да! У доим ўзининг бошидан ўтганларни ёзади. Замира бир нафас хаёл суреб турди-да, сўради: — Кимда иши бор экан?

Ҳилола унинг кўзидағи айёр табассумни кўриб, атайлаб бепарво гапирди:

— Қобил Қодировичнинг олдига кирмоқчи экан.

Замира секин уф тортди:

— Мен вазир бўлсам, унинг илтимосига дарров хўп дердим... Чиройли-а!

Ҳилола ўзининг қизара бошлаганини пайқаб, дераза томонга қараб олди.

— Бор, хонангга чиқ!

Замира қарсак чалиб қулиб юборди.

— Эҳтиёт бўл, Марат Азизовнинг «мухлиска»лари кўп.

Ҳилола унга қайрилиб қарамас, аммо шу топда қилаётган тегажаклиги ёқар эди. У китобчани шошилинч варақлар, бир нарсани ўйларди. «Ўзининг бошидан ўтганларни ёзар экан-да». Ҳилола Маратнинг бошқа ҳикояларини ҳам ўқиган, ҳар гал янги қушиқ эшитгандай ҳаяжонланар эди.

«Нега чоршанбада келасиз дедим, — деб ўйлади у дераза ортида оҳиста силкиниб турган чинор

яшроқларидан күз узмай. – Душанбада ҳам қабул бор эди-ку».

\* \* \*

Чоршанба деган кун Ҳилоланинг хаёлида ҳеч қачон шунчалик кўп чарх урмаган эди. У тонг отиши-ю кеч киришини ҳеч қачон шунчалик орзиқиб кутмаганди. Ора-чора Замира кириб қолар, худди Ҳилоланинг кўнглидагини билиб тургандай Марат Азизовдан гап очар, ҳар сафар: «Эҳтиёт бўл, ёзувчининг муҳлиси кўп бўлади», деб қўяр эди.

Ҳилола парво қилмади. У ёзувчилар гўзалликни яхши кўради, деб кўп эшиктан. «Шундоқ экан, бути-да, Ҳилола чиройли қиз».

Ўша куни у ўзига оро берди. Сочини чиройли қилиб турмаклади. Янги кофта кийди.

Марат кириб келганида у деразадан сершовқин кучани томоша қилиб тураган эди. Аммо эшикни очган киши худди шу — Марат эканлигини ички бир туйгу билан сезди-ю, бурилиб қаради. Юраги типирчилаб уриб кеттанини, юзи ловиллаб ёнаётганини пайқаб, беихтиёр жилмайди.

— Мумкинми? — Марат худди ўша кундагидек оқ кўйлак, қора шим кийиб олган, эшик тутқичидан ушлаб турагди.

— Келинг, — Ҳилола овози титраб, салом берди.

Марат бўш стулларга қараб сўради.

— Менинг навбатим келдими?

— Қобил Қодирович чет элга кетдилар, — деди Ҳилола хотиржам гапиришга уриниб. — Ўн беш кунлардан кейин келадилар.

— Майли, ўн беш кундан кейин келаман.

У энди бурилиб кетаётган эди, Ҳилоланинг кўзларида аллақандай савол борлигини билиб тўхтади.

— Бир нимани сўрамоқчимисиз? — деди қизга тикилиб. Шу ондаёқ хаёлига яна ўша фикр келди. «Чиройли қиз. Ким билсин, ақли қанақайкин? Кўпинча қизлар ўзининг гўзаллигини пайқаса, ақлини ишлатмай қўяди-ку...»

Ҳилола қизариб-бўзариб тортмадан китобчани олди.

— Шу сизнинг китобингизми?

Марат индамай бош силкиди.

— Қанақа қилиб ёзасиз?

Марат бегараз кулди.

— Стол ёнига ўтириб ёзаверади-да, — шундай деди ю, қизнинг ўзи билан гаплашгиси келиб турганини сезиб, юраги илиқ ҳаяжондан типирчилаб кетди. Ўша — биринчи марта кўрганидан бўён бу қизни қўп ўйлаганини, аммо негадир унутишга ҳаракат қилганини эслаб жилмайди. — Бу ҳам бир касб-да, Ҳилола.

— Бари бир тушунолмайман.

— Яхши, — деди Марат унинг кўришгиси келиб турганини сезиб. — Хоҳласангиз бутуноқ тушунтиришга ҳаракат қиласман. Кечқурун соат олтида Анҳор кўприги олдида кўришамиз.

У қизнинг розилигини сўраб ҳам ўтирмади. Бориши аниқлигини билиб, кескин бурилди-да, чиқиб кетди.

\* \* \*

Улар Анҳор ёқалаб боришар эди. Сув жимгина оқар, қоп-қора тўлқинлар устида қирғоқдаги чироқлар шодасининг акси силкиниб турарди. Қаердадир трамвайларнинг ҳоргин ноласи эшитилади. Куз ҳавосида кеч очилган гулларнинг ўткир, нозик иси кезади.

— «Сўнган юлдуз шуъласи»да ўзингизни ёзганмисиз?

Марат таққа тұхтади-да, Ҳилоланинг күзларига тикилди. Неон лампалар нури остида қизнинг чөхраси бир оз рангсиз, аммо жозибали күринәр зди.

— Ким айтди сизга?

— Ұзим... — Ҳилола ёлгон гапирганидан уялиб, юзини үтиради-да, секин-секин юриб кетди. — Мен ҳамма ёзувчилар үзининг бошидан үтганини ёзди, деб үйлайман.

— Йүк! — Марат кескин бош чайқади. — Унақа бұлса кундалик ёзиб құя қолған маңқул әмасми?

Ҳилола тушунмади.

— Ҳаммасини ичингиздан тұқиб чиқарасизми? Бұлмаса ёзғанларингиз ёлгон экан-да.

Марат анчагача индамай борди-да, сұради:

— Ұша китобдаги гапларга ишондингизми, ахир?

Ҳилола ювош бош силкиди.

— Мен Ферузани худди ұзимга ұхшатдым.

— Демак, ёлгон әмас экан-да.

Ҳилола бари бир тушунмади.

— Сиз ёзувчиларга маза! — деди үйланиб. — Илҳом келганды китоб ёзасизлар. Ҳамма сизларни мақтайды...

— Илҳомнинг үзи нима? — деди Марат унинг гапини бұлиб.

Ҳилола соддалик билан елкасини учирив қўйди.

— Билмасам... «Илҳом париси», «илҳом гулшани» яна алланималар дейишилади-ку, — у үтирилиб қараб, яна елкасини учирди. Шу топда қиз шунчалик содда, шунчалик яхши күриниб кетдики, Марат унинг билакларидан маҳкам ушлаганча қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Жим-жит бօғ устида Маратнинг кулгиси жаранглаб акс садо берди. Қайсибир чинор шохида мудроққа кетган құшлар «гув» этиб қоронги осмонга күтарилди.

— Ҳаммаси мавҳум гап! — деди Марат кулгидан нафаси қайтиб. — Илҳом ҳаммада ҳам бўлади. Илҳом — тез, осон, маза қилиб ишлаш дегани. Кейин у бирдан жиддийлашди-да, секин қўшиб қўйди: — Гоҳо ойлаб-йиллаб қийналиб, битиролмай юрган ишингизни бир кунда бажариб қўясиз. Шунаقا ишлайсизки, ўзингиз ҳам роҳат қиласиз...

Қизгиш чироқ ёниб турган симёғоч тагидаги ўриндиқча ўтиришди.

Ҳилола унга зимдан қараб қўйди. Марат оёқларини чалиштириб, тиззасига кафтини қўйганча, индамай ўтирас, сувга тикилиб, ниманидир ўйлар эди. Ҳилола энди бояги гаплардан зерика бошлади. У Маратдан бошқачароқ, ўзи ҳам маъносини тушуниб етмаган сирлироқ гап кутар эди.

— Шу ерни жуда яхши қўраман, — деди Марат ўйчан овозда. — Нимагадир тинч, ёлғиз ҳис қилгим келади ўзимни. Шаҳарнинг шовқинидан безиб кетади одам.

— Дам олиш куни бизлар пахтага чиқамиз, — деди Ҳилола ишхонадаги янгиликни эслаб.

— Ҳа, куз келди, — деди Марат. — Пушкин айтган маъюс ва ўйчан фасл.

Ҳилола кечадан бери ўйлаб юрган саволини эслади.

— Ҳамма ёзувчilar аввал шеър ёзиб, кейин хикояга ўтади, дейишади. Сиз ҳам шеър ёзганмисиз?

— Ёзганман. Ҳалиям ёзаман. Ўзим учун.

Ҳилола тушунмади.

— Нега «ўзингиз учун?»

Марат кулди.

— Чунки эълон қилишга ярамайди.

— Унда нега ёзасиз?

— Айтипман-ку, шунчаки, кўнглимда борини қозгозга тушириш учун.

Ҳилола унинг «ўзи учун» ёзган шеърини эшитгиси келди.

– Шунақалардан биронтасини ўқиб бера оласизми? Мен учун!

Марат бир зум ўйга толди.

– Бўпти, – деди ниҳоят. – Фақат кулмайсиз. Кузҳақида шунақа машқим бор эди... – Анча муддат ўйга толиб ўтириди-да, қандайдир паст, шикаста овозда ўқий бошлади.

*Самода турналар шодаси  
Гоҳида оҳ чекиб ўтарлар.  
Самода булултар подаси  
Гоҳида ёш тўкиб ўтарлар.  
Билмадим, бу ненинг талқини,  
Богларда эрта куз салқини...*

*Аргамчи учмоқда мезонлар,  
Дараҳтлар тўкмишлар оҳорин.  
Ингранар касалманд хазонлар,  
Ёд этиб ўткинчи баҳорин.  
Билмадим, бу ненинг талқини,  
Богларда эрта куз салқини...*

*Тунларим уйқусиз ва сергаш,  
Ҳадикли тушларни кўрарман.  
Ҳар саҳар туарман ва яккаш  
Ўзимдан оҳиста сўрарман:  
«Билмадим, бу ненинг талқини,  
Богларда эрта куз салқини...»*

Марат кўзларини сувга тиккан кўйи ўқиётган сатрларида аллақандай маъюс оҳанг бор эди, унда кузнинг мунгли манзараси кўриниб туради. Ҳилола хазон шитирлаган боғлар орасида юриб бораётгандек эди.

Марат жимиб қолди.

— Давоми-чи? — сўради Ҳилола.

— Давоми йўқ! — Марат қандайдир синиқ оҳангда кулди. — Айтдим-ку, шоир эмасман, деб. Сўнг негадир бошқа мавзуга ўтди. — Кеча университетда бирга ўқиган ўртогимдан хат олдим. Қишлоқда ўқитувчилик қиласди. Мактаб болаларини далага ҳайдаб ишлатадиган хўжалик раисини туман газетасида танқид қилган экан, ишдан ҳайдалибди. Марат хўрсинди: — Албатта, айб фақат раисда эмас...

Ҳилола унинг эзилиб гапираётганини кўриб ачинди.

— Дунёда ёмонлар кўп-да... Қўйинг, ўйламанг...  
Марат тагин синиқ жилмайди.

— Ёмон одам... Сиз ҳали ёзувчиларга маза, китобини ёзиб юраверади, дедингиз. Фақат ўзининг дардини ёзган одам ёзувчи эмас. Аввало бошқаларнинг дардини ўйлади. Ҳатто сиз айтаётган ёмонларни ҳам тушунишга ҳаракат қиласди. Ахир туғилганида ҳамма ҳам пок бўлади-ку! Қаламқаш душманидан ҳам дўст ахтаришга уринади.

Ҳилола яна зерика бошлади.

— Кетайлик-а, — деди Марат унинг истагини пайқаб.

Кўприқдан ўтиб кетишаётганида Марат панжарага суюниб тўхтаб қолди.

— Ана сиз! — деди болаларча хушчақчақ оҳангда. Ҳилола муздай темир панжарага кафтини босганча ҳайрон бўлиб сувга қаради.

— Ана, ана, сузуб юрибсиз, — деди Марат сув юзида қалқиб турган ингичка ойни кўрсатиб. — Ўша сизсиз-да!

Ҳилола юрагида илиқ туйгулар уйғониб, Маратга меҳр билан қараб қолди. Энди у боягидек ўйчан, вазмин эмас, гўдақдек содда бўлиб қолган эди.

— Кино ёқдими? — деди Ҳилола елкаси оша бурилиб қараб.

У нафис пушти ранг жемпер кийиб олган, сочини баланд қилиб турмаклаган эди.

Марат йўлкада сочилиб ётган хазонларни шитирлатиб босиб бораркан, орқага қараб қўйди. Санъат саройининг яхлит ойналаридан нур ёғилиб турарди.

— Йўқ, — деди у ўйчан овозда. Кейин яна хазонларни шитирлатиб босиб борди-да, ўша хаёлчан алпозда давом этди. — Бир аёлнинг эридан ажралишини оқлаш учун бутун қишлоқ аҳлини қоп-қорага чиқарип шартмикин?

Ҳилола қулди:

— Агар ўша қишлоқда аёлни тушунадиган одам бўлмаса-чи?

— Наҳотки? — Марат худди касбдошлари билан баҳслашаётгандек қизишиб кетди. — Наҳотки бутун бошли қишлоқ қоп-қора бўлса? Наҳот ўша хотиннинг ўз иззат-нафсини ҳимоя қилишга уринаётганини тушунадиган биронта одам топилмаса?

Ҳилола бир нафас жим борди-да, ҳозир экранда кўрган воқеалардан яна ҳаяжонланиб кетди.

— Сизнинг «Бир лаҳзалик қувонч» ҳикоянгизда ҳам шунга ўхшаш воқеа тасвирланган эди. Лекин сиз унда хотинни эмас, эрни ҳимоя қилгансиз, — у жилмайиб Маратга қараб қўйди. — Ўша ҳикоянгиз менга ёқмаган.

Марат тўхтаб қолди. Ҳилола ҳам уч-тўрт қадам юриб борди-да, пастак аргувон соясида тўхтади. Марат унинг чехрасини аниқ кўрмаса ҳам, жилмаяётганини билиб турарди.

У бундан уч йил илгари журналда чиққан ҳикоясини эслади. Институтни битирған ўқитувчи қызы курсдошига турмушга чиқади-ю, дала ҳаётининг «романтикаси»га берилиб, эрининг қишлоғига жұнаб кетади. Аммо қишлоқ ҳаётига күниколмай эридан ҳам, севгисидан ҳам воз кечиб, шаҳарға қайтиб келади. Ўша пайтлари танқидчилар ҳикоянинг ҳаёттій асар эканини айтіб мақташған зди.

— Нимаси ёқмади? — деди Марат имкон борича совуққон гапиришга уриниб. Кейин секин Ҳилолани құлтиғидан олди. У бу қиздан ўзи излаб юрган фазилатни топганига қувонар, Ҳилола ўзининг ижодига қизиқа бошлаганидан шод зди.

— Айтдим-ку, — деди Ҳилола ҳамон жилмайиб. — Сиз эрни ҳимоя қилиб хотинни қоралагансиз. Эр хотинни ўз ҳұкміга бўйсундиришга нима ҳаққи бор? Қишлоқ эрнинг ватани бўлса, шаҳар хотиннинг ватани эмасми?

Марат бошини қуийи солғанча бораркан, чуқур хаёлга толди. У ҳикояда эрни ҳам, хотинни ҳам ҳимоя қилмаган, фақат шиорларда ёзиладигаи гаплар пуч эканини, ҳаёт бўёқлари кўп эканини ёзган зди.

— Ёзувчи холис бўлиши керак, Ҳилола, — деди у хўрсиниб. — Мен ҳеч қачон бирорни қоралаб, бирорни оқламайман. Турмушда фақат оқ, фақат қора бўёқ бўлади деган гап ёлгон.

— Билмадим, — Ҳилола билагини унинг кафти-дан бўшатди. — Ҳар ҳолда сиз йигит томонини олгансиз.

Катта-катта ойналаридан нур сочилиб турган трамвай бекатта келиб тұхтади.

— Хайр, — деди Ҳилола Маратнинг қўлини қисиб. «Ким билсин, — деб ўйлади Марат ёйларидан чирсиллатиб чўғ сачратиб кетаётган трамвай кетидан қараб қоларкан. — Балки чиндан ҳам тараф-кашлик қилгандирман. Балки ноҳақдирман».

Унинг кўнглини доим тарқ этмайдиган бир гашлик, ўз ёзганларидан қониқмаслик туйгуси яна кемира бошлади.

\* \* \*

Улар аргамчи учишарди. Қайиқча борган сари баландроқ кўтарилиб тушар, Ҳилола қўрқув ичидаги аргамчининг ён тарафидаги йуғон симларни маҳкам ушлаб олган, юраги гупиллаб уради. Ҳар сафар қайиқча тепага кўтарилаётганида Маратнинг қорача чеҳрасини, шабададан пешанасига ёйилиб тушган соchlарини, ҳаяжонданми, қувончданми, қисилиб кетган кўзларини кўрар эди. Аргамчи пастлаётганида эса, кўйлагининг этаклари шамолда кўтарилиб кетмаслиги учун энгашиб олишга ҳаракат қиласди.

— Бўлди! — деди у кулги аралаш қийқириб. — Бўлди, Марат ака.

Марат аргамчини янайм қаттиқроқ силкита бошлади, Ҳилоланинг боши айланиб кетди. Пастда навбат кутгаётган бир тўда одамлар ҳам, аргамчи юқорилаганида аниқ кўринаётган дараҳтларнинг учи, олисда, қуёш ботиб кетган уфқда ёниб турган шафақ ҳам хира бир туманлик ичидаги айланада бошлади. Унинг кўз ўнгидаги фақат Маратнинг чеҳраси қолди.

— Бўлди... — деди у ялиниб. Кейин бир қўлини кўйиб юборди-да, беихтиёр Маратнинг елкасидан ушлаб олди. Маратнинг терлаган соchlари пешанасига текканини сезиб, ҳаяжон билан оҳиста шивирлади:

— Тўхтатинг...

Шу пайт Маратнинг лаблари унинг қулоги остида секин пичирлади:

— Кўп согинадиган бўлиб қолдим, Ҳилола.

Ҳилола унга қарамасликка ҳаракат қилиб, яна ялинди.

— Тушайлик...

Аргамчи секинлай бошлади. Ҳилола Маратнинг ўзига ҳамон тикилиб турганини билар, аммо ийқилиб кетишдан қўрқиб, қўлини унинг елкасидан тортиб ололмасди.

Марат бу қизни чиндан ҳам кўп согинадиган бўлиб қолган эди. Ҳилола унинг қалвидаги совуқ бир бўшлиқни тўлдира бошлаган, у кўпдан буён битмай келаётган ярасига энди малҳам топгандай эди...

Ҳилола пастга тушганидан кейин бир лаҳза оёқлари титраб туриб қолди.

— Ернинг қадри ўтди-а, — деди Марат қулиб. — Доим уни тепкилаб юрамиз-у, бир қадам узилсак согиниб қоламиз. Ҳар гал самолётта чиқишим билан шуни ўйлайман. У бир нафас ўйланиб турди-да сўради. — Қаёққа борамиз?

Ҳилола елкаларини учирив қўйди.

— Анҳорни яхши кўрасиз-ку, — у Маратнинг гапини эслатиб, тегажаклик қилди. — Тинч, ёлгиз ҳис қилгингиз келади ўзингизни...

Уларнинг ўринидиги банд эди: бир жувон аравачадаги болакайнин тебратиб ўтиради. Излай-излай бир оёғи шундоқ сувга ботиб турган ўриндиқ топишди. Ўтиришлари билан Марат яна сувга тикилиб қолди.

Бир оздан кейин уларнинг ёнидан йўғон сочини битта қилиб ўрган қиз баланд пошиналарини тақиллатиб ўтиб кетди. Нарироққа бориб тўхтадида, улар томонга қараб қўйди.

Марат қизнинг ҳаракатларини кузата бошлади. «Кутган одами келмабди», деб ўйлади у. Қиз уч-тўрт қадам у ёқ-бу ёқда бориб келди-да, туфлисининг ингичка уни билан йўлкада ётган тошни тенди. Тош чилл этиб сувга тушди. Анҳордаги чироқлар маржони сил-чил бўлиб кетди, нурли тасмалар

силкина-силкина яна жойига келди. «Ҳикояга яхши деталь», деб уйлади Марат.

— Яхши қиз эканми?

Марат бурилиб қаради-ю, Ҳилоланинг ўзидан кўз узмай ўтирганини кўрди. Аммо нимани сўраётганини дафъатан тушунмади. Кейин бирдан тушунди-да, бошини сарак-сарак қилди.

— Йўт-э... Мен бутунлай бошқа нарсани уйлаётгандим.

— Марат ака, — деди Ҳилола шубҳали оҳангда. — Институтни битиргунча ҳам ҳеч ким билан юрмаганмисиз?

Марат унинг кузларида қатъий бир ифода кўрди-ю, қалбининг энг чуқур жойидаги ҳам аламли, ҳам согинч туйгу яна тутён урди. Ҳа, у яхши кўрган эди. «Сўнган юлдуз шуъласи»да ўзининг ҳам натижасиз муҳаббати тасвир этилганди. Ҳозир ўша сўнган юлдузнинг ёниқ шуъласи яна ярқ этиб кетди.

— Яъни бирорни яхши кўрганмисиз, демоқчисиз-да, — деди у иложи борича хотиржам гапиришга уриниб. — Ҳа, яхши кўрганман!

— Кейин-чи?

Марат Ҳилоланинг овозида совуқ қатъият борлигини сезиб, янаем хотиржам гапирди.

— Кейин узоқлашиб кетганмиз.

— Ундан кейин-чи?

— Ундан кейин яна иккита қизни учратдим, — Марат куёди. — Улар мендек довдирни ёқти-ришмади.

Ҳилола бошини қўйи солганча ўтирас, изтироб чекаётгани билиниб турарди.

Марат унинг қўлларини маҳкам ушлади-да, кафтини қаттиқ қисганча ҳаяжондан овози титраб, илтижо қилди.

— Ҳилола, қўйинг... Нима кераги бор шу гапларнинг! — у кафти билан қизнинг иягидан кўтариб, ўзига қаратди. — Ҳилола...

Ҳилола кўзларини чирт юмиб олди. Унинг қалби титрар, ҳозир Марат ўзини ўшишини билар эди. Энди унинг қаршисида ёзувчи Марат Азизов эмас, оддий йигит Марат, мана шу «галати бола» қолган эди.

Мактабни битириш кечасида Бахтиёр деган бола Ҳилолани биринчи марта ўпган, тирногининг учидан пешанасигача ўшиб чиққан, сен бўлмасанг, ўзимни ўлдираман, деб йиглаган эди. Ҳозир у Маратнинг ҳам ёлворишини, йиглагудек бўлиб ёлворишини кутарди.

Аммо Марат ўпмади ҳам, ёлвормади ҳам.

Ҳилола секин кўзларини очди-ю, Маратнинг бутунлай бошқа томонга қараб ўтирганини кўриб ҳайрон қолди. Ўн қадамча нарида, қоронги бурчакда елкалари туртиб чиққан бир чол ҳассасининг уни билан ариқчага тўлиб қолган хазонларни титкилаб туради. Марат ҳамон Ҳилоланинг иягидан тутиб турагарди. Марат ҳамон Ҳилоланинг иягидан тутиб турагарди, аммо чолдан кўз узмас эди. У Ҳилоланинг ўзига қараётганини сезди шекилли, сўради:

— Биласизми, шу чол нимани ўйлаяпти?

Ҳилола ижирганиб, бош чайқади.

— Йўқ! Сиз ёзувчисиз. Сиз билинг!

Марат кулди.

— Мен ҳам билолмай қийналяпман-да! Балки хазон бўлган умрини ўйлаётгандир. Балки шу ерда биринчи бор севгилиси билан учрашгандир. Одам умри поёнига етиб қолганини пайқай бошласа қилган ҳатоларини кўп эслайди-ку... Ҳилола нохушлик билан юзини ўғирди.

Марат унинг кўнгли чўкканини сезди. Ҳилоланинг кафтини олиб, юзига босди.

— Ҳилола, менга ҳамроҳ керак, — деди ҳаяжон билан. — Баъзан ўзимга ўзим шунчалик хунук, ожиз қўриниб кетаманки!..

Ҳилола унинг юzlари ловуллаб турганини сезди, кафтини тортиб олмади.

\* \* \*

Гоҳо сутдек ойдин кечалари ҳовли ўртасидаги супадами, чорпоядами ётганингизда, бирдан уйғониб кетасиз. Оппоқ нури билан сукунат селини ёғдираётган тўлин ойга тикилсангиз, тўсатдан юрагингиз кўксингизга сигмай типирлаб кетганини ҳис қиласиз. Қандайдир сеҳрли, нотаниш оламга кириб қолгандек бўласиз.

Марат кўпдан буён ана ўша олам тасаввури билан яшар эди. Шу кеча уйғониб кетди-ю, бирдан ўзи кўпдан буён аниқ тасаввур қилолмай юрган оламни кўзгудек равшан кўрди.

Каравотдан сакраб турди-да, қўшни хонага, куз ҳавосида муздай бўлиб қолган, пастак шифтига қоғоз қоқилган хонага ўтди. Титроқ қўллари билан чироқни ёқди-ю, устига газета тўшалган жажжи стол қархисига ўтирди. Бир ярим йилдирки, ўша сирли олам хаёлида тунлари уйқусиз кезиб чиқар, аммо унга киролмай азоб чекар эди. Бу ижод олами эди!

У бу оламга кириш учун Римнинг tengдоши бўлган Афросиёбни қаричма-қарич кезиб чиқди. Ўрта Осиёда яқингача аниқ фанлар йўқ эди, деган бемаъни даъвони рад этиш дардида бир ярим йил ёнди. Тарихнинг чанг босган сўқмоқларини киприклари билан авайлаб тозалагудек бўлди.

Бир ярим йилдирки, бўлажак китобининг қаҳрамонлари унинг атрофида айланиб юради-ю, аммо тутқич бермасди. Мана, бугун улар бирданига ўз оёги билан Маратнинг қалбига кириб келди.

Марат уларнинг ҳар бир тукигача, қўнглидаги ҳар бир ниятигача аниқ кўра бошлади. Мавҳум бир оламда қочиб юрган қаҳрамонлар энди уни ўз ортидан эргаштириб кетди.

Марат шаршараадек оқиб келаётган фикртуйгуларини тўкиб сола бошлади. Қўллари титраб эгри-бутри ҳарфлар билан ёза кетди.

Энди уни ҳеч ким, ҳеч нима бу азиз оламдан сугуриб ололмайди.

Эшик гийқиллаб очилганидан кейингина Марат тонг ёришиб қолганини билди. У ҳамон қозодан бош кўтармай, кўз қири билан қараб қўйди. Остонада бошига тивит рўмол ўраб олган онаси турад эди.

— Келинг, — деди Марат вазиятни ўзгартирмай.

Она унинг кетинг деган маънода айтганини тушунди. Ўғлининг одатларига аллақачон кўнишиб кетган эди. «Ётиб дамингни ол» демоқчи бўлди-ю бунаقا пайтда унинг ўжар, инжиқ булиб қолишини билгани учун шарпадай силжиб чиқиб кетди.

Онаси бир қулида чойнак, бир қулида ликопчада қанд кўтариб кирганида Марат икки бобни битирган эди. Унинг кўзлари ачишар, кўп чекканидан бўлса керак, юраги санчарди.

\* \* \*

Ҳилола эшиқдан кириб келди-ю, дераза супачасига тирсаги билан таяниб турган Замирани кўриб қувониб кетди. Қобил Қодирович ҳали ишга келмаган, қабулхона бўш эди. Ташқарида ҳаво булат бўлгани учун, оқиш қандиллар эрталабдан ёқиб қўйилибди. Замира унинг қаршисига югуриб келдида, қучоқлаб олди.

— Палъто олдим, — деди сепкилли юзи қувончдан қизариб.

— Вой, бир кўрай!

Замира дераза супачасида ётган ўроғлиқ қофозни очди.

— Кийиб кўргин, сенга ҳам лойиқ шекилли.  
Пальто Ҳилолага лоппа-лойиқ келди. Бу ўзи  
қачондан буён орзу қилиб юрган тўқ кулранг пальто  
эди.

— Қаёқда бор экан? — деди у ялингудек бўлиб.

Замира сарғиш қошлигини учирив кулди.

— Ҳо-о, ёзувчи акангиз топиб берсин... — у яна  
тегажаклик қилди. — Топиб бўлти! Қоғоз қоралашдан  
бошқа нарсани билмайди. Кеча қанақа бўлди? —  
деди у пальтони қоғозга ўраркан.

Ҳилола ундан сир яширмас, кечака ҳам висолга  
кетаётганини айтган эди.

— Яхши, — у Маратнинг кечаги гапларини эслаб  
ширин жилмайди. — Ҳеч тушунолмайман бу болани!  
Бир қарасанг чолларга ўхшайди, бир қарасанг ёш  
болага айланиб қолади.

— Янги ҳикояга қаҳрамон излаётгандир-да, —  
Замира жилмайиб туриб, уф тортди. — Ўртогим  
бечора!.. Кечака сен билан кўришган, бутун бошқаси  
билан учрашади. Ёзувчининг хотини битта бўл-  
майди. Институтимизда учрашув бўлганидан кейин  
ҳам бир қиз Марат Азизовга хат ёзавериб, эси  
кетган эди.

Илгарилари Ҳилола Замиранинг ҳазилларига  
парво қилмасди, бора-бора жаҳли чиқадиган бўлиб  
қолганди. Ҳозир яна гапни кела бошлади.

— Хат ёзса ёзаверсин! — деди атайлаб бепарво  
оҳсангда. — Менга нима?!

Замира шодон кулганча уни қучоқлаб олди.

— Ростини айтгапман-да, ўртоқжон. Мана! — у  
сумкасини титкилаб, буклоглик газета чиқарди. —  
Ёзувчининг қанақа одамлигини ёзганидан билса  
бўлади.

Ҳилола газетани бепарво қўлга олди. Бу университеtin  
нинг кўши нусхали газетаси эди. Учинчи  
саҳифада Маратнинг «Изтироб» деган ҳикояси  
босилиби.

Замира эшиқдан чиқиб кетиши билан Ҳилола ҳикояни шошиб ўқий бошлади. Бу Маратнинг талабалик даврида ёзган ўртамиёна ҳикояси эди. Ҳикояда севгисига хиёнат қилган йигитнинг изтироблари тасвирланган экан.

Ҳилола ҳикояни ўқиди-ю, кўнглида оғир ғашлик уйғонди. Шу кун у кечгача қандай ишлаганини билмади.

\* \* \*

Марат таҳририятга тушдан кейин келди. Йўлакда муҳаррирга дуч келиб қолди. Муҳаррир совуққина саломлашида, ўтиб кетди. Марат тушунди: «Уч кун ишга келмаганим учун ранжиган». Аммо у парво қилмади. Ҳозир дашном эшитишдан ҳам, ишдан ҳайдалишдан ҳам чўчимасди. Мана, тўрт кундирки, у ўзга бир оламда ўз асарининг оламида яшяяпти. Тўрт кундирки, кеча-кундуз қулоги остида майин бир куй жаранглаб турибди. Бу куй унга куч багишлиб, қалбини нурли туйгуларга тўлдириб юборяпти. Бу куй тўхтамагунча у ҳеч нимани тан олмайди!

Марат етиб келганида Ҳилола каттакон ойнаванд афиша олдида турарди. «Худди оққушга ухшайди», деб ўйлади у Ҳилоланинг қўлини қисаркан. Чиндан ҳам Ҳилола оқ кўйлак, оқ кофта кийиб олганди.

Марат Ҳилола ўзининг оёқларига тезгина қараб қўйтанини кўрди-ю, беихтиёр шими дазмолланмаганини эслади. «Соқол масаласи ҳам чатоқ бўлса керак», деб ўйлади у.

– Бугун театрга тушмаймиз!

Ҳилоланинг кўнгли бир қалқиб тушди.

– Нега? – деди овози титраб. Ҳилола оиласда кенжак қиз бўлганиданми, эрка эди. У дадасига жанжал қилиб, театрга кийиш учун атайлаб оқ кўйлак олдирган эди.

— Нега? — деди Ҳилола алам билан Маратнинг кўзига тикилиб.

Шу тоқда унинг кўзлари қизариб кетганинг, ранги сарғайиб, лабининг икки четида чуқур-чуқур чизиқлар пайдо бўлганини пайқади.

Марат янги спектакль ҳам Афросиёб тарихи мавзусида эканини эшиттанди. У асарини битирмагунча биронта томоша кўрмаслик, биронта китоб ўқимасликка қарор қилган эди. Фикри чалғиб кетишидан қўрқар эди.

— Ишим бор, — деди у, «Янги нарса ёзяпман» дегиси келмади. «Тугилмаган болага от қўйишнинг нима кераги бор. Ким билсин, балки асар яхши чиқмас». У ёзётганини бошқалар у ёқда турсин, ўзидан ҳам қизғанарди.

— Нима иш? — деди Ҳилола умидсиз оҳангда. У негадир Замиранинг гапларини эслади. «Бугун сен билан кўришади, эртага бошқаси билан ...»

— Кетамиз, — Марат уни қўлтиқлаб олди-да, троллейбус бекатига бошлиди. — Кейин, — деди жилмайиб. — Кейин айтаман, хўп?

Ҳилола троллейбусга чиқиб кетди. Марат эса ўз оламига йўл олди.

Ниҳоят Марат қиссасига нуқта қўйди. Уч ҳафтадан бўён вужудини ларзага солиб, кеча-кундузнинг фарқига бормай ишлашга мажбур этган фикру туйғулари ниҳоясига етди. Кўп қаҳрамонлар тақдирни ўзи бошда ўйлаганидан ўзгачароқ бўлиб чиқди. Кўп қаҳрамонлар уни қўғирчоқдек ўйнатиб қўйди.

Марат қаттиқ толиққанини, йиқилгудек бўлиб қолганини шундагина пайқади. Аммо руҳи тетик, кайфи чог эди. У яхши асар ёзганини биларди.

Шу кунлар давомида Ҳилола билан ҳам ду-рустроқ гаплашмаганини, қиз ундан қачондир, негадир ранжиб қолганини туш каби гира-шира эслади. Вазир

қабулига ҳамон кирмаганини, таҳририятнинг биронта ишини қилмаганини энди уйлай бошлади.

Таҳририятда чиндан ҳам иш тўпланиб қолган экан. Марат боши билан шўнгиб кетди. Хатларни кўздан кечирди. Ёш қаламкашлар билан гаплашди. Кечга яқин Ҳилолага қўнгироқ қилиб, кўришишни илтимос қилди.

У энди плашини кийиб, чиқиб кетаётган эди, қўнгироқ жиринглаб қолди.

«Ёш шоирлардан биронтаси шеърининг тақдирини сўраса керак». У бир қўли билан плашининг тутмаларини қадаркан, бошқа қўли билан гўшакни кўтарди.

Қандайдир нотаниш аёл овози уни сўради.

— Мен эшитяпман, — деди Марат охирги тутмани ҳалқадан ўтказаркан.

Гўшак узоқ вақт жимиб қолди-да, йиги овози эштилди.

Марат ҳайрон бўлиб жойига ўтириб қолди.

— Кечирасиз, кимсиз? — деди девордаги соатга тезгина қараб олиб.

Ўн беш дақиқа қолибди.

— Сиз мени танимайсиз, — нотаниш овоз йиги аралаш хўрсинди. — Сиз билан маслаҳатли ишим бор.

Марат эртага келинг демоқчи бўлдию айтол-мади, кўнгли бўлмади.

— Келинг ҳозир, — деди яна соатга қараб, — иккинчи қаватдаман.

Марат гўшакни қўйди-да, чироқни ёқди. «Ҳилола кутиб қоладиган бўлди-да», деб ўйлади кўнгли гаш бўлиб.

Бир оздан кейин эшик очилиб, остоноада кўҳ-ликкина қиз кўринди. Плашининг елкалари, қўлидаги ёмғирпўши ҳўл эди. «Ёмғир ёғаётган экан, — Маратнинг

күнглидаги гашлик кучайиб кетди. — Ҳилола хафа бўлади-да».

Қиз ичкарига киришга қўрқандек ҳамон осто-нада турарди.

— Ўтиинг, — деди Марат диванни кўрсатиб.

Қиз диваннинг бир чеккасига омонат ўтирди-да, қизариб кетган кўзлари билан унга қараб қўйди.

— Вақтингизни олдимми?

— Нима бўлди, синглим? — деди Марат плашини ечиб, стул суюнчиғига ташларкан. — Нега хафа бўляпсиз?

Қиз унга бир қараб қўйди-ю, яна кўзларида ёш қалқиди.

— Мен сизни яхши биламан, — қизнинг ўпкаси тўлиб ҳиқиллаб қолди. — Сиз яхши, олийжаноб одамсиз.

Марат гапининг давомини кутиб, индамай ўти-раверди. Қиз плашининг чўнтағидан рўмолча олиб, кўз ёшларини артди.

— Бир йигит бор эди, — қиз юзини дераза томонга буриб олди. — Бир-биrimизни яхши қўрадик. Мен дарс тайёрлагани унинг ётоқхонасига бориб турардим... Қиз жимиб қолди-да, бирдан ҳунграб юборди: — У мени алдаб кетди. Армияга кетиб қолди.

Марат тушунди. Кунглини кемираётган гашлик бошини сирқиратиб юборди. У кафти билан пешана-сини чангллаганча сўради:

— Энди нима қилмоқчисиз?

Қиз ярқ этиб унга қаради.

— Ўзимни ўлдираман!

— Бўлмаган гап! — Марат қулинни шартта туширди-да, совуққина гапирди. — Ўзини ўлдирадиган одам аввал эълон қилиб, кейин ўлдирмайди.

Қиз аччиқ ҳақиқатни шундоққина кўз ўнгига келтириб қўйган Маратга ҳайрон қараб қолди.

– Онангиз бормилар? – деди Марат бир оз юмшоқ оҳангда.

Қиз асабийлик билан қўл силтади.

– Улар нимани тушунарди? Эски одам... Эрга берамиз деб ётишибди.

«Қачондан буён сен янги одам бўлиб қолдинг! – деб ўйлади Марат гижиниб. – Дуч келган одамга қучогини очиш янгилигу, номусли бўл дейиш эскиликми? Номуснинг нархини нега бунча арzonлаштиради булар?»

У сигаретанинг учини асабий эзгилаб чекди. Марат кўпдан буён шу гапларни ўйлаб юарди. Мана, яна бир мисол. У үзини босиб олди. «Бу қиз танбеҳ эшитғани эмас, маслаҳат сўрагани келганку».

– Хат ёзяптими? – деди у хотиржам оҳангда.

– Эрга тегиб кетавер, дебди, – қиз уф тортди.

– Нега шунақа деб ёзганини биласизми?

Қиз маъюс бош чайқади.

– Сизга ишонмаяпти!

Қиз бунисини ҳеч ўйлаб кўрмаган бўлса керак, киприкларини ҳайрон пирпиратди:

– Нега ишонмайди?

– Сиз ҳар сафар йиглаб ёзаверманг, – деди Марат унинг саволини эшитмагандек. – Энди сиз қанча ялиниб ёзсангиз, у шунча узоқлашиб кетаверади.

– Нима қилай бўлмаса? – деди қиз ўкинч оҳангиди.

– Эртага унинг хатларини олиб келинг, – деди Марат ўрнидан туриб. – Биргалashiб жавоб ёзамиз. Мен айтиб тураман, сиз ёзасиз.

У плашини кийди-да, эшикни очди.

– Келишдикми, эртага ёзамиз.

Қизнинг кўнглида умид чироги ярқ этиб кетди шекилли, секин шивирлади.

– Раҳмат...

Марат симёгоч тагида елкаларини қисиб, ёмғирдан жунжикиб турган Ҳилолани узоқдан күрди-ю, юраги зириллаб кетди.

«Плаш киймаган экан». У қоп-қора йўлкада ёмғирдан ялтираб ётган чироқ нурларини босиб югуриб борди-да, Ҳилолани билакларидан тутиб ўзига қаратди.

— Кечиринг!

Ҳилола Маратнинг қўлини силтаб ташлади. Унинг соchlари ҳам, пушти ранг жемпери ҳам ивиб кетган, ранги сўлгин эди.

— Кечиринг, — деди Марат яна ялинчоқ оҳангда. Кейин плашини ечиб, Ҳилоланинг елкасига ташлади.

— Қочинг! Уятсиз! — Ҳилола плашини силтаб ташлади. Унинг ҳўл енги Маратнинг юзига шапиллаб урилди.

— Хайр! — Ҳилола кескин бурилди-да, сумкасини силкитганича, кўлмак сувларни сачратиб чопиб кетди.

Марат нариги симёгоч тагида унга етиб олди. Муздай елкаларидан ушлаб, энтикканча шивирлади:

— Тушунсангиз-чи, ахир. Бир қиз билан гаплашдик. Бирор ёрдам сўраб турганида ташлаб кетолмайман-ку.

Ҳилола шартта бурилиб қаради. Унинг сўлгин юзидан ёмғирми, кўз ёшими оқиб тушар эди.

— Сизнинг қизларингиз кўп, — деди у овози титраб. — Одамларингиз кўп!

— Бугун шунаقا бўлиб қолди-да, нима қилай? — Марат плашини яна унинг елкасига ташлади. Ҳилола тагин силтаб юборди. Плаш лойқа кўлмак сувга тушди.

— Шилқимлик қилманг, — деди Ҳилола йиги аралаш. — Театрга борганда-чи, кутубхона олдида

кўришганимизда-чи, музейга бормоқчи бўлгани-  
мизда-чи! У яна чопиб кетди.

Марат эгилиб плашни олди. Ҳилоланинг қадам  
товушлари тез узоқлашиб бораради. Шундагина у  
бу қизни севиб қолганини, қаттиқ севиб қолганини  
чуқур ҳис этди. Бог четида етиб олиб қулидан тутди.

Ёмғир ҳамон шивалаб ёгар, Марат энди плаш лой  
бўлганини, уни Ҳилолага кийгазиб бўлмаслигини  
ўйлаб қийналарди.

— Ҳилола, унда, — деди нафаси қисилиб. — Унда  
мен бир нарса ёзаётган эдим.

— Нарса ёзаман деб ҳаммадан кеча қолинг, —  
Ҳилола энди йигламас, овозида темирдек қатъият  
бор эди.

— Бошқа иложим йўқ эди, — деди Марат ўйчан.

— Иложим йўқ денг?

Марат унинг титраб турган лабларига қараб  
бошини қуий солди.

— Йўқ.

Ҳилола бундай жавобни кутмаган эди. У Марат-  
нинг ялинишини хоҳларди.

— Бўлмаса, — Ҳилола овози қалтираб такрорла-  
ди. — Бўлмаса мендан кеча қолинг!

Марат ҳамон бошини қуий солиб турар, асфальт  
йўлкага ёпишиб ётган хазонни туфлисининг учи  
 билан эзгилар эди.

— Мен айтгандим, — деди у сокин оҳангда. —  
Менга дўст керак, ҳамроҳ керак, дегандим...

— Йўқ. Айтсангиз-чи, ижодингиз учун мендан  
кеча қолинг. Ўзингиздан бошқа ҳеч кимни ўйламай  
кўя қолинг!

Марат унинг кўзларида газаб борлигини кўриб,  
кўнгли оғриди. Наҳотки у чиндан ҳам фақат ўзини  
ўйлаётган бўлса?! У шу кунгача бирон марта  
дурустроқ ўйлаб кўрмаган гапларни Ҳилоладан  
эшитиб ҳайрон бўлди. Ахир у одамларга ўхшаб  
башант кийинишини, зиёфатларга боришни, уй-жой

солишини шунчаки майда гаплар деб юрарди-ку. Наҳотки келиб-келиб энг яқин одами булиб қолган, қалбининг нурли бир парчасига айланган мана шу қиз унга таъна қилса.

— Айтинг! — деди Ҳилола ҳамон лаблари титраб. Кўзларида совуқ ўт ялтираб кетди.

Шундагина Марат бу қиз уни ҳеч қачон тушуна олмаслигини, ўзи ўйлаганидан кўра каттароқ эътибор талаб қилишини чукур ҳис этди.

— Ҳилола, — деди қизнинг кўзларига қарамасликка ҳаракат қилиб. — Мен бошқача яшай олмайман, балки иккимиз ҳам адашгандирмиз. Сиз тўгри айтаяпсиз. У бир лаҳза ўйланиб турди-да, маъюс жилмайди: — Бир умрлик ташвишимга сизни шерик қилишимнинг нима кераги бор? У кескин бурилди-да, чироқ нурида ялтираб ётган ҳалқоб устидан сакраб ўтди. Нарироққа бориб қайрилиб қаради. Ҳилола ҳалқоб олдида бошини қуийи солиб турарди.

Марат томогини аламли бир ўт ёндираётганини пайқади-ю, плаш ушлаган қўлини баланд кўтарди.

— Хайр, — деди овози титраб. — Мендан ранжиманг. — У охирги сўзларини иложи борича хотиржам айтишга ҳаракат қилди. — Бахтли бўлинг, Ҳилола!

Ҳилола у томонга салгина эгилгандек, ишончсиз бир қадам қўйгандек бўлди. Аммо Марат энди қайрилиб қарамади. Илондек ялтираб ётган йўлкадан ўз соясини босганча секин-секин юриб кетди.

Ҳамон ёмгир савалар, дараҳтларнинг сарғайган япроқлари чироқлар нурида хира йилтиллар эди. Аллақаёқда хазон тутаётган бўлса керак, аччиқ бир ис димогини куйдиравди.

У плашини осилтирганча, кўлмак кечиб борар, боя таҳририята йиглаб келган бахти қаро қизнинг аччиқ қисматини ўйлар, ўзи эса қаёққа кетаётганини билмас эди.

## ЯНГА

Акмал құнғироқ тұгмасини босиши билан ичка-ридан овоз әшитилди:

— Ана, Акмалхон келдилар.

«Келинойим», деб үйлади у янгасини овозидан таниб.

Янгаси негадир унинг номига «хон» құшиб гапиради.

Акмал янгаси келганидан қувонди. Ҳар сафар уни кўрса онасини кўргандек бўларди.

Эшикни янгасининг ўзи очди. Акмалнинг елка-сидан қучоқлаб қўришди. У яшил жемпер кийган, штапель дурра ўраб олган, қорача, озгин юзида ийманувчан табассум бор эди. Акмал унинг қўли-даги оддий хўжалик сумкасини кўриб кетишга ҳозирланаёттанини пайқади.

— Нега отланиб олдингиз? — деди астойдил ранжиб.

— Болалар ёлғиз, — деди янгаси туфлисини ки-яркан. — Қоронги тушмасдан бора қолай.

— Акам бор-ку, — деди Акмал ҳамон унинг кети-шини хоҳламай.

Янгаси яна ийманган қиёфада жилмайди:

— Чойхонага чиқадилар, биласиз-ку.

Ёнбош томондаги ошхонадан парча гулли халат кийган, олдига фартук тутган Клара чиқди.

— Овқатта туринг десам, кўнмаяптилар, — деди у тоx әрига, тоx овсинига қараб.

— Майли, ўзинглар боринглар, — янгаси эшик тутқичидан оҳиста тутиб, ташқари чиқди.

Акмал уни зинадан кузатиб қайтиб кирганида ошхонада жаз-буз әшитилар, уйни пиёздог ҳиди тутиб кетган эди.

— Келиндейим қачон келувди? — сұради у гүшт қовураёттан хотинидан.

Клара ачишган күзини кафтининг орқаси билан артиб, унга юзлаңды.

— Яқында.

— Бирон юмуши бор эканми?

— Нима юмуши бўларди, пул сўрайди-да...

Акмал хотинининг овозидаги пичингни пайқаб, кўнгли ранжиди.

— Неча марта пул сўради сиздан? — деди зарда билан. Клара қапгирни тарақлатиб столга ташлади.

— Сўрамаса, энди сўрайди. Бир марта берсангиз келаверади. Нима, бизнинг пул заводимиз борми?!

Клара оиласида ёлғиз қизлиги учунми, келин бўлиб тушгандаёқ овсинини хуш кўрмаган эди. Уй олиб бу ёққа кўчиб келишгунча анча майда-чуйда гаплар ўтган, уларнинг кўпига хотини сабабчи бўлганини Акмал биларди, аммо индамаган эди. Ҳозир гаши келди.

— Бизнинг пулимизга зор қақшаб қолган жойи йўқдир, — деди овози бўгилиб. — Муҳтоҷ бўлгандир, бирон нарсага керак бўлиб қолгандирки, сўрагандир.

— Нега муҳтоҷ бўлсин?! Эри ишлайди, ўзи ишлайди. Режа билан ишлатсин! — Клара гап тамом дегандек, индамай бурилиб қозонни ковлашга туцди.

Акмал хотинининг халат остидан тирсиллаб турган бўлиқ елкаларига, қапгирни чаққон айлантираётган тилла узукли қўлига бирпас қараб турди-да, бурилиб хонага кириб кетди. Ҳали уйга кирганида янгаси нимагадир ийманиб жилмайиб турганини, нима учун шошилиб кетиб қолганини энди тушунди. Хотинининг мих қоққандек қарсиллатиб муомала қилишидан, ўзи унга жиловини шунчалик

бериб қўйганидан гаши келди. «Бўйнини эгиб пул сўраб келиш осонми? Қишлоғини келипти. Болалардан биронтасига қишлоғини кийим олмоқчилир. Топгани етмаётгандир. Бунинг устига акамнинг ичиши бор...» У диванга чалқанча ётганча шуларни ўйлар, ўйлаган сайин кўнгли гаш бўлар эди.

Ўртадаги эшик очилди. Ақмал хотини ўзига қараб турганини пайқаб, индамай ётаверди.

– Яна қанча ётасиз? – деди Клара тагин ўша ўйиб олгувчи оҳангда. – Лолани ким олиб келади?

– Билмайман, – деди Ақмал каравот тепасига илингтан арабий гилам гулларини томоша қилган бўлиб. – Богчага ҳар куни мен боришим шарт эмас.

– Бўлмаса, овқатни қилинг!

Ақмал гилам томонга бутунлай ўтирилиб олди.

– Масалан, мен овқат емайман, – деди совуқ-қонлик билан.

– Қаранг-а, мен сизнинг тўйиб келишингизни билмабман.

Зум ўтмай эшик калити шиқирлади.

Ақмал ўша алпозда ёттанича хотинини ҳам, қизини ҳам эмас, негадир янгасини ўйларди.

Адҳам акаси уйлангандан Ақмал учинчи босқичга ўтган эди. Механика-математика факультетидаги фанлар оғир бўлгани учунми, ё ўзининг қобилияти сустроқмиди, хуллас, стипендияга илинмади. Онаси мактабда йигирма беш йил фаррошлиқ қилиб, пенсияга чиққан, унинг нафақаси Ақмалнинг жонига оро кириб туради.

Янгаси келин бўлиб тушганида ҳам қоп-қора, озгин қиз эди. Ақмал ўзидан нари борса икки ёш катта бу қизга аввалига унчалик кўниколмай юрди. Негадир ундан ўзини олиб қочар, янгаси пайпогиними, майкасиними юваётганини кўриб қолса, ийманар,

онасига: «Ўзингиз ювмабсиз-да», дерди. Аммо онасининг кун сайин нари кетаётганини, оёқ-қўллари шишиб, ётиб қолганини Акмал биларди. У ҳар куни ўқишига кетаётганида онаси ётган хонага кириб, ундан аҳвол сўраб ўтарди. Шунаقا пайтларда ҳар доим онасининг тепасида янгаси ўтирганини кўрарди.

Худди шунаقا эрта куз кунларидан бирида у ўқищдан қайтганида, эшик тагида тўпланиб турган одамларни кўриб ҳаммасига тушунди. У қачондир шу ҳодиса рўй бериши муқаррар эканини биларди. Аммо назарида бу нарса ҳеч кутилмаганда рўй бергандек, аллақандайadolatsizlik бўлгандек туюлди. У бир ҳовли хотинлар орасидан ўтиб, онаси ётган хонага отилиб кирди. Қизиқ, ўшанда у йигламади. Йиглай олмади. Фақат тонг сахарда ўқишига кетаётганида онасининг қилган дуосини эслади: «Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам. Умринг узоқ бўлсин...»

Ўша кундан бошлаб Акмал энг катта таянчи йўқолганини тушунди. Энди унинг ҳаёти чалкашиб кетгандек, алланима ўзгариши керакдек туюларди. Ўқищдан кўнгли совий бошлади. Стипендия олмаса, кап-катта йигит бировга тирик товои бўлиб ўтирса...

Үйдаги ҳаёт ўша-ўша давом этарди. Худди онаси бор вақтдагидек ҳар куни каравотининг бошидаги стул суюнчиғида дазмолланган шим, оппоқ рўмолча, ёқаси қордек тоза кўйлак. Чўнтагида кунги тушлик пули...

Акмал буларнинг ҳаммасини янгаси қилаётганини биларди. Акасининг топгани ўзидан ортмайди. Янгаси қурилишда ишлайди. Ўз эрининг ташвиши етмагандай тонг-саҳарлаб туради. Акмалнинг кирчирига қарайди.

Янгаси оғироёқ бұлганидан кейин таътилга чиқди. Ҳамон Акмалнинг ёнидан пул аримасди. Лекин ўзи энди ортиқ бу ақволда юриш мүмкін эмаслигини тушунди. Ўқишидан бутунлай айниди. Бир куни акасига қатъий қарорини айтди:

— Мен заводға ишга кираман.

Акаси тайинли бир гап айтмаса ҳам Акмал унинг қарши эмаслигини билди. Эртасига у кеч уйгонди. Үша қишлоғын тонги асло эсидан чиқмайди. Акмал уйгонганида чұян печқада үт гувиллаб ёнар, янгаси печка олдидә чүнқайиб үтирганча хаёлга толған, гүё ухлаб қолғанға үхшарди. Акмал печкағи расидан тушаёттан ёғдуда янгасининг дөг босған юзини күриб, янаям озиб кетганини, чехраси гамгин эканини сезди.

Каравот гирчиллаганини эшитиб, янгаси ярқ әтиб унга қаради. Аммо ўрнидан жилмади.

— Акмалхон, мен эшитдим, — деди у паст товушда. Кейин бир зум жим қолди-да, уф тортди: — Майли, бизни үйламай құя қолинг. Ойимнинг арвоғини чирқиллатгани құрқмайсизми? Ойим сизни менга топшириб кетгандар. Тушундингизми?

Акмал янгасига қаради-ю, күзларига ёш айланыттанини, бу гапларни юрақдан эзилиб айтаёттанини сезди. Сезди-ю, үзининг ҳам юраги орзиқиб кетди. Шу тобда янгасининг құксига бошини құйғиси, дөг босған юзларини силагиси, нимадир деб узр сұрагиси келиб кетди. Үшанды у мана шу янгаси ўз онасидай азиз бир одам эканини ҳис қилды.

Мана, у үқиши ҳам битирди. Бола-чақалик бүлиб янгасидан кунда хабар ҳам ололмайдиган бүлиб қолди...

Эшик калити шиқырлаганини эшитиб, Акмал қаддини ростлади. Йўлақда Кларанинг товуши эшитилди:

— Телевизор кўрасанми, Лола? Ҳозир мультик бўлади.

— Йўқ, дадамга бораман...

Эшик очилиб, жамалак сочига оппоқ лента тақиб олган Лола чопқиллаб кирди-да, Акмални қучоқлади. Ўша томондан яна Кларанинг овози келди:

— Қўй, Лола, дадангга тегма, чақиб оласан.

Акмал қизини етаклаб йўлакка чиқди.

— Келинойим неча сўм сўради?

Ошхонага кириб кетаётган Клара, ҳалиям уша гапми, дегандек бурилиб қаради.

— Анча, нимайди?

Акмал индамай ётоқقا кирди-да, Кларанинг пардоз қутисини очди. Уларнинг пули одатда шу қутида турарди. Иккита йигирма беш сўмликни ажратиб олаётганида ошхона томондан тагин Кларанинг овози эшитилди:

— У пулга тегманг. Лолага шуба олишим керак.

Акмал индамай йўлакка чиқди. Туфлисининг боғичини боғлаётганида тепасига хотини келганини кўриб қаддини ростлади. Кларанинг ранги ўчиб кетсан, нафис бўёқ юргизилган бежирим лаблари пирпираб турарди.

— Уларнинг боласи бола бўлганида меники бола эмасми? — деди у овози титраб. — Нега боланинг насибасини қиясиз, ё ўтказиб қўйгани борми?

— Овозингни ўчирасанми, йўқми?! — деди Акмал бақириб.

Клара ҳайрон бўлганидан эрига тикилиб қотиб қолди. Улар лабораторияда бирга ишлашар, севишиб турмуш қуришган, беш йилдан буён бирон марта эри унга сен демаган, бақирмаган эди.

— Обора қолинг, — деди Клара йигламсираб. — Бор-йўгинизни обориб бера қолинг, ўша гадой-ваччаларга!

Акмал яна бир дам турса катта жанжал чиқишини билиб, эшикни қарс этиб ёпиб, чиқиб кетди.

...Акмал шаҳар чеккасидаги ҳовлиларининг темир дарвозасини тақиллатганида вақт аллама-ҳал бўлиб қолган, сутдай тўлин ой пастак уй рўпарасидаги олчаларнинг сарғая бошлаган япроқларини аллалар, майин шабада эсиб туради.

Эшикни нимча кийиб олган янгаси очди.

— Тинчликми, Акмалхон? — деди хавотирли оҳангда. Чамаси, Акмалнинг важоҳатидан жаҳли чиқиб турганини пайқаган бўлса керак.

— Ўзим, — Акмал ичкарига кириб гапни атайлаб бошқа ёққа бурди. — Акам келдиларми?

— Э, ҳали келмайдилар. Болаларни энди ухлатувдим. Юринг.

— Сўрида ўтира қолайлик, — деди Акмал олматаgidаги панжарали сўрига имо қилиб.

Янгаси уйдан кўрпача олиб чиқди. Акмал чиннидай қилиб супурилган ҳовлидан юриб бораркан, димогига гуп этиб райҳон иси урилди. Бу ҳид унга алланечук қадрдон, аллаловчи туйгуларни эслатди. Онаси ҳар йили райҳон экар, «Райҳон файзли бўлади, болам», деб қайта-қайта такрорлар эди. Чиндан ҳам мана шу ҳид бутун ҳовлига қандайдир осойишталик баҳиш этгандай бўларди. Акмал сўридаги кўрпачага ёнбошлаб атрофни кузатди. Лой том устидан шифер қоплаб, уйнинг замонавийлаштирилганини айтмаса, ҳеч нима ўзгармаган эди. Ўша икки уй, бир айвон, устундаги узун михга бир тутам исириқ илиб қўйилиби. Ўша кафтдаккина ҳовли, бўйра бўйи жойга экилган райҳон. Олма шохига илинган лампочка. Ўша сўри... Сўрининг шундоқ ёнига икки дона олма тушибди. Сап-сариқ...

Ошхона томондан янгасининг ўтин ёраётгани эшитилди.

Акмал ўгирилиб қаради. Янгаси ҳовли этагидаги ошхона эшиги олдида чүнқайиб ўтирганча ўтин ёරарди.

— Қўйинг, келинойи, мен кетаман, — деди Акмал.  
Янгаси ҳозир, деди-ю ишини қилаверди.

Қизиқ, ошхона ҳам, унинг ёнбошида деворга тираб тикланган тандир ҳам ўша-ўша — ўзгармаган, тандир остига худди ўша кезлардагидай ўтин тахлаб қўйилган эди.

Бир маҳаллар Акмал болалик чогида, онаси шу тандирда зогора нон ёпар эди. Тандирдан чиқсан биринчи зогоранинг ярмисини ушатиб, сопол пиёладаги сутга тўғраб берарди. Акмалга дунёда ивитилган зогорадан лаззатлироқ таом йўқдек туюларди.

У ҳозир ҳам ўша лаззатли нон таъмини сезгандай ютиниб қўйди-да, секин энтиқди. Эрта куз кечасига ҳос чуқур сукунат чўқди. Фақат онда-сонда бир шамол келиб, олма япроқларини дув тўкиб кетади.

Кейин яна сукунат қўйилади. Олисдан тепловоз товуши келди. Гулдираб ўтаётган поезднинг бир меъёрда гувиллаши эшитилди. Овоз пасая-пасая тиниб қолди. Бу товуш Акмалга яна болалик дамларини эслатди.

Бир вақтлар мана шу сўри ўрнида супа бўларди. Онаси ётар чогида кўлоблатиб сув сенар, бутун ҳовлини райҳон иси тутиб кетарди. Акмал онаси билан Адҳам акасининг ўртасида кўрпадан бош чиқариб, осмонга тикилиб ётар, узоқ вақт ухлай олмай хаёл сурарди. Акмал ишчи батальонига кетиб, ўша ерда вафот этган отасини эслай олмас, аммо онасининг бир гапи гўдак хотирасига ўринашиб қолган эди.

«Ўлган одамнинг жони осмонга чиқиб, юл-дузга айланиб қолармиш». Акмалнинг назарида осмондаги

энг ёрқин юлдуз отасининг жони бўлиб туюлар, ўша юлдузга учиб кетгиси келарди. Ҳозир ҳам негадир худди ўша туйғу юрагини қамраб олди. Ўша болалик дамларга бир зум қайтгиси келди. Лабораториядаги мураккаб тажрибалару Кларанинг инжиқликлари ҳам, бугунги дилсиёҳлик ҳам, ҳаммаси бачканা, майда нарсалар бўлиб қўринди. Қанийди онаси тирилиб келса-ю, бир кеча мана шу сўрида осмонга, юлдузларга, тўлин ойга тикилиб ётса.

Бир қўлида чойнак, бир қўлида тухум қовурдоқ кўтарган янгаси темир зиналардан чиқиб келди. Акмал қаддини ростлаб ўтирди. Янгаси нон ушатди, чой қўйди.

Акмал иштаҳасиз бир тарзда нон кавшаркан, гапни нимадан бошлишни билмай тараддулданарди. Тайин гапки, Клара пулимиз йўқ деган, энди нима дейди? Хотиним сизни алдаган экан, дейдими?

— Асқар катта йигит бўп қолгандир? — деди у анчадан кейин. Янгасининг юзига табассум югуриди.

— Ҳа, бешга ўқийди. Дастёр бўп қолди, — у бир лаҳза жимиб қолди-да, яна жилмайди. — Бу йил Лайло ҳам мактабга боради.

Акмал бирдан баҳона топилганига суюниб кетди.

— Шунақами? Қаранг, дарров мактабга борадиган қиз бўлиб қолдими? — у ҳамон кулганча асосий мақсадга кўчди. — Лайлого биронта совға олмоқчи бўлиб юрувдим. Ҳали дурустроқ гаплаша олмадик. Кларанинг хабари йўқ, бутун мен ойлик олувдим. У чўнтағидан пул чиқариб, дастурхон четига қўйди: — Ўзингиз биронта қишлиқ кийим олиб берарсиз, келинойи...

Акмал ёлгон галираётганини, гаплари сунъий чиқаётганини билиб, тўхтаб қолди.

Янгаси жараштиб, унинг юзига қаради.

— Раҳмат, Акмалхон, — деди янгаси оҳиста товушда. Унинг овозида зарда ҳам, ўқинч ҳам

йўқ эди. – Болаларнинг кийими етарли, – деди у дастурхон попугини ўйнаб. – Бошқа нарсага зарил бўлиб қолувди... Биласиз, индинга ойим вафот этган кунларига ўн йил тўлади. Шунга узоқ-яқин қариндошларни чақирмоқчийдик. Озроқ етмай турувди...

Акмал сесканиб янгасига қаради-ю, ҳайкалдек қотиб қолди. Янгаси ҳамон дастурхон попугини ўйнаб ўтирас, чамаси, ҳозир ҳамма нарсани унутиб, қайнанасининг хотирасини ўйлар эди.

## ЖИНТЕПА

### *Болалигим ҳикояси*

Бу воқеага анча бўлди. Ўшанда олтинчи синфда ўқирдим. Аниқ эсимда бор: апрель ойи эди. Тогликлар равочнинг тошбосди деган турини яхши билишади. Равоч энди ўсиб келаётганида бир томонга ёнбошлиатиб устига тош босиб қўясиз. Шунда, офтоб тушмагани учун равоч ҳам серсув, ҳам чучук бўлиб ўсади. Қишлоқ болалари равоч чиқиши билан танлаб-танлаб устига тош бостириб қўйишади. Бироннинг тошбосдисига бирор тегмайди. Қоида шу.

Апрель ойи бўлгани учун қишилогимиз атро-фидаги паст-баланд тепаликлар, тоглардаги равоч болалар ўртасида аллақачон «бўлашиб» олинган эди. Фақат кунботар томондаги Жинтепа чўққисига ҳали ҳеч ким чиқмаганди. Жинтепа энг баланд чўққи бўлганидан унда қор кеч эриган, равоч ҳам кеч чиққан, буни болалар билишарди. Аммо бу чўққига чиқишига ҳар кимнинг ҳам юраги бетлайвермасди. Биз кичкина пайтимизданоқ Жинтепа ҳақидаги ҳар хил ваҳимали гапларни эшитавериб, юрак олдириб қўйгандик.

Айтишларича, бир чүпон сурувини боқиб юриб тогда адашиб қолибди. Кечасига қолиб кетибди. Қараса, олисда олов ёниб турғанмиш. Бошқа чүпонлар ҳам бор экан, деб суюнибди. Үша жойга яқин бориб қараса, гулхан атрофида яп-ялангоч қызлар сочини ёйиб үтирганмиш. Чүпон орқасига қарамай қочибди. Анча вақт касал бўлиб ётибди...

Қишлоқ дўконини қуриқладиган чол ҳам Жинтепага чиққанида соқов бўлиб қолган, дейишади. Айтишларича, у ёшлигида туппа-тузук экан. Бир куни тоққа — үтинга чиқибди. Үтин кесгунча қоронги тушиб қолибди. Кечаси чўққидан тушиб келаётса, йўлда сават замбил ётганмиш. Керак бўлиб қолар дебди-ю, бандидан судраб кетаверибди. Қараса, замбил ўзидан-ўзи оғирлашиб бораётганмиш. Бояги киши қора терга ботиб кетибди. Охири чарчаб қолибди. «Сават замбил ҳам шунақа оғир бўладими» дебди ўзига-ўзи. Шунақа деса орқасидан гўлдираган овоз эшитилибди: «Оғирлиги қанча келади?» Қоровул бундай үгирилиб қараса, замбил эмас, бадбашара бир маҳалуқнинг қулогидан ушлаб келаётган эмиш. Қоровул «Дод!» деб пастга югурибди. Шу-шу тилсиз бўлиб қолибди.

...Уша куни якшанба эди. Ўртогим Адҳам билан Жинтепага чиқиб, равоchlарга тош бостириб тушадиган бўлдик. Йўл олис бўлгани учун эрта турдим. Уша ёқда ермиз, деб битта нонни қийиқчага тутиб олдим. Адҳамларникига чиқсан, бувиси супада үтириб хамир қораётган экан. Унинг кўзи яхши қўрмаса ҳам қулоги жуда яхши эшитарди. Адҳам билан пицирлашаётганимизни сезиб қолди.

— Нима? Жинтепа? Ҳамма галва сен такадан чиқади. — У қаддини ростлаб менга ўқлов ўқталди. — Йўлдан урма болани! Иккалангниям жин чалиб, оғзингни қийшайтириб кетади.

Адҳам иккаламиз вақт ганиматида жуфтакни ростлаб қолдик. Күчага чиққанимизда ҳам Адҳамнинг бувиси қаттиқ-қаттиқ койиётганини эши-тиб турдик.

— Ҳали даданг келсин, бир урдириб томошангни кўрмасам, юрган эканман. Жинтепада бало борми сенларга!

Иккаламиз олдинма-кетин йўлга тушдик. Жинтепанингйўли олис. Аввал сойдан ўтилади. Кейин мол фермасининг ёнидан ўтиб, қир ошамиз. Кейин арчазор оралаб чиқиб кетаверилади, кетаверилади, охири Жинтепа чиқади. Ҳаво мусаффо. Шундоқ оёқ остида қоқигуллар, бутакўзлар очилиб ётибди. Осмонда тўргай типирчилаб нафас олмай сайрайди. Танҳо бургут ҳавода вазмин сузиб ўлжа ахтаради. Арчазорга киргунимизча пешин бўлиб қолди. Бир томонга қийшайиб ўстган каттакон арча остида ўтириб нонни еб олдик.

— Булат чиқди, — деди Адҳам оёгини чалиштириб ётганча, арча шохлари орасидан осмонга қараб. — Тезроқ юрмасак бўлмайди.

Чиндан ҳам ҳаво салқинлашиб борар, осмонда тўда-тўда булатлар сузиб ўтарди. Жинтепага чиқиб боргунимизча ҳаммаёқни булат ўраб олди. Аммо чўқки устидаги ялангликка чиқишимиз билан булатни ҳам, шамолни ҳам унутдик. Ҳар ер-ҳар ерда тўда-тўда бўлиб очилган лолалар шамолда чайқалиб турар, худди оловдек ловиллаб кўзни оларди. Иккаламиз у ёқдан-бу ёқقا югуриб лола тердик, энди бир қарич бўлиб ўстган равочлар устига тош бостиридик.

— Мен қирқ биттасига бостиридим, — деди Адҳам ҳарсиллаб. Унинг пешонаси терлаб қетган, катак кўйлагининг этаги шимидан чиқиб кетгани учун шамолда қанотдек силкинар эди.

— Мен санамадим, — дедим кучайиб бораёттан шамолдан баланд келиш учун бақириб.

Шу пайт бошимиз устида чақмоқ ярқ этди-ю, момақалдироқ гумбурлади. Адҳам менга, мен Адҳамга қарадим. Қоп-қора булутлар борган сайин пасайиб келаёттанга ўхшар, шундай бошимиз устидан қора тумандек шиддат билан сузиб ўтарди. Бирпасда атроф гира-шира қоронги бўлиб қолди.

«Ҳозир жала қуяди», деб ўйладим у ёқ-бу ёққа аланглаб. Атрофда ёмғирдан яширинаидиган на бир дараҳт, на бир харсанг — ҳеч нарса йўқ эди. Яна момақалдироқ гумбурлади. Ўша заҳоти Адҳамнинг даҳшат тўла товуши эшлилди:

— Рустам! Бошинг ёняпти, Рустам!

Ҳайрон бўлиб Адҳамга қарадиму даҳшатдан қотиб қолдим. Адҳамнинг соchlари тикка-тикка бўлиб кетган, негадир сочи орасидан кўкимтири чўт сачраб осмонга отиларди.

— Ўзингни... ўзингни бошинг ёняпти! — дедим дудуқланиб.

— Вой-дод! — Адҳам кўзлари олайиб бошини чангллаганича югуриб кетди. Мен ҳам тошларга қоқилиб-қоқилиб унинг кетидан чопдим. Момақалдироқ тинимсиз гумбурлар, ора-чора сукунат чўкканида соchlарим ўзидан-ўзи тиккайиб ёниб кетаёттанга ўхшар, Адҳамни чақирай десам, қўрққанимдан овозим чиқмасди.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайман. Бир маҳал йигирма қадамча оддинда югуриб кетаётган Адҳам бир нарсага қоқилиб йиқилиб тушди. Мен етиб келганимда у ҳамон бошини чангллаганча кийикўтлар орасида гужанак бўлиб ётарди.

— Тур ўрнингдан, Адҳам! — дедим елкасидан тутиб.

У қўрқув билан менга қаради.

— Бошинг ёниб кетмадими? — деди йигламсираб.

— Үзингники-чи?

Иккаламиз беихтиёр бошимизни ушлаб күрдик. Йүқ, ҳеч қаеримиз ёнмаган, сочимиз ҳам куймаганды.

— Үз күзим билан күрдим! — деди Адҳам ҳамон құрқұвдан күзлари олайиб. — Сочингдан олов чиқиб кетди. Худо урсин, үз күзим билан күрдим.

— Мен ҳам күрдим! — дедим Адҳамнинг бошига синчиклаб қараб. — Сенинг бошингдан ҳам чүг чиқиб кетди. Сочинг ўзидан-ўзи тикка бўлиб, чүг сачраб кетди. Кўкимтири чўг.

Яна момақалдироқ гумбурлади. Йирик-йирик ёмғир томчилари шатир-шутур қилиб туша бошлади.

— Ажина! — Адҳам сакраб ўрнидан туриб кетди. — Ажина! Қоч!

Яна аввалгилик у олдинда, мен кейинда югуриб кетдик. Аммо энди Адҳамнинг бошидан чўг чиқмас, савалаб ёмғир ёғар эди. Фақат ферма олдига келгандагина сал нафасимизни ростладик. Қишлоққа кирганимизда ёмғир тиниб қолган эди. Жинтепа устида қуёш ботиб борарди.

Адҳамнинг уст-боши лой бўлиб кетганди. У хайрлашмасдан тўғри уйига кириб кетди. Мен ҳам уйга кирдиму, дамимни чиқармай ётиб ола қолдим. Жинтепага чиққанимизни ойим эшитса, сог қўймаслигини билардим.

Кечаси билан алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқдим. Қамишзорга кириб қолибманми-ей, қамишлар ёниб кетибдими-ей...

Эрталаб ювинаётганимда нуқул лабим ачиша-верди. Артинаётиб, ойнага қарасам, ҳаммаёғимга учуқ тошиб кетибди.

— Кун бўйи ҳар хил ўйинларни ўйнайди-да, кечаси алаҳлаб чиқади! — деди ойим зарда билан.

Индамасдан папкани кўтариб Адҳамларникига чиқдим. Бувиси ҳадеб сигирнинг елинига ёпишаётган бузоқни четга тортаётган экан.

– Менга беринг, буви, – дедим арқонга қўл узатиб.

– Қоч, қоранг ўчгур! – Адҳамнинг бувиси арқоннинг бир учи билан елкамга тушириб қолди. – Болани нима қилдинг? Сенга балоям урмайди...

Демак, эшитибди... Папкамни кўтарганча секин ичкари кирдим. Адҳам кирпеч илинганде вор остидаги каравотда ётар, рангида ранг қолмаган эди.

– Тузукмисан? – дедим пешонасига кафтими босиб. Унинг боши чўғ бўлиб қизиб кетганди.

– Дарсга боролмайман, – Адҳам секин пи chirлади. – Тезроқ кета қол. Бувим уришадилар.

Бувисининг жаҳлини чиқармаслик учун секин чиқиб кета қолдим.

Ҳали дарс бошланмаган эди. Кечадан буён ичимга сиғдиролмаётган гапни ўзим билан битта шартада утирадиган Нусратга айтиб бердим. Нусрат қўзимга қараб турди-да, бирдан хохолаб кулиб юборди.

– Бошинг ёниб кетган бўлса, манавини қаёқдан олдинг! – деди пешанамга чертиб.

Атрофимизни болалар ўраб олишди. Нусрат гапларимни оқизмай-томизмай болаларга айтиб берди. Чека-чеккадан масхараомуз саволлар ёгила бошлади:

– Бошингни устида гутурт чаққанинг йўқмиди?

– Балки чақмоқ тегиб ёниб кетгандир?

– Адҳам-чи, Адҳам... Уям қалла шўрва пиширедими?

Ҳатто ҳеч қачон бунақа гапларга аралашмайдиган энг ювош Мўминжон ҳам гап отиб қолди:

– Бошинг ёнганида қанақа ҳид чиқди?

Ҳаммалари синфни бошига кўтариб қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

Биринчи дарс биологиядан эди. Одамнинг маймундан тарқалганини жон куйдириб тушунтирадиган, ўзининг ҳам аллақаери маймунга үхшаб кетадиган, қаншари паст, бурун катаклари кенг ўқитувчимиз бўларди. Ўша синфга кириши билан ҳамма жимиб қолди. У одатича стулни қоғоз билан яхшилаб арттида, ўтириб ўқёлама қила бошлади. Адҳамнинг фамилиясини айтганда ёнимдаги Нусрат ҳаммадан олдин жавоб қилди:

– Адҳамни жин чалиб кетибди.

Болалар гурр этиб кулиб юбориши.

Ўқитувчимиз журналдан бошини кўтариб, жеркиб сўради:

– Нима?

– Мана, Рустам кўрибди, – деди Нусрат менга имо қилиб.

– Нимани кўрибди?

– Ажина чалганини, – деди Нусрат яна илжайиб. – Жинтепага чиқишган экан, ажина чалиб кетибди.

Жаҳли чиққанидан ўқитувчимизнинг юзи қизарип кетди.

– Тур ўрнингдан! – деди менга. – Нима деб алжирадинг? Қанақа ажина?

Секин ўрнимдан турдим.

– Мен ажина чалди, деганим йўқ, – дедим тўнгиллаб. – Адҳамнинг бошидан чўт чиқиб кетди.

Ўқитувчининг бурун катаклари кенгайиб кетгандек бўлди.

– Сеникidan ҳам чиқдими?

Болалар боягидан баттар қаҳ-қаҳ уриб юбориши.

– Чиқди! – дедим қайсарлик билан.

Ўқитувчининг олдинга туртиб чиқсан ияги янайм чўзилиб кетгандек бўлди.

– Нима чиқди? – деди киноя қилиб.

- Чүг чиқди! – дедим овозим титраб. – Сочимдан чүг чиқиб кетди.
- Сочингдан эмас, кўзингдан чиқиб кетгандир.
- Болалар яна хохолаб кулишди.
- Аlam билан бақириб юбордим:
- Ахир мен ўз кўзим билан кўрдим.
- Сенинг бошинг эмас, миянг ёниб кетганга ўхшайди. Ўтири!

Биология ўқитувчиси нима деди, нима дарс утди, эсимда йўқ. Танаффус пайтида болаларга мазах бўлмаслик учун мактаб боғининг этагидаги иссиқхона атрофида айланиб юрдим. Дарсга киргим келмасди. Ҳозир физика ўқитувчиси киради. Яна йўқлама қиласди. Адҳамга гал келганда ҳаммаси қайтадан бошланади.

Физика ўқитувчимиз Исмоил aka йўқлама қилиб ўтирмади. Синфга кириши билан атрофга бир қаради-ю, сўради:

- Адҳам қани?

Болалар шуни кутиб тургандек, хохолаб кулишди.

Исмоил aka қошини чимириб сўради:

- Нима гап?

Нусрат ўзини тутолмай қорнини ушлаб кула бошлади.

– Рустам айтсин, – деди кулгидан нафаси қайтиб. – Ўзи айтсин. Алам ичида Нусратнинг биқинига шундай туширдимки, буқчайиб қолди. Ҳеч ким бунақа бўлишини кутмаган бўлса керак, синфга сув қуйгандек жимлик чўқди.

– Мен ўз кўзим билан кўрдим, – дедим алам билан қичқириб. – Сенлар ишонмасанг, мен айборманми!

Исмоил aka аста юриб тепамга келди.

– Нимани кўрдинг? – деди секин, қатъий овоз билан.

Мен индамай эшикка чиқиб кетишни ҳам, Исмоил аканинг саволига жавоб беришни ҳам билмай, туриб қолдим.

- Нимани кўрдинг? – деди у яна.
- Адҳамнинг бошидан чўт чиқиб кетганини, – дедим пичирлаб.

Исмоил ака кўзимга узоқ тикилиб қолди.

- Қаерда?
- Жинтепада.

Бояги муштнинг алами кетди шекилли, Нусрат яна илжайди:

- Ажинанинг оловини қўрибди.
- Жим ўтири бирпас! – деди Исмоил ака жеркиб. Кейин яна кўзимга тикилди – Момақалдироқ бўлаётганмиди?

Мен индамай бош силкидим.

- Булутлар паст сузаётганмиди?

Исмоил ака масхара қилмаяптими, деган хаёlda унинг кўзига тикилдим. Йўқ, унинг қиёфаси жиддий эди.

- Сен камдан-кам учрайдиган табиат ҳодисасини кўрибсан! – деди жилмайиб. Кейин синфга юзланди. – Болалар, географиядан Колумбни ўқигансизлар-а?

Болалар чекка-чеккадан тасдиқлаб жавоб қилишди.

- Ана ўша Христофор Колумб янги ер излаб кетаётганида денгизда қаттиқ довул кўтарилади. Бўрон бир неча ҳафта давом этади. Охири денгизчиларнинг тоқати тоқ бўлиб, кемани орқага қайтаришни талаб қилишади. Аммо Колумб йўлидан қайтмайди. Шунда денгизчилар газабланиб, қўзголон кўтаришади. Колумбни оёқ-қўлини боғлаб денгизга улоқтиromoқчи бўлишади. Энди кемадан отиб юборай деб туришганида Колумб бирдан қичқириб қолади. «Яна бир кун муҳлат беринглар.

Эртага бўрон тинади, ҳаво очилиб кетади», дейди. Денгизчилар унга ишонишмайди. Шунда Колумб кема мачтасининг бир учидан илиниб турган коптокдек оловни курсатади. «Мана шу олов бўронни тиндиради», дейди Колумб. Денгизчилар иккиланиб қолишади. Уни сувга ташламай туришга қарор қиласидар. Ростдан ҳам кечаси тўсатдан бўрон тинади. Эртасига чараклаб қуёш чиқиб кетади. Денгизчилар Колумбнинг авлиёлигига яна бир бор ишонишади.

Бутун синф сув қўйғандек жимиб қолган, болалар Исмоил аканинг ҳикоясини маҳлиё бўлиб тинглашар эди. Ўзимнинг ҳам оғзим очилиб қолганди.

— Колумб авлиё эмасди, — деди Исмоил ака. — У табиат қонунларини биларди. Осмонда тўйинган зарядлар кўпайиб кетганидан кейин ҳавонинг очилиши тушунарли. Елканга қўнган олов коптоқ паст сузаётган булатлар заряди билан кема минорасининг тўқнашуви туфайли бўлган эди. У бир зум жимиб қолди-да, яна сўради: — Рус аскарлари Болгарияга Шипка довонидан ошиб борганини биласизлар-а? Ўша довондан ўтаётган жангчилар ҳам милтиқларининг найзасида кўкимтири олов ёниб турганини кўп кўришган. Рустам билан Адҳамнинг сочида ёнган чўғ ҳам худди үшанақа зарядлар бўлади. Момақалдироқ пайтида икковлари энг баланд жойда — Жинтепада бўлишган. Зарядлар уларнинг сочига қўнган.

Болалар ҳангук манг бўлиб менга қараицди. Нусрат ҳам оғзини очиб анграйиб ўтирас, киприк қоқишига мадори қолмаган эди.

Кўп ўтмай Адҳам тузалиб кетди.

## МОДДИЙ ЁРДАМ

Бу гавголарнинг ҳаммаси арзимаган гапдан бошланди. Бир куни қасаба уюшмасининг бошлиги Усмон ака ёнимга келиб, елкамга қўлини ташлади.

– Аёлларга қалайсиз? – деди тўсатдан.

Ҳеч балога тушунмадим.

– Қайси маънода?

– Ну, масалан, ҳурмат қилиш маъносида.

– Ҳа, энди эл қатори, – дедим ростини айтиб.

– Бўлмаса бундай... Бир хизмат қиласиз. Уч кундан кейин Хотин-қизлар байрами. Эркаклар номидан кичкинагина зиёфат уюштиrsак, нима дейсиз?

– Неча сўм керак? – дедим мақсадини тушуниб.

Фирмамизда бунақа тадбирлар тез-тез бўлиб туради. Бирор нафақага чиқади. Бирор уйланади, бирор тугади, дегандек...

Чўнтағимдан энди пул чиқараётган эдим, Усмон ака қўлимни ушлади.

– Пулингиз керакмас, – деди сирли қилиб. – Сиз бермайсиз, оласиз.

– Нима?

– Оласиз! Бир варақ қоғозга ариза ёзиб берасизу, эллик минг сўм оласиз. Биз шунга ихчамроқ банкет қиласиз.

Мендан нима кетди. Бари бир аёллар байрамида эркаклар номидан ўзимиз ҳам қатнашамиз-ку!

«Менга ёрдам беринглар, қийналиб қолдим», деган маънода ариза ёзиб қўйиб бердим. Ўша заҳоти кассирдан эллик минг олиб, Усмон аканинг қўлига топширдим. Байрам кўнгилдагидек ўтди. Жиндай шампан ичдик, аёлларни қутладик...

Бу гаплар паққос эсимдан чиқиб кеттан эди-ю, бир куни касаба уюшмасининг мажлиси бўп қолди. Усмон ака қилинган ишлар ҳақида гапира туриб, тұсатдан құlinи бигиз қилиб мени кўрсатиб қолди.

— Мана, яхши устамиз Ботировни олайлик. Шу уртоқ оғир касал бўлиб ўрнидан туролмай ётганида биз унга эллик минг сўм моддий ёрдам бердик!

Атрофда ўтирганларнинг ҳаммаси бир йил тұшакка ёпишиб ётган одамни кўрмоқчи бўлгандек менга бурилиб қаради. Ҳайрон бўпқопман! Бола бўлиб «их» деган эмасман. Қишда қорда ювинаман. Тошни есам, қум қилиб юбораман!

Энди шуни айтмоқчи эдим, қарасам Усмон ака бошқа масалага ўтиб кетибди. Индамай қўя қолдим.

Орадан бир ҳафта ўтдими, ўн беш кунми, Усмон аканинг хонасига чақириб қолиши. «Энди моддий ёрдам берса олмайман», деган ўй билан эшикни очсан, хонада кўзойнак таққан семиз хотин, рўпарасида Усмон ака ўтирибди. Стол устида ҳар хил қоғозлар, папкалар...

— Танишинг! — деди Усмон ака мени кўrсатиб. — Ботиров деганимиз шу киши бўладилар.

Аёл кўзойнак ортидан юзимга синчилаб тикилди.

— Опамиз тафтиш комиссиясининг аъзоси бўладилар, — деди Усмон ака. — Шаҳар бошқармасидан келганлар.

— Қалай, участкангизни тиклаб олдингизми? — деди нотаниш хотин меҳрибонлик билан.

Ҳайрон бўлиб Усмон акага қарадим. Кўзини қисяптими, қовоги учяптими, тушунолмай гарангсиб турган эдим, Усмон ака гапни илиб кетди.

— Э, унчалик ёмон эмас! — деди шангиллаб. — Бу кишининг ўтилчаси шўх-да! Онаси дўконга чиқиб кетганида электр плиткани розеткага тиқибди. Шунга ақли еттанини кўрмайсизми? Богча боласи-я бўлмаса! Отасига ўхшаган шустрий-да! Биз берган

эллик минг сўм билан уйни таъмирлаб олдингиз-а, тўғрими?

Нима деб гўлдираганимни билмайман. Амаллаб чиқиб кетдим.

Бора-бора бу гаплар унут бўпкетди. Энди тинчишим деб юрсам, Янги йил арафасида касаба уюшмасининг ҳисобот мажлиси бўлиб қолди. Ўзингиз биласиз, эси бор одам мажлиснинг орқароқ қаторида ўтиргиси келади. Аксига олиб, кечикиб келибман. Мажбур бўлиб биринчи қатордан жой олдим. Иккита одамдан кейин минбарга Усмон ака чиқди. Мени гапирмаса эди, деб юрагим пўкиллаб турганди, худди айтганимдек бўлди.

– Ҳурматли мажлис қатнашчилари! – деди у кичикроқ дастурхондек келадиган рўмолчаси билан пешанасини артиб. – Биз нуқул ишни ўйлайвермай, инсонларга ғамхўрлик қилишни ҳам билишимиз керак. Одам ҳамма нарсадан азиз, биродарлар. Мана, ҳурматли Ботировни олайлик. Ажойиб кадр! Фирмамизнинг фахри. Устига-устак кўп болали оиланинг бошлиги. Бир эмас, олтита қизи бор! Биринчи қор ёққан куни учинчи синфда ўқийдиган қизалоги яхмалак ўйнайман деб оёгини синдирибди! Ботировга дарров эллик минг сўм моддий ёрдам бердик!

Кўз ўнгим қоронгилашиб кетди. Сакраб ўрнимдан турдим-да, минбарга қараб бор овозда қичқириб юбордим:

– Дод!

Каттакон зал сув қўйгандек жим-жит бўлиб қолганини, ҳамма менга ҳайратланиб қараётганини пайқадим.

– Мен ҳеч қачон ёрдам олган эмасман! – дедим қўлимни пахса қилиб. – Ҳеч қачон ўладиган касал бўлмаганман! Уйимга ўт кетганмас! Ёнадиган участкамнинг ўзи йўқ! Бир хонали каталак квартирада

тураман. Розеткага сим тиқадиган ўғлым ҳам, яхмалак учадиган қизим ҳам йўқ, билдингми?! У ёгини сўрасанг, хотиним ҳам, хотин олишга нулим ҳам йўқ! Қутулдимми энди?!

Нафасим бўғзимга тиқилиб, ҳарсиллаганча жойимга ўтирдим. Усмон ака семизгина бузоқбоши кўриб қолган хўроздек бошини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ташлаб, менга узоқ тикилиб турди-да, негадир илжайди.

— Ўртоқлар! — деди маҳзун оҳангда. — Инсонларга кўпроқ ғамхўрлик қиласайлик, деб бежиз айтмадим, биродарлар. Кўриб турибсизлар! Бир йил ичида Ботиров биродаримизнинг бошига шунча ташвиш тушди. Уйига ўт кетди. Ўзи касал бўлиб бир ўлимдан қолди. Ширингина қизалоги майиб бўлди... У менга қараб оғир-оғир бош чайқади: — Тагинам фил экансиз, биродар! Худо сабр берсин. — Кейин йигилганларга қараб, «Ана шунаقا гаплар» дегандек маъноли бош чайқади. — Хафа бўлманг, — деди тагин менга юзланиб. — Биз сизни албатта даволатамиз. Яхши психиатрлар бор! Керак бўлса эллик минг сўм эмас, олтмиш минг, ҳатто етмиш минг моддий ёрдам берамиз!

Ўрнимдан яна сапчиб туриб кетдим. «Ёрдаминг билан қўшмозор бўл!» деб бақирган эдим... ҳеч ким эшитмади. Ҳамма гулдурос қарсак чалар, Усмон ака эса виқор билан минбардан тушиб борар эди.

## ЮБИЛЕЙ

*Кал ўзини овутар,  
Қўлтигини совутар.  
Халқ мақоли*

Бугун нақ олтмишга тўлиб, «круглий дата»сини бўлса-ку, Вали Солиевич юбилейини қандай ўтказишни ўзи биларди-я! Начора, олтмишга эмас,

бор-йўги эллик тўққизга кирди. Шунинг учун туғилган кунини камтарона нишонлашта қарор қилди. Шунга қарамай, «хўжайин»нинг таваллуд кунига бутун жамоа йигилди. Ҳаммаси рисоладагидек бўлди. Вали Солиевични тўрга ўтқазиши. Олдига каттакон саватда гулдаста, ёнбошига ҳар эҳтимолга қарши, совға-саломлар учун пастак курси келтириб қўйиши.

Тантанали кечани қасаба уюшмасининг раиси очди. У муҳтарам юбилиярнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маъруза қилиш учун сўзни Вали Солиевичнинг муовинига берганда йигилганлар ўрнидан туриб, гулдурос қарсак чалиб юборди.

«Зам» микрофонни чанглаб, бир-икки пуфлаб қўйди-да, узоқ жимиб қолди.

— Бугун биз тарихий воқеанинг гувоҳи бўлмоқдамиз, — деди ниҳоят титроқ овозда. Сўнг тўй болалардек ийманиб ўтирган юбилиярга қараб давом этди. — Кечирасизлар, азиз дўстлар, кечирасиз, муҳтарам Вали Солиевич! Мен шу қадар ҳаяжондаманки, гапни нимадан бошлишни билолмаяпман! Мен сизнинг мўътабар отангизга ҳавас қиласман: сиздек улуғ фарзандни түгдиргани учун. Мен сизнинг муҳтарама онангизга ҳавас қиласман: сиздек буюк ўтилни тукқани учун! Мен ўз жамоамизга ҳавас қиласман: шундай одамнинг доно раҳбарлиги остида ишлаш баҳтига мусассар бўлгани учун. Мен... ўзимга ҳавас қиласман: сиздек жаҳоншумул шахснинг «зам»и бўлганим учун! Менга бундан катта баҳт йўқ, азиз устозим!

Йигилганлар тагин баравар қарсак чалиши. Муовиннинг ўзи ҳаммадан қаттиқроқ чалиб, залга ўтирилди.

— Ўртоқлар! — деди маъюсроқ оҳангда, — мен бир нарсадан жиндай хафаман... Ҳамманинг диқ-қатини тортиш учун бир зум сукут сақлади-да, давом этди: — Шунча пайтгача Вали Солиевичга нима учун

академик унвони берилмаганига ҳайронман. Умид қиласанки устозимизнинг олтмиш ёшини ақадемик сифатида нишонлаймиз! «Зам» нутқини якунлаб юбиярга жамоа номидан «юпқа экранли» телевизор совға қилганда қарсаклар «аваация»га айланиб кетди.

Сўз навбати бошбухга берилди.

— Азиз биродарлар, — деди бошбух вазминлик билан. — Тағин бу одам ўзининг тогасини мақтаяпти, деманглар-ку, мен Вали Солиевични тогам эмас, отам деганман. Агар бу дунёда ишнинг кўзини биладиган донишманд одам иккита бўлса, биттаси Вали Солиевич бўладилар. Агар битта бўлса, шу кишининг ўзи! Мисол керакми, пажалиста! Бултур кузда нонемас комиссия деган палакат ишимииздан ишкал топиб, прокуратурага оширворай деб турганда шу инсон азиз вақтларини аямай шахсан ўзлари ёрдамга етиб келдилар. Текширувчиларнинг оғзини ёпиш учун қанча «кўк»идан кетганини билмайман-ку, аммо ташкилотимизнинг обрўсини сақлаб қолдилар! Қани, айтинг-чи, қайси бошлиқ, қайси олим шундай майда-чуйда юмушларга вақтини сарфлаб ўтиради?! Тогажон! Манави қийиқчани келинингиз ўз қули билан тиккан! Амир Олимхонникидан қолишмайдиган манави зар чопон эса кенжак жиянингиздан, яъни бизнинг ўғилчадан арзимас совға! Қаранг, чап кўкрагига, какраз юрагингиз устига тилла ҳарфлар билан «В.С.» деб ёзиб қўйилибди. Бошбух тўн ёпатуриб Вали Солиевичнинг кўксига бошини қўйиб йиглаб юборди. Юбияр бир нима деб юпатди-ю, қарсаклар остида ҳеч ким эшифтмади.

Кейинги сўзни юбиярнинг содиқ шогирди Раънохон олди.

— Кимки дунёда битта офтоб бор деса, бекор айтибди, — деди ишонч билан. — Мен учун оламда

иккита қүёш бор. Бири осмонда, бири ерда. Вали Солиевич ердаги қүёш бұладилар! Осмондаги офтоб кечаси ғойиб бұлади. Сиз эса кеча-кундуз бизни ёритиб, иситиб турасиз! Сизнинг ихтиrolарингиз Нобель мукофотига арзиди. Масалан, қурилишда пишиқ гишт үрнига оддий гуваладан фойдаланиш неча миллион сүм даромад келтиришини сиз исботлаб бердингиз! Агар сиз бұлмасангиз, менга үхшаган прастой бир аёл илм қилиши мүмкінми? Сизнинг доно раҳбарлигингиз остида газ ёки электр энергияси сарфламай, гувалани офтобда қуритишни илмий жиҳатдан қандай исботлардим. Сиз бошимни силаб, бағрингизга олмасангиз, гұрсұхта әримнинг пайпогини ювіб юраверган бўлардим! Мендек севикили шогирдингиз баҳтига юзга кириңг. Рухсат этинг, ўз қўлим билан тиккан дўппини шу азиз бошингизга кийгазиб қўяй!

Дўппи кичикроқ келди. Аммо Вали Солиевич ранжимади. Раънохонни «оталарча» меҳр билан бағрига босган эди, шогирди «адашиб» лабини тутиб қўяқолди.

Котиба қиз Зуля — Зулайҳо навбат кутиб ўтирумай, диркиллаб минбарга чиқиб борди. Этаги тиззасидан бир қарич баланд, ялангоч киндигига зирақ тақиб олган Зуляни, айниқса, қизгин олқишлиар билан қарши олишди.

— Мен Раъно опамга ўхшаб чиройли гапиришни билмайман, — деди ўқтам овозда. — Кароче, мен Валижон акамни севаман! Ваше биз — аёллар ҳаммамиз сизни севамиз. А мен бўлсан — безумна севаман! Дунёда бунаقاabayтельний эркакни кўрмаганман! Сахийликларини айтмайсизми? Масалан, янги йилга Валижон акам менга французкий духи падарка қилдилар. «Шанель!» Манави кальцони эса, — у қўлидаги тилла узукни негадир Раънохон томонга кўрсатди, — международний женский

байрамга преподносить қылдилар. Яқында менга квартира олиб бермоқчи-лар! Валижон aka! Тугилган кунингизга нима падарка қилишни ўйладим. Кўп ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб, в конце-концов ўзимни совга қиласиган бўлдим!

Қийқириқ, қарсакбозлик бўпкетди. Юбиярнинг олдида ўтирган «зам» табрик сўзини кадрлар бўлиммининг бошлигига берди. Кекса бўлим мудири инқиллаброқ минбарга чиқди. Икки-уч марта йуталиб олди.

— Укахон! — деди микрофонни зингиллатиб.— Хана бўмайсан-ку, сани укам дейишга маралний ҳаққим бор. Ман шу даргоҳда қирқ уч йил ишладим. Не-не одамлар келиб-кетмади. Шундай деди-да, залга қараб давом этди: — Валижон биринчи ишга келган кезлари шимини кўндаланг дазмоллаб юрадиган сўтаккина бола эди! «Ишга киришга ариза ёз» десам, «аризани қанақа ёзади?» деб сўрагани эсимда. «Мени ишга олишингизни сўрайман», деган тўрттагина сўзда саккизта хато қилганини кўриб, «сан — саводсиз қай гурдан кепқолдинг?» деган эдим!

Юбиярнинг олдида ўтирган «зам» безовталаниб қолди. Қўлидаги қалам билан столни бир-икки чертган эди, «атдел кадр»нинг қулоги оғир бўлгани учун эшиitmади чоги, бақириб сўзида давом этди:

— Хабарингиз бор, Дарвин деган инглизми, японми олими: «Меҳнат маймунни одамга айлантирган», деган. Топиб айтган экан, зангар! Мана, сизларга жонли мисол. Валижон ҳеч қачон меҳнатдан қочмади. Охири одам бўлди! «Ёшлик — бебошлик» деганлари тўғри. Ёшлиқда ҳаммамиз ҳам ичганмиз, чекканмиз... Валижон бир ичса, «запой» бўлиб иchardi! Бўкиб иchardi! Аммо-лекин бирорни хана қилмасди: нуқул ашула айтарди. Лична ўзим ўн бир марта ҳушёрхонадан обчиққанман. «Ментлар» ҳам таниб қолганди. «Ия, ҳофиз яна кепқолдиларми,

қани, би-и-р катта ашуладан бўлсин», дейишарди. Валижон совуққина хонада майка-турсида ўтириб «Боғ аро»ни оларди! Мана, Худо инсоф берарканку! Икки йилдан бери ичишни сапсем ташлади!

«Зам» ўрнидан туриб кетди. «Регламент» деб дашном берганди, нотиқ яна эшитмади.

— Валижоннинг биринчи хотини фариштадек эди, — деди шавқ билан давом этиб. — Ман буни елкамда ортмоқлаб уйига оборсам, келин шўрлик изза бўларди. Хўп меҳнаткаш, андишали жувон эди. Ҳайронман, шайтон йўлдан урдими, бошқами, Валижон мана шу иккинчи хотинига илакишиб қолса денг! Неча марта айтдим: «Ҳой бола, аҳмоқлик қилма», дедим. Қулоқ солмади! Мана, оқибати! Яхши хотин бўлса эрининг юбилейига келиб, ёнида ўтиrsa ӯладими? Йўқ, келмайди! Валижонгаям ҳайронман! Шундоқ катта одам хотинини кўрса, аждарга дуч келган қуёндай қалтираб қолади! Аммо укахоним ҳам бирордан қарздор бўлиб юрадиган анойиларданмас! Хотин зотига суяги йўқ. Локин ман Валижонни бенавот демайман. Валижон хотинбоз эмас, хотинларнинг ўзи Валижонбоз!

«Зам» буёғига чидолмади. Ўрнидан туриб:

— Навбат кечамизнинг бадиий қисмига! — деб эълон қилиб қўқолди.

«Атдел кадр» яна бир-икки гапи чала қолганига ранжиброқ минбардан тушиши билан концерт бошланди. «Зам»нинг ўзи биринчи бўлиб «Пахса девор» деган қўшиқни айтди. Тўйибгина шампан ичиб олган Раънохон «Лўмбоз» рақсига бирам эшилиб ўйнади, бирам ўйнади! Зуляхон бало экан! «Лазги»га чалинглар, «Лазги»га, деди-да, қўнгироқдек овозда «Ваъдасида турорим, бари гал, на қилсанг ихтиёринг, бари га-а-ал» деб шунақангি рақсга тушдики, эркакларнинг қийқириғи томни кўчириб юборай деди!

Худди юбиярни құтлагандек ташқарыда монақалдироқ гүмбурлади. Кетидан шаррос жала қуийб юборди...

Кече охирлаб қолғанда жиндең күнгилсизлик бўлди. Ҳамма баравар «Томсувоқ» рақсини ижро этаётганида кичик ходим Қўшоқвой эшиқдан бақириб кирди.

— Шўримиз қуриди, отахон! Янги ясаған гувалларимиз ёмғирда ивиб, балчиққа айланди!

## ШАҲАРЛИК КҮЁВ

Тўнгич күёв бўлганимиз учунми қишлоққа борсак, дарров шаҳарлик күёв келди, деб овоза бўлиб кетади. Олмоқнинг бермоги бор, деганлариdek, тез-тез жавоб визитлари ҳам булиб туради. Яқинда яна шундай бўлди. Ишдан қайтиб эшикни очишими билан янгангиз Турсуной югуриб рўпарамга келди.

— Тиш... — деди у кўрсаткич бармогини лабига босиб. — Секинроқ. Намоз ўқияптилар.

— Ким? — дедим мен ҳам беихтиёр пицирлаб.

— Богбон амаки.

— Ким у, богбон амаки?

Турсуной щунча йилдан буён богбон амакини танимайсизми, дегандек қошини чимириди.

— Қишлоқда у кишини ҳамма танийди. Худо ярлақаб бир келиб қолдилар.

Секин ечиниб, оёқ учидага үйга кирдим. Богбон амаки телевизорнинг антеннасини мўлжаллаб саждага бош қўйган эканлар. Анчадан кейин бош кўтариб, ўнг томонга, чап томонга салом бердиларда, қаддиларини ростлаб менга ўтирилдилар.

— Ассалому алайкум, қүёв бола! Хўп саломатгина бормисиз? Богбон амаки билан биринчи марта кўришиб турган бўлсак ҳам эски қадрдонлардек қучоқлашдик. Одамни бир қараща билса бўлади.

Богбон амаки күп одамохун киши экан. Даастурхон атрофига ўтиришимиз билан мош-туруч соқолини тутамлаб гапга киришиб кетди.

– Бу дейман, күёв йигит, ишлар күпайиб кетдими? Қишлоқقا кам борадиган бўлиб қолдингиз. Қайнатангиз күп асл одам-да! Болалиқдан тепкилашиб катта бўлганмиз. Шу денг шаҳарга кетяпман, деб қолмайманми! Бизнинг фарзандларимизницида ўн-ўн беш кун туриб келмасангиз қаттиқ хафа бўламан, деб туриб олди. Мен ҳам юзидан ўтолмадим.

– Жуда яхши қилибсиз, раҳмат, – дедим қувониб. Богбон амаки, у дунёни ҳам, бу дунёни ҳам баравар олиб борадиганлардан экан. Ош олдидан қиттак-қиттак ҳалиги нарсадан қилсакмиқан дегандим, ноз қилиб ўтирмади.

– Ҳа, энди бунинг ўзи ҳароммас, кайфи ҳаром, – деди пиёлани қўлига олиб. Шундан кейин икковимизнинг ҳам қулфи дилимиз очилиб кетди. Богбон амаки оғзидан бол томиб янгангизни мақтай кетди.

– Турсуной қишлоқнинг энг олди қизи эдида ўзиям. Бахтингиз бор экан. Шундоқ қизимизга уйландингиз. Қайнатангизни айтмайсизми? Шаҳарга узум сотгани кетяпман десам, гастиница-пастиница қилиб уриниб юрсангиз, бетингизга қарамайман, дейди-да! Бу йил бозорда узум сероб. Шу кунда сотиб қолмасак, эрта-индин янаям арzonлашиб кетади. Ўн-ўн беш кун бир гайрат қиласиз-да энди. Ёлгиз қўллик қилмайин деб, жиянни олиб келганмиз. Бозорда узумга қоровул бўлиб қолди. Уям сиз билан бир отамлашмоқчи ўзи. Ўқишига кираман, сўт бўламан, дейди. Топган ҳунарини қаранг.

– Нега олиб келмадингиз? – дедим астойдил ранжиб.

— Айтяпман-ку, бозорда қоровуллик қилиб қолди. Эртага албатта олиб келаман. Хүп улфат йигит-да үзиям.

Ярим кечагача гурунглашиб үтиридик. Кейин Турсуной бөгбон амаки иккаламизга үйга жой солиб берди. Үзи балконга чиқиб ётди. Бир хоналилк үйда тургандан кейин одам ўрганиб кетаркан. Аёл меҳмон келиб қолса мен, эркак меҳмон келса, Турсуной балконга чиқиб ётади.

Бөгбон амаки сўзида турадиган одам экан. Эртасига ишдан келсам, чуст дўппи кийган, ихчамгина йигит билан гурунглашиб үтиришибди.

— Ие, ассалому алайкум! — йигитча сакраб туриб мен билан қучоқлашиб кўришди. — Соғ-саломат юрибсизми, поччажон? Бардамгина юрибсизми, поччажон? Тогамлар билан бир келиб қолгандик. У Бөгбон амакига ишора қилди: — Поччанг билан отамлашмасак бўлмайди, деб туриб олдилар. Турсуной опамизнинг хўжайинлари билан танишаману қувонмайманми, деб югуриб келдим. Менинг бозор-ӯчарга тобим йўқ. Асли бу ерга ўқишига кириш учун келганман. Бир ёрдамлашиб юридийческийга жойлаб қўймасангиз бўлмайди, поччажон. Ҳозир таниш-билишсиз иш битмайди.

— Биласизми, ўқишига кириш қийин, — дедим мингиллаб. — Менинг танишларим йўқ.

Бөгбон амакининг қулогида локатор бор эканми, мингиллаб айтган гапимни ҳам дарров эшита қолди.

— Ашнақа демасинлар-да, куёв! Сиз ҳам сўт тайёрлайдиган институтда ишлайсизми, ахир?

— Амакижон, мен домла эмас, аспирантман, — дедим тушунтириб.

— Аспиранми-маспиранми, бир жойда ишлагандан кейин бари бир эмасми? — Бөгбон амаки астойдил ажабланди. — Мен ҳам боққа сув тараган сувчига

беш-үн яшик узум бераманми? Буям шунга ўхшаган нарса-да! Институт ҳам ўзларига дәхқончилик!

Нима дейишимни билмай турган эдим, ошхона томондан Турсунойнинг йўталгани эшитилди.

Бунақа «адресли» йўталларнинг маъносини яхши билиб қолганман. Мени чақиряпти. Дарров олдига чиқдим.

— Гўрни унақа дейсизми? — деди ничирлаб. — Ўзини олиб қочяпти, демайдими?

— Нима қилай, ростини айтяпман-да!

— Қишлоқдагилар сизни бутун шаҳарни ётқизиб турғизадиган одам, деб ўйлашади. Бир гап қиласмиз, деб қўя қолинг. Ҳа, ундан кейин, — Турсуной овозини янаям пасайтири. — Анави сапожки ўлгурни олмасам бўларкан. Уйда бир тийин пул қолмабди. Мехмонлар яна ўн-ўн беш кун турадиганга ўхшайди. Ойликкача бирор ердан пул топмасангиз бўлмайди.

Бу кеча ҳам меҳмонлар билан алла-паллагача гаплашиб ўтиридик. Тога-жиянни холи қолдириш учун алоҳида жой қилиб бердик. Янгангиз одатдагидек балконда, мен бўлсан ошхонада ётдим. Ошхонага ўрнашиб қолган пиёздог ҳиди кўнглимни бир оз беҳузур қилганини ҳисобга олмагандা жуда яхши ухладим.

Эрталаб қўнгироқ товушидан уйгониб кетдим. Шоша-пиша йўлакка чиқсам, Турсуной чаққонлик қилиб, аллақачон эшик олдига бориб олибди. У эшикни очди-ю, атлас кўйлак кийган, сочини майдалаб ўрган аёлни кўриб, қичқириб юборди.

— Вой, Адол, ўзингмисан?!

Икковлари бир-бирининг қучогига отилишиди, чўлпиллатиб ўпишишиди.

— Бу менинг дугонам — Адолат, — деди Турсуной энтикиб. — Болалиқдан бирга ўсганмиз.

Адолат ичкарига кирап-кирмас ийманиб пичирлади:

— Мен ёлгиз әмасман, — у юзлари ловиллаб қизарганча, Турсунойнинг қулогига бир нима деб шивирлади.

— Вой, шунақами! — Турсуной қувонганидан қарсак чалиб юборди. — Ҷақир бўлмаса. У менга қараб тушунтириди: — Адолатнинг тўйи яқинда бўлди. Куёв икковлари Тошкентга ўйнагани келишган экан.

Зум ўтмай каттакон чамадон кўтарган новча, ориқ йигит кириб келди. Тога-жиянлар, келин-куёвлар, ўзимиз тўпланишиб нонушта қилдик. Ҳамқишлоқлар соғинишиб қолишган экан, хўп гурунглашишди.

— Гастиницага борсак, жой йўқ, — деди Адолат келинларга хос табассум билан. — Шу ёқса қараб келавердик. Ўн-үн беш кун туриб, Турсунойни хурсанд қилиб келинглар, деб аямларнинг ўзлариям айттан эдилар.

Боядан буён жим ўтирган куёв энди гапга аралашди.

— Тўйга бормадинглар-да! — деди у гавдасига ярашган ингичка товушда. Гапирганида учли бақбақаси ликиллаб тураркан. Энди пайқадим. «Бизни тўйга айтмовдинглар шекилли», дегим келди-ю, тагин ўйлаб қолдим. Ким билсин, балки Турсунойга хат-пат юборишгану мен бехабар қолгандирман.

— Мен Тошкентга уч йил олдин бир келганман. Жуда ўзгариб кетибди, — деди куёв яна бақбақасини ликиллатиб.

— Бу кишининг ўзлари сизларга шаҳарни томоша қилдирадилар, — янгангиз менга имо қилди. — Шунақа пайтда ўйнаб қолмасанглар, кейин вақт топилмайди.

— Биз ҳам шуни ўйлаб тургандик, — куёв тасдиқлаб бош силкиди. — Кучанинг четига ка-а-а-та қилиб «Санъат усталари концерти» деб ёзиб қўйибди. Апиша! Бақقا келаётганда аши кансертта тушамиз, деб қўйгандик. Паришталар омин деган экан.

Поччамиз түрттагина билет топсалар биргалашып томоша қиласыз!

Нонуштадан кейин Турсуной билан йұлакка чиқиб маслағатлашдык.

— Энди бундоқ қиласыз. Ишхонадаги уртоқлардан қарз күтариб тураман. Жой масаласини бундай тақсимлаймыз. Келин-куёвга ичкарига жой қилиб берасан. Ёш нарсалар экан. Бир-биридан ажратиш яхшимас. Богбон амаки балконда, жияни ошхонада ёта қолсин. Үзинг бир амаллаб кавшандозга жойлашарсан. Мен кечқурун, меҳмонлар билан үтиришиб бўлгандан кейин ишхонамга бориб ёта қоламан. Ишимиз икки сменалик деб баҳона қиласын.

— Майли, — деди Турсуной пичирлаб. — Фақат тезроқ пул топмасангиз бўлмайди. Аксига олиб кўк чой ҳам қолмабди.

Пулни олгандан кейин қайси бозорга борсам экан, деган ўй билан зинадан тушиб кетаётгандим, бир оз хириллаган овоз эшитилди.

— Ие, ассалому алайкум, куёвтўра!

Чўчиб бошимни кўтардим. Рўпарамда юzlари офтобда қорайган, чайир гавдали, қўш белбог боғлаган киши турарди. Пастдан эса беш-олти ёшлардаги боласини етаклаган семиз хотин ҳар-силлаб чиқиб келарди.

Нотаниш киши кўришиш учун қучоқ очганди, қўлимни чўзиб қўя қолдим.

— Ие, танимадилар шекилли, куёв? — деди у ранжиб. — Қишлоққа борганларида ҳамсуҳбат бўлгандик. Қарта ўйнагандик. Пирра! Аммо ўзлари пирранинг хўп ҳадисини олган эканлар! Қаторасига етти марта қолдиргандингиз...

— Келаверинглар, келаверинглар, — дедим дамим ичимга тушиб. — Бемалол...

- Ўзларига йўл бўлсин? – деди «пиррачи».
- Менми? Мен ... кўчиб кетяпман. Аспирантлар уйига! – шундай дедиму, учта зинани битта қилиб сакраб-сакраб пастга тушдим-да, кўчага отилдим.

## БЕОЗОР «ШУМЛИКЛАР»

Баъзилар ёзувчи, шоир, олим деганда ўта жиддий, қовогидан қор ёғилиб турадиган одамни тушунади. Албатта, ижодкор эл назаридаги инсон. У ҳар жиҳатдан бошқаларга ўрнак бўлиши лозим. Бироқ бу қаламкашлар кулишни ҳам, йиглашни ҳам билмайдиган «темир одам» дегани эмас. Аксинча, истеъодди ёзувчи ва шоирларда юмор, ҳазил-мутойиба ҳисси кучли бўлади. Биз ҳам бошқалар қатори бир-бири мизга беозор «шумликлар» қиласиз. Кўп йиллар давомида тўплаган шундай ҳангомалардан бир қисми билан танишишингиз мумкин.

## «ШПАНА»

Университетни янги битирган кезларим эди. «Одамлар нима деркин» деган қиссан китоб бўлиб чиқкан... Озод Шарафутдинов, Субутой Долимов, Умарали Норматов, наманганлик қадрдонимиз — Нуриддин Бобохўжаев ва яна бир-икки мезбонлар Саричелакка бордик. Тог устидаги кўл бўйида ётиб дам олдик. Кун бўйи чўмиламиз, ош-овқатни ўзимиз қиласиз. Бутун оламдан ажralиб радио эшиятмасликка, соқол олмасликка, хуллас, «ёввойи» бўлиб юришга қарор қилгандиз... Ўн кунлардан кейин юк машинасида тоғдан қайтиб тушдик. Соч-соқоллар ўсган, кийимлар афтодаҳол.

Янгиқўргон марказида тўхтаб тамадди қиладиган бўлдик. Йул-йулакай аллақандай дўконга кирдик. Чиройли қиз пештахта ортида китоб ўқиб ўтирган экан. Озод ака одатдаги «қитмирлик» билан сўради:

— Синглим, нима китоб ўқияпсиз?

Қиз гаши келиброқ бошини кўтарди. Жавоб беришни лозим топмади шекилли, индамай китобнинг муқовасини кўрсатди. Бу менинг китобим эди. Ёш ёзувчи бунаقا пайтда қандай аҳволга тушишини биласиз. Хурсандман. Нуқул илжаяман.

— Бунаقا бемаъни китобларни ўқиманг, — деди Озод ака «шумлик» қилиб.

Қизнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ўзингиз бемаъни! Китобни тушунмасангиз гапириб нима қиласиз!

Бизнинг оғиз қулоқда.

Озод ака менга қараб кулди.

— Кўрдингми, мухлисларинг кўпайиб қопти, — кейин қизга тушунтириди. — Қўлингиздаги китобни мана шу бола ёзган. Беринг, дастхат ёзиб беради.

Қиз менга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, жаҳл билан бижиллади:

— Э, йўқол, шпанা!

Довдираб қолдим. Қийқириқ, кулаги... Айниқса, кекса Субутой домла тиззасига уриб-уриб кулади.

Йўқ, Озод ака амаллаб қизни ишонтириди. Қўлидан китобни олиб, «Ҳурматли фалончихонга...» деб энди дастхат ёза бошлаганимда ичкаридан башанг кийинган, тилла тишли киши чиқди. (Дўкон мудири бўлса керак).

— Хўш, нима шовқин? — деди қовогини солиб.

Озод ака нима гаплигини тушунтириди. Мудир ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди-да, мендан сўради:

— Ҳужжатинг борми?

— Обке паспорtingни! — деди Озод ака жаҳли чиққан бўлиб.

Машина қабинасида қолган паспортимни олиб келишга мажбур бўлдим. Мудир аввал паспортга, кейин менга, ундан кейин китоб муқовасига қаради. Узоқ ўйланиб қолди.

— Фамилияси ўхшайди, — деди салмоқлаб, — сурати ҳам ўхшайди, аммо кўриниши ёзувчига ўхшамайди.

— Ана! — Субутой домла тантана билан кўрсаткич бармогини осмонга бигиз қилди. — Ана! Одам танишни биларкансан-ку. Ёзган дастхатини кўргин! Ёзувчиям шунаقا хунук ёзадими? Афтини қара, афтини! Тошканинг хулигани-ку бу! Ҳа, қизим-а, содда қизим-а! Шунинг гапига ишондингми?!

Сотувчи қиз жаҳл билан мен дастхат ёзган варақни йиртди-да ерга улоқтириди...

## БЕХИ

Наманганлик шоир Ҳабиб Саъдулла билан ишхонада суҳбатлашиб ўтирасак, Сайд Аҳмад aka қўнгироқ қилиб қолди. Ҳабибжон келганини эшитиб боғига таклиф этди.

— Бир соатда етиб келларинг. Ош дамлаб қўяман.

Борсак чиндан ҳам ош дамланган экан.

— Беҳиям солдим, — деди устоз мақтаниб. — Есанг, оғзингда эриб кетади. Жонивор, ўзиям бошини еб мева сопти-да бу йил!

Дачада беҳи борлиги эсимга тушиб, гапни айлантиридим:

— Қоронги тушиб кетяпти. Кеч қолсам, уйимдагилар хавотир олмасмикин?

Сайд Аҳмад aka жўяли маслаҳат берди:

— Ана телефон! Қўнгироқ қил. Менинида ўтирганингни айт. Ош бўляпти, де.

— Тўгри-ку, — дедим «маъюс» тортиб. — Уйдагилар сизнинг дачангизда ўтирганимизга ишонади. Ош

бұлаёттанигаям ишонади. Аммо устоз ошга беҳи солибдилар, дачадаги беҳи «бошини еб» мева қипти, десам бари бир ишонишмайды-да!

— Оббо! Ҳар келганингда бир нима юлиб кетмасанг құнглинг жойига тушмайды-а! — Сайд Аҳмад ака шундай деб үрнидан турди. Аллақаердан салафан қопчиқ топиб чиқди. — Сен Ҳабиб билан чой ичиб үтиргин, хұпми! — деди бөг томон юриб. — Қоронги тушмасидан сенга үзим беҳи узиб бераман.

Бунақа «мехрибонлик» бежиз эмаслигини билиб секін кетидан бордим. Қарасам, битта беҳини шоҳдан узялти-да, иккитасини ердан олиб қопчиққа соляпти. Ириганроқ, заха еганроқ...

— Устоз! — дедим икки құлымни қўксимга қўйиб. — Одамни хижолат қилманг, устоз! Шу беҳи сабилни үзим узақолай!

Сайд Аҳмад ака кескин бош чайқади.

— Йўқ-йўқ, сен уринма! Менинг қўлум чанг бўлишга бўлди. Қара, қўйлагинг ҳам оппоққина экан.

— Сизнинг табаррук қўлингиз чанг бўлгунча менинг кўйлагим йиртилиб, дабдала бўлиб кетгани яхшимасми! — дедиму энг сархил беҳиларни узиб халтага солавердим.

Қопчиқ тўлаверган сайин оқсоқолнинг пешанаси сандалга тушган маҳсиdek тиришиб кетаёттанини кўриб гапга чалгитдим:

— Устоз! Анави тепа шоҳдаги беҳини қаранг! Нақ Носир Фозиловнинг калласига ўхшайды-я! Нарвон қаёқда эди?

— Сен тополмайсан. Үзим опкеламан! — Сайд Аҳмад ака шаҳдам қадам босиб нари кетди.

Шоҳга тармашиб яна уч-тўрт беҳи узган эдим, ёнбош томондан устознинг овози келди:

— Жа-а қийналиб кетдинг-а, болам...

Мундай қарасам, Саид Аҳмад ака занглаб кетган каттакон аррани қўлтиқлаб турибди.

— Ушила! — деди арранинг бир дастасини менга узатиб. — Бир томондан сен торт, бир томондан мен тортай... Сенам қутуласан, менам қутуламан, бехиям қутулади!

## БЕМОР ПИЁЗ

Абдулла Қахҳорнинг машҳур дала ҳовлиси ҳозир Саид Аҳмадники. Бу — биринчидан. Иккинчидан, дала ҳовли Ёзувчилар богининг шундоқ кираверишида жойлашган. Учинчидан, Саид Аҳмад ака паловни «сайратиб» юборади. Чўнгаранинг гуручию, зайдун ёғидан қилинган ошни кўп адиллар еган. Нега деганда устоз пиширган ошини бари бир битта ўзи емайди. Боққа дам олишга борган ёзувчилардан кўнгил яқинларини албатта чақириб чиқади. Ошхўрлар жудаям ноинсоф эмас. Ошга ҳар ким баҳоли қудрат «ҳисса» қўшади. Бирор тўрттагина сабзи, бирор Ёзувчилар богининг олҳонасидан олиб чиқилган бир кафтгина туз, бирор бир қути гугурт дегандек... Қолган «арзимас» харажатлар — гуруч, гўшт, ёғ, ичклик Саид Аҳмад акадан.

Кунлардан бирида Эркин Воҳидов қўнгироқ қилиб қолди.

— Юринг, оқсоқолнинг дала ҳовлисига бориб пиёздан хабар олиб келамиз.

— Қанақа пиёз? — деган эдим, тушунтириди.

Эркин ака устознинг дачасига бир эмас, нақ олтида пиёз олиб борган экан. Пиёз бўлгандаям унақа-бунақаси эмас, Олтиариқнинг пиёзи!

Эркин Воҳидов, Раҳматулла Иногомов, мен — узун-қисқа бўлиб кириб бордик. Пиёздан хабар олгани келганимизни айтдик. Устоз пешанаси тиришиброқ ош дамлади. Маълум булишича, бу Эркин ака билан Раҳматилла аканинг тўртинчими-бешинчими марта «пиёздан хабар олиши» экан.

Мен ҳам мазахұрак бұлиб қолдим. Текин ош кимга ёқмайды! Келаси шанба Эркин Вохидовға құнғироқ қылдым.

- Пиёздан хабар олиб келмаймизми?
- Иложи йүқ, – деди Эркин ака, – «пиёз операцияси» барбод бұлды.

Кейин воқеани тушунтириди. Эрталаб күчага чиқса, дарвоза олдида чиройли лента билан үралган қозғоз қути турған әмиш. Эркин ака ҳайрон бұлиб қутини очса, қат-қат қозғоз орасидан битта пиёз, ёнида конвертта солинган хат чиқибди. Хатда шундай сұзлар ёзилған экан: «Эркин, болам, пиёзинг үйимға кетаман деб, хархаша қиласвериб юрагимни сиқиб юборди. Шунча ялинсам ҳам күнмади. Сени қаттиқ согинибди. Ичикиб касал бұлиб қолди. Хафа бұлма, уч-тұрт күн табибға қаратсанг, үзига келиб қолади. Сен пиёзингни яхшилаб даволатиб тур. Келаси ҳафта үттиз-қирқ киши күргані борамиз».

– Энди нима қиласиз? – десам, Эркин Вохидов топған чорасини айтди.

– Ҳозир оқсоқолға құнғироқ құлмоқчи бұлиб турувдим. «Пиёзниң дарди оғир экан, шұрлық ұлиб қолди», деб қүя қоламан.

– Эсингиз жойидами? – дедим капалагим учиб. – Оқсоқол пиёзингнинг таъзиясига келдик деб, юз кишини бошлаб келса нима қиласиз?

– Бу ёғи ҳам бор, – деди Эркин ака үйланиб. – Майли, бир йүлини қиларман.

Уч кундан кейин, Саид Аҳмад ақага Эркин Вохидовдан хат борибди. Хатда шундай сұзлар битилған экан.

«Устоз! Пиёзимни шунча боққанингиз учун раҳмат. Икки кунда оёққа туриб кетди, келиб овора бұлиб юрманглар. Ёшлиқ — бебошлиқ» деб шуни айтади-да! Ҳайронман, тенгини топибдими, битта пиёз билан Олтиариққа қочиб кетди!»

## «ПУЛИМ БҮЛСА — БУЮРМАСИН!»

Сайд Аҳмад акада пул кўп. Шунинг учун сафарга чиқсак, оқсоқолдан қарз сўрашни яхши қўрамиз. Берган пули вақтида қайтавермаганидан кейин устоз юрак олдириб қўйган.

Кўқонга борган эдик. Кечқурун меҳмонхонада ётиш олдидан оқсоқолдан илтимос қилдим:

— Иложи бўлса менга беш-олти юз сўм қарз бериб турсангиз. Чеккароқ магазинларда дуруст нарса топилса, болаларга олиб кетардим.

— Эллик сўмдан ортиқ пулим бўлса буюрмасин! — деди Сайд Аҳмад ака ишонч билан. (У пайтда бу қатта пул эди.)

Камида минг сўм билан келганини билардим.

— Шу гапингиз гап-а? Эшитдингиз-а, Йулдошли ака, — дедим Йулдош Сулаймонга, — оқсоқолнинг эллик сўмдан ортиқ пули буюрмайди.

Йулдошли ака шу гапга гувоҳ бўладиган бўлди. Энди гина ечиниб ётган Сайд Аҳмад ака ўрнидан туриб шимини қайтадан кия бошлади. «Ҳа», десак «Негадир этим увишиб турибди», деб баҳона қилди.

Эртасига китобхонлар билан учрашув бўлди. Энди шу воқеани ҳикоя қила бошлаган эдим, оқсоқол ўрнидан туриб кетди.

— Шошма, сен эплабайтолмайсан, — деди. — Яхиси, ўзим гапириб бераман. Бу ярамаслар сафарга чиқса пул олиб юрмайди. Доим мендан сўрайди. Нима, мен етимхонанинг директориманми? Кеча бергим келмади. Билмасдан онт ичиб қўйибман. Бу шум кечаси чўнтағимни қоқлаб қўйишдан ҳам тоймайди. Шунинг учун шимимни кийиб пулли чўнтағимга қўлимини тиқиб ўша ёнбошимни ерга босиб ётдим. Эрталаб туриб бир акса урган эдим, оғзимдан

жиринг этиб битта сұлқавой отилиб түшди. Ҳар әхтимолға қарши бир сүмлик танга пулни оғзимга солиб ёттан эканман. Эсимдан чиқиб кетибди. Яхшиям акса урганим, Худо күрсатмасин, ҳиқичоқ тутса борми, лиқ этиб ичимга кетиб қоларди. Ана унда күрардинг томошани!

## «ПАМИЛДОРИ» ОПЕРАЦИЯСИ

Үглимининг түйи куни саҳарлаб дарвоза олдида машина тұхтади. Чиқсам, Озод Шарафутдинов «Волга»нинг чап әшигини очиб рулда ўтирибди.

— Дачадан келяпман, — деди домла. — Қани, дарров капотни очинг.

Юкхонани очсам, икки пақир памилдори турибди.

— Ұз құлым билан тердим, — деди Озод ақа тантанавор оқангда. — Идишларни тез бүшатингда, қоғоз-қалам олиб чиқинг!

Қоғоз олиб чиққан эдим буюрди:

— Ёзинг! «Тилхат. Менким, ушбу ҳужжатта им-зо чекувчи фалончи шуни зътироф этаманки, Озод Шарафутдинов түйимизни жамики сабзавот маҳ-сулотлари билан тұла таъминлади». Ёздингизми? Энди құл қүйинг!

Табиийки, бу гап ўша заҳоти түйхонага тар-қалди. «Памилдори» операцияси пишишиб қўйилди. Эрталабки ошдастурхонига памилдори ҳам тортилди. Домла ёнимда турган эди, маҳалла оқсоқолларидан бири келиб, у киши билан құш қўллаб кўришди.

— Үглим, — деди менга қараб, — ошинг яхши бўпти-ю, аммо памилдориси айниқса зўр экан-да! Экканнинг қўли дард кўрмасин!

Озод ақа мамнун томоқ қириб қўйди.

Зум ўтмай иккинчи одам келди.

— Илоё ёшлар бахтли бўлсин! — деди қироат билан. — Даастурхон хў-ў-ўп тўкин бўпти-да, укам. Раҳмат! Айниқса, памилдорини айтгин! Асал-а, асал! Ишонсанг, мен ош еганим йўқ, нуқул памилдори едим!

Озод ака камтарона ерга қараб турибди.

Қариндошлардан бири памилдорини мақтаб-мақтаб, жиндай танқид қилиб ҳам ўтди.

— Памилдори хўп яхши пишиби-ю, сал майдароқ эканми? Олхўри деб ўйлапман.

Шу пайт Эркин Воҳидов келиб қолди.

— Ўткиржон! — деди гапни узоқдан бошлаб. — Ёзда тўй қилишнинг шуниси яхши-да. Қовун-тарвуз мўл, мева-чева қўп... Манови олчанинг чиройли пишганини қаранг, деб тўрттагинасини кафтигма олиб еб кўрсам, данаги йўқ! Қарасам, памилдори экан! Қаёқдан топдингиз бунақасини?

Зимдан қарасам, Озод аканинг қовоғи тушиб кетяпти.

Сайд Аҳмад ака узоқдан мени койиб келаверди.

— Сен ярамасга қачон ақл киради-а? Янгилик яратаман деб, ҳар балони ўйлаб топаверасанми? Ош даастурхонига итузум қўйиш қаёқдан чиқди! Қаёққа қараса талинқа-талинка итузум!

Озод ака бунисига чидай олмади:

— Чўрт побери! — деди қўл силтаб. — Мен тўйга памилдори эмас, тариқ обкелганман! Бўлдими? Қутулдимми энди?!

## «ТҮЁНА» ОПЕРАЦИЯСИ

Ўзим ҳам бир эмас, бир неча марта «шумлик» «қурбони» бўлганман.

Эркин Воҳидов қизини узатаётганда эрталаб юртга ош берди. Борсам, дарвоза ёнидаги ўрик тагида Сайд Аҳмад ака, Озод Шарафутдинов, Носир

Фозилов, Нәъмат Аминов, Умарали Норматов, яна аллақанча одам келди-кетдига құл қовуштириб туришибди. Эркин ака билан құчоқлашиб күришдик. Табрикладим. Киссасига түёна солиб, мен ҳам бояги қаторга бориб турдим.

Кечқурунгি зиёфатта борсам, Эркин ака совук-роқ қарши олди.

— Эрталаб күрінмадингиз? — деди гинахонлик қилиб.

— Келдим-ку! — дедим ҳайрон булиб.

— Келсанғиз күрардим. Биламан, сиз вақтли туришни ёқтиромайсиз. — Эркин ака ҳовлига имо қилди. — Кираверинг, ҳаммалари үтиришибди.

Чиндан ҳам эрталабки ошда құл қовуштириб турғанлар давра қуриб үтирган экан. Ҳатто Саид Аҳмад ака менга жой ҳам олиб қўйибди.

— Ҳа, хомуш күринасан? — деди оқсоқол афтимга тикилиб.

— Йўқ, ўзим... — деб мингирашым билан ёнимизга Эркин ака келди.

— Эрталаб Ўткиржоннинг ўрни жуда билиндида, — деди бош чайқаб.

— Келдим-ку, ахир! — дедим баттар ҳайратланыб. — Ўрик тагида күришдик-ку!

— Қанақа ўрик? — Эркин ака елкасини қисиб қўйди-да, нари кетди.

— Ростдан ҳам келувдингми? — деди Саид Аҳмад ака.

— Ие, ўзингиз билан күришдик-ку! — нажот кутгандек Нәъмат Аминовга қарадим. — Ана, Нәъмат ака ҳам бор эди.

Нәъмат Аминов гапимни эшитмадими, чой қўйиб узатди.

— Қани, дастурхонга қаранг, жигарим...

— Сиз билан анча гаплашиб турдик, — дедим Саид Аҳмад акага.

— Менда галава қоптими! Келган бўлсанг келгандирсан, келмаган бўлсанг келмагандирсан, — Сайд Аҳмад ака дастурхонга ундади. — Ол, манави гўшт яхши пишибди.

Томоқдан овқат ўтса қани?

Сайд Аҳмад ака кўнглимдагини сезгандек насиҳат қилди.

— Эркин билан қил ўтмас дўстсан. Кўп мухлислар Эркин Ҳошимов билан Ўткир Воҳидовни адаштириб юради. Эрта-индин сен ҳам қиз чиқарасан, ўғил уйлантирасан. Тўёна-пўёна бердингми?

— Бердим! — дедим жонланиб. — Ўрик тагида...

— Қанақа қилиб берувдинг?

Хунобим ошди.

— Қанақа қилиб бўларди, чўнтағига солиб қўйдим.

— Калланг гавдангдан катта-ю, бир отим носча ақлинг йўқ! — деди Сайд Аҳмад ака койиб. — Биринчидан, тўёна дегани чўнтаққа солинмайди, қафтга босилади! Иккинчидан, гувоҳ олдида берилади. Пулни конвертга солиб, устига «фалончидан писмадончига» деб ёзиб қўйилади... Эркин сенинг тўёнангга зормас-ку, бари бир кўнглига келган-да! Минг йиллик қадрдон бўлсаларинг! Бирпас ўйлаб турди-да, жўяли маслаҳат берди: — Энди... битта йўли бор... Бошқатдан тўёна берасан. Пулинг борми?

Ноилож чўнтағимни ковлаб, беш-үн сўмликларни санай бошладим.

— Э, ямоқчига ўхшамай ҳар нарса бўл! — деди оқсоқол жеркиб. — Йирикроқ пулинг борми, Носир?

Носир Фозилов қовогини солиб тўнғиллади:

— Нима, мен кассирманми?

— Сенда-чи, Неъмат, йирик пул борми?

— Майдасиям йўқ! — деди Неъмат Аминов кескин бош чайқаб.

— Сенларнинг ғамингни доим мен ейишим кепрак! — Сайд Аҳмад ака киссасидан иккита юз сўмлик чиқарди. — Эшитиб қўй, — деди писанда қилиб. — Эртага эрталаб ровно соат саккизда боқقا обориб берасан. Ҳам қарз бериб, ҳам кетидан югуриб юрмайман!

Бундан чиқди эрталаб Қибрайга гириллашим керак.

Сайд Аҳмад ака аллақаердан бир варақ қоғоз топди. Пулни қоғозга ўраб, устига «Эркин акага Ўткирдан 200 сўм» деб ёзди. «200 сўм» деган сўзнинг тагига йўтон қилиб чизди.

— Ма, ушла! — деди ўрнидан туриб. — Тўёна беришнинг қоидасини ўрганиб қўй, окагинанг айлансан! Биз тўёна беравериб-беравериб шилиниб кетганмиз! Юр, бирга борамиз.

Ноилож оқсоқолнинг кетидан эргашдим. Йулакда турган Эркин аканинг олдига узун-қисқа бўлиб бордик.

— Қучоқлашиб қўриш! — деди оқсоқол елкамга нуқуб.

Одамларни ҳайрон қолдириб, Эркин ака билан қайтадан қучоқлашдик. Қоғозга ўроғлиқ тўёнани кафтига босдим, Эркин ака «қўйинг, шарт эмас», деди-ю, пулни киссасига солиб қўйди.

Машинадан хабар олиш баҳонасида кўчага чиқдим. Қай кўз билан кўрайки, эрталаб тўёнага «гувоҳ бўлган» ўрик йўқ! Йўқ, вассалом! Тўғриси, ўзимдан ўзим шубҳаланиб қолдим. Барвақт туришини ёқтирумаслигим рост! Эрталаб Эркин аканикига келдимми ўзи? Ё уйқусираб бошқа жойга бордимми?

— Қаёқда юрибсан? — деди Сайд Аҳмад ака ёнига келиб ўтиришим билан.

— Ўзим... — дедим бўшашиб.

— Тўёнадан қутулдинг! — оқсоқол далда берди. — Энди одамга ўхшаб очилиб-ёзилиб ўтириб. Аммо бир

нарсан и айтиб қўяй! Менинг пулим — ургочи пул, яқинда банкка обориб қочириб келувдим, ой куни яқин эди. Эртага боласини қўшиб оборасан. 50 сўм!

Оббо! Энди буниси қолувди!

— Боласини Эркин Воҳидовдан оласиз! — дедим энсам қотиб.

Шу гапнинг устига Эркин ака келиб қолди.

— Содда бўлмай қолинг! — деди кулиб. — Эрталаб тўёна берувдингиз-ку! Олинг пулингизни. Шундай деб, қозога ўралган бояги пулни чўнтағимга солиб қўйди.

— Ўрик-чи? — дедим талмовсираб.

Ўша заҳоти даврада шунақанги қаҳқаҳа портладики, қўшиқ айтаётган ҳофиздан тортиб ҳовлидаги меҳмонларнинг ҳаммаси баравар шу томонга қаращди. Менинг аҳволим хўп томошабоп бўлса керак, Неъмат ака «хе-хе»лайди, Носир ака «ҳу-ҳу»лайди, Эркин ака ёшланиб кетган кўзини артади...

Маълум бўлишича, эрталаб мен кетганимдан кейин «тўёна» операцияси пишитилибди. Дарвоза олдидаги ўрикнинг катта шохи қуриб қолган экан, қариялар қуриган дарахт бехосият бўлади, деб ўрикни таги билан арралаб ташлашни маслаҳат беришибди...

— Энди кўнглинг жойига тушдими? — деди Сайд Аҳмад ака. — Қани, пулни чўз!

— Қанақа пул? — дедим пинагимни бузмай.

— Ҳазиллашма! — Сайд Аҳмад аканинг пешанаси тиришиб кетди.

Парво қилмай еб-ичиб ўтиравердим. Ора-чора устозни дастурхонга ундейман.

— Олинг, оқсоқол, шўрва мазали бўпти!

Сайд Аҳмад ака овқатга қарамай қўйди.

Пайдар-пай сигарет тутатади...

Ниҳоят бир чора ўйлаб топди шекилли, қулогимга эгилди.

— Эшитяпсанми? — деди овозини пасайтириб. — Чап чўнтағингда чақалоқ «инга» лаяпти. Айтмовдимми, пулимнинг ой-куни яқин деб. Хайрият, омон-эсон қутулди, шўрлик! Майли, «бола» сини сенга бердим. 200 сўмни қайтар!

— Манави қийма кабоб юмшоққина экан, устоз, — дедим меҳрибонлик билан. — Устига пиёз сепиб берайми?

Сайд Аҳмад ака ялинишга тушди:

— Пул деган жигардан бўлади, болам. Унақа со-вук ҳазил қилмагин, настроенам бузилиб кетяпти. Ҳозир йиглаб юбораман.

— Мен сиздан пул олганим йўқ! — дедим кўзимни лўқ қилиб.

— Бермайсанми? — Сайд Аҳмад ака таҳдид билан урнидан турди. — Ҳозир анави боланинг қўлидан микрофонни оламан-да, бўлган ҳангомани бутун тўйхонага айтиб бераман.

Қарасам, чиндан ҳам ўша томонга кетяпти. Пулини қайтариб бердим. Оқсоқол киссасига уаркан, тўнгиллади:

— Бари бир «боласи» сенинг бўйнингда! Жа бўлмаса, судга бериб, алимент қилиб ундириб оламан!

## «БИТТА КУЛДИРИНГ»

Эркин Воҳидов билан олис қишлоқقا бирга бордик. Йўл бошловчимиз аллақандай тўйга олиб кирди. Чоғроқ хонада ўтирганларга бизни таништириди. Содда одамлиги, бунинг устига жиндай «отиб олгани» кўриниб турган биттаси Эркин акага қараб-қараб қўйди-да, сўради:

— Акун, сиз шоирми?

Эркин ака камтарлик билан «ҳа, энди» деб гап бошлаган эди, бояги одам астойдил илтимос қилди:

— Унай бўлса, бир кулдириинг?

Эркин Воҳидов нима дейишини билмай қолди.

— Шоир акангиз сизни кулдириши мумкин, — дедим жиiddий оҳангда. — Аммо жиндай оворагарчилиги бор-да. Дўхтири керак. Таниш дўхтирингиз борми?

— Бор, — деди ҳалиги одам. — Ҳамсоямиз тиш дўхтири.

— Тиш дўхтири бўлмайди, — дедим тушунтириб. — Неврапатолог керак. Аввал сизни яхшилаб текширади. Қаерингизни қитиқласа кулишингизни аниқлайди. Қўлингизга испарапка ёзиб беради. Ўша испарапкани олиб келсангиз...

— Шошманг! — деди Эркин ака гапимни бўлиб. — Укол-чи, укол? Аввал учтагина укол қилдирадилар. Кейин ангина бўлса уни олдириб ташлайдилар. Ундан кейин кўричакни кестирадилар. Яна битта шарти бор. Яқинда биттасини кулдирган эдим, қитиги ёмон экан, ҳушидан кетиб қолди. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши ёнларида тўрттагина дўхтири бўлиши керак.

Бояги одам каловланиб ўрнидан турди.

— Иби! — деди эшик томон юриб. — Унай бўлса, бу дафъя кулдирасиз.

Даврадагилар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Ана! — деди бояги одам остоноада тұхтаб. — Испарапкасиз ҳам кулдираркансиз-ку!

## ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

(Эркин Воҳидов эллик ёшга тұлишига бағишлиб Тошкент Давлат университети талабалари билан учрашувда сўзланган нутқ)

Эркин Воҳидов университетни энди битирған пайтидаёқ таниқли шоир эди. Ўзингиз биласиз,

олий ўқув юртини битирган одам олдида уйланиш муаммоси кўндаланг бўлади. Шу масала юзасидан Эркин ака Саид Аҳмад акага маслаҳат солибди.

— Оқсоқол, хабариниз бор, бир-иккита китобим чиқди. Уч минг сўмча пулим ҳам бор, — дебди (у пайтда бу анча катта пул эди). — Фақат қайси бирига етказишни билмаяпман. Машина олайми, уй солайми, хотин олайми? Машина олсам, уй сололмайман. Уй солсам уйланолмайман. Уйлансан, машинага пул қолмайди. Нима қилай?

Саид Аҳмад ака пешанасини Рашид абзининг гармонидай тириштириб чуқур ва узоқ уйга толибди. Охири чеҳраси ёришиб бундай дебди:

— Болам, мен хўп ўйладим. Ҳисоблаб кўрсам, уч минг сўм пулинг ҳаммасига етаркан. Маслаҳат шуки, сен автобус сотиб олгин! Автобус дегани машина бўлади. Рулини қаёққа бурсанг кетаверади. Бу — биринчидан. Автобуснинг ичи кенг-мўл бўлади. Кўч-кўронингни олиб кирсанг тайёр уй бўлади. Бу — иккинчидан. Учинчидан, ростки, автобус бўлганидан кейин ичидаги кондуктори ҳам бўлади. Ўша кондукторни хотин қилиб қўя қоласан! Кўрдингми, окагинанг айлансан, ман санга ҳеч қачон нотўғри маслаҳат бермайман...

## «ХИТОЙЧА» УСУЛ

Тоққа, шоир Азим Суюннинг қишлоғига боргандик. Кўпчилик эдик. Меҳмонларни бир хонадонга олиб киришди. Бошқа ноз-неъматлар қатори чогроқ пиёлада асал ҳам қўйишиди. Ҳамманинг кўзи дастурхонинг қоқ ўртасида турган пиёлада.

— Тоза асалга ўхшайди, — деди меҳмонлардан бири. — Ҳидидан сезилиб турибди.

– Тогнинг асали зўр бўлади-да! – деди иккинчиси.

– Ҳозир тогда ҳам тоза асал қолмаган, – деди яна бири.

Гап айланиб асалнинг тоза-нотозалигини аниқлашга келиб тақалди. Бирор «Қошиқнинг учига илиб чўзиб кўриш керак, агар бир қулоч кўтарилиганда ҳам асал ипдек тушаверса тоза бўлади», деди. Яна бирор чойга солиб кўришни маслаҳат берди. Тағин бири асални кафтига суриб ручка билан чизишни таклиф қилди. Қараб турсак, асал хомталаш бўладиган. Эркин Воҳидов менга қараб қўйди-да, сўради:

– Асални синашни хитойча усулини эшитгансиз-а?

Ҳеч қанақа «хитойча усул»ни билмасам ҳам, бир «шумлик» бошлангаётганини сезиб дарров тасдиқладим:

– Эшитганман! Энг қулай усул шу!

– Ундан ташқари замонамиз руҳига ҳам мос келади, – деди Эркин Воҳидов. – Ҳақиқий демократик усул.

Ҳамма «хитойча» усулга қизиқиб қолди.

– Айтсан ўрганиб оласизлар-да, – деди Эркин ака сирли қилиб.

Даврадагилар ялинишга тушди.

– Бўлмаса гап бундоқ, – деди Эркин Воҳидов. – Ҳозир орамиздан битта одамни «асал синовчи» қилиб сайлаймиз. Ким энг кўп овоз олса, «синовчи» ўша бўлади. «Синовчи» пиёладаги асални бир кўтаришда охиригача симиради. Соатга қараб турамиз. Агар ярим соатдан кейин оғиз-бурнидан варақ-варақ қон келиб ўлиб қолса, бундан чиқди асал тоза асал бўлади. Қани, ўзининг номзодини қўядиган одам қўлинни кўтарсин!

Биттаям «номзод» топилмади.

— Начора, — деди Эркин ака мушкул муаммо қаршисида қолган одамдек чуқур ўйга толиб. — «Дўстинг учун асал ют», деган гап бор. Келинг, дўстлар учун қурбон бўлсак бўпмиз-да!

«Жасорат қўрсатиб» икковлашиб пиёлани бўшатдик. Хайрият, асал «зўр эмас экан», ёмон таъсир қилгани йўқ...

## «ЗИЁФАТ» ОПЕРАЦИЯСИ

Арзимаган баҳонада зиёфат қиласман демасам, шу масалада Эркин Воҳидовга маслаҳат солмасам, олам гулистон эди. Ўйлаб қарасам, биринчи ҳикоям чиққанига қирқ йил бўпти. Шуни дўст-биродарлар билан нишонлагим келди.

— Ие, бу тарихий воқеа-ку! — деди Эркин ака қувониб. — Бунаقا байрамни нишонлашмаса гуноҳ бўлади! Банкетни қайси ресторонда қилмоқчисиз?

— Ҳайронман, — дедим иккиланиб. — Уйда йигилиб қўя қолсакмикин...

— Жуда тўгри! — деди Эркин ака маъқуллаб. — Аммо бир нарсани оддиндан айтиб қўяй. Сиз ўзингизни ортиқча уринтирманг, хўпми? Бир хилларга ўхшаб иккита қўй сўйиш заридми? Битта бўлса етади! Жудаям катта қўчқор бўлишиям шартмас. Ҳа, боринг ана эллик килоли бўлақолсин. Тог кўкатларини еган қора қўчқорнинг кабоби бошқача бўлади. Зомин тогими, Нуротами, майли-да...

Қўй сўйиш деган гап хаёлимдаям йўқ эди. Шуни айтай деб энди оғиз жуфтлаган эдим, Эркин ака янайм меҳрибонроқ оҳангда давом этди:

— Сиз қийналманг, дейман-да! Баъзиларга ҳайронман. Закуска, яъни газакка қази-қарта, курка гўшти, каклик гўшти, тандир кабоб, қоқланган қизил балиқ, немис пишлоги, Гуржистон бринзаси, лиқлиқ — холодец, мариновка қилинган қўзиқорин,

криветка — булар-ку майли, дастурхоннинг кўрки... Устига-устак икки хил икра олишга бало борми? Ҳам қора, ҳам қизил икра! Сиз биттасини олинг, тамом! Узоқ Шарқнинг қизил икраси бор. Осетрина балигиники. Ҳар биттаси анор донасиdek келади. Ўшандан биттагина банкасини оласиз. Чиройли тунука банка. Беш килолиги бор, уч килолиги бор. Сиз ўзингизни қийнаманг, уч килолигидан олаверинг!

Ичимдан узундан-узун хўрсиниқ келди. Гапирай десам овозим чиқмайди. Эркин ака завқ-шавқ билан давом этяпти!

— Хў-ӯш, таом масаласи, яъни меню. Баъзан қуда чақириқقا борасиз, банкетга, юбилейга борасиз... исрофгарчиликни кўриб, ҳайрон қоласиз. Бир эмас, ўн беш хил овқат тортади-ей! Сиз ўн икки хил овқат қилсангиз кифоя. Биринчисига бедана шўрва, Қўқоннинг «кўза шўрва»си. Кейин ҳўл норин, иссиққина ҳасип, сомса... Айтмоқчи, сомса масаласи... Одамлар аллақандай алмойи-алжойи рекламалар ўйлаб топади. Бир куни кўчада кетаётсак, «Сомсанинг додаси» деб ёзиб қўйибди. Буниси «сомсанинг додаси» бўлса, «онаси» қаёқда деб сўрайдиган одам йўқ. Ўзимизнинг пармуда сомсадан буюраверинг. Сиз қийналманг, дейман-да! Шашлик, яъни кабоб икки хил бўлса етади. Жазли кабоб билан қийма кабоб. Жа, кўнглингиз бўлмаса, думба-жигар ҳам тортиб қўя қоларсиз. Ундан кейин янгича таом удум бўлган: арабча қовурдоқ дегани. Беш ойлик тўқли қўзичноқнинг миён қовургасидан қилинади. Устига қаймоқ солинган француз котлети ҳам лаззатли таом... Табака масаласи. «Буш оёги» деган гапни эшитганмисиз? Ҳозирги Буш эмас, унинг отаси президент бўлган замонда америкаликлар дори билан боқилган товуқ еявериб семириб кетган. Борганингизда ўзингиз ҳам кўрган

бұлишингиз керак. Шунинг учун табаканы товуқдан қылманг. Үрмөнчи Мансурхұжага айтсангиз, үн-үн бешта қирғовул отиб құяды. Қирғовулнинг табакаси бошқача бұлады... Охирида ош тортасиз. Асаканинг Чұнтагидаги чойхоначидан илтимос қылсангиз, дөвзирадан қулинг үргилсін ош дамлайди.

Оғзим машинаси үтиргаб кетилган гаражнинг дарвозасидек лаңг очилиб қолған бұлса керак, Эркин ака күзимга хавотирланиброқ тикилди.

– Ёзиб оляпсизми? Эсингиздан чиқмайдими?.

– Чиқмайди, – дедім йигламоқдан бери бұліб. – Бунақа ғапларни унугиб бұларканми? Минг раҳмат сизга! Мунча меҳрибонсиз?!

– Сиз қийналманг дейман-да! Меҳмонлар неча киши үзи? Үнтами? Биласиз, мен ичмайман. Аммо дастурхонда анави сабил турмасаям бұлмайди. Бир яшик тоза ароқ, Франциянинг бир яшик конъяги bemalol етади. Ҳа, айтмоқчи, Голландиянинг «Хайничен» деган пивоси бор. Ұшандан бир қутигина олсангиз, бошқа нарса керакмас. Мева-чева bemalol! Хандон писта, бодом, нұхат, майиз... Оқ кишиши сал камёброқ. Космонавтлар ейди. Эски Жұвадаги Мирваққос баққолға менинг номимдан илтимос қылсангиз уч-түрт кило топиб беради. Олма-анор, узум үзимизнинг мевалар. Бозорда нима күп, банан күп. Ортиқча уриниб юрмангда, жон бошиға бир шодадан банан, иккі кишиға битігі аналас олсанніз, етмоқ түгел ортади. Қайси куни бир зибіртте борсак, дастурхонга қулуңпай тортибди. Ҳәмі үзимизнинг қулуңпай чиқмаган, тұғрими? Ҳудо билсін Хитойдан олиб қелғанми, Эронданми? Сувда маза бор, унда маза йүқ. Сиз үзингизни уринтириб юрманг-да, гилос билан шафтоли олинг! Бангладешданми, Малайзияданми, бир тогора шафтоли, бир тогора гилос келтирсангиз, олам-жақон бўлиб кетади.

— Эркин ака, — дедим йигламсираб, — меҳмонлар тарқаётганда, елкасига түн ҳам ёпайми?

— Ана шуниси шартмас. Ҳечам шартмас! Бу одатни ким ўйлаб топган ўзи? Қаёққа борсанг түн беради. Ҳамманинг уйида сандиқ-сандиқ түн! Сиз бундай қилинг! Меҳмонларнинг ўлчовини сўраб олинг-да, биттадан костюм-шим олиб қўяқолинг. Биласиз, «Версачи» деган машҳур фирма бор. Ўшанинг костюми ҳам чиройли, ҳам модний бўлади. «Оптовой»дан олсангиз 400 доллардан беради.

— Бир нарса сўрасам майлими? — дедим ўпкам тўлиб. — Мабодо биттагина вертолёт олиб меҳмонларни уй-уйларига вертолётда обориб қўйсам нима дейсиз?

— Керакмас! — деди Эркин ака бош чайқаб. — Биринчидан, вертолёт ҳайдашга учувчи керак, иккинчидан, ҳеч кимнинг уйида вертолёт қўнадиган майдон йўқ. Биттагина «Дамас» олсангиз бўлди. Сиқилишиброқ ўтиrsa ҳамма сигади. Шўпирликни ўз зиммамга оламан. Меҳмонларни уй-уйларига обориб қўяман-да, машина меникида қолаверади. Сиз қийналманг, дейман-да!

— Мабодо, — дедим ҳиқиллаб йиглаб. — Мабодо зиёфатдан беш-үн сўм ортиб қолса, ўшангага арқон берармикин?

— Беради! Албатта беради. Нима кўп — хўжалик дўкони кўп. Арқоннинг пишигидан олинг. Ингичка бўлсину, пишиқ бўлсин. Ундан кейин жудаям узун бўлиши шарт эмас. Бўлмаса одамнинг оёғи ерга тегиб қолиши мумкин. Сиз қийналманг дейман-да! Аммо бу ишни жиндек кечиктириб турасиз. Асарингиз чиққанини яна беш-үн марта нишонласангиз, арқонни меҳмонларнинг ўзи олиб боради.

...Шундай бўлди. Ҳаётимдаги «тарихий воқеа»ни зўр «тантана» билан нишонладик. «Чархпалак» ошхонасида. Эркин Воҳидов, Иброҳим Гафуров,

мен — учовлашиб бир косадан лагмон едик. Ёлғон бўлмасин, бир шишадан пиво ҳам ичдик. Ўзимизнинг «Қибрай» пивоси.

## «ҲОЖАТБАРОРЛИК»

Булунгурга кетаёттандик, йўлда машина бузилиб қолди. Амаллаб етиб боргунча алла-паллага қолиб кетдик. Қорин — пиёзнинг пўсти. Асаблар таранг...

Уй соҳиби дастурхон безаб қўйган экан. Бир пиёла чой ичдикми-йўқми, мезбон ҳасрат қилиб қолди:

— Неча йилдан бери шеър ёзаман, чиқаришнинг иложи йўқ. Газета-журналларда таниш-билишчилик...

— Мана, шеър чиқарадиган одам! — Абдуғафур Расулов мени кўрсатди. — Опкелинг шеърларингизни. Ҳозир опкелинг!

Мезбон ҳам шуни кутиб турган эканми, бир папка шеър қўлтиқлаб кирди. Папкани очиб, ўқишига шайланган эди, Абдуғафур ака маслаҳат берди:

— Сиз ўқиб овора бўлиб ўтирасизми? Ўткиржоннинг ўзи ўқийди. Ичидан танлаб-танлаб олаверади.

Папка менинг қўлимга ўтди. Бири-биридан хароб шеърларни пичирлаб ўқияпман-у, ўгринча Абдуғафур акага қараб қўяман. У киши нону ангур қилиб, олтиндек узумни уриб ётибди. Охири чидолмадим. Бир бурда нон қавшаб, узумга қўл чўзган эдим, Абдуғафур ака дашном берди:

— Шеър дегани овоз чиқариб ўқийди-да. Биз ҳам эшитайлик бундоқ!

Овоз чиқариб ўқишига мажбур бўлдим. Ҳар сафар мезбон «қалай, домла, зўрми?» деб қўяди. «Шеърларингиз икки пулга қиммат», дей десам,

дастурхонида ўтирибман. Устига-устак қорин ҳалигидай. Абдуғафур эса нуқул олқишлайди.

— Зур ҳам гапми? — дейди қаймоққа нон ботириб. — Китоб қилиб чиқариш керак. Ҳаммасини Ўткиржоннинг ўзи эплайди. Бу киши ҳожатбарор одам.

Папкадаги шеърларни ўқиб бўлгунимча бир соатлар ўтди. Қаймоқ тамом бўлди, узумнинг шингил-шапоги қолди.

Мезбон мастава олиб кирди. Бир қошиқ ичмасимдан Абдуғафур aka тагин шеърларни мақташга тушди.

— Шундоқ зўр асарларни босишмадими, а? Вой, номардлар-ей! Янгиларидаң борми?

— Э, бундан ҳам зўрлари бор! Олиб келайми?

— Албатта-да!

Мезбон бу гал иқкита папка кўтариб кирди. Маставани маза қилиб ураётган Абдуғафур Расулов ора-чора менга далда бериб қўяди:

— Ўқинг, дўстим, ўқинг! Шеър деганни жаранглатиб ўқиш керак.

Ош устида тўртингчи папка очилди...

Эртасига эрталаб Булуңгур бозорига кирдик. Рўпарадан қовун қўтариб келаётган сийрак соқолли чол чиқиб қолди. Йўлини тўсиб салом бердим. Мол-ҳолини, кампири-ю невара-чевараларини суриштирдим.

— Худога шукр! — деди чол жиндай ҳайратланиб. — Қирқ битта невара, ўн саккизта чевара бор. Сизни танимайроқ турибман, болам.

— Ҳозир танийсиз-да! — дедим меҳрибонлик билан. — Мабодо бир тилиш қоғозингиз йўқми, отахон?

Отахонда қоғоз йўқ экан. Абдуғафур Расуловдан қарз олишга тўгри келди. Қоғозга Абдуғафур аканинг

исм-шарифини, турар жойини, ишхонасини, телефон рақамини батафсил ёздим.

— Шу қоғозни эҳтиёт қилинг, хўпми, отахон? — дедим чолга узатиб. — Керакли одамнинг адреси ёзилган.

Чол нима гаплигини англамай турган эди, сўрадим:

— Мабодо институтта киришни ният қилган невараларингиз борми?

— Бор! — деди чол жонланиб. — Бир эмас, тўрттаси бор. Бултур ҳам иккитаси Тошкентта ўқишига кираман деб бориб, қайтиб келганди.

— Мана бу одам, — дедим Абдуғафур акани кўрсатиб, — Тошкентдаги энг катта институтнинг энг катта домласи Абдуғафур Расулов бўладилар. Олтита неварангизнинг ҳаммасини юбораверинг. Ўқишига жойлаб қўядилар. Бу киши ҳожатбарор одам.

Чол қувониб кетди. Адрес ёзилган қоғозни ҳафсала билан белбогига қистирди.

— Ие, сизларни Худо етказди-ку, — деб азза-базза қовунни ерга қўйди, икки қўлини очганча дуо қила бошлади:

— У дунё-бу дунё ёмонлик кўрмагин, болам! Невараларимни ўқишига киргазиб қўйсанг, ҳар куни беш маҳал намоз устида дуо қиласман. Яхшилигинг мендан қайтмаса, бола-чақангдан қайтсин... — чол ауонинг энг қуюқ жойига келганда тўсатдан кўзи олазарак бўлиб қолди. — Ия, ҳа, қаёқقا? — деди ҳайрон бўлиб.

Абдуғафур ака ўзини оломон орасига урдию бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

## ЎЗБЕКНИНГ СОДДАСИ

Тошкент Давлат университетининг домласи Баҳодир Гуломов боладек бегубор, содда одам эди.

(Афсус, бевақ вафот этди). Сафарга чиқадими, ўтиришга келадими, деярли ҳар гал навбатдаги «шумлик»нинг «қурбони» бўлиб, ё чойхона паловга, ё зиёфатга «тушар», «тушмагани»га қўймас эди.

Баҳодир aka уйига меҳмон келса, ўтиргизгани жой тополмай шошиб қоларди. Бир гал Озод Шарафитдинов, Бегали Қосимов, Абдуғафур Расулов қандайдир байрам баҳона домлани кўргани бордик. Баҳодир aka келинойига дастурхон ёздирди. Очилиб, жиндай ичилган «Плиски» конъягини келтириб қўйди.

— Конъяк деганин узум билан ичсанг-да! — деди Озод aka.

— Ҳозир, домлажон, ҳозир! — Баҳодир aka пилдираб ҳовлига тушди. Дераза олдидан инқиллаб нарвон кўтарганча ўтиб сўриток томон юрди. Пайтдан фойдаланиб конъякни тўртта пиёлага бўлдик. Лўқ этиб ичиб олдик-да, ўрнига совуқ чой қўйиб қўйдик.

Баҳодир aka узум кўтариб кирди.

— Қани, меҳмонлар, — деди илжайиб. — Жиндай-жиндай олайлик бундоқ. Бутун байрам...

Ҳаммамиз «қандай бўларкин» деб бирпас ноз қилган бўлдигу, мезбон қистайверганидан кейин «ноилож» кўндиқ. Абдуғафур aka «конъяк» сузди:

— Хуш кепсизлар! Қадамларингизга ҳасанот! — деди Баҳодир aka тантана билан. «Конъяк»ни бир қултум ичди-ю, афти буришиб кетди.

— Нима бу? — деди кўзойнагини йилтиратиб.

Биз ҳам жиндай-жиндай тотинган бўлиб пиёлаларни дастурхонга қўйдик.

— Мазаси галатироқми? — Баҳодир aka ҳаммамизга бир-бир мўлтираб термилди.

— Шу конъякми? — деди Озод aka қовогини уюб.

— Менгаям галатироқ туюлди, — деди Бегали.

- Ҳидиям бошқача... – деди Абдуғафур ака.
- Йўғ-э, кеча ўзим ичувдим-ку! – Баҳодир ака азза-базза шишанинг оғзини ҳидлаб кўрди. Тўсатдан бир нима эсига тушгандек ҳовлига қараб келинойига қичқирди. – Уканг қачон келувди? – Кейин бизга ҳасрат қилди. – Қайнимнинг шу одати ёмон-да! У киши сурат олишга қизиқадилар! – деди зарда билан. – Биламан, ўшандан бошқа ҳеч ким қилмайди бу ишни! Конъякни ичган-да, ўрнига фотодори қуийб қўйган!
- Нима? Фотодори?! – Озод ака ўрнидан туриб кетди. – Заҳар-ку бу! Ҳали бизни заҳарламоқчи бўлдингизми?
- Қиёматлик ака-укамиз-а? – деди Абдуғафур ака бош чайқаб.
- Мазасидан билувдим... – деди Бегали маъюс мингиллаб.
- Баҳодир ака довдираб қолди. Нуқул бир гапни такрорлайди.
- Мен билмай қолдим-да...
- Домла янги шиша очганида ҳам, қовурдоқ олиб келганида ҳам чеҳрамиз «ёришмади».
- Яхшигина «қизишиб» олганимиздан кейин мавзу тагин фотодорига келиб тақалди.
- Чўрт побери! – деди Озод ака. – Энди «Плиски»ни кўрсан кўнглим айнийдиган бўлди-да.
- Баҳодир ака астойдил ялинди:
- Қўйинглар энди шу гап шу ерда қолсин, эшитган қулоққа яхшимас.
- Албатта-да! – деб тасдиқлади Озод ака. – Баҳодир Гуломов дўстларини заҳарламоқчи бўпти, деган гап тарқалса, бирор ишонмаса, бирор ишонади-да!
- Баҳодир ака бирпас иккиланиб турди-да, таклиф кирилди:
- Шанба куни Ўринбой аканинг чойхонасида ош қила қолсаммикин?
- Мана бу бошқа гап! – дедик ҳаммамиз жонланиб. Озод ака Баҳодир аканинг «тарафини олди».

— Текин ош бўларкан деб талтаймаларинг! Майли, домла-ку ош қиласди. Албатта қиласди! Аммо сенлар ҳам бу сирни ёймасликка ваъда бериб тилхат ёзиб берасан. Ҳозир оғзаки гапга ишониб бўлмайди.

Шанба куни чиндан ҳам Ўринбой аканинг чойхонасида ош бўлди. Фақат беш киши эмас, ўн беш киши тўпланди. Ош устида Баҳодир aka нега «эриётгани», бизни қандай қилиб «заҳарламоқчи бўлгани» ҳақидаги батафсил тилхатларни тантана билан, баланд овозда ўқиб бердик. Бу сир ўша куниёқ буткул бутун факультетта ёйилди.

\* \* \*

Домланинг қизиқ-қизиқ одатлари бор эди. Соат ўн бўлмасидан ётиб ухлар, эрталаб тонг отар-отмас уйгониб, ҳар куни беш километр югуради. Айнан шу одати домланинг бошига кўп «кулфатлар» солган.

Бир сафар Сариосиёдан Термизга ўтадиган бўлдик. Термиз чегара шаҳар эди. Кириб келаёттан ҳар битта машинани тўхтатиб одамларнинг ҳужжатларини текшириб кўришарди.

Сариосиёдан тонг отмай йўлга чиқдик. Баҳодир aka машинада ўтирибди-ку, нуқул «югуриш плани» бажарилмай қолганидан нолийди. Ниҳоят шаҳар чеккасига етиб келдик. Чегарачи аскарлар ҳужжат текшира бошлиди. Боядан бери индамай турган Баҳодир aka тўсатдан югуриб қолди. Анча нарида ям-яшил ўтлоқ бор экан. Домла ўша томонга қараб гайрат билан лўкиллаб чопди.

Ҳужжат кўраётган йигитлардан бири жон ҳолатда «Тўхта!» деб қичқирди.

Қаёқда! Баҳодир aka завқланиб кетган шекилли, борган сайин тезроқ югуради.

Аскар болалардан бири жон-жаҳди билан қувиб кетди. Орқасидан кажавали мотоциклда бошқа

чегарачилар гизиллади. Зум ўтмай домлани қажавага ўтқазиб, елкасидан босиб олиб келишди.

— Нима гап ўзи? — деди Баҳодир ақа юпқа күзойнаги ортидан ҳаммага бир-бир термилиб. — Шундоқ теп-текис ўтлоқда югурмай бўладими?

Аскар болалардан олдиноқ ўзимиз «ҳужум»га ўтдик.

— Баҳодир Гуломов деган олим атайлаб чегарани бузмоқчи бўлди.

Шундоқ одамга қандай қилиб ёшлиар тарбиясини ишониб топшириб бўлади?

Домла қўрқиб кетди. Тошкентта омон-эсон етиб борса, камида йигирма кишилик ош қилиб беришга ваъда қилиб, аранг қутулди.

Чегарачилар «Ўша ошга бизни ҳам чақиринглар», деганида ҳам Баҳодир аканинг титроти босилмаган эди.

\* \* \*

Урганчга бордик. Баҳодир ақа, Абдуғафур Расулов, мен. Огаҳий номидаги театрда «Тўйлар муборак» спектаклининг премьераси бўлиши керак эди. Премьера ўтди. Театр директори, бош режиссёр меҳмонхонага келишди, Алла-паллагача гурунглашиб ўтирик. Баҳодир ақа ҳаммадан олдин ётдию қотди. (Виждони соғ одам хотиржам ухлайди).

Режиссёр билан директор кетишганидан кейин ҳам Абдуғафур ақа икковимиз анча вақт гаплашиб ётдик. Чамамда, тонг отар палласи кўзимиз илинди шекилли. Аммо узоқ ухлай олмадик. Бир маҳал ҳаммаёқ шовқин-сурон бўлиб кетди. Қўшни хоналарнинг деразаси шарақлаб очилиб-ёпилган, «чўрт-пўрт» деган ҳайқириқлар... Энг ёмони шундаки, ташқарида итларнинг тўхтовсиз акиллаши

борган сайин авжига чиқиб, қулоқни қоматга келтиради.

— Нима гап? — деди Абдуғафур ака. Бошимни күтариб қарасам Баҳодир аканинг ўрни бўш. Майкачан балконга чиқдиму, галати манзарани кўрдим.

Ҳали қуёш чиқмаган, меҳмонхона ҳовлиси гирашира ёруг. Ҳовлида майка-труси кийиб олган Баҳодир ака югуриб юрибди. Домланинг кетидан йигирматача ит чопиб боряпти. Энг олдинда Баҳодир ака, орқасида кичикроқ бузоқдек келадиган, қулоқдуми кесилган ит, ундан кейин чойнақдеккина оппоқ кучукча, унинг орқасида семиз-ориқ, катта-кичик кўпраклару кўпакчалар... Қизиги шундаки, домла қанча тез чопса, итлар шунча қаттиқ акиллайди... Баҳодир ака қадамини қанча секинлатса, итлар «симфонияси» ҳам шунча пасаяди. Домла тўхташи билан улар ҳам тўхтаб атрофини ўраб олади. «Бу ким ўзи, нима қиляпти?», дегандек мўлтайиб қарашади. Домла тагин гайрат билан югурга бошлайди. Итлар кетидан эргашиб гайрат билан вовуллайди. Тагин ўша «музика»...

— Одамни шарманда қилдингиз-ку! — дедим бўғилиб. — Бу ёқقا чиқинг, домла, ҳамманинг уй-кусини бузяпсиз.

Баҳодир ака тўхтади. (Итлар ҳам). Домла тилла тишларини ялтиратиб кулди.

— Ҳозир, укажон! — деди билагидаги соатига имо қилиб. Яна ўттиз беш минут югурсам, роппа-роса беш километр бўлади.

\* \* \*

Домланинг тагин бир одати — очликка ҳеч чидолмасди. Дорилфунундагиларнинг айтишига қараганда, бирон мажлисда жуда жиддий масала кўрилаётган бўлса ҳам Баҳодир ака қорни очиши

билин индамай чиқиб кетаверар, «бир пиёлагина чой ичиб» қайтиб келар ва яна индамай жойига бориб ўтиравераркан.

Терим мавсуми айни қизиганда Қашқадарёга бордик. Самолёт кечикиб учди. Эрталаб дуруст нонушта қилинмаган. Қаршидан Шахрисабзга, ундан Китобга ўтдик. Чеккароқдаги хўжаликлардан бирида тушлик танаффусга мўлжаллаб учрашув тайёрлаб қўйишган экан... Дала шийпонида одам кўп. Пахтакорлар, ҳашарга чиқсан шифокорлар овқатланиб бўлиб, кутиб ўтиришибди.

Тумандан келган вакил меҳмонларни таништириди. Қарсакбозлиқ... Котиб ҳаяжонланиб микрофонда гапиряпти. Унинг ёнбошида ранги учиди Баҳодир ака ўтирибди. Ёнида Абдуғафур Расулов билан мен... Баҳодир ака одамлар ҳозиргина еб бўлган қовун пўчоқларига маъюс-маъюс қараб қўяди.

Секин домланинг қулогига шивирладим:

– Мезбонлардан бир таклиф тушяпти. Бу учрашув узоқ чўзилмас экан. Нари борса бир ярим соатда тугармиш. Тағин икки жойда учрашгув бор экан. Одамларни куттириш яхши эмас. Ҳамма ишдан қутулиб, бир йўла кечқурун овқатланиб қўя қоламиз...

Аламдан тўлиб ўтирган Баҳодир ака олдида микрофон турганидан бехабар бор овозда чинқириб юборди:

– Нима? – Кейин чап қўлинин пахса қилиб бақирди.  
– Учрашувингизни бошимга ураманми? Қорним таталаб кетяпти, билдингизми? Нима, Тошкентта ўлигимни олиб кетмоқчимисиз?

Домланинг овози микрофондан шу қадар алам билан жаранглаб эшитилдики, боядан бери завқланиб гапираётган вакил жим бўлиб қолди. Пастда ўтирганлар ҳайрон бўлиб, бир-бирига аланг-лай бошлиди.

Баҳодир ака нима бўлганини энди тушунди.  
Пастроқ овозда галирмоқчи бўлдию эплолмади.

— Ие, қовун туширибман-ку! — деди ҳайратдан овози ингичкалашиб. Тумандан келган вакилга қараб илжайди. — Сиз гапираверинг, укажон, бу — бизнинг ўзаро гап!

\* \* \*

Боботогда, арча тагида давра қуриб ўтирибмиз. Баҳодир ака тандир пишгунча «жиндек мизгиб олиш» учун ёнбошлидию пинакка кетди. Кейин мотори яхшилаб созланган «Жигули»дек бир текис, осойишта хуррак ота бошлади Қарасак, пиджагининг ич чўнтагидан паспорти кўрпачага тушиб қолибди.

Табиийки, паспортни «ўтирибдик».

Озод Шарафитдинов «текширув» операциясини ишлаб чиқди. Бизни тоққа олиб чиқсан «РАФ» машинасида мезбонлардан бири азза-базза пастга тушиб, бўлажак ҳангомани пишишиб чиқди.

Тандир пишганда домла ҳам уйгоғди. Ейилди, ичилди. Кечга томон шариллатиб пастга жала қуйиб берди. Машина сиргалиб амаллаб пастга тушиб олди. Ҳамон момақалдироқ гумбурлайди, ёмгир челаклаб қуйиб турибди. Бийдек даланинг қоқ ўртасида бир милиционер машинани тўхтатди. «РАФ»га чиқиб совуқдан тишлари такиллаганча тапириди:

— Кечирасизлар, ҳужжатларингизни кўрсатилишлар!

Жаҳлимиз чиқсан бўлиб, паспорtlаримизни кўрсата бошладик.

Баҳодир ака типирчилаб қолди.

— Бошпуртим йўқ-ку! — деди хавотирланиб. — Ҳалигина ёнимда эди.

Худди шу пайт милиционер йигит домланинг яқинига келди.

— Марҳамат, сизнинг ҳужжатингиз!

— Ҳалигина бор эди, — деди Баҳодир ака аланглаб. — Мана, булар гувоҳ, бошпуртим бор эди.

— Нима гап ўзи, чўрт побери? — деди Озод ака аччиқланган бўлиб.

— Хавфли жиноятчи тоққа қочган, деган хабар бор. — Милиционер йигит Баҳодир акага қараб қўйиб давом этди... — Ўзи кексароқ, кўзойнак тақиб юради, тилла тиши бор, дейишган.

— Вой, бу мени айтяпти шекилли! — домла бутунлай эсанкираб қолди. Яйловнинг қоқ ўртасида милиционер нима қиласди, нега энди машинани текшириши керак, деган гап хаёлига ҳам келмади. — Мен жиноятчи эмасман, укажон, — деди ялиниб. — Олимман, Тошкентдан келганмиз. Мана, ҳаммалари гувоҳ.

— Мен бу одамни танимайман! — деди Озод ака жиддий қиёфада. — Ҳозир йўлдан машинага чиқди.

— Вой, домла, эсингизни едингизми? Унақа ҳазил қилманглар. Мени ҳаммаси танийди.

Биз ҳам Баҳодир акани «танимадик».

— Пастта тушишингизга тўғри келади, — милиционер кулиб юбормаслик учун тескари қаради.

Домла хўп ялинганидан кейин уни «кафилликка» оладиган бўлдик. Эвазига битта зиёфат қилинадиган бўлди.

Милиционер шофёр ёнига ўтириб уф тортди.

— Қойил-э, икки соатдан бери кутаман-а! Ҳаммаёгим шилтай шалаббо бўлди-ку!

— Нима деяпти? — сўради Баҳодир ака овозини пасайтириб.

— Жим! — дедим лабимни тишлиб. — Жаҳли чиқиб турибди. Мелиса билан ҳазиллашиб бўладими? Омон қолганингизга қувонмайсизми?

— Рост айтасиз. Қуруқ түхматдан асрасин! — Баҳодир ака қунишиб ўтириб олганча шаҳарга киргунимизча бир оғиз ҳам гапирмади.

Эртасига домланинг паспортини «топиб», суюн-чисига яна бىтта ош қарздор қилдик.

\* \* \*

Қоракұлга борадиган бұлдик. Озод ака, Баҳодир ака, Абдугофур Расулов, Бегали Қосимов поездга ўтириб жүнадик. Бир маҳал, тонг палласида проводник купе эшигини тақилятди.

— Жон акалар, — деди нолиб. — Вагон йұлагида югуриб юрган одам сизларнинг шеригингизми? Айтинглар, бир соатдан бери у ёқ-бу ёққа чопади. Қийналиб кетди-ку, бечора... Устига-устак хотин-халаж ювингани ўтишга қийналяпти.

Норозилик билан түнгиллаб ўрнимиздан туришга мажбур бұлдик.

— Бирон нарасасини «ўғирлаб» қўйинг, иккинчи марта саҳарлаб ҳаммани безовта қилмайдиган бўлади, — деди Озод ака.

Баҳодир аканинг яп-янги дўпписи вагон токчасида ёттан экан. Олиб портфелимга солиб қўйдим. Домла терлаб-пишиб кириб келди.

— Ҳа, дангасалар, турдиларингми? — деди илжайиб.

Қоракұл станциясида поезд икки минут тўхтар экан. Ҳаммамиз тушиб кетяпмизу Баҳодир ака нуқул тимирскиланади. «Нима бўлди» десак, «Дўппим бор эди, тополмаяпман», дейди.

Озод ака жеркиб берди:

— Қанақа одамсиз ўзи, сизнинг дўппингиз деб поезд тўхтаб турармиди? Бўлинг тезроқ!

Пастга тушишимиз билан Озод ака жуда жиддий қилиб гап бошлади:

— Бу томонларда менингит касали тарқаган дейишади, эҳтиёт бўб юринглар.

— Менингит нимадан бўлади? — сўради Абдугофур ака «саддалик» билан.

- Нимадан бұларди, бошнинг шамоллашидан-да!
- Энг кераклиги бош-да, – деди Бегали фалсафий оҳангда.
- Менингитта йўлиққан одам уч кунда ўлади. – Озод ака қаттиқ тайинлади. – Айниқса, бошни эҳтиёт қилинглар!

Баҳодир ака секин ёнимга келди.

- Ўткиржон, – деди, – мабодо биронта ортиқча дўппингиз йўқми?

– Ортиқчаси йўқ-ку, ўзимники бор. Сизга кичкина келармикин дейман...

– Майли, вақтингча бўлсаям, – деб домла энди гап бошлиши билан Озод ака мени уришиб берди.

– Бош кийимини бирорга бериб бўлмайди. Тем боле, сафарда юрганда.

Кимдир бояги гапни давом эттирди:

– Уч кунда дейсиз-ку, одам бир кунда ўлиши ҳам мумкин.

– Албатта, ҳар кимнинг организми ҳар хил-да...

Баҳодир ака ялинишга тушди:

– Хўп десангиз дўппингизни сотиб олардим, укажон.

Огринган киши бўлиб портфелимни очдим.

– Йигирма беш сўмга оловдим, – дедим иккиланиброқ. (У пайтда дўппининг баҳоси шунча эди).

– Ўттиз сўм! – Озод ака гапни кесди. – Бу ёқларда дўппи қиммат.

Ўттиз сўмга «бор-барака» қилдик. Пул менга, дўппи Баҳодир акага ўтди.

– Ие, ўзимники шекилли? – домла юпқа гардишли кўзойнагини тақиб дўппига узоқ турмилиб қолди.

Озод аканинг «жаҳли» чиқиб кетди:

– Беринг, пулинни қайтариб беринг! Бир одам ўз ҳаётини хавф остида қолдириб яхшилик қиласа-ю, бу киши...

– Йүқ, йүқ, – Баҳодир ака дўппини маҳкам чанглаб олди. Бошига кийиб мамнун жилмайди. – Тўтри айтибсиз, сал кичкинароқ экан. Майли, бўлаверади. – Дўппини ечиб яна томоша қилди. – Қаранг, сизникини гули ҳам бошқачароқ экан.

Мени ранжиди, деб ўйлади шекилли, кўнглимни кўтарди:

– Хафа бўлманг, укажон, эрталаб йўлакка чиқиб кетаёттанимда купе эшиги олдида афти хунукроқ бир одам турганди. Меникини ўша ўтиргланган. Тошкентта борсак сизга ўзим яхши дўппи олиб бераман. Раҳмат, укажон!

\* \* \*

Оҳангарондан олтмиш чақиримча нарида, тог тепасида Арашон бува деган булоқ бор. У пайтларда Арашон бувага машина бормас эди. Беш-олти киши отлиқ йўлга тушдик. Келинчак деган жойда фаргоналик чорвадорларнинг ўтовида тунаб қолдик. Алламаҳалгача гурунглашиб ўтиридик. Баҳодир ака эса ўтовнинг бир чеккасида маза қилиб уйқуни уриб ётибди. Ора-сира ўртачароқ хуррак ҳам тортиб кўяди.

– Чўрт побери, ҳозир уйқуни уради-да, сўфитўргай уйғонмасдан туриб олиб ҳаммани безовта қиласи, – деди Озод ака. – Бир иш қилмаймизми?

Эрталаб бажарилиши керак бўлган «операция» пишитилди. Унга иштирок этишга ўтов эгаси – Чимирвой акани ҳам кўндиридик.

Эрталабки чой устида Чимирвой ака салмоқлаб гап бошлиди:

– Мехмонлар, сизларни кўриб бошимиз осмонга етди. Қанийди, сиздек улуг одамлар ҳар куни қелса... Кўриб турибсизлар, бизда гўшт кўп. Сўрасангиз

үзимиз берамиз. Ўгирлаш шарт эмас. Тогликлар құли әгри одамни ёмон күради.

– Нима, ҳали бизни ўгри гумон қиляпсизми? – деб үрнимиздан туриб кетдик.

Чими्रвой ака кулиб юбормаслик учун үзини зўрга тутиб давом этди:

– Биламан, сизлар таниқли одамсизлар. Бирингиз олим, бирингиз ёзувчи... Шундоқ бўлганидан кейин сўрасангизлар ўзимиз...

– Э, оч чамадонингни! – Озод ака бақириб юборди. – Ҳамманг оч!

Ўзи биринчи бўлиб портфелини очиб ичидаги нарсаларни тўкиб ташлади. Сочиқ, тиш чўтка, балобаттарлар ҳар ёққа сочилиб кетди. Кейин Умарали ака, Абдуғафур ака, Бегали, мен жаҳл билан портфелимизни тўкиб кўрсатдик. Баҳодир ака каттакон портфелини шахт билан очиб бир силтаған эди, ичидан эски газетага наридан-бери ўралган тўртта каттакон пишган гўшт бўлаги лоп этиб ерга тушди. (Кечаси ўзимиз солиб қўйган гўшtlар).

– Ие? Вой? В-о-о-ой! – Баҳодир ака турган жойида тахта бўлиб қолди. Юпқа гардишли кўзйнаги ортидан ҳаммамизга жавдираб қарайди.

Чимиրвой ака «ана» дедиую ўёгини гапирса кулиб юборишини билиб, ўтовдан қочиб чиқиб кетди.

– Кўрдингизми, мезбон сизнинг қилингизга чидолмай қочиб кетди!

– Шунинг учун ҳаммадан олдин тураркансиз-да!

– Сиз бизни шарманда қилдингиз!

– Ўгри деган ном ортиридик!

Ҳаммаёқдан талаб ташладик, «айбини» бўйнига қўйдик. Баҳодир ака минбаъд бошқалардан аввал уйғонмасликка, Тошкентга борганидан кейини битта чойхона палов қилишга ваъда бериб аранг қутулди.

...Тилла одам эди, Баҳодир Гуломов! Охирати обод бўлсин!

## ШАМОЛ ЭСАВЕРАДИ

Сезганимисиз, эрта баҳор пайтлари, сұнгти қорлар эриб биттігач, ер юзида қадимий, сокин жонланиш бошланади. Күпчиб ёттан далалар узра дилни орзиқтирувчи алланечук қадрдан бир ис — тупроқ ҳиди парвоз этади. Олма дараҳтларининг тагида бултурғи хазонни у ер-бу еридан тешиб чиққан нозик майсалар күриниб қолади. Ариқлар бўйида мунис бинафшалар кўз очади. Осмон тиниқлашиб, укпар булатлар билан артиб тозалангандай мовий тусга киради. Туш кезлари офтоб елкани қиздиради. Илиқ, оромбахш шабада эсиб, дараҳтларнинг сочидан тортқилааб уйгота бошлайди. Оқшомлари бошингиз устида сассиз-садосиз учеб ўтган кўршапалакларни кўриб қоласиз. Деворлар орқасида, томлар устида кечаси билан мушуклар миёвлаб чиқади...

Кексаларнинг айтишича, бундай пайтларда бирон-бир тепаликнинг устига чиқиб, жимгина қулоқ солиб ётсангиз, ернинг нафасини эшитармишсиз. Чиндан ҳам бутун борлиқ эндигина туғилаёттан майсаларнинг сирли шивир-шивирига тұлади, ер азамат кўксини тұлдириб, чуқур-чуқур нафас ола бошлайди.

Богишамол қишлоғида қиши ҳам, баҳор ҳам Хирмонтепадан бошланади. Бириңчи қор мана шу тепа бошига ёғади, бириңчи майсалар ҳам Хирмонтепа бағрида кўкаради...

Қишлоқнинг қоқ ўртасида қад күтарған тепалик қорини силкитиб ташлаганига бир ҳафтадан ошди.

<sup>1</sup> Янги таҳрирда

Күклам кирди. Кишини олис уфқларга парвоз этишга чорловчи тонглар, энди балогатта етиб, гўзалликни ҳис эта бошлаган қизлар кўнглини орзиқтирувчи оқшомлар бошланди.

Шу оқшом Гавҳар алламаҳалгача ухлаёлмай ётди. Ярим кечага яқин шамол кучайиб, тунука том бўгиқ гувуллай бошлади. Ёмғир ёғяпти. У кўрпадан бошини чиқариб қулоқ солди. Томчиларнинг деразага чирсиллаб урилиши аниқ эшитила бошлади. Зум ўтмай, янги бўёқдан чиқсан ялтироқ шифтда, узунчоқ қандилнинг тепасида қизгиш доира пайдо бўлди. Гавҳар доирачанинг титраб туришини қизиқиб томоша қила бошлади. Шафақдай қизгиш нур қалтираб турар, бирдан чил-чил бўлиб кетар, кейин яна ўз ҳолатига қайтар эди. Айвон пештоқидаги чироқ ўчирилмаган бўлса керак, дераза тагида ҳалқоб бўлиб қолган сувнинг акси шифтта тушиб турар, ҳар томчи тушганида ҳалқоб титрар, унинг шифтдаги акси ожиз силкинарди.

Шамол қаттиқроқ гувуллай бошлади. Томчининг чипиллаши аста-секин сийраклашди. «Баҳор ёмгири-да, — пичирлади Гавҳар, — ҳозир ўтиб кетади». Чиндан ҳам кўп ўтмай ёмғир пасайди. Ташқари жимжит бўлиб қолди. Ҳовли этагидаги оғилхона томондан сигирнинг пишиллагани, алланиманинг тап-тап этиб ерга тушгани эшитилди.

Неча кундан бери Гавҳарга тинчлик бермаётган савол тағин хаёлида чарх ура бошлади. «Нимага хат ёзмай қўйди?» Мансурнинг ўзи эмасми, кунора хатингизни олмасам, ҳеч нима кўзимга кўринмайди, деган? Ўзи эмасми, онамнинг ҳолидан хабар олиб туринг, сизга ишонаман, деб илтимос қилган?.. Уч йилдан бери Тошкентдай шаҳарда ўқийди-ю, ҳеч бир қизни учратмаганмикин?

Дафъатан хаёлига келган бу саводдан ўзи чўчиб кетди.

Гавҳар қўшни хонада акасининг босинқи овозда гўнгир-гўнгир гапирганини, аячасининг кулганини эшитиб, девор томонга ўтирилиб ётди. «Ажаб бўлти, – у жаҳл билан тез-тез пичирлади. – Қараб турсин, хат келса биттаям жавоб ёзмайман». Аммо шу топдаёқ ёлғон гапираётганини, бундай қилолмаслигини билib ширин жилмайди-ю, кўзларини чирт юмиб олди. Кўрпани бошига тортиб чуқур хўрсинди. Қуноқдаги хўroz чўзиб-чўзиб қичқирди. Бошқа хўrozлар унга жўр бўлди. Шамол ёмғирнинг сўнгги томчиларини деразага келтириб урди...

\* \* \*

– Кап-катта қиз, пешингача чўзилиб ётишга уялмайсанми?

Гавҳар Гиёс акасининг шангиллаб айтган дашномини уйқу аралаш эшитди-ю, кўзини очди. Акаси эшик ёнида кўйлакchan туриб олиб, ҳўл бўлиб кетган сочини, юзларини сочиқ билан артарди. Ўзини атайлаб жиддий тутмоқчи бўлар, аммо муҳамбирона кулаётган қисиқроқ кўзларидан синглисининг жигига теккиси келаётгани сезилиб турар эди.

– Бошингни кўтарсанг-чи, дангаса!

Гавҳар тўзиб кетган қалин соchlарини шоша-пиша ўраркан, унга қовогини солиб, зимдан қараб қўйди.

Айвондан аячасининг товуши эштилди:

– Қўяверинг, бутун бозор-ку, бирпас дам олсинлар.

– Шунаقا ёттанининг устига бир совчилар келиб қолармиди!

– Бачкана! – Гавҳар аразлагандай тескари қараб олди.

– Сигир туғди. Бор, аямларга қарааш.

— Ростданми? — Гавҳар суюниб кеттанидан дик этиб ўрнидан турди.

Акасининг ёнидан лип этиб ўтиб, айвонга чиқди. Кечаги ёмгирдан кейин бўрсиллаб ётган ҳовлига сакраб тушди. Тонг ёришиб кетган, кунчиқар томондаги чўққилар устига қуёш аланга солган, мусаффо баҳор осмонида тогларнинг қирраси аниқ кўринар эди. Ҳамон илиқ, сокин шамол эсар, ҳовлидаги гилосларнинг бўртиб қолган куртакларига қўниб аргимчоқ учарди.

Гавҳар кўм-кўк ниш урган пиёз пушталари устидан сакраб ўтиб, оғилхонага югурди. Дафъатан ҳеч нима кўрмай, эшик ёнида бир зум туриб қолди. Нариги томондаги дарчадан тушган найзадай нур кўз очиргани қўймас, пичан аралаш гўнг ҳиди анқирди. Кўзи қоронгиликка кўникканидан кейин, охур ёнидаги сигирни, ола-була бузоқчани кўрди. Бузоқчанинг узун-узун оёқлари қалтирап, калта думини ликиллатиб қўяр, юрай деса, гандираклаб кетарди. Сигир ўқтин-ўқтин ёнига бурилиб, бузоқни ялар, пишилларди. Бузоқча пичан устида уч-тўрт қадам юрди-да, чўккалаб қолди. Унинг энтак-тетак қадам босишини кўрган Гавҳар кулиб юборди.

— Сенга кулиш бўлса-а, шайтон қиз? — қўйлагининг этагини липпага қистирган аяси тогора кўтариб кириб охурга қўйди. — Бор, катта ҳовуздан сув олиб кел, шунча кун кутиб юриб, ухлаб қолганимда тутса-я, бу жонивор...

Гавҳар Хирмонтепа этагидаги майдонга келганида қуёш тог тепасига тармасиб чиқсан, кунботар томонга тип-тиниқ осмоннинг бир чеккасида бўзарган тўлин ой хомуш осилиб қолган эди. Мол боқишига чиқсан болалар эндиGINA майсалар кўз очган майдонда бақириб-чақириб футбол ўйнашарди. Гавҳар сув тўла чеҳакларни ерга қўйиб,

узоқ қараб қолди уларга. Бир вақтлар Мансур ҳам ўртоқдари билан шу майдонда футбол ўйнар, сочи халақит бермаслиги учун қора кепкасини қошигача бостириб дарвозабонлик қиласр эди. Ўшанда Гавҳар бир чеккада ўтириб, уларнинг ўйинини томоша қиласр, Мансурнинг жон ҳолатда ўзини ерга ташлаб, тўп ушлашини кўрганида ачиниб кетарди. Мансур қора терга тушиб кетса ҳам парво қилмас, болаларнинг оёғидан тўп илиб, гоҳ пешанаси гурра бўлар, гоҳ тиззалири шилиниб кетар эди.

Гавҳар ич-ичидаң хўрсиниқ тошиб келаётганини сезди-ю, бурилиб кетди. Нарироққа борганда жамалак соchlарини силкитиб, чопиб келаётган қизчага дуч келди. Қизалоқнинг мўъжаз калиши лойга ботган, майда гулли кўйлакчасининг этаги ҳам лой эди. Унинг қўлларида бир даста бойчечак силкиниб-силкиниб келарди. Шу топда Гавҳарнинг ўзи ҳам шу қизчага айланиб қолгиси, қуёш иси анқиб турган бойчечакларни тўйиб-тўйиб ҳидлагиси келди.

– Тухта, ҳой қиз!

Қизча уч қадамча нарида тўхтади. Узун-узун киприкларини пирпиратиб, ҳайрон бўлиб тикилди унга.

– Бойчечакни қаердан тердинг?

– Ҳув анитдан, – у Хирмонтепани кўрсатди.

– Менгаям битта бер.

– Ҳо! – Қизча қўлидагини бирор олиб қўядигандай бойчечакларини орқасига яширди.

– Бера қол, – деди Гавҳар ялиниб.

– Ҳо, ўзингиз теринг, – қизча жилмайган эди, кемшик тишлари кўриниб кетди.

– Қизганчиқ!

Қизча тилининг учини чиқариб уни масхара қилди-да, чопиб ёнидан ўтиб кетди. Гавҳар унинг ликиллаб бораёттан соchlарига, қўлидаги бойчечагига

қараб қоларкан, тагин бақириб-чақириб футбол уйнаётган болаларга күзи тушди.

Күнгли хижил бўлиб, чеалкларни кўтарди-да, тез-тез юриб кетди.

Кўча эшиқдан кириши билан айвонда турганча электр устарада соқол олаётган акаси тагин жаҳлини чиқара бошлади.

– Толқон еб, сувга юборадиган экан-ку сени! Юргансанда, хаёл суре-еб.

Оғилхонада уймалашиб юрган аяси бақириб берди:

– Қўйсанг-чи, Гиёс! Нима қиласан ҳадеб жигига тегиб.

– Йўқ, билмайсиз, ая, бунингизнинг ўйлайдиган одами бор. Ҳайронман, бизлар йигирма ёшгача ҳам севги деган нарсани билмасдик. Булар бўлса ўн саккизга чиқар-чиқмас балога акли етади! Ўзи-ку, мактабни энди битиряпти.

Гавҳар сакраб айвонга чиқиб, акасига рўпара бўлди. Жаҳли чиққанидан лаблари пирпираб, қоши чимирилиб кетди. Акаси аввал ҳам унинг жигига тегишини яхши кўрас, аммо ҳозиргида таъсир қилмасди.

Гавҳар ер тепиниб, чинқириб юборди:

– Бўлди!

Акаси қувлик билан жилмайиб, устарани гилофга солди.

– Йўқ, бўлмади! – у шимининг чўнтагидан конверт олиб Гавҳарнинг даҳани олдига келтириб силкитди. – Мана бу-чи?

Гавҳар бир лаҳза оёқлари титраб кеттанини, айвон устунига суюниб қолганини сезди. Қулоқларигача ловиллаб, икки юзи ўт бўлиб ёна бошлади. «Мансур акамнинг хати!»

– Бу ёқقا беринг! – унинг овозида ҳам ўтинч, ҳам таҳдид оҳангি бор эди.

Акаси бўлса ҳамон жилмаяр эди.

— Бермасам-чи?

— Беринг, деяпман! Бироннинг хатини очишга ҳаққингиз йўқ.

— Ҳаққим бўлса-чи? — У синглисинг ялинишини кутиб турар, аммо энди Гавҳарнинг болалиқдан ўзига таниш бўлган ўжарлиги тута бошлаганини сезган эди.

— Яхшиликча беринг! — Гавҳар қўлини хатга чўзди. Акасининг чеҳраси жиддий тус олди. Аясига эшиттираслик учунми, овозини пасайтириб дона-дона қилиб шипшиди:

— Сенга ким қўйибди йигитларга салом хат ёзишни, тирранча! — Унинг кўзлари қисилиб, Гавҳарникига ўхшаган қалин, қуюқ қошларининг ораси тулашиб кетди. — Агар гинг этиб гап чиқса, аяб ўтирумайман, билдингми?

— Ўзингиз-чи? — Гавҳар ундан ҳам паст, аммо таҳдид тўла оҳангда шивирлади. — Аячам сизга тегмайман, деганда ёзган хатларингизни ташиб юрган ким эди?! Ўшандада ялинганингиз эсингиздан чиқдими?

Гиёс шу қадар самимият билан қаҳқаҳа уриб юбордики, киприклари орасидан тирқирааб ёш чиқди. Гавҳарнинг бижир-бижир қилиб гапириб ташлагани шунчалик кулгили эдикни, у ўзини тўхтатолмас, ҳамон кулар эди.

Ёнбошдаги хонадан аячаси ҳайрон бўлиб мўралади. Гавҳар акасининг қўлидан хатни юлқиб олди-ю, ўз хонасига кириб, эшикни жаҳл билан қарс этиб ёпди.

Мансурнинг хиёл эгикроқ ҳарфлар билан ёзилган сўзларини иккинчи бор ўқиётгандагина ҳаяжонини босиб олди.

«Салом, Гавҳар! Богишамолда баҳор сезилиб қолган бўлса керак. Тошкентда ҳам кўклам.

Ёмгирда ювилган йўлкаларда юрсанг шунчалик енгил тортасанки, имтиҳонларни ҳам, ҳозирги замон физикасининг муаммоларини ҳам, стипендия ташвишини ҳам унтиб юборасан киши. Бизлар қишики сессияни тутатдик. Каникулда қишлоққа бормоқчи эдим, бўлмади: ядро физикасидан синовни топширолмай қолдим. Кун бўйи лабораторияда қамалиб ўтираман.

Гавҳар, аямлар тузукмилар? Кеча тушимга кирибдилар. Қандайдир чакалакзорда юрганмишлар. Ҷақирсам, эшитмасмишлар. Жуда хавотир оляпман. Яқин орада деканатдан рухсат олиб, қишлоққа бораман...»

Охирги сўзларни ўқиркан, Гавҳар маъюс тортиб қолди. Қайси куни аяси ёпган иондан иккитасини қўлига бериб, Ҳанифа холангдан хабар ол деганда, чиқиб холанинг бир ҳолатда ётганини кўрган, юраги эзилиб анчагача ёнида ўтирган эди. Улар ёнма-ён қўшни бўлгани учун бир-бировидан доим боҳабар бўлиб туришар, хола анчадан бери бетоб бўлса-да, бунчалик «тўклиб» қолган эмасди. Ҳанифа хола ёттан жойида кўзига ёш олиб, Гавҳарни узоқ дуо қилди. «Қизим, – деди титроқ овозда. – Худойимдан ўргулай, бандасини доим ҳам орзусига етказавермас экан. Пешанамга битған битта-ю битта ўглимнинг тўйини кўрмоқчи эдим. Сенга ўхшаган қизни келин қилсан армоним йўқ эди... – Бир зум жим ётдида, маъюс оҳангда қўшиб қўйди. – Худоё тавба деб гапирай-ку, бу ниятимга ҳам етишим қийинга ўхшайди...»

Ўшанда Гавҳар йиглаб юборищдан ўзини базур тийган, холани нима деб юпатишни билмас, аммо нимадир дейиши керак эди. «Холажон, Мансур акам келадилар, сиз тузалиб кетасиз», – деб қўлидан келганча юпатди... Мансурга зудлик билан хат ёзиб юборди...

Турналарнинг ўйчан қийқириғида мудраган ойдин кечалар бошланди. Сомонсувоқ томлар устида чучмомалар очилди, довучча түккан ўриклар шохидаги мусичалар кукулай бошлиди.

Баҳор жой танламас экан... Қишлоқ чеккасидағи мозорда ҳам күкдам чечаклари қулф урди. Мунгли дүппайған қабрлар устида бағри қон қизғалдоқлар бош эгди.

Қуёшнинг аллаловчи нурлари остида мангулик уйқусига чұмған қабрлар ёнида тағин бир тепача пайдо бұлды. Яктагининг устидан белбог боялаган одамлар кетмон билан илиқ, намхуш тупроқни торта бошлиди... Мунча тез ишламаса, мунча шошилмаса бу одамлар!

Мансур тизза бўйи кўкатлар устида чўнқайиб ўтирад, боши кўксига тушган, бир нуқтага тикилиб қолган, аммо ҳеч нимани кўрмас, ҳеч нарсани сезмас эди. Фақат қулоқлари остида кетмоннинг гуп-гуп ерга урилаётгани, мана шу азиз одам устига уюм-уюм тупроқ тушаётганини эшитар, ҳар тупроқ тушганда юраги ўпирилиб кетгандай зирилларди.

Қабристондан чиққақ, Мансур гандираклаб-гандираклаб юриб кетди. Қаёққалигини ўзи билмас, тезроқ узоқроқ кетишни истарди...

Эртаси оқшом Хирмонтепага чиққанида қуёш лаҳтак булатларнинг кўксини доглаб ботиб борар, дилни гижимловчи оқшом қўнмоқда эди. Алвон қизғалдоқлар билан қопланган тепалик бағри шафақдай қизарган, атроф сукутга чўмған эди.

Мансур тиззаларини қучоқлаб узоқ ўтириди.

Қишлоқни оқшом нимранг йўргагига чирмар, гуллаб ётган олчазорлар орасидан уйларнинг томлари қизариб кўринар эди. Мансур болалиқдан қадрдан бўлиб қолган уйининг томини кўзлари билан излаб топди. Бир вақтлар у ўша том устида

варрак учирарди... Ана, ўша ҳовли ўртасидаги баланд мирзатерак.

Хотиралар қуюни хуруж қилиб келди-ю, лабини маңкам тишлаб, мук тушиб олганича ёш болалардай ўксисб-ўксисб йиглаб юборди. Кеча одамлар олдида негадир йиглай олмаган, энди бўлса ўзини тўхтата олмасди.

У шунча йиллардан бери гўдак каби аясининг паноҳида ухлаб ётган экан. Ўтган ҳаётининг ҳаммаси туш экан. Ширин туш экан! Шунинг учун аясининг кун сайин сўлиб бораётганини сезмай қолибди. Мана бутун бирдан уйгониб кетди. Уйгонди-ю, суюнган тоғини йўқотиб қўйди. Энди уни тополмайди, ҳеч қачон тополмайди!

...Бир вақтлар ўша мирзатерак остидаги супада онаси ҳамир қорарди. Мансур мактабга қатна масди. Онаси ҳам ёш, орқаси билан битта соч, кўркам жувон эди. Ҳар гал ион ёпганда унга атаб жажжи кулча ясар, то қўллари куйиб тандирдан узуб бермагунча, Мансур пойлаб ўтиради...

Мансур онасининг қўшиқ айтганини атиги бир марта эшигтан. Лекин бу шунчалар ажиб бир қўшиқ эдики, умрбод ёдида қолган.

Бир куни у мактабдан қайтса (ўшанда ё олтинчи, ё етгинчи синфда ўқирди) онаси супада, шапарак кўрпача устида ўтириб, қўл машинада иш тикаётган экан. Терак япроқлари орасидан тушиб турган олачалпак нур супани қиздирар, аясининг пешанасида, қирра бурни устида тер томчилари ялтиради. Машина гув-гув қилас, онаси унга жўр бўлиб қўшиқ айтарди:

*Отма мени тошлар билан, айланайин, ёр-ёр,  
Учib кетай қушлар билан, ўргилайин, ёр-ёр,*

*Кушлар келса мен келмасман,  
мен келмасман, ёр-ёр..  
Кўзинг тўлсин ёшлар билан, ёшлар билан,  
ёр-ёр...*

Мансур үшанды биринчи марта вужуди жимирлаб, онасига тикилиб қараган. Чаккасидағи соchlари оқарыб қолганини, күzlари чўкиб, атрофида ажинлар пайдо бўлганини кўрган.

Ақли кириб, оқ-қорани таний бошлаганды Мансур бир нарсани тушуниди У ҳаётида бирон марта «дада» деган сўзни тилга олмаган экан. Тенгқурлари отаси ҳақида фахрланиб гапирса, «дадам мени фалон жойга олиб борди, дадам велосипед олиб берди», деса, Мансур худди отаси йўқлиги учун ўзи айбордек бўйини қисиб даврадан чиқиб кетар эди. Онасининг айтишига қараганды отаси «артист» экан. Мансур ҳали эсини танимасдан аллақандай раққосага ошиқу бекарор бўлиб, Хоразмгами, қаёққадир кетиб қолибди...

Тўгри, онаси Мансурни «шум етим» қилиб қўймади: кундузи далага чиқиб кетмон чопди, пилла боқди. Томорқага картишка, пиёз экди... Хуллас ўқинтиrmади. Мансур ўнинчи синфни битириш палласида «отаси» совга юборибди, қоракўл тери-сидан тикилган телпак: «кубанка» телпак. Онаси худди хазина топган одамдек «суюнчи» олди. «Қара, Мансуржон, отанг сенга совга юборибди!» «Менинг отам йўқ!» деди Мансур хотиржам оҳангда... Шу бўйи бу мавзуга қайтмадилар. Фақат институтта кирганидан кейин онасиning такрор-такрор айтадиган бир гапи унинг шуурига ўрнашиб қолди. «Отанани боғлаб бергани йўқ, углим. Вақти қазоим етиб кўз юмсам, чирогимни ўчириб қўйма. Мен ҳам орзу-ҳаваслар билан тўй қилсам, келин кўрсам дейман. Насиб этса, Гавҳаройни келин қиламан. Биламан, углим, шу қизнинг сенда кўнгли бор...»

...Мансур бағри қон қизғалдоқлар билан қопланган Хирмонтепада ўтирган қўйи шуларни ўйлар экан, онасиning орзуси тагин ёдига тушди. Сўнг шу пайтгача англаб етмаган бир ҳақиқатни

тушунди. Бола жиндең бетоб бұлса, она шүрлик вахимага тушиб қолади: худди боласи ҳозироқ үлиб қолаётгандек. Она касал бұлғанда эса бола вахима қилмайди: худди онасини боғлаб бергандек. Мансур анча муддат бетоб ёттан онасининг бошида бұлолмагани, меҳр күргаза олмагани учун үзини үзи ёмон күриб кетди.

У асабий ҳаракат билан ёнида очилиб ёттан қизғалдоқни юлиб олиб, ёшдан хиралашған күзлари билан тикилғанча пирпирата бошлиди. Гулбарглар орасига яширинган тирноқдай құнғиз учеби кетди. Мансур қизғалдоқ гулбаргларига хомуш қараб турди-да, улоқтириб юборди.

\* \* \*

Гавҳар Мансурнинг Хирмонтепага чиқиб кеттәётганини узоқдан күриб, бошини зәгиб, аста-аста қадам босишидан таниди. Бир лаҳзалик илиқ ҳаяжон огушида хұрсинди. Аммо жойидан жилолмади. Мансурнинг тепаликка чиқиб үтирганини, кейин пиджагини улоқтириб, мук тушиб олганини күрди-ю, югурди. Қишлоқ күчасидан үтиб, тепалик этагига етгунча нафаси қисилиб қолди. Үтлар орасыда оқариб күринаёттан чиқиб борди.

Қуёш ботмасдан қишлоқ тұда-тұда булаттар соясида қолған, уфқда чақмоқ синиқ чизиқлар тортар, момақалдироқ овози келар эди. Боягина шодон сайраёттан қушлар аллақаёқта гойиб бұлған, ёмғир иси келарди. Гавҳар қадамини тезлатди. Ён томонидан айланиб үтиб, Мансурдан үн қадамча беріда тұхтади.

Мансур пиджагини үт устига ечиб ташлаган, күйлагининг ёқасидан майкаси, озғин, чайир елкалари күриниб турарди. У иягини кафтига тираганча кунботар томонға тикилиб үтирад, оқшомнинг кулранг соясида күзлари яна ҳам үйчан,

гамгин кўринарди. У озиб, ёноқлари туртиб чиққан, қорайган эди. Устки лабининг икки бурчагида чуқур чизиқчалар пайдо бўлиди...

Шу топда унинг чехраси Гавҳарга шунчалик қадрдон, шунчалик азиз туюлиб кетдики, ўзини тутолмай чопиб бориб қўлидан тортди.

— Тулинг, кетамиз.

Мансур ҳайрон бўлгандай бошини кўтариб қаради-да, юзини ўтириди. Чор-атрофни қоплаётган зулмат бу ерга ҳам етиб келган, булатлар пасайган эди. Гавҳарнинг пешанасига совуқ бир томчи тушди. Бирдан чақмоқ чақди, кетидан момақалдироқ гумбурлади.

— Юринг, Мансур ака, кетайлик. Ҳозир жала қуяди, — Гавҳар унинг қўлидан қаттиқроқ тортди, аммо кучи етмади.

Тагин момақалдироқ гумбурлади. Шамол кучайиб қизгалдоқларни ёнбошлатиб ўтиб кетди. Гавҳар бошида сирпанаёттан дуррачасини томоги остидан тангиги bogлади. Ўтлар устига шатир-шутур ёмғир туша бошлади.

Мансурнинг пешанасига томган ёмғир томчилари ёногидан юмалаб, иягига тушар, лаблари орасига сизиб кираради.

Гавҳар ўт устида ётган пиджакни олиб, унинг елкасига ташлади. Мансур ҳамон индамас, кўзларини бир нуқтадан узмас эди. Унинг мунгли қиёфаси Гавҳарнинг юрагини ўртаб юборди.

— Турсангиз-чи, ахир! — қичқирди у Мансурнинг қўлидан силтаб тортиб.

Момақалдироқ гумбурлаб овозини босиб кетди. Гавҳар оёги толгандай Мансурнинг ёнига чўккалаб қолди. Юраги гупиллаб ураг, шамолдан қулоқлари шангиллар, тizzасининг кўзи муздай ерга тегиб турганини элас-элас сезарди.

У Мансурнинг елкасидан ушлаб силкитганча ялинди:

– Мансур ака, бўлди энди... Мансур ака...

Шунда Мансурнинг илиқ қўллари пешонасини, сочини силаётганини сезиб, кафти билан юзини тўсди-ю, унсиз йиглаб юборди.

\* \* \*

Икки ҳафтадан кейин Ҳанифа холанинг қабри устида ёмғирдан жонлаган майсалар ўсиб чиқди. Кимдир суқиб кетган тол ёғочи қўкариб, куртак ёзди.

Шу куни Мансур онасининг қабри устида узоқ ўтирди. Қоровул чол Қуръон тиловат қилганидан кейин ҳувиллаб қолган ҳовлига қайтди.

Тез-тез кийим-кечакларини йигиштирди. Позддан қолмаслик учун шошилиб чиқиб кетаётган эди, дарвоза олдида Гавҳарга дуч келди. Қайтиб йўлакка киришди.

– Човли керак бўлиб қолди. Аямлар сўради-лар, – Гавҳар бошини қўйи солиб, туфлисининг уни билан ер чиза бошлади. Мансур унинг хайрлашиш учун чиққанини тушунди.

Мансур шунча кундан бери ўз қулфати билан бўлиб, эътибор бермаган экан. Гавҳарнинг ҳусни очилиб кетган, оддий қизалоқ эмас, вояга етган қизларга хос нафосат борлигидан гуркираб турар эди.

Бўй етган қизлар гуллаётган дараҳтта ўхшайди. Қўклам келиши билан дараҳтлар гуллашга шай бўлиб туради. Сезилар-сезилмас гунчалайди, анчагача гунчалар кўзга ташланмайди ҳам. Аммо ажойиб кунларнинг бирида тонг-саҳар уйгониб қарасангиз, деразангиз рўпарасидаги ўрик қийгос гулга бурканиб қолган бўлади. Кечагина шамолда силкиниб турган шохларда шунча гул қаёқдан пайдо бўлганини ўзингиз ҳам тушунолмайсиз...

Ҳозир Мансур Гавҳарга қараб туриб шуни ҳис қилди. «Сен» дейишини ҳам, «сиз» дейишини ҳам билмай иккиланиб қолди. Онасининг васият каби айтган гапи ёдига тушди. «Гавҳарни келин қилсам...»

Гавҳар унинг кўнглидан кечачётганларни сезгандек бошини қуий солиб, ерга қаради.

- Мен хайрлашиш учун кирдим, - деди ростини айтиб. - Кетмоқчи экансиз, Гиёс акам айтдилар.

- Мен ҳам сизларникига кирмоқчи эдим, - деди Мансур. - Калитни ташлаб кетаман. Илтимос, уйдан бохабар бўлиб туринглар...

- Мен... мен... - Гавҳар бир лаҳза иккиланиб турди-да, анчадан бери ўйлаб юрган ниятини айтди. - Институтга кирмоқчиман. Сиз ўқийдиган институттага.

Мансур бир зум сукутта чўмди. Бир жиҳатдан Гавҳар Тошкентта боришини юрак-юрақдан хоҳлар, иккинчи томондан башарти кириш имтиҳонларидан ўтолмай қолса, кўнгли ўксишини истамас эди. Гавҳар унинг дилидагини сезди.

- Мансур ака, мен яхши ўқийман! - деди ишонч билан.

- Бўити! - Мансур қалбида қувонч уйгониб кулимсиради. - Тошкентда кўришамиз. Сизни ўзим кутиб оламан.

\* \* \*

У Гавҳарни кутиб олгани тонг қоронгисида вокзалга чиқди.

Муҳаббат ажиг нарса экан! Атрофингизда нур каби пирпираб, чарх ураётганини анчагача сезмай юрасиз. Кейин бирданига қалбингизнинг туб-тубига жойлашиб олади-ю, ўзингиз унинг парвонасига айланиб қоласиз. Севги юракка билинтирмай кириб олади, деганлари шу бўлса керак...

Мансур авваллари Гавҳарга шунчаки акаларча хат ёзиб юрганида бу шўх-шабада қизга бунчалик боғланиб қолишини билмасди. Ўшанда, Хирмонтепада баҳор жаласи остида учрашганларидан бери уни севиб қолганини ҳис қилди. Тошкентта келган куниданоқ уни қаттиқ қўмсайдиган бўлиб қолди. Авваллари боғларда сайр қилиб юрган, дараҳтлар панасидаги ўриндиқларда ўтирган ошиқ-маъшуқларни кўрганида индамай ўтиб кетаверарди. Энди бўлса кечқурун ўртоқлари висолга отланишса, ҳаваси келадиган, ўзи ҳам Гавҳар билан нурли оқшомларда сайр этишини орзу қиладиган бўлиб қолди.

Бугун Гавҳарнинг телеграммасини олиши билан вокзалга югурди.

Поезд тонготар палласи келди. Иккинчи вагон анча олдинга ўтиб тўхтади. Мансур ёп-ёруг платформа бўйлаб, поезд билан ёнма-ён чопиб бораркан, кўз ўнгидан лип-лип ўтаётган хира деразалардан Гавҳарни излар, негадир ўзидан-ўзи жилмаяр, юраги гурс-гурс урар эди.

Перрон чеккасидаги газсув дўкони ёнида туриб, вагондан шоша-пиша тушаётган одамларни кузата бошлиди. Беш-олти кишидан кейин нимқоронги тамбурда Гавҳарнинг чеҳраси кўринди. Мансур қандайдир ички бир туйгу билан шунча одам орасидан уни дарҳол таниб олди. Юраги яна ҳам қаттикроқ гурсиллаб ура бошлаганини сезиб, бир қадам босди-ю, тагин тўхтади. Гавҳар жажжи чамадон кўтариб олган, атлас кўйлак кийган, бошяланг эди. Зинадан сакраб тушиб у ёқ-бу ёққа аланглаётганида сочини битта қилиб ўриб олганини кўрди.

Нотаниш шаҳарга илк бор қадам босганда уйғонадиган галати бир ҳис Гавҳарни ҳам банд этди. У шоша-пиша шаҳарга чиқиб кетаётган одамларга, оппоқ нурли чироқларга бир лаҳза тикилиб қолди. Перрон устидаги соат миллари беш рақамини кўрсатарди.

«Телеграммани олмаган бұлса-я!» Унинг юраги шув этиб кетди. Бирпасда перронда одамлар сийраклашиб қолди. У бұлса бир жойда тураверишини ҳам, юришини ҳам билмасди. «Қаёққа бораман?»

Аллаким унинг чамадонини секин тортди. «Мансур акам!» Гавҳар кескин бурилиб қаради.

Мансур жилмаяр, чуст дүппи кийиб олган, үжар соchlари дүппини күтариб турарди. Унинг құллари негадир илиқ туюлди Гавҳарга.

— Узоқдан томоша қылгым келди. Анови дүкенчанинг ёнида әдим. — Мансур құли билан платформа ёнидаги газсув дүконини күрсатди.

— Мен бұлсам... Құрқиб кетдім. Нега овозингиз бұғилиб қолди? — деди Гавҳар унга тезгина қараб олиб.

Мансур унинг чамадончасини оларкан, құл силтади.

— Қайси куни күлга чўмилгани борғандик. Сал шамоллабман шекилли.

Гавҳар Мансурнинг анча озганини, қорайганини сезди.

— Кетдикми?

Вокзал гавжум әди. Кугиш залида бирор чамадонига ёнбошлаб ухлар, бирор папирос тутатар, бурчақдаги буфет олдида одамлар уймалашарди. Йўловчиларнинг.govur-гувури, сухандоннинг бир оҳангда чўзиб галириши Гавҳарнинг бошини айлантириб юборди. У бу ердан тезроқ чиқиб кетишга шошиларди.

Шаҳарга чиқишлиари билан Гавҳар осмонга ёқут найзадай қадалган телевидение минорасининг қизил чироқларини кўрди. Кўчалар четида ҳам маржон-маржон чироқлар ёнар, мусаффо ҳавода гул иси кезарди. Уларнинг ёнидан машина сув сепиб ўтди. Ранго-ранг афишаларнинг акси асфальт кўчада жилолана бошлади.

— Ҳозир тонг отади. Ҳоҳласангиз, қуёш чиқишини томоша қиласиз.

— Майлингиз, — деди Гавҳар астагина.

Шаҳар осуда тонг уйқусига чўмган, фақат онда-сонда узун супурги кўттарган фаррошлар кўриниб қоларди. Қадам товушлари кўчанинг икки четидаги баланд-баланд бинолар пештоқида акс садо бераб қайтади, аллақаерда тунги соқчиларнинг мотоциклни гуриллайди.

Анҳор устидан ўтиб, чироқлар нурида жимгина мудраёттан боққа киришди. Камалак рангига бўялган скамейкага ўтиришаркан, Гавҳар унга зимдан қараб қўйди.

Мансур биринчи бор кўраётгандай унга тикилиб қолган, кўзларида тубсиз бир согинч бор эди.

— Гавҳар! Жуда согиндим... — бир лаҳза жимиб қолди-да, сўради: — Қишлоқда нима гаплар?

— Тинчлик, — Гавҳар уйдаги янгиликни эслаб жилмайди. — Аямлар неваралик бўлдилар.

— Ростдан-а! — Мансур суюниб кетди. — Ўғилми, қизми?

— Иккаласи ҳам.. Фотима-Ҳусан... Ўзингиз таътида бормадингиз-ку.

Онасининг вафотидан кейин ҳувиллаб қолган ҳовли кўз ўнгига келди шекилли, Мансур қуруққина шивирлади:

— Кейинроқ борарман... Ёзда қурилишда ишладим. Янги ётоқхона қуриляпти.

Гавҳар Мансурнинг ўкинганини сезиб, бошқа ҳеч нима сўрамади. Шамол турди. Чинор япроқларининг сояси титрай бошлади.

— Ўқишига киришингизга уйдагилар ҳеч нима дейишмадими?

— Бари бир киролмайсан, дейищди, — Гавҳар титроқ соялардан кўз узмай хўрсинди. — Балки ростдан ҳам киролмасман. Дадам билан Гиёс акам қишлоқдаги ательедами, хўжалиқдами бир-икки

йил ишла, стажинг бўлмаса ўтолмайсан, дейишиди. Унинг қошлари чимирилди: – Киролмасам ҳам Богошамолга қайтмайман. Ўртоқларим олдида нима деган одам бўламан! Бу йил киролмасам, янаги йил ҳаракат қиласан.

Иккаласи бир нафас жим қолишиди.

– Ёмон ният қиласан, – Мансур акаларча меҳрибонлик билан Гавҳарнинг елкасидан тутиб далда берди. – Кирасиз!

Гавҳар қуюқ киприклари орасидан унга қараб қўйди.

– Ўйдагилар мени сизга ишониб юборишиди... – бу гапни шундай ширин жилмайиб айтдики, Мансурнинг юраги тагин гушиллаб ура бошлади. Уни маҳкам қучоқлаб бағрига босгиси келиб кетди.

Дараҳтлар орасида порлаб турган чироқлар бирин-сирин сўнди. Кунчиқар томонда, баланд осмоннинг бир бурчида сузиг юрган булутларнинг қаноти ловиллаб ёнди. Тонг отиб келарди. Аллақаердан учиб келган қалдиргочлар йўлкалар устида пастлаб шўнгир, боғ ичи япроқларнинг шивир-шивирига тўлган, баланд бинолар орқасида трамвай гийқиллар, кўчалар машиналарнинг гулдуросига тўлган эди. Эрта уйгонган қуёш нурли киприкларини пирпиратиб бош кўтарар, мусаффо ёз тонгида мусаффо ниятлар билан ўтирган мана шу икки вужудни оппоқ истиқбол сари чорлаётгандек эди.

\* \* \*

Тошкент ишга шошиларди. Кўчалар гавжум, троллейбуслар тиқилинч, одамлар газета дўконлари олдида навбат кутишарди.

Қизлар ётоқхонасига етиб келишгунча бир соатча вақт ўтди. Нимқоронги, ҳозиргина сув

сепиб супурилган салқын зиналардан учинчи қаватта чиқиши. Мансур пастак эшикни очиб Гавҳарга йўл берди. Қарши томондаги дераза рўпарасида нозик гавдали қиз оёқларининг учидагутарилиб, дераза раҳидаги гулларга сув қуяр эди. У эшик гийқиллаганини эшитиб, бурилиб қаради-ю оппоқ юзига табассум ёйилди. Қўлидаги алъюмин човгунини ерга қўйиб, югуриб келди.

— Гавҳармисиз?

У сув теккан муздек қўли билан Гавҳарнинг кафтини сиқаркан, Мансурга имо қилиб жилмайди:

— Мансур акангиз сизни кутавериб эслари кетди. Яқинда синглим келади, дейдилару секин уф тортиб қўядилар.

Қош-кўзи попукдай бу қиз кулганида айниқса чиройли бўлиб кетар, киприкларини туташтириб, ҳадеб жилмаярди.

— Қуяверинг, Гавҳар, Зулайҳо опангиз шунаقا ҳазилкашлар, — Мансур чамадончани бир четта қўйди-да, курсига имо қилди. — Ўтиринг.

— Вой, эсим қурсин! — Зулайҳо суюнчиғи қирилган стулни чаққонлик билан олиб, Гавҳарнинг олдига сурди. — Марҳамат.

Мансур бир нафас пешанасини тириштириб ўйланиб турди-да, эшик тутқичига қўл чўзди.

— Сизлар гаплашиб ўтиринглар. Қабул комиссиясига учрашиб келаман.

Мансур чиқиб кетгач, Зулайҳо боягидаи чаққонлик билан дераза олдига борди.

— Ҳозир нонушта қиласиз, — у энгашиб човгунни оларкан, киприкларини туташтириб тағин жилмайди. — Ҳеч тортинманг, Гавҳар. Мен ҳам аввалига тортиниб юардим. Йўқ, кейин ўрганиб кетдим. Талабалиқда ҳамма опа-сингилдай бўлиб қоларкан.

Гавҳар ўзининг Зулайҳо айтганчалик тортичноқ эмаслигини ўйлаб, мийигида кулиб қўйди. Зулайҳо човгунни тезроқ бўшатиш учун бўлса керак, шошапиша гул тувакларга сув қуяр, деразадан тушаёттан нур юпқа кофтасидан ўтиб, оппоқ елкаларини ёритарди. Унинг кийиниши Гавҳарга ёқмади. Лекин жилмайиб, бурилиб қараганида алланечук илиқ бир меҳр Гавҳарни яна банд этди.

— Дарров чой қўйиб келаман. Каравотга ўтириング.

Гавҳар ёлғиз қолгач, хонани кўздан кечирди. Деразанинг нариги ёгида ёнгоқ барглари оҳиста силкиниб туарар, ташқаридан қалдиргочларнинг шодон сайраши эшитиларди. Хонанинг икки томонига иккита каравот қўйилган, бурчакдаги китоблар билан тўлиқ шкаф устида ўроғлиқ чизма қоғозлари ётар эди. Қизларга хос нозик дид сезилиб турарди: дераза ёнидаги тумбочка устига гулдор ёпқич ташланган, уч тавақали тошойна ёнига упазликлар дид билан терилган, хонада атир иси кезар эди.

Зулайҳо бир чойнак чой, қўлтиғида каттакон қовун кўтариб кирди.

— Зерикмадингизми? — у стол устига дастурхон ёзиб, чаққонлик билан қовун сўя бошлади. — Ётоқхона ҳовлисида дўконча бор, қишин-ёзин меванинг таги узилмайди... Келинг, ўтириинг.

Гавҳар бир карч қовун ер экан, Зулайҳо яна Мансурни эслади.

— Мансур сизни кўп гапирадилар. Тиришқоқ қиз, дейдилар. Ўзлари ҳам камтар, сергайрат йигитлар.

Гавҳар «ўзим ҳам биламан» дегандай жилмайди. Деразадан кўчанинг шовқин-сурони кириб турарди. Қаердадир трамвай ғийқиллайди, троллейбус, автобуслар вагиллайди. Бирор бирор билан шангиллаб гаплашади... Гавҳар тўйиб ухламагани учунми, боши гувиллаб бораради.

— Тошкент жуда сершовқын шаҳар экан, — деди нолиб.

Зулайҳо мийигида кулди.

— Зарари йўқ, ўрганиб кетасиз. Катта шаҳар бўлганидан кейин сершовқын бўлади-да! Баъзилар Тошкентни «тош шаҳар» дейишади. Бўлмаган гап! Дунёда Тошкентдек бағрикенг шаҳар йўқ! Ҳаммани бағрига олади, ҳамма сифиб кетаверади! Масалан, менинг ўзим Қирғизистондан келганман. Ўшлиқман, — у болалик хотираларини эслади чоги, ўйчанлик билан давом этди. — Ўшнинг қоқ ўртасидан «Оқбувра» деган сой ўтади. Ўзбекласига «Оқ түя» дегани. Кичкиналигимда ўша сойда оқиб кетган эканман. Онам билан холамникига кетаётганимизда сув бўйига бориб қолибман. «Сув чақиради», деган гап рост бўлса керак... Онамнинг дод-фарёдини эшигтан бир йўловчи сойга калла ташлаб мени олиб чиқсан экан... Отамни яхши эслолмайман.

Онамнинг айтишига қараганда, тоғдаги кўмир конида ишлар экан. Бир куни шахта ўпирилиб, ер тагида қолиб кетибди. Иккинчи синфга кўчганимда онам турмуш қурди. Ўзи билан бирга ишлайдиган ўқитувчига. Аввалига отамнинг ўтайлиги билинмади. Икки йилдан кейин укам тугилгач, уйда жанжал кўпайди.

Онам отамдан қўрққани учунми, ҳеч қачон мени ҳимоя қилмасди. Ҳатто менга тузук-қуруқ эътибор ҳам бермай қўйди. Мактабга бораманми-йўқми, қандай ўқияпман, иши бўлмас, баъзи пайтлар ёш болалигим тутиб суйкансам, «талтаймасанг ўласанми, кап-катта қиз», деб жеркиб берарди. Мен эса бари бир ёш бола эдим, меҳрга муҳтож эдим. Ёзги таътилга чиққанимда онам бирон ой холангницида туриб кела қол, дегандек қилди. Шу бўйи уйга қайтмадим. Поччам яхши одам эди. Ўзининг қизига совға олса, мени ҳам унутмас, ҳеч қачон қаттиқ

гапирмасди. Шунақа-ку, күчада ўйнаб юрганимизда бошқа қизалоқлар чопқиллаб отасининг олдига борганида, отаси бошини силаёттанини кўрганданда бари бир ўкинардим...

Зулайҳо ўйчан кўзларини деразадан узмай жимиб қолди. Столда ётган қовун пўчогини асабийлик билан эзгилай бошлади. Шу топда у қўйилиб келаётган ўтмиш хотираларини унутишга уринаётгани кўриниб турар, қоп-қора, ингичка қошлари чимирилган эди.

— Чарчадингиз-а, Гавҳар? Ўтган-кетганларни бир эсладим-да, — у елкаси оша опаларча самимият билан Гавҳара юзланди. Унинг жавобини кутмай илдам бориб, шкаф томондаги каравотга жой солди.

— Шу жой сентябргача сизники. Эгаси уйига — Сурхондарёга кетган. Таътилда уйга бормаганлар янги ётоқхона қурилишига қарашяпмиз.

Гавҳар чала ечиниб, девор томонга ўгирилиб ётди. Аммо энди уйқуси ўчиб кетган, Зулайҳонинг ҳикоясини ўйлаб ачинар, аммо нима деб юпатишини билмас эди. Ниҳоят мудрай бошлади. Кун қизиб борар, хона ичи дим эди. Аллақаерда овози баландлатиб қўйилган радио шангиллайди, йўлакда қизлар полни гурсиллатиб юришади... Қаердадир чепак тарақлади. Аллаким қийқириб кулди. «Сувсепар ўйнашяпти», деб ўйлади Гавҳар кўзини очмай. Унга нотаниш чучмал ис — эриган асфальт ҳиди димогига урилди.

Ўзи ҳам пайти келиб мана шу қизлардай дугоналари билан қийқириб ўйнай олармикин? Институтга кира олармикин? Имтиҳонлардан ўтолмаса-чи? Бали етмай қолса-чи? Дадаси, Гиёс акаси, кўз ёш қилиб темир йўл шоҳбекатигача кузатиб қўйган аяси кўз ўнгига келди. Айтсан, унамаган эдинг, мана, нима бўлди, дейишмайдими?

У ухладими, йўқми, билолмади. Мансурнинг таниш овозини эшишиб, уйгониб кетди.

— Ухляяптими?

Гавҳар аста айтилган шу бир оғиз сўздан меҳрибонлик, эркалаш оҳангини сезди-ю, атайлаб кўзини юмиб олди.

— Ҳозир ётдилар, — деди Зулайҳо пи chirlab. — Ўтириб туринг... Қовун ейсизми?

Гавҳар тепасига Мансур келганини сезди. Унинг илиқ нафаси юзига урилди.

— Жилмайиб ётибди-ку!

Гавҳар елкалари силкиниб кулиб юборди.

— Вой тентаг-ей! Ухлашни биладими бу, шайтон-ку!

— Тулинг! — деди Мансур ясама жиддийлик билан.

— Қабул комиссиясида аспирант танишим ишлаёттан экан. Биздан икки босқич аввал ўқиган йигит.

Гавҳар қушдай учиб ўрнидан турди. Мансурнинг елкалари ҳўл бўлиб кетганини кўриб сўради:

— Терлаб кетибсиз?..

— Йўқ, қизлар бир-бирига сув сепишаёттан экан, мени ҳам сувга пишишди.

Уларнинг сухбатини жилмайиб кузатиб турган Зулайҳо каравот елкасига илиб қўйилган гулдор кўйлакка имо қилди:

— Кўйлагингизни дазмоллаб қўйдим.

Гавҳар унга ҳурмат билан қаради-ю, секин:

— Раҳмат, Зулайҳо опа, — деди.

\* \* \*

Узоқ қиши кечаларида қўшнингизнинг боласи сизниги чиқиб ётади. Алла-паллагача шўхлик қилиб ухламайсиз. Онангиз койиб чироқни учирганидан кейин муздек кўрпа орасига кириб ётасиз. Қўшнингизнинг боласи сизга топишмоқ айтади. Сиз кўрпадан бошингизни чиқариб ташқарига,

гувиллаётган шамолга, қор учқунларининг деразага урилишига қулоқсолибузоқ ўйлайсиз. Топишмоқнинг жавоби тилингизнинг учида тургандай бўлади-ю, бари бир тополмайсиз. Ўртогингиз бўлса дамини чиқармай ич-ичидан хурсанд бўлиб ётади. Охири «шаҳар беришга» мажбур бўласиз.

Ҳаёт ҳам гоҳо топишмоққа ўхшаб қолади. Тез орада тақдирингиз ҳал бўлишини биласизу, аммо нима бўлишини, қандай бўлишини тополмайсиз.

Гавҳар қабул комиссиясига келганда шундай аҳволда эди. Кенг залнинг ҳар чеккасига қўйилган столлар атрофида йигит-қизлар уймалашар, хона дим эди. Шифт ўртасида каттакон қандилнинг кимдир ўчиришни унуглан чироқлари ёнарди. Мансур уни дераза тагидаги стол олдига бошлаб борди. Навбат кутиб турган талabalар орасидан чўзилиб, стол қаршисида ўтирган йигитта қичқирди:

- Талъат, биз келдик.
- Бунақаси айланиб ўта қолинглар.

Гавҳар стол олдига борганида Талъат бир қўли билан стул суюнчиғига таяниб энгашиб туарди. Бурчақда турган вентилятор унинг калта енгли оқ кўйлагини ҳилпиратар, пешанасига ёйилиб турган соchlарини тортқиларди.

Талъат Гавҳар билан қўл бериб кўришди.

– Акангизга ўхшамайсиз-ку! – у жилмайганида қизларникига ўхшаш текис тишлари ярқ этиб кетди. Талъат пешанасига тушган соч толаларини силтаб тузатди-да, жойига ўтириди. Синовчан табассум билан Гавҳарни бошдан-оёқ кузатиб чиқди. Гавҳар унинг келишган йигит эканини сезди-ю, негадир қизара бошлади. Ийманиб Мансурга қаради.

– Бланкаларни берасизми? – деди Мансур Талъатта жиiddий тикилиб.

Талъат учта бланка олиб узатди. Гавҳар ўртадаги столга келиб Мансурнинг ёрдамида қоғозларни тўлдиаркан, Талъатнинг зимдан қараб қўяётганини

қизларга хос сезгирилик билан ҳис этар, Мансурдан хижолат чекар, бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келарди.

Тагин бир марта Талъатнинг олдига боришга тұғри келди. У Гавҳарнинг ҳужжатларини олиб, диққат билан күздан кечирди.

– Норбоева Гавҳар, – деб қалин дафтарга ёздиді, ҳужжатларни стол тортмасига солди.

– Бұлды! – деди қувноқлик билан. – Бешта имтиҳон топширасиз: физика, математикадан иккита, адабиёт, химия. Тайёрланаверинг. Кейин Мансурға қаради: – Имтиҳонларда мен ҳам қатнашаман.

Гавҳар бу гапдан «құлымдан келса ёрдамимни аямайман», деган маңнори уқди. Индамай столдан узоқлашы. Одамлар орасыдан үтиб кетаёттанида Талъатнинг Мансурға айттан охирги гапини эшитиб қолди.

– Сиз ҳам балосиз-а! Индамай юриб-юриб...

«Қизиқ йигит экан-ку!» Гавҳар шошилиб йұлақка чиққанида Мансур етиб олди.

– Учиб кетдингизми, Гавҳар?

– Келляпман, – деди у секин.

Мансур Талъатнинг бояғи гапини Гавҳар эшиттеганини сезди.

– Құяверинг, Талъатнинг үзи шунақароқ...

– Баттар бұлмайдими? – Гавҳар жаҳл билан құл силтади-да, зиналардан тез-тез тушиб кетди.

\* \* \*

Кейинги бир ҳафта Гавҳарнинг назарида түшдай үтди. Зулайҳо ётоқхона қурилишига қарашар, әрталаб шошилиб ишга кетарди. Гавҳар кечгача хонадан чиқмай дарс тайёрлар, кечқурунлари Зулайҳо билан Мансур биргалашып унга күмак

беришарди. Күпинча Абдухалил деган йигит ҳам келиб туради. Катта-катта кўк кўзлари устига сарғиш қоши қайрилиб тушган бу йигит жуда ҳазилкаш эди. Гавҳар Зулайҳо билан унинг ўртасида яқинлик борлигини сезди-ю, эътибор бермади. У ўзи билан ўзи овора, тезроқ имтиҳонлар бошланишини, нима бўлса ҳам тезроқ ҳал бўлишини истарди.

Эртага имтиҳон дейдиган куни Зулайҳо билан Мансур уни оқшом сайрига олиб чиқишиди.

— Энди дам олинг. Фикрингиз тўпланади, — деди Зулайҳо.

Қуюқ дарахтларга кўмилган боғ устида гул нафаси гуркирар, алланечук сокинлик багишловчи неон лампалари ҳаммаёқни ипакдай майин нурга тўлдирган эди. Гавҳар жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиб юрган ошиқ-маъшуқларга лоқайд тикилар, музқаймоқхона столчасига тирсагини тираб ўтиради. Зулайҳо унинг нима учун индамас булиб қолганини сезиб, меҳрибонлик билан жилмайиб қарар, музқаймоқ ейишга қистарди.

Столнинг нариги томонида ўтирган йигитлар ўз суҳбатларига берилишган, Абдухалил Мансурга эгилиб, алланимани тушунтиради.

— Қаттиқроқ гаплашсангиз бўлмайдими? — деди Зулайҳо.

— Ие, сизларни бутунлай унугиб юборибмиз. Узр.

— Рост-да, оғзингиз гапириб, бурнингиз эшитяпти. Абдухалил бегараз кулди.

— Сизнинг имтиҳонингизни гапираётгандик.

Гулом Сайдовичнинг ўзи оларкан, — деди Абдухалил Гавҳарга қараб. — Имтиҳондан қўрқмаслик керак Мана, мендан қиёс. Бир куни сопроматдан Валиевага имтиҳон топширганман. — У бошини қаттиқ-қаттиқ чайқади. — Бай-бай-бай, ўзи жинқарча бўлсаям

шунақа заҳар аёлки, худди Зулайҳо опангизга үхшайди. Баъзан икковини адаштириб ҳам қўяман!

– Бўлди-е, бирам лоф қиласизки!

– Ҳеч қанақа лофи йўқ! Хонангизда ари кўплигини сездингизми, Гавҳар? Ушалар Зулайҳо опангиздан заҳар заправка қилгани келади-да! Булардан йигади-ю, бошқаларни бориб чақади.

Гавҳар зимдан Мансур билан Зулайҳога қаради. Иккаласи ҳам бегараз жилмайиб ўтиришар, Абдухалил бўлса ҳамон ҳикоясини давом эттиради:

– Хуллас, ўша Валиевага имтиҳон топширишга тўгри келиб қолди. Қаршисида ўтириб жавоб бериш у ёқда турсин, ёнидан ўтсам, юксак кучланишли трансформатор олдига бориб қолгандай бўламан... Бари бир, йўли топилди. Аллақачон кўкариб чиқдан аммам иш бериб қолди. Имтиҳондан икки кун олдин деканатнинг эшигидан бундоқ мўраласам, Валиева чиқиб келяпти. Нарироққа ўтдим-да, қўл қовуштириб турдим. Ёнимга яқинроқ келганида таъзим қилдим. Ассалому алайкум, опажон, дедим қироат билан. Йўқ, бигиздай пошналарини тўқиллатиб ўтиб кетди. «Кўрмади-ёв!» – дедим ўзимча. Югуриб бориб олдига ўтдим-да, тагин салом бердим. Ингичка қошини чимириб тўхтаб қолди. «Ўлдим!» – дейман ичимда. «Салом, менда ишингиз бормиди?» – дейди. «Иш эмасу, мана шу, – дедим дудукланиб, – аммамлар вафот этибдилар. Телеграмма келибди. Иложи бўлса, мендан имтиҳонни бугун олсангиз». Валиева ўланиб қолди. «Қани телеграмма?» – деб қоладими деб юрагим така-пука! Йўқ, сўрамади. «Имтиҳонга тайёрмисиз?» – деди. «Қизиқ эканку, – дейман, тайёр бўлсам ёлғон гапиравмидим?» «Ўқидим», – дедим бўшашиб. «Бўлмаса кечқурун келинг, математикларнинг имтиҳони тамом бўлганидан кейин сиздан оламан», – деди. «Хўп,

опажон», – дедиму театрға югурдим. Бир жуфт билет чүнтақда! Кечқурун соат олтиларни мұлжаллаб келсам, имтиҳон бұлаёттан аудиторияда ҳеч ким йүқ. Валиеванинг бир үзи тирсагини столга таяб, икки кафти билан чаккасини қисиб ўтирибди. «Чарчабди, – дейман суюниб, – яшасин, чарчабди!» Секин эшикни очиб тағин бир марта салом бердим. «Келинг», – деди қошини чимириб. «Кечирасиз, опажон, сизниям овора қилиб куттириб қўйдим. Поездга билет олиб келдим, – дедим уф тортиб, – соат саккизда жўнайман». «Билет олинг», – деди. Имтиҳон пайтида билет нима-ю, чўғ нима! Шафқат тилагандай секин қараб-қараб қўйдим. Тикилиб турибди. Олдим. Бундоқ қарасам, етти ухлаб тушимга кирмаган саволлар. «Аммамлар раҳматли ўз онамдай эдилар», – дедим йигламсираб. Худо ҳаққи, ўша пайтда аммамнинг куни кеча ўлганига ўзим ҳам чиппа-чин ишониб кетдим, ўзидан-ўзи кўзимга ёш келди. Валиеванинг раҳми келди шекилли, наридан-бери сўраб, уч қўйиб берди. Лабим ўзидан-ўзи бир ёққа қийшайиб илжаяман. Ўзингни бос, Абди, дедиму, раҳматни қуюқ қилиб ётоқхонага югурдим. Кўйлак-шимни дазмоллаб театр ёнига келсам, Зулайҳо опангиз илҳақ бўлиб фойеда турган эканлар.

– Ёлгонни ҳам сувдек ичасиз-да! – Зулайҳо кафти билан столни урди. – Иккаламиз ҳечам театрға тушмаганмиз.

– Шунақами? – Абдухалил ҳайрон қолгандай кипригини пирпиратди. – Бўлмаса бошқаси билан тушган эканман-да!

Бог устида қувноқ қаҳқача янгради. Абдухалил парво қилмай давом этди:

– Икковлашиб ичкари кирдик. Сигарет чекиб турсам, бирор орқамдан келиб: «Тутатиб олсан майлими, биродар?» – дейди. Форма кийган лейтенант

экан. «Марҳамат», – деб гутурт узатдиму, қочишига жой тополмай қолдим. Ишонасизми, лейтенантнинг орқасида Валиева қошини чимириб турибди. «Нима булса-бўлди», дедиму яна бир марта салом бердим. Аммо бу сафар жуда сипо саломлашдим. «Салом, Васила Валиевна! Ҳа, томошага келибсиз-да! Дуруст-дуруст!» – дедим. «Сизнинг ҳам аммангиз ўлганмиди», демоқчи бўлдиму, қўрқдим.

– Бўлди! – деди Зулайҳо жиддийлик билан. – Энди дам олиш керак. Эртароқ кетайлик.

Гавҳар боғдан қушдек енгил тортиб чиқди. Кучаларда йўловчилар сийраклашиб, баланд-баланд акас япроқлари оромбахш тун шабадасига қучоқ очиб, қўшиқ айтар, узоқ-яқинда трамвай дугасида чақнаган ўт ялт-юлт этиб сўнарди.

Мансур Гавҳарнинг ёнида оҳиста юриб борар, Гавҳар унинг олисларга тикилган сокин кўзларига согинч билан қараб-қараб қўярди.

Ётоқхонага келганларида Гавҳар эртага имтиҳон оладиган домлани Зулайҳодан билиб олгиси келди.

– Гулом Саидович ким?

Зулайҳо жилмайди.

– Қўрқманг. Яхши одам. Илмий ишлар бўйича ректор ўринбосари. Профессор. Талабчан, яхши дома.

Гавҳар анчагача ухлай олмади. У имтиҳондан қўрқмаса ҳам ҳаяжонланарди...

Шу кеча Мансур ҳам ухлаёлмади. «Гавҳар ҳаракатчан қиз. Яхши ўқиган. Лекин уч балл етмаса ҳам институтта киролмайди». Шу ўн кун ичида унга шунчалик суюниб қолдики, энди ажралишни тасаввур ҳам қилолмайди. Йўқ, Гавҳар шу ерда, унинг ёнида бўлиши керак!

– Талъат «ёрдам бераман», деяпти-ку! – деди у пичирлаб. Лекин унинг ўшандаги айтган гапи,

Гавҳарнинг ранжигани ёдига келди-ю, ижирганиб лабини тишлади. «Нимага қайириб ташламадим? Ўзи дуч келган қизнинг кетидан югурадиган шилқим бўлса!»

...У эрта билан ювинаётганида ойнага қараб, уйқусизликдан кўзлари қизариб кетганини кўрди. «Майли, уйқудан қолиш талаба учун янгилик эмас».

Имтиҳон бораёттан аудитория эшиги ёнида абитуриентлар тўпланиб туришар, босинқи ғовур-ғувурдан бош айланарди. Гавҳар ҳаяжонланар, асабийлик билан ҳадеб уф тортарди. Мансур бўлса хотиржам жилмаяр, аммо Гавҳар унинг уйқусизликдан киртайиб қолган кўзларига, озгин чеҳрасига тикилиб, бетоқат бўлаётганини сезиб турарди. Нимагадир мана шу ҳаяжонли дамда ҳам Гавҳарнинг вужудини мулойим бир ҳис чулгаган, ёнида Мансур борлиги учун суюнар эди.

– Норбоева!

Гавҳар сесканиб бурилиб қаради. Эшик тутқичидан ушлаб турган Талъат имо қилди:

– Келмайсизми?

Гавҳар Мансурнинг охирги гапларини эшитмади. Аммо шоша-пиша гапираётганидан далда бераётганини тушунди.

У Талъатнинг қарписига келганида эркакларга хос аллақандай, бошини айлантирувчи исни сезди. Ёки ўзига шундай туюлдими, эшик олдида бир зум тўхтаб қолди.

– Кираверинг! – Талъат «Қўрқманг!» дегандай хушчақчақдик билан бош силкиди.

Хонага ҳаяжонли сукунат чўккан, салқин эди. Гавҳар қўрққаниданми, ҳаяжонданми, гандираклаб кетди-ю, секин-секин юриб, ўртадаги стол олдига борди. Дуч келган чиптани олди. Иккинчи қаторга бориб ўтирганидан кейин машинкада ёзилган саволларни ўқиди:

1. Жоуль-Ленц қонуни.

2. Резонанс.

Учинчи савол электромагнит майдони ҳақидаги масала эди.

Унинг вужудини осойишта илиқлик чулғади. Ҳаммаси ўзи билган, ёд қилиб юборган саволлар!

Устига гулдаста қўйилган стол ёнида қотма, ўрта яшар аёл билан сийрак соchlари оқарган, тўладан келган киши ўтиради. У қархисида турган гулларга тикилиб хаёлга чўмган, кўйлагининг юқори тутмаси ечилиб кетган, кўкрагидаги оқиш туклар кўриниб турарди. «Гулом Саидович шу бўлса керак», деб уйлади Гавҳар ундан кўзини олиб қочиб.

Талъат жимжит аудиторияда айланиб юрар, ҳар бир талабанинг тепасига галма-гал бориб, эгилганча шивирлаб гаплашарди. У секин-секин юриб Гавҳарнинг тепасига келди. Гавҳар шоша-пиша саволга жавоб ёзаркан, Талъатнинг кафти елкасига текканини сезиб, столга энгашди.

– Саволлар тушунарлимни? – Талъат дўстона жилмайиб Гавҳарнинг елкасидан кафтини олди. – Қийин эмасми?

Гавҳар индамасдан бош силкиди.

– Ким тайёр?

Профессорнинг йўтон овози жимжит аудиторияда гулдираб эштилди. Ҳеч ким жавоб бермади. Гавҳар Гулом Саидовичга кўринишга қўрқандай бошини қўйи солди. Хона ичи тагин жимжит бўлиб қолди. «Энди чақирса чиқаман». Гавҳар саволларга ёзган жавобларини тагин бир марта кўздан кечириб, бошини кўтарди. Профессор Гавҳарнинг ўзига қараб ўтирганини кўриб, сўради:

– Тайёрмисан?

Гавҳар ўриидан турди. Профессорнинг қархисига келганида иккиланиб қолди. У қўлларининг қалтираётганини яширишга уринар, унга сайин

баттарроқ ҳаяжонланарди. Бир лаңза күз ўнги хирадашиб кетди-ю, стулга оғир чүкди.

— Құрқма, қызим. Нега құрқасан?

Гавҳар унга бир қаради-ю, ҳоргин құзларида оталарча меҳр учқунини сезди, аста хұрсинди. Майли, уч қўйса ҳам, «ёмон» қўйса ҳам майли! Мана шу бир оғиз сўзи учун Гавҳар ундан хафа бўлмайди!

У биринчи саволни ўқиди.

— Гапиравер, қызим... Йўқ, шошилмасдан гапиргин-да!

Гавҳар хаёлида чарх ураётган фикрларни тўплаб олиб, қайтадан бошлади:

— Биз электр токининг металларни ҳам, суюқлик билан газни ҳам иситишини биламиз. Мана шу иссиқлик миқдорини инглиз олимни Жоуль билан рус олимни Ленц топган, — Гавҳар секин ўриидан туриб бориб тажриба столидан ичига сув тўлдирилган шиша идишга темир пластинка туширди. Ишончли ҳаракатлар билан бир учи амперметрга уланган симни пластинкага теккизди-да, реостат тутқичини сурди. Профессор дикқат билан кузатиб турганини сезиб, давом этди: — Агар токни икки марта оширсак, суюқликнинг ҳарорати икки ҳисса эмас, тўрт ҳисса ошади. Мабодо, темир пластинка ўрнига қаршилиги унивидан икки марта кўпроқ бошқа ўтказгич ўрнатсак, сув ҳам икки даражага кўпроқ исийди, — у ҳаяжондан бир ютиниб олди-да, профессорга қараб қўйди. — Пластинкаларни ўзгартирмай, токни қанча ўтказиб турсак, суюқлик ҳам шунча кўп исийверади. Шундай қилиб, ўтказгичдан ток ўтганда ажralиб чиқадиган иссиқликнинг миқдори, ток катталигининг квадратига, ўтказгичнинг қаршилигига токнинг ўтиб туришига мутаносиб бўлади. У бир варақ қозогзга тажрибанинг формуласини шоша-пиша ёзиб кўрсатди.

Профессор формулага бир қараб қўйди-ю, тўгри эканлигига ишонч ҳосил қилди шекилли, бош силкиди.

– Иккинчи савол нима экан?

Гавҳар бир лаҳза ўйланиб қолди-да, гап бошлади:

– Бир жисмдан чиқиб тарқалган товушнинг бошқа жисмга урилиб тебраниш ҳосил қилиши резонанс ҳодисаси деб аталади. Камертоналарнинг резонансланиши бунга яхши мисол бўла олади.

– Шошма! – столни кафти билан секингина уриб қўйди профессор.

Гавҳар чўчиб тўхтади. Тўгри айтаётган эди-ку!

Профессор жилмайди. Салқи қовоқларининг атрофида тутунчалар пайдо бўлди.

– Яхши, учинчи саволга ўт.

Гавҳарнинг кўнглидаги қўрқув ўрнини илиқ қувонч ҳисси чулгади. Шошилмасдан охирги масалани еча бошлади. Профессор ҳамон ундан кўз узмай гапини тутатишини кутиб туради.

– Бўлдими? Қаердан бўласан?

Гавҳар айтди.

– Ота-онанг борми?.. Жамоа хўжалигида ишлашадими?

Гавҳар бош силкиди.

– Мактабингда яхши ўқитишган экан. Институтта кириб олсанг, янайм яхшироқ ўқи! Майдачуида нарсалар билан уралашма. Энг муҳими, ҳалол бўл! Ҳалол одам ҳаётда қоқилиши мумкин. Аммо унчамунчага йиқилмайди. Уқдингми, қизим?

Гавҳар унга фарзандларча меҳр билан тикилди. Салқи қовоқлари ҳам, қонсиз юzlари ҳам азиз кўриниб кетди. «Неча баҳо қўйса ҳам хафа бўлмайман!»

– Аъло, – деди профессор хотиржамлик билан.

– Раҳмат, – Гавҳарнинг овози титраб эшитилди.

— Раҳматни менгамас, мактабда ўқиттан домланға айт... Қани, ким тайёр!

Гавҳар чиқиб кетаёттанида эшик олдида турган Талъат секин шипшиди:

— Сиз бўлсангиз қўрқиб юрибсиз?

Гавҳар унга миннатдор қараб қўйди-да, йўлакка чиқди. Зулайҳо уни багрига босиб, шундай маҳкам қучоқлаб олдики, анчагача типирчилаб, огушида қолди. У ҳадеб Гавҳарнинг икки юзидан ўпар, суюнганидан кўзларидан ёш чиқиб кетган эди. Мансур жилмаяр, Гавҳарни энди кўраёттаңдай ошкора соғинч билан тикиларди.

— Кеч қоляпмиз, Зулайҳо, — деди у ҳамон Гавҳардан кўз узмай. — Сиз, Гавҳар, бугун дам олинг.

\* \* \*

Бир вақтлар, қизалоқ пайтида Гавҳар ёз кечалари аяси билан айвонда ётар эди. Чигирткалар оҳиста чириллар, том тепасига келиб туриб қолган тўлин ой мўл-мўл нур сочар, шамолда силкинаётган дараҳт шохининг сояси ерда тўлганарди.

— Ая, нимага кечасиям соя тушади-я? — дерди Гавҳар пичирлаб.

— Нур бор жойда соя ҳам бўлади, яхши бор жойда ёмон ҳам... — дерди онаси осойишта оҳангда... Рост айтган экан. Нур бор жойда соя ҳам бўларкан. Нур билан соя ёнма-ён юраркан.

Гавҳар иккита имтиҳондан аъло олди-ю, математикадан ёзма иши билан иншоси «тўрт» бўлиб қолди. Математикадан «яхши» олишига ўзи ҳам ишонмаган эди. Масалани тўгри ечди-ю, оққа кўчираёттанида вақт тутаб қолди. Гавҳар икки жойда манфийлик белгисини мусбатлик белгиси билан алмаштириб юборганини йўлакка чиққанидан кейин фаҳмлади.

Адабиётдан «түрт» олгани жуда аlam қилди. «Шоҳи сўзана»ни мактабда ўзлари саҳналаштирган, Гавҳар Ҳафиза ролини уйнаган, асар ёд бўлиб кетганди унга. Нима учун «беш»га илинолмаганига ҳайрон қолди.

Охирги умид кимёдан эди. Агар шундан аъло ололмаса, тамом!

Охирги умиди ҳам пучга чиқади. Ростини айтганда, бу фанни ўзи ҳам унча ёқтирумас эди. Чипта саволларини ўқиганде ёқ қийналишини билди. Аммо бутун диққатини тўплаб, иложи борича аниқ жавоб беришга ҳаракат қилди. Имтиҳон олаётган ёш аёл жавобидан қониқяптими-йўқми, ифодасиз юзидан билиш қийин эди.

— Билимингиз чуқур эмас, — деди у.

Гавҳарнинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. Аммо ўқитувчи опага ялиниб-ёлбориш, «қўшимча савол бера қолинг», дейишга гурури йўл қўймади.

— Меҳнат стажингиз бўлмаса, институтга киролмайсиз, — деди ёш домла опа. — Аввалги баҳоларингиз яхши экан. Сизга ачиняпман. «Уч» қўйсам, сизнинг ҳақингиз кетади, тўрт қўйсам — меники. У бир зум иккиланиб турди-да, имзо чекиб, имтиҳон қоғозини Гавҳарга узатди.

— Раҳмат! — деди Гавҳар варақани олиб. Бу гапи ўқитувчига киноя маъносида эшитилганини эшик олдига етганидан кейин англади. Аммо индамай чиқиб кетаверди. Мансур, Зулайҳо, Абдухалил унинг атрофини ўраб олишди.

— Нима бўлди? — Зулайҳо хавотирланиб Гавҳарнинг қўлидан имтиҳон қоғозини олди.

— Уч, — Гавҳарнинг овози қуруқ эшитилди.

— Тўрт-ку! — Зулайҳо суюниб кетди.

— А?!

Гавҳар имтиҳон қоғозини Зулайҳонинг қўлидан юлқиб олди. Ҳозиргина елкасидан босиб ётган тог

бирдан ағдарилди-ю, қувончдан энтикиб қолди. «Тұрт! Тұрт экан!» Атрофини үраб олган талабалар, нимқоронғи йұлак Зулайқо билан Абдухалил, Мансур шу қадар гұзал күриниб кетдіки, севинчдан ёнган күzlари билан атрофига жаңдирағ қолди.

– Тұрт экан! – деди қувонч билан пичирлаб.

\* \* \*

Мандат комиссиясینинг мажлиси қоронғи тушгунча чұзилди. Нече кундан бери жонга теккан ғовур-ғувур бугун айниқса авжига чиққан, биروف кулар, биروف йигларди. Шифтдеги лампочкалар папирос тутунидан хирадашиб қолган, йұлак дим бұлиб кетған, лекин исми чиқса әшитолмай қолишидан чучиб, ҳеч ким ташқари чиқмасди.

Зулайқо маъюс бұлиб қолган, Мансур Гавәрнинг күzlарига сокин тикилар. Абдухалил ҳазил-хузул қилмоқчи бұлар, аммо ҳеч ким қулоқ солмасди. Охиригача үтиришди. Гавәрнинг номи чиқмади. Ичкаридан навбатчи чиқиб, комиссия тамом бүлганини айтди...

Мансур шу күнгача ҳеч қачон ҳеч кимга ялинмаганди. Аммо шу тобда Гавәр учун ҳар нима қилишга тайёр эди. Майли, уни институтдан ҳайдашсын! Гавәр кирса бүлгани. Үзи шу атрофда юрса, Гавәр билан ёнма-ён юрса бүлгани!

Талъатнинг комиссия үтәётгандан хонадан чиқишини кутиб турди-да, йұлақда күриниши билан тұхтатди. Гавәрдан панарап ғылыми учун бүш аудиторияга бошлаб кирди. У ҳеч қачон шунчалик эсанкираб қолмаган, ҳеч кимга шунчалик ёлвормаган эди.

– Талъат, дүстим, жон дүстим! Нима талаб қылсанғиз, қилинг! Нима буюрсанғиз, тайёрман. Фақат шу қызни олиб қолайлық. Яхшилигингизни бир умр унұтмайман, жон дүстим!

– Норбоевами?

– Ўзингиз тушунасиз-ку, ахир!

Талъат унга ачиниб бирпас иккиланиб турди-да, Мансурга эмас, бўм-бўш аудиториянинг бир бурчагига қараб гапирди:

– Деканатдан илтимос қилиб кўрай-чи...

Мансурнинг кўнглида умид учқуни ярқ этиб кетди. Агар шу масала ҳал бўлса, бу йигитни бир умр бошига кўтаради! Бир умр содиқ қолади!

– Жон дўстим, бир марта илтимос қилиб кўринг.

– Юринг-чи...

Улар йўлакка чиқишли. Талъат Гавҳарнинг ёнидан ўтаркан, унга бир қараб қўйди-да, комиссия ийғилиши бўлиб ўтган хонага кириб кетди. Анчадан кейин эшиқдан мўралаб, имлади:

– Юринг!

– Тезроқ боринг! – деди Зулайҳо пичирлаб. Мансур эса ҳозиргина Талъатга ялинганини Гавҳарга сездирмаслик учун ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қиласади.

Гавҳар кенг хонага кириб, ўртада тўхтаб қолди. Ҳар ер-ҳар ерда ўқитувчилар гаплашиб турар, ҳаво оғир эди. Бирдан унинг бу ердан чиқиб кетгиси, Мансурнинг қўлидан тутиб кўчага отилгиси келди. «Нима қиласи, ялиниб-ёлворадими, шафқат тилайдими?»

Талъат унинг билагидан секингина қисиб, бурчакни курсатди. Элликларга бориб қолган озгин киши бир қўли билан кўк духоба ёпилган столга таяниб, иккинчиси билан аллақандай ҳужжатларни варақларди. Қирра бурни устидаги кўзойнагининг нозик гардиши чироқ нурида ялтирас, чеҳрасидан қаттиқ чарчагани сезилиб турарди. «Декан шу бўлса керак». Гавҳар оғир-оғир қадамлар билан унинг ёнига борди. Декан асабийлик билан бошини кўтарди.

— Норбоевамисиз? Қишлоқ меңнатидан қочиб келибсиз-да! — унинг кўзойнак орқасидаги кўзлари кинояли қисилди.

«Меңнатдан қочиб?!» Гавҳар бу ерга кирганига афсусланди. Нимага қочади? Иш қилиб ўрганмабдими? Ҳалиям бўлса кетаверади! Эҳтимол, уни бу ерга ўқишидан бошқа бир нарса — кучлироқ нарса олиб келгандир?

Гавҳар энди бурилиб кетай деб турган эди, декан сўради:

— Неча балл бўлганди?

— Йигирма икки, — деди Гавҳар бўғиқ овозда.

— Нима гап?

Гавҳар Гулом Сайдовичнинг йўғон товушини эшитиб, бурилиб қаради-ю, уялиб кетди. Уни кўрмай қолгани учун айбордрай бош эгиб хўрсинди.

— Йигирма икки балл олибди. Узоқдан келган экан, — деди декан маслаҳат сўраган оҳангда.

— Асосий фанни яхши билади, — Гулом Сайдович Гавҳарга яна бир қараб қўйди. — Резервда қолдирса бўлмасмикан?

— Буни ректорат ҳал қиласди, — Юнусов ўйланиб қолди. — Балки деканат тавсия қиласа йўқ дейишмас.

— Шундай қила қолайлик, — деди Гулом Сайдович хайриҳоҳлик билан.

Юнусов бир Гавҳарга, бир Талъатга қараб хulosасини айтди.

— Стипендия бермаймиз. Ётоқхона ҳам. Агар ўзини ҳар томонлама кўрсатса, кейинги семестрдан қабул қилиш имкони бўлиб қолар.

...Эшик олдида турган Талъат унинг қўлини маҳкам қисди.

— Қутлайман, студент!

Гавҳар унинг табассум қалқиган чеҳрасига тез-тина қаради-ю, йўлакка отилди.

Ҳаммалари кўчага чиқишиганида Талъат Гавҳарга қараб жилмайди.

— Энди мени уялтириб қўймайсиз-да!

Гавҳар негадир хафа ҳам эмасди, хурсанд ҳам. Чироқларнинг ола-чалпоқ нури тўкилиб ётган йўлакдан индамай кетаверди.

— Уялтирмайдилар, — Гавҳар учун Мансур жавоб берди. — Раҳмат сизга, дўстим! У бу сўзларни шу қадар миннатдорчилик билан айтдики, Зулайҳо билан Абдухалил ҳам, Талъатнинг ўзи ҳам анчагина жим бориши.

\* \* \*

Гавҳар ўқишига келар, аммо у билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Домлалар журналда унинг номини ўқимас, курсдошлари ҳам бегонасираб юришарди. Гавҳар парво қилмасликка уринар, бир чеккада ўтириб сабоқларни иштиёқ билан тинглар, яхши ўқишига ишонарди. Баъзида Талъат кўриниб қолар, яқин орада уни қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқиши аниқлигига ишонтирап, юпатар эди. Гавҳар ҳамон Зулайҳоларнинг хонасида яшар, ўрнининг эгаси Саодат деган қиз тошкентлик бир қариндошлариникига кўчиб кетганди.

Гавҳар Мансур билан, Зулайҳо билан сұхбатлашганида, Абдухалилнинг қувноқ латифаларини эшитганида тагин хушчақчақ бўлиб кетар, ёлғиз қолганида эса бу ташвишларнинг тезроқ бир ёқлиқ бўлишини истарди.

Уч ҳафта ўқиганидан кейин пахта йигим-теримига ҳашарга чиқишиларини эшитди-ю, енгил тортди. У қишлоқ ҳавосини согиниб қолган, чарчагунча ишлагиси келар эди.

...Осмон фонусини қишлоқ устига илиб қўйган, чор-атроф сокин ой нурига тўлган, пастак уйлар тор кўчаларга соя ташлаган, эрта кузнинг салқин ҳавосида гўзапоя иси, беда ҳиди анқирди. Қишлоқни

ёнбагирлаб ўтган канал соҳилида қамишлар оҳиста шовуллар эди.

Тахталари гирчиллаб турган кўпrik устида Мансур Гавҳар билан юзма-юз тураг, уларнинг узун сояси сув устида қалқириди. Мансур ой нурида мудраётган қишлоққа суқланиб тикилар, илк куз нафасини тўйиб-тўйиб симиради.

— Қишлоқни қўмсаб қолган эканман... Ҳар йили пахтага чиқишимизни эшитсан, севиниб кетаман. Киши дам олади-да...

— Мен ҳам... бугун йўлга чиқишимиз билан енгил тордим. — Гавҳар бошини қўйи солиб, оёғиннинг учи билан кўпrik тахтасини гирчиллата бошлади. Унинг киприклари ойдинда қоп-қорайиб куринар, аллақандай сирли гўзаллик берарди чеҳрасига. «Яхши бўлди, — деб ўйларди Мансур ундан кўз узмай. — Шаҳарда курсдошлари олдида хижолат чекиб юрарди. Энди яхшироқ ишласа, институтга қабул қилишлари аниқ».

— Кетамизми? — Гавҳар бошини кўтарди. — Тагин, булар қаёққа кетишиди, дейишмасин. Зулайҳо опам уришиб берадилар.

Мансур мамнун жилмайди, Зулайҳо Гавҳарни ўз синглисидаи тергаётганидан, Гавҳар ҳам шунга кўнишиб кетганидан хурсанд эди.

Нотаниш қишлоқнинг тупроқ билқиллаб ётган кўчаларидан юриб кетишиди. Мансур оёқларининг майин тупроққа юмшоқ ботишидан ҳузур қилар, туфлисини ечиб олгиси келарди. Кўчанинг икки четида шовуллаб турган тераклар орасида ой уларга эргашар, олис-яқинда итлар акиллар эди.

Мансур боя ўйлаган гапини энди айтди.

— Мактабда ўқиб юрганингизда пахтани яхши терардингиз-а, Гавҳар?

Гавҳар «нимайди» дегандек ҳайрон бўлиб қаради.

— Бу ерда ҳам яхши ишлаб, ўзингизни кўрсатсангиз, ёмон бўлмайди. Семестр тугамасидан

ҳам институтта қабул қилиш түгрисида буйруқ чиқиши мумкин экан, ҳали Талъат айтди, — Мансур бир зум үйланиб, құшиб қўйди, — Талъат бунака нарсаларни ҳал қилиш йўлини биладиган йигит. Устига-устак, деканнинг жияни.

Гавҳар Мансурнинг кўзига термилиб хўрсинди:

— Сиз нима десангиз шу, Мансур ака! Юзингизни ерга қаратмайман!

Улар факультет талабалари келиб тушган мактаб биносига келганда чироқлар ўчмаган эди. Мансур деразадан ичкари мўралаб, йигит-қизларнинг қатор бўлиб сиқилишиб ўтирганини кўриб тушунди.

«Мажлис бўляпти. Декан ўтказяпти». Мансур бу одатларга кўнишиб қолгани учун хотиржам эшик олдига борди.

— Юринг, — деди Гавҳарга.

Гавҳар чўчиб, тўхтаб қолди. «Юнусов койиса-чи? Қаерда юрган здинглар, деса-чи?»

— Юрверинг, — Мансур уни эшиқдан бошлаб кирди. Ўртада Юнусов турар, кўзойнакларини чироқ нурида ялтиллатиб бошини сарак-сарак қилиб гапирав, деворнинг тўрт томонида қаторлашиб ўтириб олган талабалар чурқ этмай эшитишарди. Юнусов уларни кўрди-ю индамади. Гавҳар жой излаб алангларкан, тўгида — уйнинг тўр томонида ўраб қўйилган тўшак устида ўтирган Талъатта кўзи тушди. Талъат уни кузатиб турган экан шекилли, кўзлари тўқнашиши билан «бери келинг» деб имлади.

Гавҳар ён томонда Зулайҳонинг чақирганини эшиди-ю, бурилиб қаради.

— Келинг, — деди Зулайҳо секин.

Гавҳар Зулайҳо билан Абдухалилнинг ўртасига ўтириди. Мансур ҳамон эшик олдида турар эди. Юнусов талабаларни жойлаштиргунча анча қийналган бўлса керак, чехраси ҳоргин, уст-боши чанг, куйиб-пишиб, қаттиқ гапиради.

— Бу ер — фронт! Ёшликтинг шонли тарихи бор. Үтюрак ёшлар ҳар доим фидойилик қилган, урушда душман пулемётига кўксини қалқон қилган. Урушдан кейин тўқайларда чивинга ем бўлиб янги ерлар очган! Сизларнинг олдингизда ҳам қаҳрамонона вазифалар турибди. Пахтазор фронти голибларни ёқтиради!

— Тушунарли, дома! — деди Абдухалил ўтирган жойида гўлдираб. — Галаба қозонмагунча қўймаймиз!

Гавҳар қулиб юбсраслик учун лабини тишлади. Чиндан ҳам домланинг бу қадар тантанавор гапларни қалаштириб ташлаши галати эди. Абдухалил бунаقا ваъзларни кўп эшигтан бўлса керак, бемалол илжайиб ўтирас, ундан пиёз ҳиди анқирди: бутун уни ошпаз қилиб тайинлашган эди...

Юнусов эрталаб барвақт туришларини тайинлаб, чиқиб кетди. Талъат хонадан чиқиб бораркан, уларнинг ёнидан ўтаётганида хушмуомалалик билан бош силкиди.

— Хайрли тун.

Гавҳар бу гап ўзига қаратилганини тушунди-ю, бошини кўтариб қарамади. Зулайҳо бу ерда ҳам Гавҳарни ёнидан жилдирмаган, иккаласи мактаб яқинида турадиган бир кампирникига жойлашишган эди. Гавҳар кичкина деразадан тўкилиб турган ой нурига тикилиб узоқ ётди. Анчадан кейин Зулайҳо йигма каравотни гирчиллатиб унга ўгирилди.

— Ухланг, Гавҳар, эртага чарчаб қоласиз...

\* \* \*

Бу кунларнинг галати гашти бор эди. Тоңг палласи ёноги қизарган уфқларга тикилиш ҳам, шудринг томчилари титраб турган момиқ пахталарни шоша-пиша териш ҳам, ўз хаёлларига эргашиб, пайкаллар оралаб юриш ҳам — ҳаммаси тотли эди. Этакқа ёпишган тўнғизтароқларни юлиб ташлаб, «барака»

қидиришлар, гүзалар орқасига яшириниб олганча қызларга хом күрак отиб шұхлик қилишлар ҳам — ҳамма-ҳаммасида алланечук құвноқ, қайтиб келмес орзулар бор эди. Туш пайлары хирмондаги бақдан тунука иси анқиб турған кружка билан муздек сув олиб, тишлиари қамашиб кетгүнча түйиб-түйиб ичишлар, илиқ пахта уюмиға чалқанча ётиб олиб, олам-олам нур сочаёттан юмшоққина күз қүёшига тикилиш ҳам оромбахш эди. Ойдин оқшомларда қишлоқнинг сокин күчаларида Мансур билан жимгина кезишлар, кечалари толиқиб, қақшаёттан оёқ-құлларини ҳузур қилиб узатганча донг қотиб ухлашларнинг ҳам гашти бор эди.

Гавҳар ўзи териб, ариқ ичига ташлаган бир уюм пахта устида чалқанча ётар, чигитларнинг елкасини қитиқлаётганидан роҳат қилас, аллақаёқдан құллаға тушиб қолған бир қарич ёввойи беданинг майин баргларини битта-битталаб юларди. Чуқур осмоннинг бир чеккасида қатлам-қатлам булувлар муаллақ тұхтаб қолған, духобадай қанотларини ялтиратиб гала-гала чугурчуқлар үтиб қолар, гұза барглари орасида тушиб турған қүёш нури Гавҳарнинг қорайған чеҳрасида титрар эди. Юқори томонда — пайкал бошида бұлса керак, бир қиз құшиқ айтар, бүғиқроқ, аммо ширали овози аниқ әшитилиб туради.

Ұсма тордым авайлаб қундуз қошимга,  
Не савдолар тушмади мени бошимга.  
Қундуз қошли бир йигит үтди күчамдан,  
Айтинг, бехабармикин, бедор кечамдан.

Шамол ашуда овозини адаштириб кетди. Гавҳар нафас чиқармай қулоқ сола бошлади. Шамол тагин шу томонға бурилди, бу сафар овоз жаранглаб әшитилди.

*Ўтли бир қараш билан ҳушимни олди,  
Ишқ билмаган күнглимга лахча чұт солди.*

Бир нафас жимлик чүқди-да, бояғи бүғиқ овоз гамгин давом этди:

*Күндүз қошли йигитнинг ёри бор экан.  
Ұша ёрин йўлига интизор экан...*

Кейин яна жимлик чүқди. Гўза барглари үйчан шитирлай бошлади. Гавҳар «турс-турс» урилаёттан қадам товушларини эшилди-ю, пахта устида ёттан дурраасини танғиб ўрнидан турди. Ўн қадамча нарида, ўқариқ ичида Талъат турарди. У Гавҳарни кўриб суюниб кетди.

— Бу ёқдамидингиз?

Талъат далада ҳам оппоқ кўйлак кийиб юрар, шимининг дазмоли бузилмасди. Тез юрганидан бўлса керак терлаб кетибди, сочи елпигичдай ёйилиб тушиб, пешонасига ёпишиб қолибди.

— Утираверинг, — деди пешонасини артиб. — Кейин ички бир ҳаяжон билан жилмайди. — Қизлар-эй! Бирам ашула айтадики, одамнинг юраги зириллаб кетади. Қаёқдан топади бунақа ашулани?

Гавҳар биринчи марта унинг қўзига тик қаради. Биринчи марта бу қуралай қўзларда кўнгила га яқин самимият кўрди.

— Кеча тўқсон кило терибсиз... Яхши ишляяпсиз, Гавҳар. Деканга сиз тўгрингизда тагин бир илтимос қилиб кўраман. Овқатга юрмайсизми? Қани, этагингиз?

Гавҳар этакни ерга ёзди. Уюлиб ётган пахтани икковлашиб босиб-босиб солишибди. Талъат бир кўтаришда орқалади-ю, зўриққанидан юзлари қизарип кетди.

- Қирқ кило бор шекилли, ўзиям.
- Гавҳар жилмайди.
- Нариёқда тағин бор.
- Сизга ҳаммолчилик қилиш қийин экан, —  
Талъат ораси очиқроқ тишларини ярқиратиб кулди-  
да, энгашиб тез-тез юриб кетди.

\* \* \*

Талъат даладан қайтиши билан Юнусов уни штабга чақыртирди. У лампочкаси хира ёнаётган хонага кириб, чой ичиб ўтирган деканни кўрди. Юнусов қўлинни стул суюнчигига ташлаганча ён-ламаси эшикка қараб ўтирас, стол устида нон, печенье, қуолтирилган сут банкаси ётарди.

Талъат ўтириши билан Юнусов сўради:

- Ишлар қандай кетяпти?
- Яхши.
- Яхши эмас! — Деканнинг кўзойнак орқасидаги жажжи қўзлари қисилди. — Мутлақо яхши эмас! Бултур байроқдор эдик. Бу йил-чи? Факультетимиз институт буйича бешинчи ўринга тушиб қолибди. Қани, факультетнинг юлдузлари?!

Талъат деканнинг иш юзасидан ҳар қандай яқинликни йигиштириб қўйишини, талабчан, қаттиққўл раҳбар экани, ҳеч кимни аяб ўтирмаслигини биларди. У Гавҳарни эслади-ю, чеҳраси ёришиб кетди. Кўпдан бери кутиб юрган қулай фурсат келди! Гавҳарни ҳам, деканни ҳам хурсанд қилса бўлади!

- Юлдузлар бор, — деди у Юнусовдан кўз узмай. — Норбоева деган қиз юз килодан ошириб теряпти.
- Қайси у?
- Резервист қиз бор-ку... Бало қиз!
- Юнусов қўлидаги пиёлага қараб ўйланиб қолди.

— Эртага ректоратдан комиссия келади. Тайёр-ланинглар.

Талъат чиқиб кетаётган эди, тұхтатди:

— Чақир, Норбоевани!

Талъат ташқарига чиқди. Тераклар орасидан баркашдек ой чиқиб келар, салқын тушиб қолған эди. Талабалар бир-бирига бақириб-чақиришар, товоқ-қошиқлар тарақларди. Талъатнинг күнгли хижил бўлди. «Ҳар йили биттадан машъал чиқади. Бир ой-бир ярим ой кўттар-кўттар бўлади-да, кейин сувга чўккандай дами чиқмай кетади». Нима қилсин? У Гавҳарни кўз олдига келтириб хаёлан жилмайди. «Кўзга яқин қиз-да, қургур».

Теракзор орасидан Мансурнинг овози келди. Талъат зулмат қўйнига тикилиб қичқирди:

— Мансур?

— Талъатмисиз?

— Гавҳарни кўрмадингизми?

— Шу ерда.

— Келсин, домла чақиряптилар.

Ҳовли томонда бирпас жимлиқдан кейин тагин Мансурнинг овози келди.

— Боринг, мен кутиб тураман.

— Юринг, — деди Талъат Гавҳарга йўл бошлаб.

«Нима гап экан?» Гавҳар ичкарига кирмай эшик олдида тўхтади. Қогоз титкилаб ўтирган Юнусов кўзойнагини олиб, стол устига ташлади-да, ўрнидан турди. Гавҳар унинг кўzlари у қадар баджаҳл эмаслигини, мулоим жилмайишини энди кўрди.

— Ўтиrmaisizmi?

— Раҳмат, домла, — деди Гавҳар уялиб.

— Бугун неча кило тердингиз?

Гавҳар айбдор одамдай астагина жавоб берди:

— Тўқсон етти...

— Гап бундай, синглим, сиз ўзингизни кўр-сатяпсиз, тез кунда сизни қабул қиласиз.

Гавҳар гапнинг охири нима билан тугашини кутаётганини декан сезди.

— Эртадан бошлаб, юз эллик килодан терасиз. Бошқалар сизга эргашиши керак.

Гавҳар аввалига декан ҳазиллашти, деб ўйлади. Аммо бошини кўтариб қараганида, унинг жиддий тикилиб турганини кўриб ҳайрон қолди.

— Мен юз эллик кило теролмайман, — деди бўшашиб.

— Ёрдам беришади.

Гавҳар тушунмади.

— Ким ёрдам беради?

Декан бир зум ўйланиб қолди. Сўнг негадир Талъатга қараб гапирди:

— Ўттизинчи, қирқинчи йилларнинг ёшлари фидойи бўлган, ташаббускор бўлган. Ҳозирги авлод ҳам ўхшаши керак уларга, — сўнг тагин Гавҳарга юзланди. — Шаҳарлик талабалар, пахта теришга қийналаман деса, тушунса бўлади. Сиз қишлоқда ўсгансиз, ҳар йили қилиб юрган ишингиз...

— Шунаقا-ку, — деди Гавҳар гарангсиб, — бари бир шунча териш...

— Домла айтдилар-ку ёрдам беришади деб! — Талъат бир қадар тажангланиб дашном берди. Сўнг овозини пасайтириб шипшиди. — Тезроқ ўқишига кириб олишни ўйласангиз-чи!

Гавҳар ташқарига чиққанида ҳам ҳеч нимани тушунмаган бўлса-да, институтга кириши тезлашишини ўйлаб кўнглида хушнудлик туйди.

— Фақат бир шарт, — деди Талъат. — Катта домла сизга ишонч билдирияпти. Буни оқлашингиз керак. Яна бир гап айтами? — У овозини пасайтирди. — Ҳар битта факультетнинг ўз «машъали» бўлиши керак. Тушундингизми? Аммо буни ҳеч кимга айтманг! Ҳеч кимга! Ваъда берасизми?

Гавҳар индамай бош силкиди.

Дараҳт тагида турған Мансур қоронғида. Гавҳар-нинг кўзига хавотирланиб тикилиб сўради:

- Тинчликми?
- Тинчлик. Қандай ишлаётганимни сўради.
- Мансур елка қисди.
- Бошқалардан кам ишлаётганингиз йўқ-ку!

\* \* \*

Талъат пахта хирмони устида ёнбошлаб ётар, бир чеккаси тутзорга туташиб кетган пайкал бу ердан кафтдай кўриниб туради. Куз қуёши майнин нур сочар, шудрингта ювинган далалар бодроқ қовурилган қозондай чатнаб ётган пахталарга тулиқ эди. Тонг саҳардан ишга киришиб кетган қизларнинг ранго-ранг дуррачалари, йигитларнинг дўпниси, кепкаси кўриниб қоларди. Нариги пайкалда терим машинаси гуруллаб ишлар, гилдираклар остидан кўтарилилган енгил чанг бункерлар тепасида айланадайланади, куз осмонининг бир чеккасига сингиб йўқолар эди.

Эрталабдан табелчи пахта пунктига кетди. Талъат ёлгиз қолиб зерикса ҳам пахта тераётган талабаларнинг олдига бормади. Нима қиласиди, ишдан қолдириб? Транзисторли радиосининг қулогини бурай-бурай, керакли тўлқинни топди. Олис тоғ ва денгизлар оша мексиканчами, испанчами, куй янграй бошлади. Гитара гоҳ инграр, гоҳ тантанавор жаранглар эди.

Ҳар сафар гитара товушини эшитганда уйго-надиган, унутилаёзган ҳис тагин қалбини қизитиб ўтди.

Бирор ўтмишини суюниб эслайди, бирор куюниб. Талъат ўша воқеаларни эслагандা суюнмайди ҳам, куюнмайди ҳам. Бир вақтлар куйди ҳам, ёнди ҳам — қарор топмади.

Отаси катта идорада ишлаганига қарамай, уни ортиқча эркалатмади, ўз йүлини ўзи топишга үргатди. Рост, Талъат ўсган сайин оиланинг ташвиши ҳам ўсиб борар, дадаси билан онасининг ўртасида майда-чуйда жанжаллар авж олар эди.

Талъат мактабни медаль билан тамомлади. Аммо ўша куни ёш күнгли илк бор синди. У синфдош дўстларини йигиб, уйида зиёфат қилмоқчи эди, дадаси бир сўзда туриб олди:

— Мактабда хайрлашув кечаси бўлдими, тамом! Зиёфат бўлса кейинроқ, эсингни таниб олганингдан кейин қиласан.

Онаси ўртага тушди. «Зиқнасиз, яккаю-ёлгиз ўтлингизнинг орзу-ҳавасига қулоқ солмайсиз», деди. Аммо дадаси қулоқ солмади. Институтга кириш имтиҳонларидан ўтаётганида Талъатнинг кўнгли тагин ҳам чўқди. Ёшлиқдан физикага қизиқар, онаси Юнусовга суянарди. «Тоганг бор, бемалол кириб ўқийверасан», дерди. Ўша ёз оқшомларидан бирида Талъат институтга ҳужжат топшириб келса, уйда тогаси ўтирган экан.

— Ҳали ҳам бўлса, тоганг оталик қилади, — деди онаси дадасига пичинг қилиб.

Отаси бу сафар ҳам қайириб ташлади:

— Менга қолса, институтга эшик қолиб, тешикдан кирмагани маъқул, — деди у Юнусовга. — Ўз билими билан кирсин. Киролмаса ишласин!

Онасининг айтишича, Талъат дадасини уялтириди. Ҳамма имтиҳонлардан аъло олди. У иккинчи курсданоқ талабалар орасида юлдуздай ярқ этиб кўриниб қолди. Муттасил оширилган стипендия билан ўқиди, талабалар илмий кенгашига қатнаша бошлади. Институтда яхши ўқиди. Мана энди аспирантурага ҳам кирди. Илмий иши анча силжиб қолди... Аммо одамнинг омади ҳар доим ҳам юришавермайди. Ҳаётда нурли кунлар ҳам бўлади, қоронги дамлар ҳам... Ҳозир у қўл радиосида

гитаранинг дилни орзиқтирувчи оҳангини тингларкан узук-юлуқ хотиралар ёпирилиб келди.

Ёшлик баҳорга, биринчи муҳаббат эса баҳор ёмгирига ўхшайди. Қачон ёғиши, қандай ёғишини ҳеч ким билмайди. Талъатнинг биринчи севгиси «индийский кино»га ўхшаб бошланган. Иккинчи босқичда ўқиётганида кечқурун уйига қайтаётиб, одатдагидек троллейбусга чиқди. Троллейбус тиқилинч эди. Қандайдир бурилишда дугаси чиқиб кетдими, йўлидан бирор чиқиб қолдими, троллейбус кескин тўхтаган эди, у қалқиб олдинда турган қизга «ёпишиб» қолди. Димогига қандайдир нотаниш, дилни орзиқтирувчи атир ҳиди урилди. «Кузингта қарасанг ўласанми, кап-кatta йигит!» деди қиз бижир-бижир қилиб. Унинг чиройли қоши чимирилиб кетган, жаҳлдан юзлари қизариб, қовогини солиб олган эди. Қизиқ, у шу ҳолатда ҳам ниҳоятда жозибали эди. «Кечирасиз, мен бехосдан», деди «кап-кatta» йигит эсанкираб. Ишчилар шаҳарчаси бекатига етганида қиз троллейбусдан тушиб кетди. Табиийки, Талъатга қайрилиб ҳам қарамади. Аммо Талъат ундан ҳамон кўз узмас эди...

Қизиги шундаки, уларнинг иккинчи учрашуви ҳам шундай такрорланди. Фақат бу сафар Талъат қизга эмас, қиз Талъатга урилиб кетди. Танаффус пайтида Талъат иккинчи қаватга чиқиб бораётса, тепадан шошиб тушаётган қиз ортидан кимдир чақирганига андармон бўлиб бурилиб қаради-ю, Талъатга урилди. «Вой!» деди хижолат чекиб. Бир зум эсанкираб турди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Яна бир бор «вой!» деди. Аммо бу сафар ҳайратланиб эмас, қандайдир эрка оҳангда айтди. «Мана энди «раччўт» бўлдик!» деди баттар кулиб. Буни қарангки, Ҳамидахон ҳам шу даргоҳда, фақат биология факультетида, учинчи босқичда ўқир экан. Йўллари бир бўлгани учун троллейбусда кўпинча бирга кетадиган бўлишди.

Сұнг «Панорама»ға кинога тушиб, охирғи қаторға ўтириб олиб, ўпишадиган бўлдила... Қизиқ, Ҳамидахон Талъатни умидсиз қилмас, аммо умидвор ҳам этмас эди. Қачон, қаерда кўришиши унинг ўзи айтар, бошқа пайтлари танаффусдами, кутубхонадами, кўришиб қолишиша, танимагандек сипо бўлиб ўтиб кетар, Талъат сабабини сўраса, «ортиқча гап-сўзга тоқатим йўқ», деб силтаб ташлар, телефонининг рақамини ҳам айтмас эди.

Ёзги таътилга чиқишиганида Ҳамидахон денгиз бўйига дам олишга кетаётib, Талъатнинг манзилини сўради. Ўша ёқдан хат ёзишга ваъда берди. Қайтгач, уни ўзи топиб олишини айтди. Шундагина Талъат бу қизни чин дилдан яхши кўриб қолганини англади. Бир ойгача ундан хат ҳам, хабар ҳам келмади. Кейин... тўсатдан таклифнома келиб қолди. Чиройли таклифнома... «Муҳтарам Талъатжон! Сизни... куни бўладиган висол оқшомимизга лутфан таклиф этамиз. Жасурбек, Ҳамидабону».

Талъат бунақа зарбага биринчи марта учрагани учун эсанкираб қолди. «Лутфан таклиф қилинган» «висол оқшоми»га бормади. Хаёlinи галати ўй қуршаб олган, қачондир Ҳамидани учратиб қолса қаңдай аҳволга тушишини ўйлар эди.

Учрашишди ҳам... Үқиш бошланишига бир ҳафта қолганида Талъат эстрада театрида машҳур хонанданинг концертига тушди. Кунгирадор, залворли эшиқдан кириши билан Ҳамидага рўпара келди. Худди илк учрашувлардаги каби. Талъат гарангсиб туриб қолган эди, Ҳамиданинг ўзи қўл бериб кўришди. Бирпас тикилиб турди-да, гоят самимиy кулди. «Бечорагинам! Нега бунча озиб кетдингиз?! Чинданам яхши кўрармидингиз?» Сўнг Талъат эсини йигиб олмасидан фойе бурчагига қараб чақирди. «Жасур aka!» Сигарет чекиб турган башанг кийинган, озгин, аммо чайир, гавдали йигит

яқин келиши билан Талъатта имо қилиб тушунтириди. «Бу киши Талъатжон. Менинг тутинган укам».

Талъат алланима деб гўлдираганча залворли эшиқдан чиқиб кетди. Қаёққа бораётганини ўзи билмас эди. Бир маҳал қараса, «Зарафшон» ресторани олдида турибди. Унинг ичгиси, ҳамма нарсани унутиб, маст бўлгиси келар эди... Ҳамиданинг бояги гапи ҳамон қулоги остида жарангларди. «Тутинган укам!» Ўз укасига ўтириб юрадиган «опа»!

Футбол жамоасида, одатда захирада турадиган «зapas» ўйинчи бўлади. Уни хоҳласалар майдонга туширадилар. Хоҳласалар захирада ушлаб тураверадилар. Ҳар эҳтимолга қарши! Демак, Ҳамидабону учун Талъат захирадаги ўйинчи бўлган. «Ҳар эҳтимолга қарши!»

У дераза ёнидаги столда ўтириб, ароқ буюрди. Онасининг меҳрибонлиги туфайли киссасидан пул аrimас эди. Бироқ ҳозир у буни эмас, шунча вақт Ҳамидабонуга «зapas» ўйинчи бўлиб келганини ўйлар, ўйлаганий сайин гоҳ газаби, гоҳ хўрлиги келарди...

Бир маҳал боши ғувиллай бошлаганида қандайдир жўшқин, одамнинг юрак-юрагини титратиб юборадиган оҳанг шуурига кирди. Беихтиёр бош кўтариб қаради. Зал тўридаги «эстрада супачаси»да уч-тўрт нафар хонанда бири гитара, бири «барабан», яна бири гармон чалар, айниқса гитаранинг дилларни титратувчи садоси минг оҳангда тебраниб, инграётганга ўхшар эди. Шу пайт ичкаридан ҳаририк кўйлак кийган қорасоч, қоракўз гўзал аёл чиқиб келди. Гитара садоларига мос шу қадар оташин рақс ижро эта бошлидикি, Талъатнинг оғзи очилиб қолди.

Раққосанинг қочиримлари нозик ва чиройли, аъзойи бадани баравар қимиirlар, одамнинг қонини гуппуртириб юборадиган ҳаракатлар қилар эди. Талъат уларни лўлилар ансамбли деб ўйлади. Анча фурсат маҳлиё бўлиб ўтириб-да, гандираклагудек

бўлиб ўрнидан турди. Куй ва рақс тутагач, супачага яқин борди. Одатда, ресторандаги ансамблни безовта қилиш тақиқланади. Зур келса, сурбет хўрандани ташқарига улоқтириб юбора қолишади. Бироқ Талъат сурбетлик қилмади. Фақат раққосага яқин бориб, тили тутилгунча «бир зум меҳмои бўлиш»ни илтимос қилди. Раққоса унга яқин келиб, қўлини чап биқинига тираганча истеҳзоли табассум билан узоқ қараб қолди. Шу туришда у ўзи минмоқчи бўлган «тойчоқ»ни чамалаб кўраёттан чавандозга ўхшар эди.

— Бир минутга, — деди Талъат оғзидан гапи тўкилиб. — Атиги бир минутга... Илтимос...

— Кейин-чи? — деди раққоса.

У ёғига нима дейиши Талъат билмас эди. Раққоса яна бирпас қараб турди-да, «тойчоқ» ҳар қалай маъқул келди шекилли, овозини пасайтириб бир оғиз гап айтди:

— Эртага, ровно соат учда фонтан ёнида...

Зум утмай тағин гитара тилга кирди. Раққоса аввалгидан ҳам кўпроқ жунбишга соладиган ҳаракатлар қила бошлади.

Эртаси айтилган пайтда Зуля (раққосанинг оти шунаقا экан) ваъда қилинган жойга келди. Сўнг «тойчоқ»ни ўзининг шаҳар чеккарогидаги шинам безатилган уч хонали квартирасига бошлаб борди. Ўзининг айтишича, уларнинг ижодий гуруҳи лўлилар эмас, қурама ансамблъ экан. Асосан жаҳон куй ва қўшиқлари, рақсларини ижро этишаркан.

Зуля чиндан ҳам тажрибали «чавандоз» экан. Талъатга кўп нарсаларни ўргатди. Яшаш қоидаларини ҳам. «Талгатчик, — деди бир куни. — Сен хотин зотига ишонма! Аёл киши хоҳласа қирқта эшак эмас, қирқта филнинг белини синдириб юборадиган макр ўйлаб топади... Ундан кейин Талгатчик, яна бир нарсани қулогингта илиб ол. Менинг ҳаётий шиорим шу. Сен ўзинг алданиб қолмаслигинг учун бошқаларни

алда! Үзинг хиёнатга йўлиқмаслик учун бошқаларга хиёнат қил! Бўлмаса «лох» бўлиб оёқ остида қолиб қетасан!»

Ҳамидабонунинг қилмиши ёдига тушди-ю, Талъат Зуля минг марта ҳақ эканини эътироф этди... Уйдагилар анчадан бери тўй тараддуудида. Онаси «Қачон уйланасан, ташлаганингни айт», деб тиқилинч қиласди. Талъат аввал диссертация ёқлаб олиши кераклигини баҳона қиласди. Ростини айтганда чин дилдан ёқтирган одами йўқ!

У хирмонга ёнбошлаган кўйи ҳамон гитара садоларини тинглар, гоҳ Ҳамидабону «опа»сини, гоҳ Зулянинг ним қоронги, сербезак хонасини эсларди. Албатта, энди кўп нарсалар унутилди. Ишқ-муҳаббат, садоқат-вафо деган гаплар бачкана туюладиган бўлиб қолди. Зуля тұғри айтади. Сен алдамасанг, бошқалар сени алдайди. Қиз бола дегани гулдек гап. Сен ҳидламасанг, бошқаси ҳидлайди, сен узмасанг, бошқаси узади... Гавҳарни биринчи кўргандәёқ хаёлига шу фикр келган эди. Чиройли, соддагина қиз... Анча вақттacha «ҳидлаб юрса» бўлади. Ўқишига кириши учун маълум шартларни адо этиши кераклиги яна яхши! Суянадиган тоги ҳам йўқ. Биттаси анави Мансурми? Қўй оғзидан чўл олмаган оддий талабанинг қулидан нима келарди? Хоҳласа, шунаقا қиласдики, Гавҳарнинг ўзи «Бироннинг ишига бурнингизни суқманг» деб жойига ўтқазиб қўяди ўша «Отелло»ни!

...Узоқдан тракторнинг гуруллаган овози эшитилди. Талъат транзисторни ўчириб ўрнидан турди. Табелчининг ўзи майкачан бўлиб олиб, трактор ҳайдаб келар, иккита бўш тележка эгри-бугри дала йўлида сакраб-сакраб шалдирав, гилдираклар остидан чанг кўтаришар эди. «Кун тиккага келиб қолибди. Ҳадемай тушлик бўлади»,

деб үйлади у пайкал оралаб юрган талабалардан күз узмай. Узокда — тутзорлар орқасидаги күчада «Газик» машинаси күринди. Машина шу ёқقا бурилди. «Ректоратдан комиссия келяпти». Талъат сирғалиб хирмондан тушди-ю, шимига ёпишган пахта толаларини қоқиб ташлади. Кескин ҳаракат билан сочини текислади.

\* \* \*

Мансур эрта билан ўрнидан туролмади. Боши оғирлашиб кетгандай ёстиқдан күтаролмас, құл-оёқлари қақшар, күзини юмиши билан туш күра бошлар, аммо нима күраётганини англай олмасди. Гоҳ ердан бир қарич баландда муаллақ учеб кетаётгандай бұлади, гоҳ тубсиз жарликларга шүнгийди, сесканиб күзини очади-ю, тағин ухлаб кетади...

У тушга яқын үзига келди. Уй ичи қуёш нурига тұлған, жимжит эди. Мансур ёнига аланглаб, юмалоқланган күрпа-тұшакларни күрди. «Болалар кетиб қолишибди... Жуда уятли иш бұлдику! Келиб-келиб арзимаган баҳона билан ҳам касал бұладими одам!» У икки кун аввал ҳамхона йигитлар билан қишлоқ четидеги каналга чўмилишга борган, кеч кириб салқин тушиб қолгани учунми, чўмилиб чиққач бадани увишиб сесканган эди. Демак, сал шамолласа томоги оғриб, иситмаси күтариладиган эски дарди яна құзгабди. У ўрнидан турмоқчи эди, боши зирқираб оғриди. Ёстиққа ёнбошлаб, ташқарига қулоқ солди. Абдухалил гурсиллатиб үтин ёrap, дераза ортида чумчуклар чирқиллашар, шамолга эргашған терак хазонлари ҳавода пирпиарди.

Мансур болалигида ҳам күп касал бўларди. Биринчи қор ёғиши билан ўртоқларига қўшилиб,

Хирмонтепага чиқиб кетар, кечгача чана уча-уча юзлари совуқдан ловиллаб уйга қайтарди. Аяси уни койиб-койиб жиққа ҳүл бўлиб кетган этигини, чопончасини ечиб олар, дарров үраб-чирмаб, танча ёнига ётқизиб қўярди. Мансур кечаси билан алаҳлаб чиқар, аяси ярим кечада туриб қайтадан чой қайнатар, гултожихўroz дамлаб ичиради. У ёз бўйи Мансур учун атайлаб ялпиз, сариқбош, исириқ, яна аллақанақа гиёҳларни йигиб юрар, «иҳ» деса ҳозир ундан айрилиб қолаётгандай бошида минг парвона бўларди. Ҳозир ҳам у ёш боладай аясининг меҳрибонликларини қўмсади. Бирор эши-тиб қолишидан чўчигандай, секин уф тортди-ю, қаддини ростлаб ўтириди.

Бир оздан кейин Абдухалил бир чойнак чой кўтариб кирди.

— Турдингизми, Мансуржон? — деди шангиллаб. — Гавҳар бечора аҳволингизни кўриб қурқиб кетди! Зулайҳони айтмайсизми? «Ҳар балони сиз бошлийсиз, ўзингиз-ку, қишида музни тешиб чўмилсангиз ҳам балоям урмайди, Мансурни бошлаб боришга бало бормиди», деб менга ёпишади. «Ҳой, барака топгур, менинг чўмилишга вақтим борми, эртадан кечгача қозон ковлаб, сизларни боқиши билан овораман-ку!» десам қулоқ солмайди! Қани, манави чойдан иссиқ-иссиқ ичинг, бригадир Тўхташ аканинг уйидан озгина асал олдириб келдим!

Бир-икки пиёла асал чойдан кейин Мансур ўзини анча енгил ҳис эта бошлади. Абдухалил каттакон тогорада картошка олиб келиб, ёнига қўйдию ичиқ билан артатуриб, тагин гашга киришди:

— Шу ошпазлиқдан озод қилсанглар, тагин бир марта ош қилиб берардим... Ўз ёнимдан! Жуда жонга тегди! Сўфи аzon айтмасдан тур, чой қайнат! Омбордан гўшт олиб кел! Овқат пишир, аравага ортиб далага бор. Тагин буларнинг димог-фирогини

айтмайсизми! Худо ҳаққи, бир кунмас-бир кун чўмич билан тушириб қоламан-да! Ўтган куни биринчи курсларга макарон шўрва олиб борсам, бир хонимча косачаларини қайтариб олиб келдилар. «Ҳа?» «Овқатингизнинг тузи йўқ, ўзингизга ухшаб» эмиш! «Ана туз! – дедим шўрхок ерни кўрсатиб, – тўйгунча ялашинг мумкин! Есанг ҳам бирор гиринг демайди».

Мансур кулиб юборган эди, тагин боши сирқиллади. Гуруҳдошлар Абдухалилни соғдиллиги, меҳнаткашлиги учун яхши кўради. Шу топда Мансур ҳам унга жилмайиб тикилиб ётар, Абдухалил бўлса парво қилмай ҳикоясини давом эттиради:

– Ўзингиз биласиз, мен гапирмасам туролмайман. Гаплашай десам, олдимда одам йўқ. Кун бўйи атрофимда ўралашган қушлар билан гаплашаман. Мошхўрданинг қолган-қутганини ейишади-да. Кечқурунлари Зулайҳо билан бундоқ ёзилиб гаплашай, кино-пинога борай десам, қозон ювиш керак.

– Қушчаларга от қўйиб олдингизми? – деди Мансур жилмайиб.

– От нимаси, оғайни! Ўзи қанақа қуш деб сўранг! Чумчуқ билан қаргадан бошқасини танимайман! – Абдухалил бир нимани эслаб қолди шекилли, жойлашиб ўтириб олди. – Бир куни биофакда ўқийдиган бола билан баҳслашиб қолдик. Жасур деган бола. Нуқул билагонлик қилиб тинкани қуритади. Шуни бир боплагим келиб юарди. Бир куни «Дунёдаги ҳамма қушларни биламан», деб мақтаниб қолди. «Йўғ-э, дунёда минг хил қуш бор, ҳаммасини қаёқдан биласиз» десам, «менинг отам орнитолог, мен билмайдиган қуш йўқ», деб туриб олди. «Бўпти, – дедим, – дунёнинг бир чеккасида эмас, ўзимизнинг Ўзбекистонда шундай қуш борки, сиз уни билмайсиз», дедим. «Баҳс бойлашамизми?»

деди. Аканг қарагай худди шуни кутиб турғандим. «Бўпти, аммо битта шартим бор», дедим. «Қанақа шарт?», деган эди, ётиғи билан тушунтиридим. «Сиз биологсиз, демак, бу соҳани мендан ўн ҳисса яхшироқ биласиз. Шунинг учун сиз ютқазсангиз, ўн сўм берасиз, мен ютқазсам, бир сўм», дедим. Икковимиз қўл ташлашдик. «Ўзбекистонда шундай қуш борки, осмонда учиб кетаётганда оёги битта бўлади, ерга қўнгандга иккита бўлиб қолади, топингчи, бу қанақа қуш?» дедим. «Бунақа қуш йўқ», деди ҳафсаласи пир бўлиб. «Бор-да», деб туриб олдим. «Айтинг, билсангиз», деди. «Аввал ўн сўмни чўзингда» десам, ўн сўм чиқариб берди. «Қани, айтинг?» деб тиқилинч қилди. Тўққиз сўмни чўнтағимга солиб, бир сўм қайтариб бердим. «Бунақа қушни ўзим ҳам билмайман», дедим. «Орамиз очиқ, сиз ҳам ютқаздингиз, мен ҳам», деб кўзимни лўқ қилиб туравердим.

Мансур боши оғришига қарамай, қотиб-қотиб кула бошлади.

— Йўқ, — деди Абдухалил, — тўққиз сўмга ўзини ҳам, бошқа болаларни ҳам пиво билан сийладим. — У артилган картошкани тогорага ташлаб бирпас ўйланиб турди-да, бирдан тишини гижиллатди. Қовоқларини уйиб пишқирди. — Мана қўрасиз, Мансуржон! Эрта-индин анави олифтага энасини кўрсатиб қўяман-да!

— Ким у?

— Анави Талъатга-да! — деди Абдухалил қўзлари чақнаб. Мансур унинг феъли нима учун айниб қолганини тушунди. Абдухалил Талъат билан чиқишолмас, отини эшитиши билан жини қуришарди.

— Кеча ўзи ҳам студент эди, — деди Абдухалил бўғилиб, — бугун хўжайин бўлиб олиб, менга ақл ўргатяпти. Қайси куни овқат олиб борсам, совиб

қолибди, деб жанжал чиқарди. «Яна бир марта шундоқ қылсангиз, стипендиядан олиб ташлайман», дейди. Вой, сени хұжайин қылғанни... Абдухалил чапаничасига қалаштириб сұқди. «Хүп, хұжайин!» – дедиму келавердим! Эртасига макарон жаркоп қылғандим. Аравага отни құшиб, энг аввал уларга олиб бордим. Бу гал ҳам тихирлик қилиб, йұлимни тұсди. «Нимага тушликни тез олиб келдингиз?» – дейди. «Эсингиз жойидами, Талъат, соатингизга қаранг, бирдан ошди, болалар оч ишлайверсинми?» – десам, қани құнса! «Зарари йүк, одам қанча оч қолса, шунча яхши ишлайди, дуторнинг ҳам қорнини тешишмаса жарангламасди», – дейди. Қамчи билан қулоқ-чаккасига солиб юборай дедиму, үзимни босдим. «Хүп, – дедим, – бўлмаса бугун сиз тушлик қилмайсиз!» Атрофимизни ўраб турган талабалар кулиб ётибди. Гапим алам қилди шекилли, аравага чиқиб термосни очди. «Аравани тез ҳайдабсиз, овқат аралаш-қуралаш бўлиб кетибди, эртагаёқ масалангизни деканатга қўямиз», – дейди. Болалар овқатланиб олгунча тишимни-тишимга қўйиб турдим. Ҳамма ишга тушиб кетгандан кейин отнинг қориинбогини еча бошладим. Тепамга келиб гўддайиб турибди. «Қарашиб юбормайсизми, оғайни», – дедим силлиқина қилиб. Инқиллаб-синқиллаб хомутбогни ечди. Отни чиқарип, бир чеккага арқонладим. У бўлса тагин белини ушлаб, тепамда турибди. «Қани, кирмайсизми, нима қилиб турибсиз, оғайни?» – дедим. «Қаёққа?» – дейди анқайиб. «Шу ёққа-да, – дедим икки шотининг ўртасини кўрсатиб. – От дам олсин, ўрнига сизни қўшамиз. Сиз ундан кўра ақллисиз. Керак бўлса тез юрасиз, бўлмаса секин!» Кўзлари ола-кула бўлиб кетди. «Сен мени майна қилма!» эмиш. «Бўлмаса, сен ҳам мени майна қилма, – дедим. – Бир гал кеч қолдинг дейсан, бир

гал тез келдинг, дейсан, муддаонг нима?!» Орқасига қарамай пайкалга жұнаб қолди! Абдухалил нафрат билан қошини чимирди.

Мансур бу йигит нохақликни ёмон күришини, алам үтса ҳеч кимни аяб үти rmsligini билгани учун юпатди:

— Майли, Абдухалил. Унга ҳам қийин-да. Шунча одамнинг күнглига қарашиб осонми?

— Сиз ҳам қизиқсиз-да, Мансуржон! — Абдухалил чириган картошкани четга улоқтириди. — Ҳаммага ишонаверасиз! Бу ялоқи Гавҳарнинг атрофида бекорга пашшахұрда бұлаётгани йүқ. Мени айтди, дерсиз! Сал ҳаддидан ошса-ку, сиздан аввал ўзимоқ хотинчалиш башарасини пачақладаб ташлайман-а!

Унинг охирги гапи Мансурнинг ҳамиятига тегди.

— Ошириб юбордингиз. Гавҳар унақа қызы эмас.

— Биламан, Гавҳар яхши қызы. Лекин анави иблис бурганинг думини күрган! — у жимиб қолди. Деразага қараб, пичоқни тогорага ташлади. — Оббо, декан келиб қолди-ку!

Мансур эшиқдан кириб келаёттан деканни күриб, хижолатдан эсанкираб қолди. Юнусовнинг ортидан Гулом Сайдович кириб келди. Мансур баттар мулзам бұлды. Одатда, ҳашарға чиққан талабалар билан домлалар, декан келар, аммо институтнинг эңг нуфузли проректори Гулом Сайдовичнинг ўзи ҳашарчилардан хабар олиши кам бўлар эди.

«Жуда ноқулай бўлди-да», Мансур ийманиб салом берди.

— Салом, ўглим! — деди Гулом Сайдович, — Мазанг йўқми? Майли, қимирлама.

Мансур жавоб қилишга улгурмай тепасига Юнусов келди.

— Нима қилиб чўзилиб ётибсиз?

Мансур қизариб-бўзариб ростини айтди:

— Каналда чүмилгандим... Шамоллаб қопман.  
— Баракалла! — деди декан күзойнак ортидан қаттиқ тикилиб. — Урушда бўлганингизда эди, музлаган дарёдан кечиб ҳам шамолламасдингиз! Шундай деб проректорга юзланди: — Нозик ойимдек ётишини қаранг! Ҳайронман, ҳозирги ёшларга, Гулом Сайдович!

Гулом Сайдович бир Мансурга, бир Абдухалилга юзланиб сўради:

— Қийналаётганинглар йўқми? Овқат масаласида тақчиллик бўлмаяптими?

— Ташвишланманг, домла! — деди Абдухалил илжайиб. — Овқатлар зўр. Хоҳлаган болага хоҳлаганча «дп» бераман! Кўшимча улуш.

— Баракалла! — деди проректор кулимсираб. Мансур боши сирқиллаб кетаётганига қарамай ўрнидан турди. Декан истеҳзо билан қўл силтади:

— Ётаверинг энди!

Нарироқда турган Гулом Сайдович кексаларга хос бўлмаган чаққонлик билан илдам келиб, Мансурнинг елкасидан тутди.

— Ўтири-чи, болам! Вой-бў, иситманг бор-ку. Шошма, — унинг кўзлари меҳрибонлик билан парпиради, — ҳозир тузатамиз! Менинг ҳам одатим шу: сал шамолласам дарров ётиб қоламан, — у пиджагининг чўнтагини кавлади. — Шунинг учун эҳтиётимни қилиб юраман... Чой борми?

Эшик олдида турган Абдухалил дарров совуқ чой олиб келди. Гулом Сайдович қоғозга ўроғлиқ аумалоқ доридан биттасини узатди.

— Қани, ичиб юбор-чи!

Мансур проректорнинг ўзи бефарзанд бўлгани учунми, талабаларга меҳрибон эканини кўп эшитган эди. Энди ўзи ҳам кўрди.

— Раҳмат, домла! — деди оҳиста.

— Мана бунисини кечқурун ичасан, — профессор яна битта таблетка узатди. — Ұралиб ётсанғ, эрталаб ҳеч нима құрмагандай туриб кетасан.

Аммо Мансур ётмади. Ётолмади. Домлалар эшиқдан чиқиши билан урнидан турди. Йұлакда профессорнинг босинқи овози әшитилди.

— Сиз, азизим, «хозирги авлод», «уруш», «фронт» деган ғапларни күп писанда қиляпсиз! Уруш құрмагани учун ҳозирги авлод айбдор әмас! Қүйинг, құрмасин ҳам. Сиз билан мен ким учун жанг қылдик? Мана шу авлод учунми, ахир! Күнгилни кенг қилиш керак, азизим.

Мансур деканнинг жавобини әшитмади. Ҳовлида машина гуруллади. Мотор товуши узоқлашиши билан этакни елкасига ташлаб ҳовлига түшди-ю, Абдухалилнинг койишига қарамай секин-секин далага қараб кетди.

\* \* \*

Сунбула түгdi. Канал бүйидаги қамишлар саргайиб, таъзимга бош әгdi. Сувлар тиниқлашиб, остидаги ўтлар күриниб қолди. Осмонда шамолга әргашган мезонлар кезди, заъфарон хазонлар пирпиради. Үnsiz куз шарпаси қаҳрабо ҳассасига таяниб, ер юзида кеза бошлади. Эрталаблари қуюқ туман остида жунжиккан паҳтазорга кириш кишини сескантিрадиган бўлиб қолди.

Гавҳар ҳамон аввалгидай ишлар, аммо энди меҳнатининг «натижаси» икки ҳисса күпроқ ёзилар эди. Биринчи марта юз саксон кило паҳта тердим, деганида Зулайҳо уни бағрига босиб эркалади. Үзини бунчалик қийнамаслигини тайинлади. Кейин... шубҳа билан қарай бошлади. Үндан кейин аллақандай бегонасираб қолди. Йұқ, у ҳали ҳам аввалгидай меҳрибон эди-ю, аммо ниманидир айтотмаётганидан хижолат бўлаётгандай кечқурунлари кам гаплашар,

иш түгрисида гап бошланса, мавзууни бошқа томонга буарди.

Гавҳарнинг ўзи ҳам бундай гаплардан юраги безиллар, аммо қочиб қутулолмасди. «Илгор»лиги ҳақида аввал курсдошлари орасида гапиришди, кейин «ташаббуси»ни бутун факультетта ёйишиди. Юнусов билан Талъат кўпчилик ўртасида унинг номини тилдан қўймайдиган, бошқаларни ундан ўрнак олишга ундаидиган бўлиб қолди.

Йигирма кун ичида Гавҳарнинг кўзлари киртайиб, озига кетди. У одамлардан ўзини олиб қочар, камгап, одамови бўлиб бораради. Ҳамма унга бегонасираб қараётгандай, орқасидан пиширлаб гапираётгандай эди. Фақат Мансур ҳамон ўзгармаган, ҳамон Гавҳарни аввалидай авайлар, оқшомлари узоқ-узоқ сухбатлашарди...

...Шу куни Гавҳар ланж бўлиб уйгонди. Унинг руҳи тушиб кетган, нимадан хафалигини ўзи ҳам билмас, лекин ҳеч ишга қўли бормасди. Пайкалга тулиғандан кейингина ланжлиги йўқолди. Кўйлагининг этаклари тонг шудрингидан ҳўл бўлиб кетганига, иссиқ кофтасининг енги кўкариб қолганига парво қилмай чаққон ишга киришди. Паҳталар унинг нозик бармоқларига илашиб чиқар, чаноқлар силкиниб қоларди. У энгашиб олганча тез-тез ишларкан, уйга ёзган хатларига жавоб келмаганини эслаб, кўнгли хижил бўлди. Мандат комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтган куниёқ институтга кирдим, деб ёзган, аясини чўчитмаслик учун Мансур акаси ҳам ўзи билан бирга эканини айтган эди. Гавҳар аяси билан дадасини, Гиёс аяси билан Фотима-Ҳусанларни ўйлаган сайин согинч кучаярди.

Кун тиккага келиб қиздира бошлади. Гавҳар кофтасини ечиб, бир туп баланд гўза учига илаётган эди, хирмон томондан Абдухалилнинг овози гулдуради:

– Обе-е-ед!

Бир тұда талабалар аллақачон хирмон бошига бориб олишган, бошқалар терган пахтасини орқалаб ўқариқдан турнақатор тизилиб кетишарди. Гавҳар толиққанини энди ҳис қилди. Боядан бери терган уч уюм пахтасини этакка зичлаб жойлади-ю, юкнинг оғирлигидан икки букилиб, тарози томонга юриб кетди. Хирмонга яқинлашганида қадамлари секинлаша бошлади, этикнинг вазминлиги яна сезилди. У юкни тепаликка олиб чиқолмаслигини билар, аммо тұхтагиси келмасди. «Майли, бари бир етаман!»

У тиришиб-тирмашиб хирмонга чиқа бошлади. Каттакон темир тарози ёнида турған Талъат уни күриб қолди шекилли, ҳисоб дафтарини пахта устига ташлаб, чопиб түшди.

– Бунақа оғир күттарманг-да! – У Гавҳарга құл чўзди.

– Керакмас, ўзим... – Гавҳар яна икки қадам босди. Энди у қўлларининг томири тортишиб, оёқлари қалтирай бошлаганини сезиб турарди.

– Бу ёққа беринг! – Талъат унинг елкасидан этакни олди. Бир силтаб орқалади-ю, тез-тез юриб тарози тарафга кетди.

– Қирқ бир кило, – деди этакни тарозидан тушириб. – Ҳаммаси бир юз икки бўлди!

Гавҳар унга қарамасликка ҳаракат қилиб пахтани ағдарди, бир чеккада турған косасини олиб, бақдан сув қуйиб ювди. Йигит-қизлар навбати билан Абдухалилнинг ёнига келишар, у бўлса ҳар гал косани тўлдирган заҳоти «Следующий!» деб бақириб қўярди. Ҳавода мошхўрданинг хушбўй иси анқир, талабалар чекка-чеккага ёнбошлаб овқатланишарди.

Гавҳар билинтирмай ютиниб қўйди. Навбати билан бориб индамай идишини узатди. Терлаб-

пишиб кетган Абдухалил бошини күтариб жилмайды.

— Ҳорманг, Гавҳар!

— Саломат бўлинг, — деди Гавҳар секин.

— Рекордчиларга бир эмас, икки ҳисса мошхўрда бераман! — Абдухалил унинг косасига бир бўлак гўшт ташлади.

Гавҳар хижолатдан қип-қизариб ён-верига аланглади. «Рекордчи», «илгор» деган сўзлар энди унга ҳақоратдай туюлар, ҳар гал шу сўзни эшитса этлари жимирилашиб кетарди. Унинг кетидан иавбат кутиб турган паст бўйли, сап-сариқ қиз лабини бурди. Гавҳар бу қиз билан курсдош бўлса ҳам ҳали яхшироқ танишиб олмаган, отини ҳам билмасди. Қиз ошкора пичинг қилди:

— Албатта рекордчи бўладилар-да! Гавҳар чиройлилар!

Гавҳарнинг кўнгли бузилиб кетди. Ўз-ўзидан қўлларититрай бошлади. Косани ташлаб юбормаслик учун бурилиб кетаётган эди, Талъат билан тўқиаш келиб қолди. Афтидан, у ҳозирги гапни эшитган, ранги қув ўчиб кетган эди.

— Тўхтанг! — деди у Гавҳарга. Кейин Абдухалилнинг тепасига келди-да, чўмични бандидан маҳкам ушлади. — Шошманг, ҳозир нима дедингиз?!

Абдухалил қаддини ростлаб, бир Гавҳарга, бир Талъатга қаради.

— Кимга?

— Норбоевага... — Талъат лабини қимтиб таъкидлади. — Сиз... умуман ақлингиз етмаган нарсаларга аралашманг, тушундингизми?

Абдухалилнинг сарғиш қошлари уюлди. Пишқириб, чўмични тортиб олди-да, паст, таҳдид оҳангига шипшиди:

— Боринг! Тошингизни теринг! Ақлим етгани учун гапиряпман!

Гавҳарнинг томоги гиппа бўғилиб қолди. Секин-секин юриб хирмондан тушди-ю, гўзапоялар орасига кириб кетди. Чўккараб олганича овқатни тўкиб ташлади. Мошхўрда суви ариқнинг қатқалоқ бўлиб ёрилган тирқишиларига сингиб кетди. Мош, гуруч донлари битта-биттадан терилиб қолди. У ариқ ичига мук тушганча кафтлари билан юзини тўсиб олди. Йиглагиси келар, аммо йиглай олмасди.

«Нима бўляпти ўзи? – у бошини қатқалоқ ерга яна ҳам қаттиқроқ босди. – Кимга айланиб қолдим?!»

Бир маҳал елкасига аллаким кафтини қўйганини илғаб, бошини кўгарди. Абдухалил унинг устида эгилиб турар, кўзлари айборона жавдиравди.

– Кечиринг, синглим, – у нима дейишини билмай пешанасига тушиб турган саргиш соchlарини тутамлади. Ичи тўлиб кетди шекилли, овозини баралла қўйиб юборди. – Хафа бўлмагин энди, синглим! Мен анави олифтани сўқмоқчи эдим. Қани, юр, бирга овқатланамиз.

Гавҳар билагини унинг қўлидан тортиб олди. У шу топда бир оғиз гапирса йиглаб юборишини билар эди.

– Мендан хафа бўлдингми?

– Мен сиздан хафа эмасман! – Гавҳар этакни елкасига ташлаб, пайкал ичига югуриб кетди. Ўқариққа етгунча тўхтамади. Кенг, зах ариқ ичига этагини ёзди-ю чалқанча ётиб олди. Қовжираб қолган гўза барглари шамолда силкиниб ҳазин шилдирав, аллақаерда терим машинаси гувулларди. Осмоннинг бир чеккасида самолёт кўринди. Қуёш нурида олмосдай ялтираганча, орқасидан тўзонли из қолдириб ўқдай учиб борар, момиқ булувларнинг патини тўзитиб олга парвоз этар, аммо овози эшитилмас эди. Гавҳар самолёт кўздан гойиб бўлгунча тикилиб ётди.

Хирмон томондан элас-элас товуш келди.

— ...а-а-р-р! Гавҳар-р!

«Талъат чақиряпти! Нима, малайманми? Керак бўлса ўзи топсин?»

У индамай ётаверди. Анчадан кейин гурс-гурс қадам товушларини эшишиб ўрнидан турди. Баланд гўзапояларни қўли билан эга-эга шу ёқقا келаётган Талъатни кўрди. У ёлғиз эмас эди. Кулранг шляпа кийган, қора қўзойнак тақсан, гавдали бир киши ариқ ичидан Талъат билан ёнма-ён келарди.

— Танишинглар! — Талъат яқин келиб гавдали кишига уни кўрсатди. — Факультет юлдузи Гавҳар Норбоева шу киши бўладилар. Кунига юз саксон, икки юз килодан теряптилар. — Кейин нотаниш кишига имо қилди, — булар вилоят газетасидан келибдилар. Марҳамат, ўртоқ Нуридинов!

Гавҳар нотаниш кишининг фотоаппаратига эътибор бермаганди. Талабаларнинг ярмида фотоаппарат бор, кунора суратга тушшиб туришарди... Гавҳар Нуридиновнинг мухбир эканини энди билиб, уялиб кетди.

— Йўқ, мен тушмайман! — деди хижолатдан қизариб. — Бошқалар ҳам бор-ку!

— Бошқалар ҳам тушади. — Мухбир қора қўзойнагини қўлига олиб, аппаратини гилофдан чиқарди. Одамларнинг камтарлигини кўравериб, кўникиб кетган бўлса керак, Гавҳарнинг қаршилигига қарамай, икки марта суратга олди-ю, раҳмат айтиб бурилиб кетди.

Талъат мухбирнинг кетидан қараб турди-да, узоқлашганидан кейин бир дона ҳом кўракни юлиб олиб орасини ёрди.

— Шу одатингиз қолмади-да, Гавҳар! «Икки юз кило термайман, суратга тушмайман!..» Қизиқсизда...

Гавҳар унга зимдан қаради. Талъат табассумли кўзларини кўракдан узмай, оппоқ, нам пахтани ипдай

чўзиб-чўзиб сугуриб оларди. Гавҳар ҳар сафар унга қарамасликка ҳаракат қиласа ҳам, нимаси биландир бошқалардан ажралиб турадиган бу йигитта бир лаҳза термилиб қолганини ўзи ҳам билмас, кейин узидан-ўзи гижиниб кетарди.

— Курсдошларимни алдаганим етмайдими? Энди газетани ҳам алдайманми?

Талъат кўракни улоқтириб юборди. Ҳамон қулиб турган кўзлари билан уни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.

— Ҳозир бир гап айтсам, тагин йўқ дейсиз! Кечқурун туман марказида кимё факультетининг талабалари билан учрашув бор, — Талъатнинг кўзларига жиddият чўқди. — Сиз ҳам сўзга чиқасиз. Декан айтди.

У Гавҳарининг жавобини кутмай кескин бурилди-ю, юмшоқ ерни туфлиси билан чуқур-чуқур босиб юриб кетди.

\* \* \*

Улар тош кўчада ёнма-ён келишарди. Чодир тутган ой сарғиш нур сочар, олис пайкалларда туруллаётган терим машиналарининг чироқлари ялат этиб кўриниб қолар, кейин тагин бурилиб кетар, далалар устида серташвиш куз ҳаёти давом этарди. Аллақаерда бедана сайрап, подадан адашган сигир маърар, оёқлар остида юмалаган тош тун сокинлигида қаттиқ шарақларди. Талъатнинг юзи чекаётган сигаретининг ялат этган қизгиш чўғида ўқтин-ўқтин ёришиб кетарди. Гавҳар эса тез юриб борар, ҳозир тугаган мажлис қўз ўнгидан кетмасди. Чироқлар нурига чўмган кенг зал, нотаниш чеҳралар, иккичу оғиз сўз, қарсаклар... У шундан бошқани эслай олмайди. Нима деди? Кимларни гапирди? Гуруҳдаги илгор йигит-қизларнинг номини айтди. «Ўзим ҳам

кунига икки юз килога яқин пахта тераман», деди. Бұлди!

— Зүр экансиз-ку, тағин сұзға чиқиши билімайман, дейсиз!

Гавқар хаёллари тұзіб Талъатта үтирили қаради. «Нимани үйлаётганимни қаёқдан билди бу?»

— Яхши гапирдингиз... Фақат машина учрамагани чатоқ бұлди-да. Аксига юради ўзи. Ҳар куни пунктта пахта топширган машиналар қайтарди-я!

Гавқар бу сафар ҳам жим кетаверди.

Уч-тұрт қадам юргандан кейин Талъат хавотирли оҳангда гапирди:

— Қаранг, Гавқар, ҳавони булуут үраяпти. Одамларга жабр бұлади-да... Пахтага ҳам. Бир кун ёмғир ёғса, пайкалга бир ҳафтагача машина тушолмайды.

Гавқар осмонга қаради. Чиндан ҳам ҳавога оқиши булуулар ёйилган, баданга чиққан ярадай қизгиш тус олган ой осмоннинг қоқ үртасида қотиб қолған зди.

— Ишқилиб ёғмасин-да, — деди у секин.

— Биласизми, Гавқар, авваллари мен пахтага чиқищдан құрқардым. Тошкент мактабларыда үқувчилар ҳашарға чиқишимасди. Жуда зарур бўлиб қолса ён-атрофдаги хужаликларга дам олиш кунлари чиқиб келардик. Үшанда ҳам бир амаллаб чиқмай қолардим...

Гавқар Талъатнинг хұрсинганини эшилди.

— Үшанда үртоқларинг билан бир-икки ой ёнмаён яшаш қанчалик яхши бўлишини билмас эканман...

Гавқар Талъатнинг ўқинч билан гапираётганини сезди.

— Энди билдингизми?

— Ҳа, энди яхши биламан. Ҳамма нарса ҳам йўқолганидан кейин азиз бұлади. Мана, сиз ҳозир талабасиз. Талабаликнинг қадрини билмайсиз. Беш йил кўз юмиб-очгунча ўтиб кетади. Ундан кейин шу йилларнинг қадри билина бошлайди.

Ярим соатчадан кейин қишлоққа кириб келишди. Уйлар жимжит, ҳамма уйқуга кетган, чироқ күринмасди. Мактаб ёнига етиб қолишганида, тор күчадан чиқаверишда девор тагида турған шарпани Гавҳар биринчи бўлиб кўриб қолди-ю сесканиб кетди.

— Анави итми, Талъат ақа?

Девор панасидаги шарпа ириллади. Каттакон қоп-қора ит тупроқ чангитиб бирдан олдинга ташланди. Гавҳар тисарилиб-тисарилиб Талъатга урилди. Итнинг гужанак бўлиб олганини ҳам, бир сакраб чеккага ўтиб кетганини ҳам кўрмади. У қўрқувдан даг-даг титрар, юраги гурсиллаб уради.

Тўсатдан унинг лабларига илиқ нафас урилди. Биринчи марта физикадан имтиҳон топшириш учун эшикдан кириб кетаётганида Талъатдан анқиган эркакларга хос, бошни айлантириб юборувчи исни туйди димогида. Талъат унинг елкаси оша эгилганча узоқ, эҳтирос билан ўпди. Гавҳар унинг оғушида қолган, қимирилай олмасди. Талъатнинг қайноқ лаблари бир зум узоқлашди-ю, аста пичирлади:

— Яхши кўраман сени!

Ўша лаблар яна чанқоқлик билан ўпа бошлиди. Гавҳар кўзларини чирт юмиб бир лаҳза эсанкираб турди-ю, дафъатан Мансурнинг ишонч, меҳрибонлик билан қарашлари кўз олдига келиб, кучи борича силтаниб, Талъатнинг оғушидан чиқди. Югуриб кўчанинг ўртасига бориб олди-да, қайрилиб қарамай чопиб кетди. Тупроқ тўп-тўп қилар, оёгининг тўпигига урилиб, туфлисининг ичига тўлиб чиқар, аммо у тўхтамас, орқасидан Талъатнинг чақирган товушини эшитган сайин қаттиқроқ югурад, терлаб кетганди. Зим-зиё кўчанинг икки четидаги тераклар шовуллар, яқин жойда ит акиллар, лекин шу топда Гавҳар ҳеч кимдан чўчимас, фақат бу ердан кетгиси, тезроқ кетгиси келарди.

Кампирнинг ҳовлисига етганидагина ўзини босиб олди. Зулайҳони уйғотиб юбормаслик учун эшикни аста очиб қоронги хонага кирди. Ўз каравотига ўтириб туфлисими ечаётган эди, Зулайҳонинг хўрсинганини эшилди.

– Қаёқда эдингиз?

Гавҳар унинг ухламай кутиб ётганини овозидан билди. У чироқни ёқмаганига хурсанд бўлар, Зулайҳонинг кўзларига кўринишдан қўрқарди.

– Кимё факультетининг талабалари билан учрашув кечасига бордик.

– Бир оғиз айтиб кетсангиз бўлмайдими? Мансур уч марта сўраб чиқди. Ўтириб-ўтириб ҳозир кетди.

«Мансур! Мансур... Менинг Мансур акам!»

Гавҳар энтикиб кетаётганини яшириш учун кўрпага бурканиб олди.

– Ким билан бордингиз? – Бу сафар Зулайҳонинг овозида зарда бор эди.

Гавҳар лабларини маҳкам тишлиб, бир нафас индамай турди-да астагина:

– Талъат ака билан, – деди.

– Анави олифта-қуруқ биланми? – Зулайҳо жимиб қолди. Алланимани ўйлади шекилли, армонли оҳангда гапирди: – Ўзгариб қолдингиз, Гавҳар!

Гавҳар унинг ўрнидан туриб, ўтириб олганини сезди-ю қимирламай ётаверди.

– Қулоқ солинг, – деди Зулайҳо хўрсиниб. – Мен сизга насиҳаттуйлик қилмайман... Ростини айтяпман... Одам баъзида бир бор нотўғри босган қадами учун умрбод жавоб беради. Ҳаммасини сезиб юрибман. Талъатни беш қўлимдай биламан. Рост, илмли йигит. Лекин сиз ўйлаган одам эмас, бунаقا йигитлардан узоқроқ юрган яхши. Тағин мени йўлдан уряпти деб ўйламанг. Сизни яхши кўрганим учун айтяпман. Ўрнингизда мен бўлсан, Мансурни ҳеч кимга алишмасдим.

Гавҳар қаттиқроқ бурканиб олди. Кўрпа астарини тишлай бошлади. Ўз-ўзидан нафратланиш деган туйғудан ларзага келган вужуди қалтираб кетди.

У Мансурни Талъатга алишармиди? Мансурни-я! Бунақалардан мингтаси Мансурнинг тирногига садақа бўлиб кетмайдими!

Зулайҳо ҳамон алланималарни куйиб-пишиб гапирав, аммо энди Гавҳарнинг қулоқлари том битиб қолган, нафаси қисилиб борарди.

— Бўлди, — деди у кўрпага янайм маҳкамроқ бурканиб. — Бўлди, гапирманг!

Зулайҳо яланг оёқлари билан полни чил-чип босиб, унинг тепасига келди. Силтаб, кўрпани олиб ташлади. Гавҳар чучиб турди-ю, гужанак бўлиб ўтириб олди. Зулайҳо унинг ёнига оҳиста чўқди. Елқаларидан қучоқлади.

— Жиннигинам! — деди меҳрибонлик билан. — Шунаقا соддасизки, шунаقا яххисизки...

Гавҳар индамай қоронги бурчакка тикилиб ўтираверди.

— Мендан аразладингизми? — Зулайҳо унинг иягидан аста ушлаб ўзига қаратди. Гавҳар унинг жилмайиб турган чеҳрасини ғира-шира кўрди-ю, кўзларини олиб қочди. — Гавҳар... сиз соғдилсиз, ёшсиз, ҳаётда адашманг, дейман-да...

Гавҳар Зулайҳонинг гаплари самимий эканини ҳис қилган сайин Талъатнинг бояги қилиги хаёлида жонланиб, ўзини ўзи ёмон кўриб кетар эди... Орага узоқ сукут чўқди. Сунг Зулайҳо тўсатдан сўраб қолди:

— Гавҳар, тўгрисини айтинг. Кунига шунча пахта тераётганингиз ростми?

Гавҳар сесканиб кетди. У худди шу саволни эшитишдан қўрқиб юрган эди. Мансур, Абдухалил, хуллас, яқин кишиларининг қарашида мана шу унсиз савол борлигини билар, бироқ ҳозирча

биров сўрамаган эди. Мана, ниҳоят Зулайҳо чида б туролмади, ёрилди.

Гавҳар алам билан кўзини чирт юмиб кўрпани устига тортмоқчи эди, Зулайҳо қўймади.

— Ахир бу гап ёлгон-ку, Гавҳар, ёлгон-ку!

— Қўйинг, жон опа, қўйинг! — У хўрлиги келганидан бошқа гап тополмас, овози титраб ялинар, Зулайҳонинг юзига қараашга ботинолмасди.

Зулайҳо чуқур уф тортиб, туриб кетди. Ўз ўрнига бориб ўтиреди. Гавҳар тескари қараб ётиб олди.

— Институтга киравсиз ҳам, ўқирсиз ҳам, — деди Зулайҳо ўйчанлик билан. — Лекин кейинчалик гуруҳдошларингизнинг юзига қандоқ қарайсиз. Шундан қўрқаман...

Гавҳар ҳамон тескари қараб ётар, бармоқларини жон-жаҳди билан тишлар, аммо оғриқ сезмасди.

\* \* \*

Эртасига туман тушди. Тушга яқин яна кун қизиб кетди. Осмон баҳордагидай топ-тоза бўлиб қолди. Йўл чеккаларида, канал бўйида умри қисқа куз чечаклари хаңда қилди.

Мансур ишдан барвақт чиқди. Ҳозиргина пода қайтган, қишлоқ бузоқларнинг маъраши, хотин-халажларнинг қий-чуви билан тўлган, ҳавода пиёздог иси анқийди. У сочиқни елкасига ташлаб, канал томонга кетди. Кечадан бери Гавҳарни кўрмади. Эрталаб сўраб кирса, ҳаммадан аввал далага чиқиб кетган экан. «Кеча сизнинг кетингиздан келди, — деди Зулайҳо. — Туман марказига борган экан. Хавотир олманг».

Мансур бошқа ҳеч нима суриштирмади. Аммо Абдухалилнинг ўша гапидан кейин кўнглининг бир чеккаси хижил бўлиб юради. Йўқ, Талъат ёмон йигит эмас. Абдухалилнинг ўзи шу: бировни

бир яхши күриб қолса, умрбод ажралмайды. Бир ёмон күрса, қасдашгани-қасдашган. Нимага у Талъатни ёқтиirmайды? Одамлар ҳам қизиқ, бирорни ёмонотлиқта чиқаришади-ю, билар-билмас ёмонлашаверади. Талъатнинг айби нима? Бирорга ёмонлик қилаёттани йўқ-ку!

«Ҳаммадан ҳадиксирайвериш яхши эмас, – дерди унга онаси. – Ўзига тўғри одам бошқалардан чўчимайди. Ҳаммага ишонгину, аммо ким сени алдай бошласа, унақалардан узоқроқ юр».

Йўқ, унинг кўнглини ғаш қилган бу мас, бошқа нарса. Юнусов билан Талъат Гавҳарни «қаҳрамон» деб бекор қилишпти. Ҳар сафар у Гавҳарни кўрган замони шуни ўйлади-ю, юраги хижил бўлади. Бир вақтлар Богишамолда ҳам энди ўнинчи синфни битирган Салтанат деган қизни шунаقا кўтар-кўтар қилишган эди. Қиз чиндан ҳам чаққон, меҳнатсевар эди. У бобон отасининг бригадасида ишлаб юрди. Ўша йили узум мўл бўлди. Салтанатни туман газетасига мақтаб ёзишди. Келгуси йил у ёшлидан бригада тузди. Шу йил ҳам ҳосил яхши бўлди. Шундан кейин шошиб қолицди. Уни хўжалик ёшлар ташкилотига котиб қилиб сайлашди. Яrim йил ишлар-ишламас, энг катта пахтакор бригадага бошлиқ қилиб қўйицди. Ўшанда Мансур еттинчи синфда ўқирди. Чопиқами, теримгами ҳашарга чиққанида офтобда куйиб-пишиб юрган Салтанатни кўради. Энди фаҳмласа, Салтанатнинг фожиаси ўшандаёқ бошланган экан. Салтанат пахта тилини билмагани учунми, бригадани чўқтириб қўйди, ҳосил пасайиб кетди. Аммо хўжалик раҳбарлари номи тилга тушган қизни ўқитар-ўқитмас ҳосилот мудири қилиб «сайлашди».

Салтанат амал погоналаридан қанча тез кўтарилиган бўлса, шунча тез тушиб кетди. Охири қишлоқ дўконида сотувчилик қилиб, «ҳеч ким»га айланиб қолди.

Мансур каналдан ювениб чиққанида оқшом қуюқлашиб қолган эди. Уфқда кезиб юрган булуутлар қуёшни ётогига киритиб, алвон говрапұш ёпган, қишлоқ тинчиб қолғанди. Мансур ожиз куз чечакларини босиб бораркан, тагин Гавҳарни үйлади. Йүқ, Салтанат билан Гавҳарнинг ўртасида катта фарқ бор. Аммо мақсад бир-ку, Юнусов билан Талъат Гавҳарни мақтаб одамларни унга «эргаштиromoқчи-ку!» Гавҳарнинг «қаҳрамон» эмас-лигини курсдошлари билмайдими? У дүстларидан, дугоналаридан ажралиб қолса, шунинг үзи фожия эмасми?

Гавҳар билан бафуржя гаплашмаса бўлмайди.

У илдам қадам босиб мактаб ҳовлисига кириб келди. Талабалар даладан қайтган, бирор ювингани кетар, бирор этигининг чангини қоқиб тозаларди.

Мансур ҳовли ўртасига етиши билан орқадан машина сигнали эшитилди. Мактабнинг очиқ дарвозасидан кўкиш такси кириб келди-ю, яrim доира қилиб айланиб тўхтади. Эшик очилиб, қора костюм кийган баланд бўйли йигит тушди. Мансур жилмайиб үзи томон келаётган йигитни дафъатан таниёлмай турди-да, кейин суюниб кетди.

– Гиёс ака!

Гиёс у билан қучоқлашиб кўришди. Мансур унинг анча тўлишганини, катта кишилардай салобатли бўлиб кетганини сезди. У Богошамол нафасини, ўтмиш сўқмоқларида қолган болаликнинг азиз хотираларини олиб келган бу йигитга ҳавас билан қарап эди.

Икковлари Гавҳарнинг қаёқдан етиб келганини сезмай қолиши. Унинг соchlари, қизил тўр кўйлаги чангдан оқариб кетган, кўзлари қувончдан ёнарди. Мансур Гавҳарнинг акасига отилишини, бўйнига осилиб олишини кутиб турарди.

Аммо у секин-секин юриб яқинлашды-да, құл узатди.

— Оббо сен-эй! Катта қызы бүлиб қопсан-ку, а!  
Сиполигини қаранг буни, Мансуржон!

Гавәр акасига жиіддій қараб тураркан, сұради:

— Қачон кеңдінгиз?

— Уч күн бұлды. Зоотехниклар көнгашыға келгандым.  
Кечаси самолёттага чиқаман. Яхши юрибсанми? Хафа бұлмайсан, синглім, совға ололмадим.

Гавәр жилмайды.

— Аямлар, дадамлар яхшимилар? Аячамлар?..

— Ҳаммаси яхши! Фотима-Хұсанлар яқында «амма» дейдіган бүлиб қолади. Қачон борасан?

— Қишки таътилда.

Мансур ака-сингилнинг суҳбатига халал бермаслик учун хонага кириб кетди. Дераза токчасида турған идишлар орасидан үз косасини топди.

«Гиёс ака ҳам талабаларнинг «оши ҳалоли»дан бир тотиб күрсін! Биргалашыб овқатланамиз».

У косани артиб, тозалаб ҳовлиға чиқди-ю, тұхтаб қолди. Машина күрінмес зди. «Кетиб қолибди», унинг күнгли хижил бұлды. Иштағаси бүғилди. Абдухалилнинг ёнида навбат кутиб, овқат олаёттанларга лоқайд қараб турди-да, хонага қайтиб кирди. Косани ёстиқ устиға ташлаб, яна ҳовлиға чиқди. Бир нафас иккіләніб турди-ю тез-тез юриб Гавәрлар турған ҳовлиға кирди.

Уларнинг хонаси очиқ турар, дераза ёнидаги ийғма қаравотта үтириб олган Зулайқо сочини тараарди. Мансур останада бир зум туриб қолди.

Мансур бевақт кирганидан хижолат чекиб, яна бир зум иккіләніб турди-да, сұради:

— Кечирасиз, Гавәр қайтмадими?

— Келинг, — Зулайқо тароқни қаравотта ташлади.  
Наридан-бери соchlарини текислади. — Акасини

кузатгани кетди, шекилли. Күприқдан қайтса керак. Үтириңг.

— Раҳмат... — Мансур тутқицдан ушлаб эшик рахиға суюнди. Үз саволидан ўзи хижолат бўлаётгандай секин сўради. — Кеча Гавҳар нимага борган экан, билмадингизми?

Зулайҳо унинг нега суриштираётганини тушунди.

— Биронта мажлис-пажлис бўлгандир-да, — деди хотиржам гапиришга уриниб. Кейин тароқ тишларини тирноги билан санаганча ўйланиб қолди.

— Майли, — деди бошини кўтариб, — сиз индамай қуяқолинг. Кеча ўзим ҳам тергаб хафа қилиб қўйдим, шекилли. Устига-устак сиз гапирсангиз бўлмас. Гавҳар эсли қиз. Ҳаммасини ўзи тушунади.

Мансур бирпас ўйланиб турди-ю, индамай чиқиб кетди.

\* \* \*

Уч ҳафтадан кейин хўжалик режани тўлдириди. Шуни кутиб тургандай тушдан сўнг эзив ёмғир ёға бошлади. Йигит-қизлар пайкалга киролмай қайтиб келишди.

Талабалар аллақачон қайтишган, Абдухалил ош дамлашга киришиб кетган эди.

Кўнгилни ғаш қилувчи оқшом қўнди. Гавҳар ёмғирнинг шивирлашига қулоқ солиб қаравотда ўтирап, китоб ўқигиси келмас, юрагига қил сигмасди. Бугланиб кетган дераза ортида қамиш томдан сизиб тушаётган томчилар кўриниб қолар, ҳовли этагидаги маккажўхори поялари ёмғирдан жунжикиб эгилган, қачондир пушталар устига улоқтириб юборилган бир палла қовоқ пўчоги хира ялтилларди. Ёмғирда ивиган тандир оғзидан эски кул кўриниб туради. Үз қаравотида ёнбошлиб олиб китоб ўқиётган Зулайҳо

варақларни шитирлатиб очаётганида унга қараб-қараб қўяр, аммо индамасди.

Гавҳар бир нарсани тушунолмасди. Одамлар ундан узоқлашяптими, ё ўзи одамларга бегона бўлиб қоляптими? Зулайҳо Гавҳарга худди нотавон одамга қарагандай ачиниб қарайди, бундан кўра тутиб олиб ургани яхши эмасми?.. Мансур-чи? Гиёс акаси келган куни Гавҳар унинг кўзига қўринишдан қўрқди. Ўтган куни Мансурнинг ўзи қидириб чиқди. Кўзларига шундай дикқат билан тикилдики, Гавҳар беихтиёр бошини қўйи эгиб олди. Мансур унга ҳеч нима демади. Ҳар хил ўткинчи гаплардан гаплашиб ўтиреди. Фақат хайрлашиш олдидан эшик ёнида туриб секингина:

– Бир ёққа борсангиз, Зулайҳо опангизга айтиб кетинг. Одам хавотир оларкан, – деди-ю тагин бир лаҳза туриб қолди. Кейин «хайр» деди-да, чиқиб кетди. Ҳозир Гавҳар шуларни ўйларкан, ўшанда Мансургә ҳаммасини айтиб бермаганига афсусланди.

...Эшик тақиллади. Зулайҳо ўрнидан туриб чироқ ёқди, «киринг», деди. Сочларига ёмғир томчилари қўнган Талъатнинг боши кўринди. Уй ичига гуркираб ёмғир иси кирди.

– Мумкинми, қизлар?

Унинг юzlари қизариб кетган, қора пиджагининг елкалари жиққа ҳўл эди.

Гавҳар жаҳл билан юзини ўгираётган эди, эшиқдан кириб келаётган Юнусовни кўриб, беихтиёр ўрнидан турди. Режа бажарилгани учун бўлса керак, бугун декан хурсанд эди. Гавҳар билан ҳам, Зулайҳо билан ҳам сўрашди. Кейин ёмғирпўшнинг тугмаларини чиқариб, томчиларини силкитиб ташлади.

– Ўтиринг, дейишниям билмайсизлар-а, қизлар!

Зулайҳо стул йўқлиги учун ийманиб, уни кара-  
вотга таклиф қилди.

– Ҳазиллашдим, раҳмат, – декан каравот четига  
омонат ўтириди-да, ингичка иягидаги томчиларни  
сидириб ташлаб, пиджагининг ички чўнтағидан  
газета олди. Гавҳарга узатди. – Бу сизга эсдалик.  
Кейин... тагин бир йигилишга боришга тўғри келади,  
– у жилмайди, – ошни келиб ерсиз. Ёмгиридан  
қўрқмайсизми?

– Қанақа мажлис?

– Хўжалик клубида план тўлганлигини нишон-  
лашмоқчи. Химиклар ҳам келади, – декан вазмин  
оҳангда давом этди. – Биз уларнида меҳмон бўлиб  
келдик. Энди улар келганда қўл қовуштириб ўтириш  
бўлмайди. Сиз талабалар номидан гапирасиз. Юнусов  
илдам ўрнидан турди-да, Талъатта тайинлади:

– Кечикиб қолманлар.

Декан чиқиб кетганидан кейин Гавҳар нам ўтиб  
кетган газетани варақлади. Иккинчи саҳифада  
Гавҳарнинг катта сурати босилганди. У ён томонга  
қараб қошини чимириб турарди. Гавҳар ўзининг  
суратига бир лаҳза тикилиб қолди. Орқада турган  
Зулайҳо унинг елкаси оша мўралаб ўқиди: «Физика  
факультетининг биринчи курс талабаси Г. Норбоева  
кунига 100–120 килограммдан...»

– Яхши, – деди у Талъатга ўтирилиб. – Мухбир  
инсофли экан, ростини ёзибди. Кунига бир тоннадан  
теряпти, деса нима қилардингиз?

Талъат Зулайҳонинг киноясини сезмагандай,  
Гавҳарни қистади:

– Кийининг!

«Нега менга буюради?» Гавҳар унга шундай газаб  
 билан қарадики, Талъат беихтиёр илжайди.

– Кеч қоляпмиз-да, Гавҳар.

Зулайҳонинг жаҳли чиқди:

— Нима, Гавҳар гўдакми, қаёққа етакласангиз кетаверадиган!

— Биринчидан, мен етаклаётганим йўқ. Шундай қилиш керак эканки, боряптилар, — Талъат шими-нинг чўнтағидан тароқ олиб сочини текисларкан, тагин жилмайди. — Иккинчидан, кимдан рухсат олишлари керак эди? Мансурданми?

— Бунинг сизга дахли йўқ, иззатингизни билсангиз-чи! — Зулайҳо Гавҳарга юзланди. — Мансур акангизга айтинг, бирга боринглар.

Гавҳар Талъат билан уч чақирим нарига — клубга бориш у ёқда турсин, шу тобда ўзини ҳайдаб чиқаришга ҳам тайёр, аммо бошқа иложи йўқ эди. Зулайҳога узр сўрагандай қараб қўйдида, рўмолини бошига илиб ташқарига чиқди. Ёмгири майдалаб ёгар, қоронги қуюқлашиб кетган эди. Гавҳар ёқасидан сизиб туша бошлаган томчилардан сесканди. Дуррачасини яхшилаб тангиб олди. Талъат мактаб биноси олдида уймалашиб юрган талабалар орасидан Мансурни топиб келди. У бошига кепка, эгнига пахталик чопон кийиб олган, совқотаётган бўлса керак, қўлини чўнтақларига суқиб, елкасини қисиб келарди. Мансурни кўриши биланоқ Гавҳар ҳеч қаёққа бормай унинг ёнида қолгиси, мана шу ёмгири ҳавосида биргалашиб кўча кезгиси келди. Мансур нимадандир аччиқлангани, бир амаллаб ўзини босишга уринаётгани сезилиб туради.

— Ҳар мажлисда гапириши шартми? Шунақа гапларсиз мажлис ўтмайдими? — деди зарда билан.

— Бўлмаса айтинг! Гапирма, деб буюринг! — Талъатнинг кулгиси сунъий чиқди.

— Мен ҳеч кимга ҳеч нима буюрмоқчи эмасман. — деди Мансур Гавҳарга қарамай. — Тушунинг, Талъат, одамлар шунақа ёлгон тарғиботга зорми?

— Бу менинг эмас, юқорининг топшириғи. Шикоятингиз бўлса, ўзига айтинг. Мен ҳам биронинг измидаги одамман.

— Қизиқ, Талъат, сиз кап-катта одамсиз-ку! Ақл-фаросатингиз бор-ку!

Гавҳар икки қадам нарида ўзи тўгрисида бўлаётган гап-сўзларга чидаб туролмади. Талъат билан юзмайуз турган Мансурнинг қўлидан ушлаб тортиди.

— Юринг, Мансур ака, ҳеч қаёқча бормайман!

Улар уч қадамча юрган эдилар, орқадан Талъатнинг кулгани эшитилди.

— Мендан шунчалик қўрқиб қолдингизми, Гавҳарой? Еб қўймайман!

Гавҳар таққа тўхтаб қолди. Ичиди алланима узилиб кетгандай бўлди. Талъатнинг нимага шама қилаётганини тушунди-ю, лов этиб ёниб кетди. Тез-тез юриб Талъатта рўпара бўлди.

— Нима? Нима дедингиз?

— Ана, қўрқанингиздан Мансур акангизни бошлаб боряпсиз-ку! — Талъат яна сунъий илжайди.

Гавҳарнинг овози газабдан титраб кетди:

— Бўлти, кетдик! — деди Талъатнинг кўзига тик қараб. Шу топда у Мансур акасининг панасиға беркиниш нияти йўқлигини, бу олифта-қуруқдан қўрқмаслигини кўрсатиб қўйгиси келар эди. Мансур индамай йўлга тушаётганини кўриб такрорлади.

— Мансур ака, илтимос, бир марта хўп денг! Сиз қолаверинг!

Талъат бир Гавҳарга, бир Мансурга қараб истеҳзоли илжайиб турарди. Худди икки гўдакнинг ўйинчоқ талашишини томоша қилаётгандек.

— Илтимос, — деди Гавҳар тагин ўша оҳангда. — Борманг!

Мансур қизиқ аҳволда қолган эди. Бормай деса, Гавҳарни қўзи қиймайди, борай деса, гўё Гавҳарга ишонмаётгандек бўлади.

— Кетдик! — Гавҳар яна Талъатга юзланди. — Бўлинг тез. Бораман ўша мажлисингизга!

Мактаб дарвозаси олдига етганда ортига ўтирилиб қаради. Мансур ҳамон ўша ерда иккиланиб турар, ёмғир эса эзмаланиб ёгар эди...

\* \* \*

Гавҳар мажлисда гапирмади. Ўзи тўгрисида айтилган мақтовларга ҳам лоқайд қулоқ солиб ўтирди. У тезроқ кетишга ошиқарди. Лекин мажлис тугаши билан ҳаммани клуб ёнидаги ошхонага таклиф қилишди. Хўжаликнинг ҳосил тўйи муносабати билан зиёфат беришаётган экан. Гавҳар столнинг бир чеккасида қимтиниб ўтирас, вақт утаётганини ўйлаган сайин юраги сиқиларди. Талъатнинг қисташига қарамай, ҳеч нимани қўнгли тусамас эди. Озгина ичганидан кейин Талъат жуда хушчақчақ бўлиб қолди. У бўйниларигача қизариб кеттан, қизларникiday чиройли киприкларини пирпиратиб, ҳадеб жилмаярди.

— Кетамизми? — Гавҳар тоқати тоқ бўлиб ўрнидан тура бошлаган эди, Талъат тирсагидан тутиб ўтқазди.

— Бўпти, ҳозир. Фақат бир шарт билан. — у боядан бери бўшамай турган қадаҳни Гавҳарга узатди. — Шуни ичасизу кетамиз. Ҳеч нима қилмайди, жуда кучсиз вино...

— Йўқ! — Гавҳар эҳтимол ўнинчи мартадир, кескин бош чайқади.

У ҳеч ичмаганди. Ҳозир, айниқса Талъат билан ёнма-ён ўтирганда асло ичмаслигини биларди.

— Келинг, сизнинг соғлиғингиз учун! — Талъат қадаҳни одамлар кўрмаслиги учун бўлса керак, пастроқ тутиб тагин қистади. — Бунга ҳам йўқми?.. Менинг соғлиғим учун!

Гавҳар унинг қўлида сал титраб турган қадаҳга лоқайд қараб қўйди.

— Бўлмаса... — Талъат керагидан узоқроқ сукут сақлади-да қандайдир сирли, истеҳзоли алпозда давом этди. — Бўлмаса, Мансур акангизнинг соглиги учун ича қолайлик. Нуқул «касал бўлиб қоласиз», деб эсингиз кетади.

Гавҳар ярқ этиб унга қаради. Юзидағи истеҳзоли ифодани кўриб, газаби келди. «Ҳали масхара қиладиган бўлиб қолдингми?» Қадаҳни шахд билан қўлга олди:

— Бўпти, Мансур акам учун!

Ўткир бир ис димогига урилди-ю, бир нафас тўхтаб қолди. Кўз қири билан қараб, Талъат масхаромуз илжайиб ўтирганини кўрди-да, тағин бир марта пичирлади:

— Мансур акам учун!

У қадаҳни лабига теккизиши билан нотаниш, ўткир ичимлик томогини, қўксини куйдириб ўтди. Кўзидан ёш чиқиб кетганини яшириш учун тескари қараб бушаган қадаҳни стол чеккасига қўйди. Кейин ўзини бир оз босиб олди-да, Талъатта ўгирилди.

— Кетдикми энди? — деди хуашақчақ оҳангда.

— Юринг.

Кетма-кет кўчага чиқиши. Гавҳарнинг кўкси ёнар, қулоқлари қизиб бораётганини сезар, лекин қадамлари енгил-енгил кўчарди. Соchlари орасидан пешанасига сизиб тушаётган томчиларнинг гапига тегишига парво қилмас, Талъатдан жиндай бўлса ҳам ўч олганига суюнар, ўзидан-ўзи жилмаяр эди. «Ростда, Мансур акамни мазах қилиш шунаقا бўлади!»

Гавҳар зимдан Талъатта қаради. У бошини баланд кўтариб, қўларини шимининг чўнтағига суқиб борарди. Клуб чироқларидан узоқлашганларидан кейин сўради:

— Катта кўча билан айланиб ўтамизми? Пахтазорни кесиб чиқа қолайлик.

Гавҳар йўл четидаги шумшайтан толларга, у ер-бу ерда гарамланган гўзапояларнинг қоп-қора кўланкасига, ёмғирдан ивиб ётган пахтазорга бепарво қараб қўйди.

— Менга бари бир.

Оёққа елимдай лой ёпишаётган сўқмоқ бўйлаб кетишиди. Талъат олдинда борар, бир чеккаси бўзариб турган осмон фонида унинг баланд гавдаси текис талпинарди. Анча юришиди.

— Анави куни мендан хафа бўлдингиз-а, — деди Талъат орқасига қарамай.

Гавҳар уша кеча тун буйи ухломай чиққанини, Мансурни кўрганида уятдан юраги ларзага тушганини эслади-ю индамади.

— Ростдан... Хафа бўлдингиз-а?

Талъат тўхтаб қолди.

— Юрсангиз-чи, ана сувга тушиб кетдим! — Гавҳар муздек кўлмақдан оёгини тортиб олди. Туфлисини ечиб, шўлтилаётган сувни тукиб қайта кийди. Учтўрт қадам юриб тагин тўхтади. — Оёғим музлаб кетди, газетангиз йўқми, Талъат ака, ичига солиб олмасам бўлмайди.

— Газета? — Талъат қоронгида у ёқ-бу ёққа аланглаб далда берди. — Топса бўлади. Ҳов анави сушилкада қозомзи, қуруқ пичанми бўлиши керак.

Гавҳар Талъат кўрсатган томонига қаради. Даладан анча йироқда пастак, узун бинонинг девори оқариб кўринар эди. Илгашди: гўзапоя қуритадиган эски бино. Икки ҳафтача бурун тушликка чиққанда қизлар билан шу ерга келиб тарвуз ейишган эди. Гавҳар ўшанда ерга газета тўшаб ўтиришганини эслади.

— Юринг, — деди Талъат йўл бошлаб.

Гавҳар ҳувиллаб ётган бостиurmaga яқин борган сайин кўнглида мубҳам бир хавотир сезиб, қадам босиши сусайди. Бостиurmанинг қия томидан

шовуллаб ёмғир қуюлар, ичкарида, зулмат ичида бир нималар ивирсеб юрганга ўхшарди. «Нимагаям хашакни эсладим, кетаверсам бўлмасмиди», деган фикр хаёлидан ўтди.

У бостирма деворига беҳол суюниб қолди. Ичкари қуруқ, пичан иси, оҳак ҳиди келарди. Талъат бостирма ўртасига бориб гуттурт чақди. Бурчакдаги бир уюм пичан, газета парчалари ёрищди, томдан сизиб тушаёттан чакка томчилари ялтиллаб кетди.

— Қоғоз бор экан, — бўшлиқда Талъатнинг овози бўтиқ акс садо берди. У бурчак томонга юрганди, қўлидаги гуттурт ўчиб қолди. Гавҳарнинг ваҳимаси кучайиб кетди. Ичкаридан, сувоги кўчган деворлар орасидан аллақандай шарпалар чиқиб, унинг устига бостириб келаёттандай бўлар, том гувуллар, шамол укиради. «Кетиш керак, тезроқ».

— Келмайсизми? — Талъат яна гуттурт чақди. Бир чеккаси ўпирилган девордан шамол кириб тагин ўчирди.

Гавҳар овози титраётганини яширишга ҳар қанча уринса ҳам сездириб қўйди.

— Озгина олиб кела қолинг!..

— Вой-бў, шунаقا қўрқоқмисиз?

Гавҳар секин-секин юриб, пичан гарами олдига борди. Нафаси тиқилиб, юраги гурс-турс ура бошилади.

— Беринг туфлингизни.

Гавҳарнинг кўзлари энди қоронгиликка ўрганди. Туфлисини ечиб, Талъатнинг узатиб турган қўлига тутқазди. Бир оёқлаб туриш ноқулай бўлганидан, қўлига таяниб, пичан гаранинг бир четига ўтириди. Ёрилиб кетган деворлардан, бўғот орасидан шамол туриллаб кирав, ўртадаги устун қийшайиб кетган эди. Гавҳарнинг ҳаммаёги караҳт бўлиб қолган, томоги қақраб ютинолмае, Талъат ўрнидан жилса, додлаб юборишини биларди. Шамол бир оз пасайиб,

сукунат чўқди. Қора қогоз ёпилган томнинг бўғиқ гувуллаши, чакканинг чипиллаши кучайди.

Талъат чўнқайиб ўтирганча унинг туфлисини пичан билан артаркан, хўрсинди.

— Мендан хафа бўлманг, Гавҳар. Сизни ранжитмоқчи эмасдим, — негадир унинг овози ҳам титраб кетди.

Гавҳар индамади.

— Манг!

Гавҳар ичига қогоз тиқилган туфлисини олди-ю, анчагача қўли титраб киёлмади. Энди оёғига илган эди, Талъат шундай шиддат билан бағрига босиб қучоқлаб олдики, нафас олишга улгуролмай пичан устига ағдарилиб тушди.

— Гавҳар! Жоним! — деди Талъат қаттиқ пицирлаб.

Гавҳар уни кучи борича-итариб ташлади.

Бояги қўрқув энди йўқолган, Гавҳар ҳамон титрар, аммо бу қўрқув эмас, бошқа куч эди.

Талъат уни қўйиб юбормади.

— Гавҳарим, шириним!..

— Қоч! Қўйиб юбор!

Аммо Талъат унга канадек ёпишиб олган, юзкўзларидан ўпар, ҳадеб бир сўзни такрорлар эди:

— Гавҳар! Гавҳарим! Ўзимникисан! Сени ўзимники қиласман!

Гавҳар вужудига шунча куч қаердан қўйилиб келганини, Талъатнинг қучогидан чиқиб, қандай тепиб юборганини билмайди. Талъат чалқанча ийқилиб тушди. Кафти билан бурнини тусди. Ерга тупуриб вишиллади:

— Ёввойи! Нимангга кериласан? Камайиб қолармиди?

— Виждонсиз!

Гавҳар югуриб чиқиб кетаётганида орқасидан Талъатнинг газабнок ҳайқирганини эшитди:

— Мен бекорга шунча овора бўлдимми? Кетингдан шунча бекорга югурдимми?

«Ҳаҳ-ҳа! Мана нима учун Талъат унга «ёрдам берган» экан? Мана нимага ундан «қаҳрамон ясаётган» экан?!»

— Мараз! — деб қичқирди бостиurmанинг қийшиқ дарвозаси олдига борганда. — Виждонсиз!

Отилиб ташқарига чиқди-да, ботқоққа айланган дала ўртасидан югуриб кетди. Туфлиси қаерда лойга ботиб қолиб кетганини ҳам, бошидаги рўмол шамолда тушиб қолганини ҳам сезмас, сирпаниб-сирпаниб чопиб борарди. Алланимага қоқилиб муккасидан йиқилди-да, кўксидан аламли, изтиробли фарёд отилиб чиқди. Лой аралаш гўзапояни чангллаганча титраб-титраб йиглаб юборди. Нимага шунчалик оёқости қилишади уни? Айби нима? Бир одамни яхши кўргани, үшани деб ота-онасининг бағридан чиқиб келгани учунми? Уни ким деб ўйлаяпти, анави ювиқсиз!

У мажолисиз қўлларига таяниб ўрнидан турди. Олисда совуқ сўппайиб турган бостиurmага қўзи тупсиб, юрагини тагин ваҳима босди. Бор кучини тўплаб югуриб кетди. Каналнинг ёғоч кўпригидан утиб қишлоқ кўчасига, таниш ҳовлига отилиб кирди.

Ичкўйлақда ётган Зулайҳо қўзлари қинидан чиққудек бўлиб сапчиб ўрнидан туриб кетди. Уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Гавҳар! Нима бўлди, айтсангиз-чи, Гавҳар!

— Мансур акамни чақиринг! — У шундай деди-да, каравотта мук тушди...

Зулайҳо хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди. Зум утмай ранги қув учиб кетган, бош яланг Мансур югуриб кирди.

— Гавҳар!

Гавҳар чайқалиб-чайқалиб ўрнидан турди-ю, узини унинг кўксига отди. Кейин мук тушиб ўтириб

олди. Мансур уни кўтариб олишга уринар, аммо Гавҳар унинг оёқларини борган сайин маҳкамроқ қисар, қўйиб юбормасди.

— Гавҳар, гапирсангиз-чи, ахир.

Гавҳар ҳиқиллаб-ҳиқиллаб, Мансурнинг тиззалиари орасига юзини яширди.

— Талъат... менга... менга ёпишди... Ёпишмоқчи бўлди... — У бошини кўтариб илтижо қилди. — Уринг мени, Мансур ака! Жон Мансур ака, ўлдириб ташланг. Айб ўзимда!

Зулайҳо қўрқув ичра каравотга ўтириб қолган, ҳозир портлаш рўй беришини биларди. Мансурга бир нима дейиш, босиб қўйиш кераклигини тушунар, аммо тили қалимага келмасди.

Бирдан Мансурнинг юзига қон гупуриб кетди. Аста эгилди-ю, Гавҳарнинг тўзиб кетган соchlарини силай бошлади.

— Тентак. Қўрқитиб юбординг одамни. Қани, бошингни кўтар-чи! — У Гавҳарнинг ҳўл бўлиб кетган юзларини силаб, қўзига тикилди. — Ҳаммаёғинг шилиниб кетибди...

Зулайҳо Мансурнинг уйчан кўзларига қараб энтиқди. Мана шу кўзларнинг сокин боқиши учун, қувончни ҳам, аламни ҳам сиғдира оладиган мана шу қалби учун Гавҳар Мансурни бир умр бошида кўтариб юрса арзишини ҳис қилди.

Гавҳар ҳам Мансурга тикилган кўйи чуқур-чуқур хўрсинарди. Кейин бошини қўйи солди-да, ўзининг кўз ёшидан ҳўл бўлиб кетган Мансурнинг қўлларини упа бошлади.

— Қани ўша номарднинг ўзи?

Абдухалилнинг овози гулдураганидан кейингина эшик ёнида турганини кўришди. У Зулайҳо Мансурни чақириб борганини эшиттан бўлса керак, югуриб келган, эски телпагини бир томонга

қийшайтириб бостириб олган, құзлари ўт бўлиб ёнар, бурун катакларини кериб пишқиради.

Гавҳар ўтирган ерида эсанкираб, канал томонни кўрсатди.

— Қўрқманг, синглим... — Абдухалил қўзлари олайиб пишқиради. — Ҳозир уни... — Кейин чапаничасига қалаштириб сўкинди-да, зулмат қўйнига шўнғиди.

Зулайҳонинг тили энди гапга келди:

— Чопинг, Мансур, югуринг! Ўлдириб қўяди!

Мансур Гавҳарнинг ҳали болалик нури кетмаган қўзларига яна бир қаради-да:

— Хотиржам дам олинглар, — деб чиқиб кетди.

Мансурнинг вужудида қизиб ётган вулқон энди портлади! У газабдан томири тортишиб қолаётган оёқларини қатта-катта ташлаб югуриб кетди. Атрофга чилл-чилл лой сачрар, шамолда гувуллаган тераклар чирпирак бўлиб орқада қоларди. Қишлоқдан чиқаверишда Абдухалилга етиб олди.

— Тўхтанг! — деди ҳаллослаб. — Қайтинг.

Абдухалил бир силташда унинг қўлини қайириб ташлади, болохонадор қилиб сўкинди.

Мансур тагин унинг йўлини тўсди.

— Қайтинг, Зулайҳо илтимос қиласпти.

Абдухалил лойда сиргана-сиргана тагин олдинга интилди.

— Талъат келмайди энди... Қочворган. Зулайҳо юрагини ҳовучлаб ўтирибди, қайтинг, Абдухалил.

Мансур Абдухалини бир амаллаб қўндириди-ю, ўзи канал кўпригига бориб тўхтади. «Бари бир шу ердан ўтади, газанда!» У кўпrik панжарасига суюниб олдинга тикилди. Зулмат орасида унда-мунда чироқлар кўриниб қолар, ёмгир томчилари каналга овозсиз урилар, ҳўл бўлиб кетган қамишлар ҳазин шитирларди.

«Келмайди! — пицирлади у мудҳиш зулматга тикилиб. — Келмайди!» Гавҳарнинг маъсум қўзлари

хаёлида жонланди-ю, тишлари гижирлаб кетди. Унинг виждон азобида қийналиб юрганини Мансур билармиди? Биларди! Курсдошлари, дугоналаридан ажралиб қолганини билармиди? Биларди! Мансур буларнинг ҳаммасини Гавҳар ўзи учун, ўзи билан ёнма-ён туриш учунгина қилганини ҳам биларди! У фақат бир нарсани билмасди. Талъатнинг шу қадар пасткашлигидан бехабар экан.

Ёғоч кўпприк лопиллай бошлади. Мансур кескин ўтирилиб қаради.

— Мансур!

У Зулайҳонинг товушини таниди.

— Юринг, — деди Зулайҳо яқин келиб. — Абдухалилни бир амаллаб кўндириб келдим. Сиз қайтиб бормасангиз, туман марказигача қидириб борищдан тоймайди.

Мансур бир зум иккиланиб турди-да, ниҳоят, Талъатнинг туман марказига жўнаб қолганига ишонч ҳосил қилиб, кўприқдан тушиб кетди.

\* \* \*

Шунча кун эзив ёққан ёмғирдан сўнг ҳаво очилиб кетди. Кузнинг сўнгти илиқ кунлари бошланди. Осмон янаям тиниқлашиб, кўнгилга ором берувчи шамоллар эса бошлади. Каналда сув пасайди. Қишлоқ кўчалари, пахтазор пайкаллари селгиб қолди.

Ниҳоят, учинчи куни Талъат келди. Мансур бу кунни «орзиқиб» кутган эди. Ҳар оқшом штаб олдига келиб-кетар, Талъат билан «гаплашиб олиш»ни кўнглига тутиб қўйган эди. Штаб эшиги олдида папирос чекиб турган Талъатни кўрди-ю, кўзлари газабдан қисилиб кетди. Ўзини босишга ҳарчанд уринмасин вужудини қамраган нафратни жиловлай олмасди. Талъат бошига шляпа кийиб олган,

хотиржам тамаки тутатар эди. У яқин келаёттан Мансурни кўриб ранги учуб кетди. Мансур қоронги бўлса ҳам аниқ сезди. Талъат илдам келиб қўл чўзди.

— Суюнчи беринг, Мансуржон! Индинга Тошкентта қайтамиз. Ректоратнинг буйругини олиб келдим.

Мансурнинг кўз ўнги қоронгилашиб кетгаидек бўлди.

— Торт қўлингни! — деди паст, аммо таҳдидли оҳангда.

Талъат тушунди. Анави жинқарча «акажони»га шикоят қилган. Шундай бўлса-да, талмовсираган бўлиб сўради:

— Тинчликми, Мансуржон?

— Тинчлик, — деди Мансур бир қадар осойишта алпозда. Бироқ тишлари гижирлаётгани сесилиб турарди. — Чеккароққа ўтайлик.

Талъат қўрқмади. Бунаقا «даҳанаки жанглар»ни аввал ҳам кўрган. Бир жиҳатдан Мансурнинг гапи тўгри. Бундай «муаммолар»ни эл назаридан четроқда ҳал қилгани маъқул. Ортиқча гап тарқалса, узига ёмон. Фалончи аспирант талаба қизга кўз олайтирибди, деган гап катталарга етиб борса, аспирантура билан хайрлашиши ҳам ҳеч гапмас.

Олдинма-кейин юриб бақатерак тагида тўхтадилар.

— Нега ёпишдинг? — деди Мансур гапни индалосидан бошлаб.

— Кимга?

— Менга қара! — такрорлади Мансур ҳамон ўша паст, таҳдидли алпозда. — Кечагина мактабни битирган қизга нега осилдинг?! Нима, у сенинг юзта эркак тагидан чиққан манжалақингми?

Талъат бўйин товлашга ўрин қолмаганини тушунди.

— Энди, — деди муросаомуз оҳангда. — Йигитчиликда баъзан бўп туради-да. Ўзингиз ҳам эркаксиз-ку!

— Сен эркакмисан? Бўпти, эркакчасига гаплашамиз! — Мансур кутилмаганда гижимланиб кетган эски плашининг чўнтағидан пичоқ чиқарди. Талъат бундай бўлишини кутмаган эди. Беихтиёр орқага чекинди.

— Ҳазиллашманг, укажон! — деди. Овози ингичкалашиб кетганини ўзи ҳам пайқади.

— Мен сенинг уканг эмасман! Танла биттасини! Иккаласи бир хил. Тиги ҳам, банди ҳам, — шундай деб Мансур қўлини олга чўзди. Чиндан ҳам икки қўлида иккита бир хил чуст пичоги бор эди: тиги қоронгида хира йилтираб турган пичоқлар... — Индинга Тошкентга кетадиган бўлдик, дедингми? Иккаламиздан биттамизнинг ўлигимиз кетади. Танла пичоқни! Юр, канал бўйига!

Мансур бу гапни бақириб, ҳақорат қилиб айтса, Талъат қўрқмас эди. Аммо рақибининг қўзлари ёниб турар, гап оҳангни шу қадар осойишта, қатъий эдики, Талъатнинг ичидаги бир нима узилиб кетгандек бўлди. Тинч оққан сувдан қўрқ, деганлари рост. Талъат шу топда бу йигит ҳамма нарсага тайёр эканини, ундан омон қутулиш мушкуллигини англади.

— Қўйинг энди, биродар, — деди овози титраб. — Тушунмовчилик бўлганга ўхшайди...

— Гапни кўпайтирма! Танла биттасини! — Мансур иккала пичоқни Талъатнинг қорнига тиқиб олгудек тақади. — Ол!

— Жон дўстим! — Талъат астойдил илтижо қилди. Келинг, яхшиликча гаплашайлик. Мен Гавҳарга... сиз ўйлаганчалик... Хўп, узр, деяпман-ку, биродар! Минг бора кечирим сўрайман. Бошқа такрорланмайди!

Мансур унинг кўзига тик қараганча узоқ туриб қолди.

— Нега мендан узр сўрайсан, хунаса! — деди-да, қўлидаги пичоқларни дуч келган томонга улоқтирди. Пичоқлар ариққа бориб тушди шекилли, «чўлп» этган овоз келди. — Кимга итлик қилган бўлсанг, ўшандан узр сўрайсан! Ҳозир! Тиз чўкиб!

Талъат бу «телба»дан қутулишнинг бошқа чораси йўқлигини билиб, итоаткорлик билан эргашди. Юраги пўкиллаганча пойинтар-сойинтар қадам босиб бораркан, бир нарсани ўйлаб, ич-этини ер эди. Бу «Отелло» бугун гуруҳни йигиб, анави «хонимчаси»дан узр сўратишга мажбур қилса, обрўси уч пул бўлмайдими? Талабалар олдида ким деган одам бўлади? Ахир у аспирант, салкам домла-ку!

Йўқ! Мансур уни талабалар билан рўпара қилгани йўқ. Қизлар қўнган хонадон эшигига келганда ичкари кириб Гавҳарнинг бир ўзини бошлиб чиқди.

Талъат бир чеккадаги симёғоч тагида қўрқувданми, ҳаяжонданми, овози қалтираб шоша-пиша тавбатазарру қилганида Гавҳар бир оғиз гапирмади. Юзига ҳам қарамади.

\* \* \*

Эртасига хўжалик клубида жамоа аъзолари билан ҳашарчи талабаларнинг хайрлашув кечаси бўлди. Бунақа тантанали кечалар уюштиришни декан Юнусов ўрнига қўяр, бундай тадбирлар ёш авлоднинг маънавий оламини бойитади, уларни ҳаётта яқинлаштиради, деб ҳисоблар эди.

Хўжаликнинг анча униқиб қолган залининг деворига шиор ёзилган алвонлар осилган, оппоқ куз гуллари билан безатилган саҳнада қотмадан келган

хўжалик раиси, проректор Гулом Саидович, декан Юнусов домла ўтиришарди.

Раис йигим-теримда ёрдамини аямаган талабаларга миннатдорчилик билдириди. Ўқишларига ривож, саломатлик тилади. Кейин декан гапирди. Талабалар Ватан олдидаги виждан бурчини адо этиб, фидокорона меҳнат қилгани, халқимизнинг фахри бўлмиш «оқ олтин»нинг фалон миллион тоннали хирмонга муносиб ҳисса қўшганини жўшиб баён қилгач, бу ишда алоҳида қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, кунига икки юз килодан ошириб пахта терган биринчи босқич талабаси Норбоевага сўз берди.

Ўртароқдаги қаторда Зулайҳо, Мансур, Абдухалил билан ёнма-ён ўтирган Гавҳар эсанкираб қолди. «Тагинми? Яна минбарга чақиришяптими?»

Зулайҳо унинг хаёлига келган андишани ўқиб тургандек, энсаси қотиб хитоб қилди:

— Оббо, янами?

Унинг овозини ҳеч ким эшитмади. Ҳамма баравар қарсак чалар, Гавҳар эса ўрнидан туришни ҳам, ўтираверишни ҳам билмай, талмовсираб қолганди.

— Норбоева, қаердасиз, чиқинг буёққа! — деди Юнусов микрофонда.

Гавҳар шунча одам орасида домланинг сазасини ўлдириш яхши эмаслигини англади. Оёғига тош болгандек имиллаб саҳна томон юрди. Зиналардан қандай чиқиб боргани эсида йўқ. Шуурсиз бир тарзда минбар олдига келди.

— Мана, ўша, меҳнатсевар, чаққон қизимиз! — деди декан тантановор алпозда. Гавҳар беихтиёр ҳозир ўзи чиқиб келган қаторга қаради. Мансур ҳам, Зулайҳо билан Абдухалил ҳам «омма»га қўшилиб қарсак чалмас, унга диққат билан қараб ўтиришар эди. Шунда Гавҳарнинг кўзи биринчи қаторда оёғини

чалиштириб утирган Талъатга тушди. У қандайдир нотабиий илжайиб утирас, кеча тиз чўккудек бўлиб узр сўраган одамнинг қарашлари ҳозир киборларча магур эди. Гавҳарнинг назарида «Қалайсан, ойимча, сени ҳаммага танитган, минбарларга чиқариб, институт курсисига ўтқизиб қўйган мен бўламан!» дяёётганга ўхшарди. Ҳатто «гапирсинглар энди», деб истеҳзоли бош иргаб қўйгандек ҳам бўлди.

— Уялманг, қизим, гапираверинг, — деди декан далда бериб.

— Мен... — Гавҳар ўёгига гап тополмай эсанкираб қолди. Яна «мён»... «мен»... деди-да, тўсатдан йиглаб юборди. Сўнг қалбида қандайдир жасорат пайдо бўлди-ю, неча кундан бери юрагини ўртаб келаётган гапни бор овозда айтди. — Мен кунига икки юз килодан пахта терган эмасман. Бу гап ёлгон!

Зал сув қўйгандек жим-жит бўлиб қолди. Гавҳар зиналардан гандираклагудек бўлиб тушди-ю, кўчага отилди. Анча жойга етганида орқасидан келаётган қадам товушларини эшилди. Биринчи бўлиб Мансур, кетидан Абдухалил билан Зулайҳо етиб келди. Гавҳар тўхтади. Мансурнинг кўксига бош қўйиб унсиз, ўкиниб-ўкиниб йиглаб юборди. Қизик, у йиглаган сайин ўзини енгил сезар, елкасидан босиб ётган зилдек тош қулаётганга ўхшар эди...

\* \* \*

Эртаси уни штабга чақиришди. Хўжалик идораси олдида беш-олтига автобус қаторлашиб турад, талабалар тезроқ шаҳарга кетиш учун кўрпаташагини йигишириш билан овора эди. Гавҳар уни бекорга «таклиф» қилишмаганини тушунар, кўнгли қандайдир бўм-бўш ва айни пайтда осойишта эди. Судга чақирилган айбдорга далда бериш учун яқин

кишилари эргашиб боргандек, Мансур, Зулайҳо. Абдухалил кузатиб бориши. Аммо эшик олдида қолишдан бошқа чоралари йўқ эди. Ичкарига «судланувчи»нинг бир ўзи кириши керак! Мансур унинг қўлини маҳкам қисиб далда бермоқчи эди, Гавҳар «хавотир олманг, қўрқаётганим йўқ», деган маънода жилмайган кўйи ичқари кириб кетди.

У қуёш нури тўкилиб турган йўлақдан ўтиб охирроқдаги эшикка яқин борди. Эшик икки энликча қия очиқ турар, ичкаридан декан Юнусовнинг асабийлашиб айтиётган гаплари эшитилар эди.

— Қизиқсиз, домла, нима, мен ўзим учун қилдимми, бу ишни? Яхши ишлаганларни ўрнак қилиб, бошқаларни эргашишга ундаш гуноҳми? Ҳамма жойда бор бу одат! Ҳамма жойда! «Фалончи «зангори кемаси»да фалон юз тонна пахта терди», деган гапга ишонасизми? Бир мавсумда шунча пахта терган машина сочилиб кетади. Шунча терган механизатор майиб бўлиб, касалхонага тушади! Аммо оммани кўпроқ ишлашга ундаш учун керак, бундай пропаганда! Бошқалар қилаётган ишни қилсак, биз айбор бўлдикми, энди?

— Менга қаранг, домла... — Гавҳар Гулом Сайдовичнинг йўғон овозини таниди. — Ҳеч ким сизни айблаётгани йўқ. Сиз ҳам талабани айбламанг. Ўзимиз ишонмаган нарсага ёшларни ишонтириш шунчалик зарилми? Ёшларга тўғри бўл, росттгўй бўл, деб ўзимиз ўргатамиз-ку! Барака топсин, тұгрисуз қиз экан. Феълимиизни кенгроқ қилайлик, биродар...

Гавҳар, бирор кўриб қолса, гап пойлагандек бўлмаслик учун эшикни очди.

— Мумкинми?

Гулом Сайдович тўрдаги стол ортида ўтиар, пиджагининг тутмаларини ечиб, бўйинбогини бўшатиб қўйган, кўриниши ҳоргин эди.

— Келавер, қизим, — деди самимий оқанғда.  
Декан хона ўртасида турар, асабийлашгани учун бұлса керак, юзи қизариб кеттан зди. Гавҳар ийманиб салом берди.

— Дуруст, оғзи ботир қиз экансиз, — деди декан күзойнАк ортидан чақчайиб. — Шу гапларни үзимизга айтсангиз бұлмасмиди? Хұжалик аъзолари олдидә достон қилиш шартмиди? Бир зум жим қолдида, давом этди: — Құрқманг, ҳозирча институтдан ҳайдамаймиз. Лекин одам дегани бунақа маҳмадана бұлмайди...

Гавҳар узр сұрашни ҳам, эътиroz билдиришни ҳам билмас, ростини айтганда, энди унга бари бир зди: хоҳласалар үқишда олиб қолишин. Бұлмаса, ҳайдашсин! Бари бир нимадир дейиши керак зди. У түзіб кеттан фикрини анчагача йигиб ололмай турди-да, Гулом Саидовичга юзланди:

— Домла, — деди паст овозда. — Имтихон олаёттанингизда «Ҳалол бұл, ҳалол одам йиқилмайди», дегандингиз. Мен үқишга үз кучим билан киролмадим. Бошқа йүл билан кирсам, ҳалол бұлмайди. — Қўнглининг бир бурчида үзининг ҳақ эканини ҳис қилди-ю, тетикланиб гапида давом этди.

— Бу йил бұлмаса, келаси йили албатта кираман!

Гулом Саидович деканга юзланиб жилмайди.

— Айтдим-ку, мард қиз экан деб! Балли, қизим!

\* \* \*

Тушдан кейин қатор-қатор автобуслар пахта майдонида «жавлон урган» ёшларни ортиб, турна қатор йүлга тушди. Улардан бирида, охирги ўриндиқда Абдухалил, Зулайҳо. Гавҳар ва Мансур ёнма-ён ўтиришар, талабалардан кимдир рубоб чалиб қўшиқ айтар, бирор бирор билан шангиллаб

таплашар, хуллас, ҳаммаёқ шодликка тұлған эди. Йил бүйи ҳосил бериш зақматида чарчаган ер жафокаш она каби вазмин нафас ростлаёттанга үхшар, осмонда кеч кузнинг еллигичдек юпқа, қат-қат булатлари сузид борар, шамол минг йиллардан бери бажарыб келган юмушини давом эттириб, уларни күз илгамас, олис ва гүзал манзилларга олиб қетар эди.

*Муаллиф изоҳи:  
Асарга 1966 йил 26 апрель, тонг  
соат 3 дан 30 дақиқа үтгандан  
нуқта қўйилган. Икки соатдан сўнг  
Тошкент зилзиласи рўй берган.*

# МУНДАРИЖА

## ҲИКОЯЛАР

ОҚ БУЛУТ, ОППОҚ БУЛУТ .....	3
ТАСОДИФ .....	17
УЗУН КЕЧАЛАР .....	28
ЯНГА .....	54
ЖИНТЕПА.....	63

## ХАЖВИЙ ҲИКОЯЛАР

МОДДИЙ ЁРДАМ.....	73
ЮБИЛЕЙ.....	76
ШАҲАРЛИК КҮЁВ.....	82
БЕОЗОР «ШУМЛИКЛАР».....	88
«ШПАНА» .....	88
БЕҲИ.....	90
БЕМОР ПИЁЗ.....	92
«ПУЛИМ БЎЛСА — БУЮРМАСИН!».....	94
«ПАМИЛДОРИ» ОПЕРАЦИЯСИ.....	95
«ТҮЁНА» ОПЕРАЦИЯСИ.....	96
«БИТТА КУЛДИРИНГ» .....	101
ЙЎЛИ ТОПИЛДИ.....	102
«ХИТОЙЧА» УСУЛ.....	103
«ЗИЁФАТ» ОПЕРАЦИЯСИ.....	105
«ҲОЖАТБАРОРЛИК».....	109
ЎЗБЕКНИНГ СОДДАСИ .....	111

## ҚИССА

ШАМОЛ ЭСАВЕРАДИ .....	124
-----------------------	-----

УҮК: 821.512.133-3

КБК 84 (5У)6

Х-71

**Хошимов, Үткір**

**Х-71** Оқ булат, оппоқ булат: ҳикоялар, ҳажвий ҳикоялар, қисса / Ү. Ҳошимов. — Т.: «DAVR PRESS» НМУ, 2014. — 224 6.

ISBN 978-9943-4443-7-9

УҮК: 821.512.133-3

КБК 84 (5У)6

*Адабий-бадиий нашр*

Үткір ҲОШИМОВ

**ОҚ БУЛУТ, ОППОҚ БУЛУТ**

Ҳикоялар, ҳажвий ҳикоялар, қисса

(Қайта нашр)

Бош мұхаррир Асрор Мұмін

Масъул мұхаррир Хосият Ражабова

Мусаҳхиҳ Лола Шаимова

Дизайнер Жаҳонгир Абдужалилов

Саҳифаловчи Азиза Ойназарова

Нашриёт лицензия рақами AI-№ 213

2014 йил 28 ноябрда босишига рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32 «Baltica APP» гарнитураси.

Шартли босма табоги 11,76.

Нашриёт ҳисоб табоги 8,19. Адади 2000 нұсха.

973-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа  
үйіда тайёрланды.

"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа булимида  
оффсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-үй.

Тел: + (99871) 120-1299;

Маркетинг булими: + (99871) 120-1233; 120-1202.

Web: [www.davtpress.uz](http://www.davtpress.uz)

E-mail: [davt-press@mail.ru](mailto:davt-press@mail.ru)